- 5.4 Банк-мижоз дастури бўйича мижознинг иш тартиби.

Қўлланиладиган педагогик технологиялар: Жамоада ишлаш, балиқ скилети, кейс стади.

5-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар

1. Астанов Х.З. Пул-кредит орқали мувофиқлаштириш. Ўқув қўлланма.- Т.: “Иқтисодиёт”. 2015 й. 121 б.
2. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Дарслик, II наشري. А.Омонов, Т. Қоралиев, ТМИ, -Т.: “Иқтисод-Молия”, 2014. 241 б.
3. Наврўзова К., Н.Ғ.Каримов. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. - Т.: Молия, 2012. -320 бет.
4. Наврузова К.Н.,Ортиков О.А. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизими – Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2014 й.

5. Тоймухамедов И., Умаров З., Хусаинов Ғ. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизими. Ўқув қўлланма. LESSON PRESS, 2018. – 435 бет.

6-мавзу. “Интернет-Банкинг” электрон тўловлар тизими (6 соат)

6.1 “Интернет-Банкинг” электрон тўловлар тизимининг мазмуни ва аҳамияти.

6.2 “Интернет-Банкинг” тизимининг банклар фаолиятида тутган ўрни.

6.3 “Интернет-Банкинг” тизимининг Ўзбекистон Республикаси банкларида қўлланилиши.

6.4 “Интернет-Банкинг” тизимининг Ўзбекистонда ривожлантириш истиқболлари.

Қўлланиладиган педагогик технологиялар: диалогик ёндашув, муаммоли таълим, бинго, блиц-сўров, мунозара, ўз-ўзини назорат.

6-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар

1. Астанов Х.З. Пул-кредит орқали мувофиқлаштириш. Ўқув қўлланма.- Т.: “Иқтисодиёт”. 2015 й. 121 б.

2. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Дарслик, II нашри. А.Омонов, Т. Қоралиев, ТМИ, -Т.: “Иқтисод-Молия”, 2014. 241 б.

3. Наврўзова К., Н.Ғ.Каримов. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. - Т.: Молия, 2012. -320 бет.

4. Наврузова К.Н.,Ортиков О.А. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизими – Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2014 й.

5. Тоймухамедов И., Умаров З., Хусаинов Ғ. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизими. Ўқув қўлланма. LESSON PRESS, 2018. – 435 бет.

6. Introduction to banking. Barbara Casu Claudia Girardone Philip Molyneux. Pearson Education Limited. First published 2006.

7-мавзу. Янги банк технологиялари (6 соат).

7.1 Электрон банк тизимининг мазмуни ва унинг таркибий қисмлари.

7.2 “СМС-банкнинг тизимининг мазмуни ва унинг амалиётда ишлатилиши

7.3 “MailBank” электрон тўловлари кичик тизимининг хусусиятлари.

7.4 Жахон амалиётидаги банк технологиялари, уларнинг Ўзбекистон Республикасида қўлланилиши ва унинг истиқболлари

Қўлланиладиган педагогик технологиялар: диалогик ёндашув, муаммоли таълим, Т-схемаси, блиц-сўров, мунозара, ўз-ўзини назорат.

7-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар

1. Астанов Х.З. Пул-кредит орқали мувофиқлаштириш. Ўқув қўлланма.- Т.: “Иқтисодиёт”. 2015 й. 121 б.

2. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Дарслик, II нашри. А.Омонов, Т. Қоралиев, ТМИ, -Т.: “Иқтисод-Молия”, 2014. 241 б.

3. Қоралиев Т.М., Абдуллаев Ё.А. “Банк иши” ўқув қўлланма. – Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2009. – 580

4. Наврузова К.Н.,Ортиков О.А. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизими – Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2014 й.

5. Тоймухамедов И., Умаров З., Хусаинов Ғ. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизими. Ўқув қўлланма. LESSON PRESS, 2018. – 435 бет.

6. International Banking and Liquidity Risk Transmission: Evidence from Germany. Cornelia Kerl, Cathérine Koch.

7. Introduction to banking. Barbara Casu Claudia Girardone Philip Molyneux. Pearson Education Limited. First published 2006.

8-мавзу. SWIFT халқаро тўлов тизими (4 соат)

8.1 SWIFT халқаро тўлов тизимининг мазмуни ва унинг ташкил этилиши.

8.2 SWIFT тўлов тизимига аъзо бўлиш босқичлари.

8.3 SWIFT халқаро тўлов тизимининг ишлаш тамойиллари.

8.4 SWIFT тўлов тизими орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби.

Қўлланиладиган педагогик технологиялар: диалогик ёндашув, муаммоли таълим, Т-схемаси, блиц-сўров, мунозара, ўз-ўзини назорат.

8-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар

1. Астанов Х.З. Пул-кредит орқали мувофиқлаштириш. Ўқув қўлланма.- Т.: “Иқтисодиёт”. 2015 й. 121 б.

2. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Дарслик, II нашри. А.Омонов, Т. Қоралиев, ТМИ, -Т.: “Иқтисод-Молия”, 2014. 241 б.

3. Наврузова К.Н.,Ортиков О.А. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизими – Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2014 й.

4. Тоймухамедов И., Умаров З., Хусаинов Ғ. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизими. Ўқув қўлланма. LESSON PRESS, 2018. – 435 бет.

5. International Banking and Liquidity Risk Transmission: Evidence from Germany. Cornelia Kerl, Cathérine Koch.

6. Уэрта де Сото Хесус. Деньги, банковский кредит и экономические циклы. Пер. с англ. – Челябинск: Социум, 2008. – 663 с.

9-мавзу. Пул ўтказиш тизимлари (4 соат)

9.1 Пул ўтказиш тизимлари ва уларнинг турлари.

9.2 WESTERN UNION пул ўтказмаси, унинг афзалликлари ва шартлари.

9.3 MONIGRAM тизими орқали нақд пул ўтказиш тартиби.

9.4 ANELIK пул ўтказиш тизими орқали нақд пул ўтказиш тартиби.

9.5 “Contact”- пул ўтказмаси бўйича банк хизматлари.

9.6 “Золотая Корона” пул ўтказмаси.

9.7 Халқаро пул ўтказмаларини ўтказишда банк назорати

Қўлланиладиган педагогик технологиялар: Жамоада ишлаш, кейс стади.

9-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар

1. Астанов Х.З. Пул-кредит орқали мувофиқлаштириш. Ўқув қўлланма.- Т.: “Иқтисодиёт”. 2015 й. 121 б.

2. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Дарслик, II наشري. А.Омонов, Т. Қоралиев, ТМИ, -Т.: “Иқтисод-Молия”, 2014. 241 б.
3. Наврўзова К., Н.Ғ.Каримов. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. - Т.: Молия, 2012. -320 бет.
4. Наврузова К.Н.,Ортиков О.А. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизими – Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2014 й.
5. Тоймухамедов И., Умаров З., Хусаинов Ғ. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизими. Ўқув қўлланма. LESSON PRESS, 2018. – 435 бет.
6. Banking regulation. Its Purposes, Implementation and Effects. Fifth Edition. Kenneth Spong Division of Supervision and Risk Management. Federal Reserve Bank of Kansas City. 2000.
7. Gali, Jordi. Monetary Policy, Inflation, and the Business Cycle: An Introduction to the New Keynesian. Framework. Princeton, NJ: Princeton University Press, 2008.
8. Уэрта де Сото Хесус. Деньги, банковский кредит и экономические циклы. Пер. с англ. – Челябинск: Социум, 2008. – 663 с.

10-мавзу. Банк хавфсизлигининг мақсади ва вазифалари (4 соат)

- 10.1 Банк хавфсизлигининг мазмуни ва унинг мақсади
- 10.2 Банк хавфсизлигининг вазифалари
- 10.3 Банк хавфсизлигини таъминлашда ҳимоя этилиши зарур бўлган объектлар
- 10.4 Банк фаолиятида содир бўладиган ноқонуний операциялар олдини олиш чора-тадбирлари

Қўлланиладиган педагогик технологиялар: диалогик ёндашув, муаммоли таълим, бинго, блиц-сўров, мунозара, ўз-ўзини назорат.

10-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар

1. Астанов Х.З. Пул-кредит орқали мувофиқлаштириш. Ўқув қўлланма.- Т.: “Иқтисодиёт”. 2015 й. 121 б.
2. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Дарслик, II наشري. А.Омонов, Т. Қоралиев, ТМИ, -Т.: “Иқтисод-Молия”, 2014. 241 б.
3. Наврузова К.Н.,Ортиков О.А. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизими – Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2014 й.
4. Тоймухамедов И., Умаров З., Хусаинов Ғ. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизими. Ўқув қўлланма. LESSON PRESS, 2018. – 435 бет.
5. International Banking and Liquidity Risk Transmission: Evidence from Germany. Cornelia Kerl, Cathérine Koch.
6. Introduction to banking. Barbara Casu Claudia Girardone Philip Molyneux. Pearson Education Limited. First published 2006.

11-мавзу. Банк хавфсизлигига таъсир қилувчи хатар шакллари (4 соат)

- 11.1 Банк хавфсизлигига таъсир қилувчи хавф- хатар турлари
- 11.2 Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ўтказишдаги фирибгарлик ва уни огоҳлантириш
- 11.3 Кредитлаш иши билан боғлиқ ноқонуний операциялар ва уларни олдини олиш чоралари

11.4 Касса ва валюта операциялари билан боғлиқ ноқонуний операциялар ва уларни олдини олиш чоралари

11.5 Қўриқланётган банк ҳақидаги ахборотни ноқонуний олиш ва ишлатиш йўллари

Қўлланиладиган педагогик технологиялар: диалогик ёндашув, муаммоли таълим, бинго, блиц-сўров, мунозара, ўз-ўзини назорат.

11-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар

1. Banking regulation. Its Purposes, Implementation and Effects. Fifth Edition. Kenneth Spong Division of Supervision and Risk Management. Federal Reserve Bank of Kansas City. 2000.

2. International Banking and Liquidity Risk Transmission: Evidence from Germany. Cornelia Kerl, Cathérine Koch.

3. Астанов Х.З. Пул-кредит орқали мувофиқлаштириш. Ўқув қўлланма.- Т.: “Иқтисодиёт”. 2015 й. 121 б.

4. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Дарслик, II нашри. А.Омонов, Т. Қоралиев, ТМИ, -Т.: “Иқтисод-Молия”, 2014. 241 б.

5. Наврузова К.Н.,Ортиков О.А. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизими – Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2014 й.

6. Тоймухамедов И., Умаров З., Хусаинов Ғ. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизими. Ўқув қўлланма. LESSON PRESS, 2018. – 435 бет.

12-мавзу. Банк хавфсизлиги объектлари (4 соат)

12.1 Банк ходимлари - хавфсизлик объекти сифатида

12.2 Банк хавфсизлигининг объекти сифатида молиявий ва моддий маблағлар

12.3 Конфиденциал характерга эга бўлган ҳужжатлар билан ишлашда банк хавфсизлигини таъминлаш

12.4 Банк сири. Тижорат сири. Аудитор сири

Қўлланиладиган педагогик технологиялар: Эксперт баҳолаш, Дельфи, Нилуфар гули.

12-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар

1. Астанов Х.З. Пул-кредит орқали мувофиқлаштириш. Ўқув қўлланма.- Т.: “Иқтисодиёт”. 2015 й. 121 б.

2. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Дарслик, II нашри. А.Омонов, Т. Қоралиев, ТМИ, -Т.: “Иқтисод-Молия”, 2014. 241 б.

3. Наврўзова К., Н.Ғ.Каримов. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. - Т.: Молия, 2012. -320 бет.

4. Наврузова К.Н.,Ортиков О.А. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизими – Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2014 й.

5. Тоймухамедов И., Умаров З., Хусаинов Ғ. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизими. Ўқув қўлланма. LESSON PRESS, 2018. – 435 бет.

6. Gali, Jordi. Monetary Policy, Inflation, and the Business Cycle: An Introduction to the New Keynesian. Framework. Princeton, NJ: Princeton University Press, 2008.

7. Journal of Economic Behavior & Organization Vol. 61 (2006) 525–542 Systemic risk on the interbank market Giulia Ioria,*, Saqib Jafareya, Francisco G. Padillab

13-мавзу. Банк хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари (2 соат)

13.1 “Банк сири” тўғрисидаги қонуннинг мазмуни ва банк хавфсизлигини таъминлашдаги аҳамияти

13.2 Банк сирини таъминловчи бошқа ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар

13.3 “Банк хавфсизлиги тизими тўғрисидаги” Тартиб ва унинг мазмуни

13.4 “Банк хавфсизлиги Кенгаши тўғрисидаги” Тартибнинг мазмуни ва унинг амалиётда қўлланилиши

Қўлланиладиган педагогик технологиялар: Жамоада ишлаш, балиқ скилети.

13-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар

1. Астанов Х.З. Пул-кредит орқали мувофиқлаштириш. Ўқув қўлланма.- Т.: “Иқтисодиёт”. 2015 й. 121 б.

2. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Дарслик, II нашри. А.Омонов, Т. Қоралиев, ТМИ, -Т.: “Иқтисод-Молия”, 2014. 241 б.

3. Қоралиев Т.М., Абдуллаев Ё.А. “Банк иши” ўқув қўлланма. – Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2009. – 580

4. Наврўзова К., Н.Ғ.Каримов. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. - Т.: Молия, 2012. -320 бет.

5. Наврузова К.Н.,Ортиков О.А. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизими – Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2014 й.

6. Тоймухамедов И., Умаров З., Хусаинов Ғ. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизими. Ўқув қўлланма. LESSON PRESS, 2018. – 435 бет.

7. International Banking and Liquidity Risk Transmission: Evidence from Germany. Cornelia Kerl, Cathérine Koch.

8. Risk Management in Banking. Alina Mihaela Dima, Ivona Orzea. AcademyPublish.org – Risk Assessment and Management.

14-мавзу. Банк сирини ҳимоялашни ташкил этиш(4 соат)

14.1. Банк сирини ташкил қилувчи маълумотлар.

14.2. Банк сирини ташкил қилувчи маълумотларни ноқонуний олиш усуллари.

14.3. Банкнинг компьютер соҳаси билан боғлиқ маълумотларни олишга уринишда жиноий ҳаракатнинг ўзига хос томонлари.

Қўлланиладиган педагогик технологиялар: Жамоада ишлаш, балиқ скилети, кейс стади.

14-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар

1. Астанов Х.З. Пул-кредит орқали мувофиқлаштириш. Ўқув қўлланма.- Т.: “Иқтисодиёт”. 2015 й. 121 б.

2. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Дарслик, II нашри. А.Омонов, Т. Қоралиев, ТМИ, -Т.: “Иқтисод-Молия”, 2014. 241 б.

3. Наврўзова К., Н.Ғ.Каримов. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. - Т.:

Молия, 2012. -320 бет.

4. Наврузова К.Н.,Ортиков О.А. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизими – Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2014 й.

5. Тоймухамедов И., Умаров З., Хусаинов Ғ. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизими. Ўқув қўлланма. LESSON PRESS, 2018. – 435 бет.

6. Introduction to banking. Barbara Casu Claudia Girardone Philip Molyneux. Pearson Education Limited. First published 2006.

7. Journal of Economic Behavior & Organization Vol. 61 (2006) 525–542 Systemic risk on the interbank market Giulia Ioria,*, Saqib Jafareya, Francisco G. Padillab

15-мавзу. Банк хавфсизлигини ҳимоялашни ташкил этиш (6 соат)

15.1 Банк хавфсизлигини ташкилий жиҳатдан таъминлаш усуллари

15.2 Банклар хавфсизлик хизмати

15.3 Банк хавфсизлигини муҳандис-техник воситалар ёрдамида таъминлаш

15.4 Банк хавфсизлигини инфорацион-аналитик усуллар билан таъминлаш

Қўлланиладиган педагогик технологиялар: *диалогик ёндашув, муаммоли таълим, бинго, блиц-сўров, мунозара, ўз-ўзини назорат.*

15-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар

1. Астанов Х.З. Пул-кредит орқали мувофиқлаштириш. Ўқув қўлланма.- Т.: “Иқтисодиёт”. 2015 й. 121 б.

2. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Дарслик, II нашри. А.Омонов, Т. Қоралиев, ТМИ, -Т.: “Иқтисод-Молия”, 2014. 241 б.

3. Наврўзова К., Н.Ғ.Каримов. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. - Т.: Молия, 2012. -320 бет.

4. Наврузова К.Н.,Ортиков О.А. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизими – Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2014 й.

5. Тоймухамедов И., Умаров З., Хусаинов Ғ. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизими. Ўқув қўлланма. LESSON PRESS, 2018. – 435 бет.

6. Risk Management in Banking. Alina Mihaela Dima, Ivona Orzea. AcademyPublish.org – Risk Assessment and Management.

7. Белоглазова Г.Н., Кроливецкая Л.М. Банковское дело. Учебник. “Юрайт-Издат” 2012 - 422 с.

МАВЗУЛАР БЎЙИЧА МАТН АННОТАЦИЯСИ ВА ОХИРГИ ЯНГИЛИКЛАР

1. Мавзулар бўйича матн аннотацияси ва охири янгиликлар

1-МАВЗУ. “ТЎЛОВ ТИЗИМИ ВА УНИНГ СТРУКТУРАСИ

Режа

- 1.1 Тўлов тизими ва унинг элементлари.
- 1.2 Макро ва микродаражадаги тўлов тизими.
- 1.3 Республика тўлов тизими ва уни ташкил этилиши
- 1.4 Тижорат банкларининг тўлов тизимлари.

Таянч иборалар

Банк тизими, тўлов тизими элементлари, тўловларни ўтказиш тартиби, механизм, Марказий банк, тижорат банки, тўлов тизими, хавфсизликни таъминлаш, макродаражадаги тўлов тизими, чакана тўлов тизими. ҳисоб-китоб, техник стандартлар, тўлов суммаси, тўлов воситаси.

1.1.Тўлов тизими ва унинг элементлари.

Республикада банк тизими ва унинг фаолияти жаҳон андозаларига тобора яқинлашиб бормоқда. Банк тизимини эркинлаштириш ва эркин рақобат шароитига мослаштириш кўзда тутилган бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва уни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги» Фармони чиқарилиб, унда «Молия-банк тизимини ислоҳ қилиш сиёсатини такомиллаштириш, унинг кўпроқ аниқ-ойдинлигини таъминлаш, иқтисодиётда тўловлар ва ҳисоб-китоблар механизмни мустаҳкамлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши» лозимлиги белгилаб берилган эди. Бу вазифанинг бажарилиши айнан тўлов тизими билан боғлиқдир. Шунинг учун, аввало, тўлов тизими тушунчасини кўриб чиқамиз.

Иқтисодиётда турли мулкчилик шаклларига тегишли бўлган компания ва фирмалар фаолият кўрсатиб, улар доимо бир-бири билан узвий боғлиқдир. Чунки корхона ва ташкилотлар бир-бирлари билан олди-сотти муносабатларини ўрнатадилар, бу муносабатлар ўзаро ҳисоб-китоблар орқали ҳал қилинади. Бу ҳисоб-китобларни ўтказиш учун маълум бир тизим мавжуд бўлиши лозим. Агар ўзаро ҳисоб-китоб қилаётган фирмага битта банк хизмат кўрсатса, тўловлар жуда тез ва содда схемада ўтказилади, яъни ҳисоб-китоблар бир банкнинг ичида бажарилиб, бир корхона ҳисобварағидан иккинчи корхона ҳисобварағига маълум бир суммани ўтказиш орқали бажарилади. Агар ҳисоб-китоб қилаётган фирмалар турли банк хизматидан фойдалансалар, у ҳолда, тўловни бир банкдан иккинчи банкка ўтказиш учун маълум бир тўлов тизимидан фойдаланишга тўғри келади. Бу тўлов тизими арзон, қулай шу билан бирга хавфсиз ҳам бўлиши лозим. Агар тўлов тизими ривожланган бўлса, ундан фойдаланиш суръати ҳам ошиб боради.

Тўлов тизимлари турли шаклларда ташкил этилади, лекин уларнинг мақсади доимо битта, яъни аҳолига ва хўжалик субъектларига ўз пул маблағларини бир банкдаги ҳисобварақдан бошқа банк ҳисобварағига тез ўтказиб беришни таъминлашдир. Тўловчи ва тўловни олувчи учун, муқобил йўл бўлиб нақд пул орқали ҳисоб-китоб қилиш, ёки бартер бўлиши мумкин. Лекин бундай ҳисоб-китоблар кўп ҳолларда чекланган бўлади.

Тўлов тизимидан банклар ҳам фойдаланадилар. Банклар тўлов тизимидан ўз фаолиятлари билан боғлиқ операциялар бўйича пул ўтказишда, шу билан бирга мижозларнинг операциялари бўйича пул ўтказишда фойдаланадилар.

Қандай шаклда фойдаланишдан қатъий назар тўлов тизими ўз ичига 4 босқични олади.

1-босқич - тўловнинг бошланиши, яъни тўловчи ўз банкига пулни ўтказиб бериш тўғрисида топшириқ беради.

2-босқич - тўлов тизимининг иштирокчи банклари ўртасида тўлов ҳужжатларининг алмашиши, кўпинча бу операция клиринг деб юритилади.

3-босқич - тўлов тизимининг иштирокчи банклари ўртасида ҳисоб-китоб ўтказиш, яъни тўловчи банки пул ўтказиб бериши лозим. Бундан ташқари, банклар учинчи иштирокчи орқали, унда ўз ҳисобварақларини очиш орқали ҳисоб-китоб қилишлари мумкин. Бу ҳолда кўпинча учинчи томон ролини Марказий банк бажаради.

4-босқич – тўловларни қабул билан боғлиқ операцияларни якунлаш.

Тўлов тизими турли олимлар томонидан турлича талқин қилинади. Масалан, Брюс Саммерснинг фикрича, иқтисодий фаолиятни ташкил этиш натижасида пайдо бўлган мажбуриятларни ушлаб туриш учун пулли тўловларни ўтказишда ишлатиладиган маблағлар йиғиндисига тўлов тизими дейилади.

Бу талқинда асосий ўрин маблағларга берилаяпти, бунинг учун нақд ҳамда нақдсиз пуллардан фойдаланилади. Юқоридаги талқиндан яна шундай хулосага келиш мумкинки, тўлов тизими мажбуриятларни ушлаб туриш имкониятини беради. Нақдсиз пуллардан фойдаланиладиган тўлов тизимида маълум бир тўлов воситалари ишлатилади, яъни маблағларни ўтказиш учун қоғоз ҳужжатлар, ёки электрон ҳужжатлар ишлатилади. Жаҳон банки мутахассисларидан яна бири О.Маргарет тўлов тизимига қуйидагича таъриф берган. «Тўлов тизими бу - пул маблағларини ўтказиш механизмидир». Тўлов тизимига яна бир таъриф Россиянинг иқтисодчиси М.П. Берёзина томонидан берилган бўлиб, унга кўра «мамлакатнинг тўлов тизими - бу иқтисодий фаолият натижасида юзага келувчи қарз мажбуриятларининг бажарилишини таъминловчи, қонуний бошқарилувчи элементлар йиғиндиси». Бу таъриф мазмунан Брюс Саммерс таърифига яқинроқ эканлигини кўриш мумкин, яъни бу икки таърифда «... юзага келган мажбуриятлар...» деган тушунча ишлатилган. Демак, бу таърифларда товар ва хизматлар қийматини тўлаш билан боғлиқ бўлган мажбуриятлар, шу билан бирга молиявий мажбуриятлар ҳам кўзда тутилган. Молиявий мажбуриятлар давлат бюджети олдидаги юридик ва жисмоний шахсларнинг мажбуриятлари деб қарайдиган бўлсак, унда барча нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, жумладан, банкларнинг давлат бюджетини кассавий ижро этиш операцияларининг бажарилишини тўлов тизими орқали амалга оширилишини кўришимиз мумкин.

Бир қатор таърифларни кўриб, улар тўғрисида мушоҳада юритиш натижасида тўлов тизимига умумий қилиб қуйидаги таърифни берамиз: «Тўлов тизими - иқтисодий фаолият натижасида юзага келадиган мажбуриятлар бўйича субъектлар ўртасида пул маблағларининг қонун-қоидалар асосида ҳаракатланишини таъминловчи дастур, ёки механизмдир».

Бизнинг фикримизча, бу механизмни ҳаракатга келтириш учун иштирокчилар, механизм олдида қўйилган ҳуқуқий талаблар, тўлов воситалари ёки қуроллари керак бўлади.

1.2. Макро ва микродаражадаги тўлов тизими.

Тўлов тизимини биз иккита ката гуруҳга булишимиз мумкин:

1. Макродаражадаги тўлов тизими;
2. Микродаражадаги тўлов тизими.

Бутун дунё микёсида оладиган булсак макродаражадаги тўлов тизимига мисол тарикасида биз бутун дунё тўлов тизимини ва микродаражадаги тўлов тизимига эса бир мамлакатнинг тўлов тизимини келтиришимиз мумкин.

Бир мамлакат микёсида микродаражадаги тўлов тизимига эса бир мамлакатнинг тўлов тизими макродаражадаги тўлов тизими ва мамлакат ичидаги ички тўлов тизимини мисол келтиришимиз мумкин. Микродаражада тўлов тизими бир банк ва банклар уртасидаги узаро тўловлар тизимини мисол тарикасида олишимиз мумкин.

Тўлов тизимининг иштирокчилари жисмоний шахслар, юридик шахслар, ҳукумат, банклар ва бошқа молиявий институтлар бўлиши мумкин.

Жисмоний шахслар тўлов тизимини бошқариб турувчи Марказий банк билан бевосита алоқада бўлмасаларда улар тўлов тизимида қатнашадилар. Бу қатнашув билвосита бўлади, яъни юридик ва жисмоний шахслар ўзларига хизмат кўрсатувчи банкка ўз ҳисобварақаларидаги пул маблағларини бошқа банкка ўтказиб бериш бўйича топшириқ берадилар. Бу топшириқни бажариш учун тижорат банклари тўлов тизимига боғланади. Агар ушбу иштирокчилар бўлмаганда эди, тижорат банкларининг ўзи тўлов тизимининг тўлақонли иштирокчилари бўлиши мумкин эмас эди.

Шу билан биргаликда ҳукумат ҳамда, турли молиявий институтлар ҳам тўлов тизимида қатнашадилар. Бу қатнашув тижорат банклари орқали ҳам бўлади. Чунки уларнинг ҳисобварақаларини тижорат банклари юритадилар.

Демак, ҳозирги кунда республикаимиз тўлов тизимининг асосий ва бевосита иштирокчилари тижорат банкларидир. Бу ҳақда батафсил қуйироқда тўхталиб ўтамиз.

Тўлов тизимига механизм сифатида қараб, унинг олдида қўйилган бир қатор талабларни кўриб чиқамиз.

Биринчидан, тўловчи ва пул олувчиларнинг ҳуқуқлари аниқ белгиланган бўлиши керак;

Иккинчидан, пул маблағларининг ўтказилиши ҳуқуқий томондан белгиланган бўлиши лозим, яъни қонун билан мустаҳкамланган тартиблар амалиётга тўла тадбиқ этилиши лозим;

Учинчидан, кўпчилик томонидан қабул қилинган бўлиши керак;

Тўртинчидан, кам харажатли бўлиши, таннарх ҳисобга олиниши лозим;

Бешинчидан, йўқотишлар ва қонунбузарликларнинг олдини олиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Агар юқоридаги санаб чиқилган талабларга жавоб берса, бундай тўлов тизими муваффақиятли фаолият кўрсатиши мумкин.

Тўлов тизимини механизм сифатида қараганимизда унинг яна бир ҳаракатга келтирувчи элементи сифатида тўлов воситаси ёки тўлов қуролларини кўришимиз мумкин. Тўловни ўтказишни бошлаш айнан, тўлов воситаларини танлашдан бошланади.

Тўлов воситаларига кредит инструментлари сифатида тўлов талабномаси, тўлов топшириқномаси, инкассо топшириқномаси, аккредитив очиш учун ариза, дебет инструментлари сифатида эса чекларни киритиш мумкин. Ҳозирги кунда магнит, пластик карточкалар ҳам тўлов воситалари сифатида кенг ишлатилмоқда.

Кўпгина чет давлатларда тўлов инструментларини танлашдан аввал бир қатор саволлар ўйлаб кўрилади. Ҳар бир конкрет операция бўйича алоҳида саволлар ечими топилади.

Масалан:

1. Бу операция шу ернинг ўзида (дўкон, супермаркет) бажариладими ёки операцияни якунлаш учун маълум вақт керак бўладими?
2. Тўлов суммасининг миқдори катта ёки кичикми?
3. Тўлов маҳаллийми, шаҳарлараро ёки халқароми?
4. Бу операция доимийми (1 ой, квартал, йил) ёки бир марталикми?
5. Бу операция муддатлими? Шу куни якунланадими ёки бир неча кундан сўнгми?
6. Ҳар бир конкрет тўлов инструментининг таннархи қандай?
7. Тўлов кафолати қандай?

Бундай саволларни ҳар бир конкрет операция бўйича иштирокчилар ўйлаб, вазиятни таҳлил қилиб ўзларига қулай бўлган вариантни, қулай бўлган тўлов инструментини танлайдилар. Бу эса шартномада мустаҳкамлаб қўйилган.

Кўп йиллар давомида тўлов тизимининг иши Марказий банкнинг актив қизиқиш соҳасига кирмас эди. Унга «кўзга кўринмас» фаолият тури сифатида қаралиб, банк сиёсатининг асосий масалаларига тегишли эмасдек бўлиб ҳисобланарди. Ҳозирги кунда бундай эътибор тубдан ўзгарди. Охириги 15-20 йил ичида кўп давлатлар, асосан бозор иқтисоди ривожланган давлатлар иқтисодиётида қўйидаги ҳолатларни кузатиш мумкин:

Биринчидан, банк ўтказмаларининг сони ва ўтказилаётган маблағларнинг ҳажми ортиб бориши натижасида тўлов тизими оборотининг бекиёс даражада ўсиши. Бу эса, биринчи навбатда бутун дунёда моливий бозор активлигининг ўсишига ва тўловларнинг тезлашувига ёрдам берди.

Иккинчидан, тўлов тизими ичида пул маблағларининг бир жойдан иккинчи жойга тез ўтишини таъминловчи техника ва технология тизимидаги катта муваффақиятларнинг қўлга киритилиши. Тўлов тизимидаги янги технологияларнинг яратилиши ва уларнинг амалиётга тадбиқ этилиши тўловларнинг бир неча дақиқада бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга ўтказиб бериши учун шароит яратди.

Бу эса, ҳозирги тўлов тизимининг бозор иқтисодиётини ривожлантиришдаги ролининг бекиёс эканлигини кўрсатади. Умумий қилиб айтганда, тўлов тизими иқтисодиёт молиявий инфратузилмасининг ҳаётий муҳим элементи, иқтисодиёт самарадорлигига таъсир этувчи омил бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга пул-кредит сиёсати орқали иқтисодиётни самарали бошқаришни таъминловчи зарурий восита бўлиб ҳисобланади.

Тўлов тизимининг иқтисодиётда тутган ўрни Марказий банк фаолияти билан чамбарчас боғлиқ, чунки, Марказий банкнинг асосий мақсади мамлакатда пул-кредит ва молиявий барқарорликни таъминлашдан иборат.

1.3. Республика тўлов тизими ва унинг ташкил этилиши

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгунга қадар тўлов тизими асосан қоғоз кўринишидаги почта ҳисоб-китобларни амалга ошириб берадиган тизим эди. 1990 йилларгача собиқ Иттифоқ иқтисодиёти «Банклараро ҳисоб-китоблар» термини ишлатилмас эди. Банклараро ҳисоб-китоблар давлат банкида очилган марказлашган

тартибдаги вакиллик ҳисобварағи орқали олиб борилган. Банк муассасалари ўз филиаллари билан 1933 йилда киритилган МФО (филиаллараро оборотлар) бўйича ички ҳисоб-китобларни олиб борганлар. Шунга мувофиқ банк ходимларининг асосий эътибори филиаллараро ҳисоб-китобларга қаратилган эди. Бундай ҳисоб-китоблар бўйича тўловларни амалга ошириш учун банкнинг маблағи бўлмаса ҳам чекланишлар йўқ эди. Филиаллараро ҳисоб-китоблар йил охирида марказда яқунланарди. Йил давомида эса филиаллараро оборотлар юритиладиган ҳисобварақлар орқали пул ўтказиш операциялари почта ёки телеграф авизолари орқали амалга оширилиб эди. Кредит ресурслари марказдан ҳисобга олиниб, режалаштириб бориларди.

1991 йилдан бошлаб бу камчиликларни тугатиш мақсадида Ўзбекистонда банклараро ҳисоб-китобларга ўзгаришлар киритила бошланди. Бу даврда Ўзбекистоннинг бошқа республикалар билан амалга оширилаётган ҳисоб-китоблари қалбаки авизолар ҳисобига бузилди ва тўлов тизими издан чиқди.

Мавжуд тизим талабга жавоб бермай қолгани боис, Республика Марказий банки янги электрон тўловлар концепциясини ишлаб чиқди. Ушбу концепцияга биноан электрон ҳужжатлар кўринишида ишлаб чиқилган тўлов тизими талаб ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич амалга оширилиши лозим эди ва бу вазифа кўзлангандек бажарилди. Ҳозирги вақтда яратилган электрон тўлов тизимига мувофиқ, тўлов ҳужжатларини республика миқёсида 15-20 дақиқада, вилоят ичида 3-5 дақиқада амалга оширилаётган бўлди.

Марказий банк маълумотларига қараганда, янги тизим кунига 60 миллиард сўмлик 60 мингта ҳужжат айланиш имконини беради. Бу тўлов тизими бундан беш баробар ҳажмдаги операцияларни амалга оширишга қурби етади.

Лекин бундай муваффақиятга етгунга қадар миллий тўлов тизими бир неча босқични босиб ўтди.

Биринчи босқич 1991-1994 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда тўлов тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида ижобий ишлар амалга оширилди. Хусусан 1991-92 йилларда Марказий банкнинг Бош ахборотлаштириш Марказида банклараро ҳисоб-китобларда электрон почта усулини яратиш устида ишланди. Шунингдек банк операцион иш кунини компьютер воситасида бажаришнинг амалий дастурини яратиш ва уларни банкларда тадбиқ этиш бўйича иш олиб борилди. 1993 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун ижросини таъминлаш мақсадида Марказий банкда ва унинг ҳудудий бошқармалари ва бўлимлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси банклараро тўловлар тизимини такомиллаштириш мақсадида Жаҳон банки томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан самарали фойдаланиш мақсадида халқаро танлов-тендер эълон қилинди.

1995 йил апрел ойидан бошлаб тўлов тизимини такомиллаштиришнинг иккинчи босқичи бошланди. Бу босқич 1998 йилгача давом этди. Ушбу босқичда тўлов тизими ўз олдида қўйган вазифани удалади дейиш мумкин. Агар 1996 йилда ҳисоб-китоблар республика ичида 1 кунда, вилоят ичида 1 соатда яқунланган бўлса, бу вақт борган сари қисқариб борди. 1997-98 йиллардан бошлаб ҳудудлараро тўловларнинг ўтиши 15-20 дақиқани, ҳудуд ичидаги тўловларнинг ўтиши 3-5 дақиқани ташкил қилишига эришилди.

1998 йилдан бошлаб 2001 йилгача миллий тўлов тизимини такомиллаштиришнинг III босқичи амалга оширилди. 2002 йилдан республика тўлов тизимини такомиллаштиришнинг IV босқичи бошланди. Бу даврда тўлов тизимини

такомиллаштириш ва бошқарув учун ахборот тизимини яратиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

1.4. Тижорат банкларининг тўлов тизимлари.

Тўловларни реал вақтда ўтишини таъминлаш ва тижорат банкларига ягона вакиллик ҳисобварағи орқали хизмат кўрсатиш бўйича танланган технология ҳамда ишлаб чиқилган техник топшириқ бўйича банклараро тўловларни ягона вакиллик ҳисобварағи орқали ўтказиш бўйича яратилаётган дастурларни ишлашга тайёрлигини текшириш мақсадида 2002 йилнинг 27 апрел куни синовдан ўтказилди. Бундан ташқари, ягона вакиллик ҳисобварағи орқали реал вақтда амалга ошираётган банкларни ўзаро узлуксиз ишлашни таъминлайдиган дастур ишга туширилди. Янги тизимга барча тижорат банклари бир йўла ўтказилмади. Аввал бир қатор банклар ушбу тизим бўйича ишлаб синаб кўрилди. Ягона вакиллик ҳисобварағи тизими орқали ишлашга АТ Саноатқурилишбанки 2002 йилнинг 15 июлида, АТ Тадбиркорбанки 20 июлида, ДАТ Асака банки 21 октябрда ўтказилди ва уларга ҳар томонлама ёрдам берилди. Ягона вакиллик ҳисобварағи бўйича бошқарув ахборот тизимига ўтиш 2003 йилнинг сентябрь ойида ниҳоясига етказилди. Янги тизимга ўтишни ДТ Халқ банки ҳамда Алп Жамол хусусий банки якунлади. Натижада қуйидагиларга эришилди:

- кунлик тўловларни ўтказиш учун банд бўлган маблағларнинг бир қисмини бўшашига, шу билан бирга бўшаган маблағларни тегишли активларга жойлаштириш имкони яратилди;
- банк филиалларида бутун кун давомида пайдо бўладиган таваккалчиликларни кузатиб, уни ўз вақтида бартараф этиш мумкин бўлди;
- банкнинг юқоридан пастга, пастдан юқорига бўлган ҳар бир жараёни тизим орқали кузатиш мумкин бўлди;
- банк филиалларининг қай бири заиф, қай бири мустаҳкамлигини таҳлил қилиш ва тез, оператив равишда чоралар кўриш имкони яратилди;
- банкнинг ягона кундалик баланси унинг ликвидлиги, таваккалчиликлари, мажбурияти, капитали қандай даражада эканлигини аниқ кўриш ва таҳлил қилиш имконияти яратилди.

Тўлов тизимининг ҳозирги даражага етишида бир неча омиллар хизмат қилган. Бу омиллар қуйидагилардир:

1. Бухгалтерия ҳисобининг жаҳон андозаларига мос келувчи Банк Депозиторлари Миллий Ахборот Базаси ташкил этилди.
2. Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари асосида солиқдан озод этилган маблағлар ҳисобига банк тизими тўлиқ компьютерлаштирилди.
3. Банклар ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда «Фидо-Бизнес» фирмаси томонидан яратилган дастурий таъминоти билан тўлиқ таъминланди ва имконияти етадиган банкларга, жумладан, Миллий банк, Асака банк, DAEWOO банк ва ABN-AMRO банкларга дастурий таъминот яратишга доир техник талаблар қўйилди.

Тўловларнинг электрон усулда амалга оширилиши ҳам мижоз учун тез амалга ошириш қуввати жиҳатидан жуда ҳам қулай, ҳам банк учун харажат камлиги учун жуда фойдалидир. Шунинг учун, Ўзбекистонда яратилган электрон тўловлар тизими миллий тўлов тизимининг асоси бўлиб, уни ривожлантириш умуммиллий аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда, республикада тўлов тизимини мукаммаллаштириш, тўлов воситаларини ривожлантириш ва мижозларга қулай бўлган тўлиқ автоматлаштирилган тизимни ишлаб чиқиш асосий мақсад қилиб белгиланган. «Электрон ҳамён» сифатида машҳур бўлган пластик карточкалар тўловларнинг барча туридан ҳам энг қулай тўлов воситаси сифатида тан олинган. Шунинг учун республикада бир қатор йирик банклар пластик карточкалар бозорини шакллантиришда актив фаолият кўрсатмоқдалар. Пластик карточкалар бозорини ривожлантиришда бир қанча банкоматлар ўрнатилиши, миллий валюта барқарорлиги ва мустаҳкам муҳофаза тизими каби мураккаб ишлар амалга оширилгандан кейингина маълум ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Ҳозирги кунда республикада «Банк-Мижоз» тизими амалиётга кенг тадбиқ этилмоқда. Бу тизимда банк мижозлари тўғридан-тўғри офис ёки уйдан туриб тўловларни амалга оширилиши кўзланган. Банк хизматининг бу янги кўриниши пул-маблағларининг бошқарилишини фаоллаштириш билан бирга банк мижозлари сонининг ошишига, банк ва мижоз ўртасидаги молиявий фаолиятни янада ривожлантиришга олиб келади.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда жаҳон талабларига жавоб берадиган электрон усулда тўловларни амалга оширадиган миллий тўлов тизими яратилди. Электрон тўлов тизимининг ишлаш принциплари, тўлов тизими орқали ҳисоб-китобларнинг ўтказиш тартиби, пластик карточкаларнинг турлари, уларнинг амалиётда қўлланилиши, «Банк-Мижоз» дастурий таъминотининг мазмуни ва иш фаолияти кейинги мавзуларда батафсил кўриб чиқилади.

Назорат учун саволлар

1. Тўлов тизими тушунчаси.
2. Тўлов тизимининг структураси.
3. Макро даражадаги тўлов тизими.
4. Республика тўлов тизими ва унинг ташкил этилиши.
5. Тижорат банкларининг тўлов тизимлари.
6. Чакана тўлов тизимлари.

2-МАВЗУ. НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТИЗИМИ

Режа

2.1 Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими ва уларнинг элементлари

2.2 Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича “Низомнинг мазмуни, аҳамияти ва унинг амалиётда қўлланилиши”

2.3 Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва такомиллаштириш.

2.4 Пластик карточкалар билан операциялар ва уларнинг миллий тўлов тизимидаги ўрни

2.5 Нотўловлар муамоси ва уни бартараф этиш йўллари

Таянч иборалар

Тўлов, кредит, пластик карточка, ҳужжат, топшириқнома, талабнома, Низом, тўлов қобиляти, муддат, тамойиллар, тўлов навбати, фоиз, хизмат, банк капитали, мижозлар, маблағларни бошқариш, назорат.

2.1. Нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизими ва уларнинг элементлари.

Иқтисодиётда юзага келадиган пулли муносабатларда пул шаклларида фойдаланиш хусусиятлари ва тўлов усулларига кўра пул айланиши нақд пулсиз айланишга ва нақд пулли айланишга бўлинади. Чакана савдо ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш, асосан нақд пулда амалга оширилади. Бундан ташқари, нақд пулли айланишга коммунал хизматлар учун тўловлар, ишчи-хизматчиларга иш ҳақи ва шунга тенглаштирилган тўловларни тўлаш, суғурта ташкилотларига бадаллар тўлаш, уй-жой қурилиши ва бошқа мақсадлар учун аҳоли томонидан олинган кредитни нақд пул кўринишида қайтариш билан боғлиқ тўловларнинг тўланиши киради.

Иқтисодиётда бўладиган пул айланишининг 80-90 фоизини нақдсиз пул айланиши ташкил этади. Нақдсиз пул айланиши нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари асосида олиб борилади. Нақд пулсиз ҳисоб китобларнинг кенг ишлатилишига кўп тармоқли банк тизимининг ривожланиши, давлат томонидан макроиқтисодий жараёнларни ўрганиш ва уни тартибга солиш нуктаи-назаридан давлатнинг қизиқиши, мулкчилик шаклларининг кўпайиши ва турли мулкчилик муносабатларининг кенгайиб бориши асос бўлади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар деганда, турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларнинг товар айрибошлаш, хизмат кўрсатиш ва товарсиз операциялар бўйича бир-бирига бўлган талаб ва мажбуриятларни нақд пул ишлатмасдан пул маблағларини бир ҳисобварағдан иккинчи ҳисобварағга ўтказиш орқали амалга оширилиши тушунилади.

Иқтисодиётда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар маълум тизим асосида олиб борилади. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими ўз ичига ҳисоб-китобларни ташкил қилиш тамойиллари, шакллари, усуллари ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш олдида қўйилган талабларни олади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимининг элементларининг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқамиз.

1930-1932 йилларда ўтказилган кредит реформаси даврида киритилган ва собиқ иттифоқ даврида мавжуд бўлган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларига асосланган эди. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими биринчи навбатда ишлаб чиқариш ва реализация қилиш

режаларини бажариш нуктаи назаридан маҳсулот сотувчи корхона қизиқишларига хизмат қилар эди. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш тамойиллари корхоналарнинг шартнома мажбуриятларини бажариш учун иқтисодий қизиқишлар важаовбарлиги чэгараланган, қатъий қилиб белгиланган эди.

Бу тамойиллар қуйидагича белгиланган:

1. Банк нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилади ва уларнинг бажарилиши устидан назорат қилади;
2. Тўлов вақти қатъий белгиланган, яъни барча тўловлар товар жўнатиладан ёки хизмат бажарилгандан сўнггина ўтказилади, аванс тўловлари, тижорат кредитига рухсат этилмас эди;
3. Тўловчининг розилиги - тўлов ўтказилишининг асоси сифатида тан олинади;
4. Қайси соҳада, қайси ҳолларда нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари ишлатилиши олдиндан белгилаб қўйилган, банк у ёки бу ҳисоб-китоб шакллари танлашга аралашар эди.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш тамойиллари тўловчининг тўловга ва кредитга лаёқатлилиқ қобилятини ҳисобга олмас эди.

Ҳозирги кунда нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг биринчи тамойили мулкчилиқ шаклидан қатъий назар, хўжалиқ юритувчи субъектлар ўз маблағларини банкдаги ҳисоб варақларида сақлашлари ва барча операцияларни банк орқали ўтказишлари лозимлигини билдиради. Бозор муносабатлари шароитида ҳисоб-китобларнинг банк орқали ўтказилиши бозор иштирокчиларининг иқтисодий мустақиллиги билан қўшиб олиб борилиши керак.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилишнинг иккинчи тамойили шундан иборатки, мижозларнинг ҳисобварақларидан пул маблағларини кўчириш, уларнинг топшириғи, ёки розилигига асосан ҳисобварақдаги маблағлар чэгарасида бажарилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши муносабати билан Марказий банк томонидан мижозларнинг ҳисобрақамлари бўйича операциялар ўтказиш тартиби белгиланган. Ҳисобварақлардан маблағларни ўтказиш, ҳисобварақ эгасининг топшириғи асосида бажарилади, мижозларнинг буйруғисиз ҳисобварақлардаги пул маблағлари фақат суд қарорига биноан, қонунда белгиланган тартибда банк ва мижоз ўртасидаги шартномага асосан кўчирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига асосан мижозларнинг ҳисобварақларида барча талабларни бажаришга пул маблағлари етарли бўлган ҳолларда пул кўчирилиши бўйича мижознинг топшириғи ва бошқа ҳужжатларнинг келиб тушиши тартибида ҳужжатлар тўланиши лозим. Мижоз ҳисобварағида барча талабларни тўлашга маблағлар етарли бўлмаган тақдирда ҳужжатларнинг тўланиши Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1999 йил 22 январдаги «хўжалиқ субъектларининг банкдаги» ҳисобварақларидан пул маблағларни кўчириш тўғрисидаги 104-В сонли қарори билан тасдиқланган йўриқномага асосан олиб борилади. Агар мижоз билан банк ўртасидаги кредит шартномаси тузилган бўлса тўловлар банк кредити ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилишнинг учинчи тамойили шундан иборатки, маблағлар тўловчининг ҳисобварағидан ўчирилгандан сўнг олувчининг ҳисобварағига ўтказилади. Тижорат банкларининг ҳисоб чеклари бўйича пул ўтказиш бундан мустасно.

Ҳисоб-китоблар бўйича хўжалиқ юритувчи субъектлар орасидаги ўзаро эътирозлар, белгиланган тартибда банк иштирокисиз кўриб чиқилиши ҳисоб-

китобларни ташкил қилишнинг тўртинчи тамойилидир. Банклар ўз вақтида тўланмаган ҳужжатлар бўйича пеняларни ҳисоблаш ва ундиришга жавобгар эмас. Тўловчи юклаб жўнатилган маҳсулотлар учун ўз вақтида тўланмаган суммага ҳисобланган пеняни тўловчи ва маҳсулот етказиб берувчи ўртасидаги тузилган хўжалик шартномасида кўзда тутилган тартибда тўлайди. Агар банк билан мижоз ўртасидаги пеня ҳисоблаши ва ундириш кўзда тутилган бўлса, бу ҳолда банк ўз вақтида тўланмаган ҳужжатлар бўйича пеня ҳисоблаш ва маҳсулот сотувчи корхона фойдасига ундириб бериши мумкин.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни олиб боришнинг бешинчи тамойили ҳисоб-китоб шакллари танлаш билан боғлиқ. Мулкчилик шакллари хилма-хиллиги ҳамда товар пул муносабатлари ривожланиши шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш хўжалик идоралари томонидан ҳисоб-китоб шакллари эркин танлаш тамойилидан келиб чиқади ва улар хўжалик шартномасида мустаҳкамланади. Хўжалик органларининг шартномавий муносабатларига банк аралашмайди. Бу тамойил ҳисоб-китоб иштирокчиларининг ўзаро муносабатларининг ижобий натижалари учун моддий жавобгарлигини оширишга, ҳисоб-китоб ва шартномавий муносабатларни ташкил қилишда, иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг олтинчи тамойили тўловнинг муддатлилигидир. Бу тамойил катта амалий аҳамиятга эгадир. Хўжалик юритувчи субъектлар тўловнинг қандай муддатда келиб тушиши тўғрисидаги ахборотга эга бўлган ҳолда, ўз маблағларининг айланишини рационал ташкил қилиш, қарз маблағларига бўлган заруратни ҳисоблаб кўриши, шу билан бирга ўз балансининг ликвидлигини бошқариб бориши мумкин бўлади. Маҳсулот сотувчи ва оловчи томонлар келишувига кўра тўловлар муддатли, муддатдан олдин ҳамда муддати кечиктирилган бўлиши мумкин.

Муддатли тўловлар қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- Товар жўнатилмасдан, ёки хизматлар бажарилмасдан олдин, бундай тўловлар аванс тўловлари, ёки олдиндан тўлов кўринишида амалга оширилади.
- Товар жўнатилгандан кейин, яъни товарни бевосита акцепт қилиш йўли билан.
- Йирик суммага тузилган шартномаларда кўрсатилган суммаларни бўлиб-бўлиб тўлаш йўли билан амалга оширилади.

Муддати узайтирилган тўловлар белгиланган муддатда тўловни амалга оширолмай қолган ҳолларда, тўлов муддатини қандайдир муддатга чўзиш, яъни янги тўлов муддатини белгилашни билдиради. Муддати узайтирилган тўловлар томонларнинг молиявий аҳволига зарар етказмаган ҳолда шартномавий муносабатлар доирасида бўлиши лозим.

Муддати кечиктирилган тўловлар тўловчи корхонанинг ҳисобварағидан ҳужжатда кўрсатилган суммани тўлаш учун пул маблағлари бўлмаган ҳолатда юзага келади. Агар корхона банкдан кредит олиш ҳуқуқига эга бўлмаса, ҳужжат корхона ҳисобварағига пул келиб тушгандан сўнггина белгиланган тартибда тўланади.

Банкларда мижозларга бир қатор ҳисобварақлар очилади. Булар талаб қилингунча сақланадиган депозитлар бўйича ҳисобварақлар, жамғармали депозитлар ва муддатли депозитлар бўйича ҳисобварақлардир. Талаб қилунгунгача сақланадиган депозитлар бўйича ҳисобварақлар илгариги ҳисоб-китоб ҳисобварақларга тенглаштирилган бўлиб, хўжаликларнинг барча операциялари айнан мана шу ҳисобварақлардан ўтказилади. Жамғармали ва муддатли депозитлар бўйича

ҳисобварақлар ҳўжаликлар томонидан қўшимча даромад олиш, ёки пул маблағларини аста-секин қўпайтириб бориш мақсадида очилади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бир неча шаклларда олиб борилади ва бу шакллар вақт ўтиши билан ўзгариб бориши мумкин. Ҳозирги кунда республикада нақд пулсиз ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган ва ҳалқаро амалиётда қабул қилинган шаклларда ташкил этилади. Ҳисоб-китоб шакллари дейилганда, ҳуқуқий меъёрларда кўзда тутилган, пул маблағларининг маҳсулот етказиб берувчи, ёки хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларнинг ҳисобварағига ёзиш усули, ҳисоб-китоб ҳужжатининг тури ва ҳужжатлар айланиши тартиби билан фарқ қилувчи ҳисоб-китоб турлари тушунилади.

Корхоналар, ўзларига қулай бўлган ҳисоб-китоб шаклини эркин танлайдилар ва уни ўзаро шартномада мустаҳкамлаб қўядилар. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳозирги кунда қуйидаги шакллар орқали амалга оширилади:

- Тўлов топшириқномаси;
- Тўлов талабномаси;
- Аккредитив;
- Инкассо топшириқномаси;
- Ҳисоб-китоб чеки;
- Мемориал ордер;
- Пластик карточкалар.

Ҳисоб-китоб шакллариининг ҳар бирини кейинги параграфларда батафсил кўриб чиқамиз.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар олдига бир қатор талаблар қўйилади. Ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнларида уларга амал қилиш талаб қилинади. Бу талаблар қуйидагилар :

Биринчидан, айланма маблағларнинг айланишининг узлуксизлигини таъминлаш лозим, яъни ҳўжаликда ишлаб чиқаришнинг ривожланишига тўсиқ бўлмаслиги керак. Ҳўжалик юритувчи субъектларга тегишли бўлган маблағлар доимий ҳаракатда бўлиши керак. Уларнинг доимий равишда доиравий айланишда бўлиши нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ижобий таъсири натижасида бўлади.

Иккинчидан, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг муддатлилиги деб қараш мумкин. Бу талабнинг моҳияти шундан иборатки, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш вақт жиҳатидан уларнинг маълум бир даврда, ёки маълум бир муддатда амалга оширилишини тақоза қилади. Уларни амалга ошириш вақти қанчалик кам бўладиган бўлса, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шунчалик тез амалга оширилса, ҳўжалик юритувчи субъектлар бўлган мол етказиб берувчилар, хизмат кўрсатувчилар ва истеъмолчилар ўртасида молни етказиб бериш ва уларнинг пулини ундириб олиш шунчалик қисқа ва тез муддатларда амалга оширилса, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг самарадорлиги шунча юқори бўлади.

Учинчидан, тўловларни амалга оширишдаги жавобгарлик масаласи ҳисобланади. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг амалга оширишнинг олдига қўйилган бу талаб ҳам, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг моҳиятини очиқ беришга хизмат қилади. Бу талабнинг мавжуд бўлиши юқоридаги икки талабнинг бажарилишида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда жавобгарликнинг бўлиши, пул маблағларининг доиравий айланишига ижобий таъсир кўрсатади. Жавобгарликнинг бўлмаслиги аксинча, маблағларнинг кунларда айланишини секинлаштиради. Маблағлардан етарли даражада самарали

фойдаланмаслик оқибатида нотўловларнинг ҳаддан ташқари ошиб кетишига, пировардида мамлакат иқтисодиётининг издан чиқишига олиб келади.

Тўртинчидан, мажбуриятларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш. Бу талаб нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг амалга оширилишида мажбурият шартининг, яъни шартнома шартларининг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш имкониятининг мавжуд эканлигидир.

Шу нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўловларни ўз вақтида ўтказилиши ва тижорат банклари вакиллик варақалари ҳолати бўйича назорат ўрнатган. Банк вакиллик варақаларида маблағнинг етарли бўлмаслиги, ёки бошқа сабабларга кўра ўз мижозлари талабини бажара олмаса, тижорат банкларига нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда чора кўрилади.

Бизнинг мамлакатимизда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибини Марказий банк белгилайди ва ушбу тартибнинг бажарилиши бўйича назорат олиб боради. Амалиётда бундай тартибнинг жорий этилиши бутун республика миқёсида ҳисоб-китобларнинг узлуксизлигини таъминлаш имкониятини яратади.

2.2. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича “Низомнинг мазмуни, аҳамияти ва унинг амалиётда қўлланилиши.”

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётини ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири - пул айланишини тўғри ва аниқ ташкил қилишдан иборат, чунки бозор иқтисодиёти товар-пул муносабатларининг ҳолати ва тараққиёти билан ҳамбарчас боқлиқдир. Корхона ва ташкилотлар ўзларининг хўжалик фаолиятлари жараёнида доимо бир-бирлари билан алоҳида бўладилар. Улар ўртасида товар айирбошлаш жараёни пул ва пулли ҳисоб-китоблар ёрдамида амалга оширилади. Товар айирбошлашнинг ўзи эса пул айланишининг моддий асоси бўлиб ҳисобланади, унинг асосида бошқа пулли муносабатлар вужудга келади. (солиқ органлари, пенсия фонди, банк муассасалари ва бошқалар).

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар деганда, корхона ва ташкилотларнинг товар айирбошлаш, хизмат кўрсатиш ва товарсиз операциялар бўйича бир-бирига бўлган талаб ва мажбуриятларни нақд пул ишлатмасдан пул маблағларини бир ҳисобварақдан иккинчи ҳисобвараққа ўтказиш орқали амалга оширилиши тушунилади. Нақд пулсиз пул айланиши ялпи ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида содир буладиган муносабатларини ўзида акс эттиришига кўра икки ўисмга бўлинади.

Нақд пул иштироксиз, маблағларини бир счёtdан иккинчи счёtgа ўтказиш йўли билан амалга ошириладиган ҳисоблар нақд-пулсиз ҳисоб-китоблар дейилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни олиб бориш» тўғрисидаги 4 сентябрь 1995 йилдаги №11/22 қоидага асосан олиб борилади.

Бу қоида Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги», «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида»ги қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг бошқа норматив ҳужжатларига асосан ишлаб чиқилган №11/22 қоидага асосан, ҳисоб-китобларни олиб боришда олдин мавжуд бўлган баъзи бир чекланишлар олиб ташланди ва корхоналарга улар қайси мулк шаклига асосланишидан қатъий назар ҳисоб-китоб шакллари танлаш ва олиб боришда эркинликлар берилган.

Нақд-пулсиз ҳисоб-китоблар қуйидаги элементлардан ташкил топган. Булар: нақд-пулсиз ҳисоб-китобларни олиб бориш ва амалга оширишнинг асосий тамойиллари; ҳисоб-китоб шакллари; ҳисоб-китоб ҳужжатлари; тўлов тури; навбати, манбалари; ҳисоб-китоб қатнашчилари, банкнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва бошқалар.

Нақд-пулсиз ҳисоб-китоблар ўзининг иқтисодий моҳиятига қараб товарларни сотиш жараёни билан боғлиқ ҳисоб-китоблар ва нотовар характердаги ҳисоб-китобларга бўлинади. Товарларни сотиш жараёнидаги ҳисоблар моддий бойликлар айланиши билан боғлиқ бўлиб, улар асосан корхона, ташкилотлар ўртасида олиб борилади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳисоб ҳужжатлари асосида олиб борилади. Шартномага асосан мол етказиб берувчи ўз вақтида товарнинг пулини (эквиваленти) олиши, мол сотувчи пулни ўз ваўтида ўтказиши зарур.

Нақд-пулсиз ҳисоб-китоблар қуйидаги асосий тамойилларга асосланади:

-корхона, ташкилотлар ўз пул маблағларини (ўз маблағларини ва ўарз маблағлар) банкда саўланишлари зарур.

-барча нақд-пулсиз ҳисоб-китоблар банк орқали ўтиши керак;

-хўжалик органлари ҳисоб-китоблар шакллари эркин танлашлари ва уни шартнома орқали мустаҳкамлаб қўйишлари мумкин;

-хўжалик органларнинг ҳисоб-китоблар бўйича шартномавий муносабатларига банк аралашмаслиги керак;

-товарлар ва хизматлар учун тўловлар тўловчининг розилиги билан амалга оширилади.

-тўловлар хўжалик органларининг ҳисоб варақасидаги маблағлари ҳисобидан, баъзида (агар корхона кредит олиши мумкин бўлса) банк кредити ҳисобидан амалга оширилиши мумкин;

-тўлов қойдаси мол етказиб берувчи ва мол сотиб олувчи томонидан мол етказиб бериш тўғрисидаги шартнома асосида келишиб олинади;

-мол етказиб берувчининг ҳисоб варағига пул маблағларини ўтказиш шу маблағларни мол сотиб олувчининг ҳисоб варағидан ўчирилганидан кейин амалга оширилади, (бундан чеклар билан ҳисоб-китоб қилиш мустасно);

Корхона, ташкилотларга пул маблағларини сақлаш ва ҳисоб-китоблар олиб бориш, касса операцияларини амалга ошириш учун ҳисоб-китоб (талаб қилингунча сақланадиган депозит ҳисобварағи) очилади.

Ҳисоб-китоб варақларни очиш учун корхона қуйидаги ҳужжатларни банкка тақдим қилиши зарур.

а) ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза;

б) хўжалик, ташкилот ташкил ўилиниб, руйхатга олинганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

в) ҳуқуқий шахс Уставини нотариал тартибда тасдиқланган, ҳуқуқий шахс томонидан имзоланган нусхаси;

г) имзолар намуналари, муҳр босилган ва нотариал тартибда тасдиқланган варақча;

д) бошқа таъсис ҳужжатлари.

корхона раҳбарининг паспорти (шахсини тасдиқловчи ҳужжат) ҳам банкка тақдим қилинади.

Ҳисобварақ очиш учун юқоридаги асосий ҳўжжатлардан ташқари зарур бўлганда бошқа қўшимча ҳўжжатлар ҳам банкка берилиши мумкин.

«Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида»ги Ўонунга асосан иш хақи тўлаш, бюджетга тўловлар, давлат суғуртасининг мажбурий турларига доир тўловлар ва ижтимоий суғурта жамғармаси (пенсия жамғармаси)га тўловлар барча корхоналар учун биринчи навбатда тўланадиган тўловлар ҳисобланади.

Банкларда бажариладиган барча операциялар маълум бир меъёрий ҳужжатлар асосида олиб борилади. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилишда асосий меъёрий ҳужжат бу – «нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида»ги Низомдир. Лекин бу низом доимий бўлмай вақти ўтиши билан ўзгариб боради. Иқтисодий ўзгаришлар, шунингдек, банк тизимидаги ўзгаришлар барча қонун-қоидаларнинг шунга мос равишда ўзгартирилишига сабаб бўлади. Масалан, Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг, кредит, ҳисоб-китоб ва бошқа операцияларни олиб бориш тартиб қоидалари бир неча маротаба ўзгартирилди. Жумладан, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича 1993, 1995 ва ниҳоят 1998 йилларда қонун-қоидалар ишлаб чиқилган бўлиб, бир-биридан маълум моддалари билан фарқ қилади. Масалан 1993 йилда Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган «Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида»ги Низомда тўлов топшириқномаси, тўлов талабномаси, тўлов талабнома-топшириқномаси, аккредитивлар, лимитлаштирилган ва лимит-лаштирилмаган чек дафтарчаларининг чеклари ва инкассо топшириқномаси бўйича ҳисоб-китоблар кўзда тутилган эди. Бу Низомнинг янгилиги шундан иборат эдики, унда тўлов талабнома-топшириқномаси шакли янгилик қилиб киритилган эди. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ушбу шаклининг мазмуни шундан иборат эдики, мол сотувчи корхона шеригига мол жўнатиш билан бирга товар транспорт ҳужжатлари ҳам мол сотиб олувчини корхонага жўнатар эди. Бунда банк четлаб ўтилар эди. Тўлов талабномасини олган мол сотувчи корхона талабнома-топшириқномани талабнома қисмида кўрсатилган реквизитларни кўриб чиқиб, олган товари билан солиштириб, агар шартнома шартлари бажарилган бўлса, ҳужжатнинг топшириқнома қисмини тўлдириб уни банкка топшириши лозим эди.

Шундай қилиб, ҳисоб-китоб шакллари яна битта шакл билан тўлдирилган. 1993 йилда чиқарилган Низомда келтирилган чеклар бўйича ҳисоб-китоблар лимитлаштирилган ва лимитлаштирилмаган чек дафтарчаларининг чеклари асосида олиб биришга мўлжалланган эди. Лимитлаштирилган чеклар бўйича ҳисоб-китобларнинг мазмуни шундан иборат эдики, мижоз банкдан лимитлаштирилган чек дафтарчасини аризасига биноан олиб, унга ўз топшириғига асосан маълум бир суммани ўтказар эди. Мана шу сумма чегарасида чекни расмийлаштириб, махсулот сотувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш мумкин эди. Лимитлаштирилмаган чеклар билан ҳисоб-китобларнинг мазмуни шундан иборат эдики, бунда чек дафтарчасига пул ўтказилмас эди, ҳисоб-китоблар банк кредити ҳисобидан амалга ошириларди. Бундай дафтарчалардан асосан савдо, таъминот ташкилотлари кўпроқ фойдаланишар эди.

Лекин бу ҳисоб-китоблар бўйича кўп ноқонуний операциялар ўтказилгани аниқлангач, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки лимитлашган ва лимитлашмаган чек дафтарчалари бўйича ҳисоб-китобларни бекор қилди. Унинг ўрнига янги ҳисобчеклари деб номланган ҳисоб-китобларни амалиётга тадбиқ этди. Ҳисоб-чеклари бўйича ҳисоб-китобларнинг тартиб қоидалари ишлаб чиқилди. Бу қоидалар аввалги чеклар бўйича ҳисоб-китоблардан фарқ қилар эди. Ҳисоб-чекларининг 5, 10, 25 варақли кўринишда, мижозларнинг хоҳишларига кўра китобча шаклига келтириб берилга бошланди. Чек дафтарчасига пул қўйиш мижознинг топшириғига биноан унинг талаб қилингунча сақланадиган депозит ҳисобварағидаги

маблағлар ҳисобидан амалга ошириларди. Тижорат банклари ҳисоб-чеклари бўйича операцияларни олиб боришлари учун ҳисоб-китоб марказида алоҳида ҳисобварақларини очиб, унга маблағ қўйишлари лозим эди.

Ҳисоб чеклари бўйича ҳисоб-китоблар 1995 йилдаги Низомга янгилик бўлиб киритилди. Шу билан бирга ушбу Низомда вексель муаммоси ҳам кўзда тутилган эди. 1995 йил май ойидан бошлаб Ўзбекистонда вексел муомаласини киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқарилди. Қарордан сўнг Пахтабанк, Саноатқурилишбанки, Савдогарбанк, Туронбанки каби бир қатор банклар биринчилар қаторида векселлар эмиссиясини бошлаб бердилар. Лекин бу даврда республикада амалда бўлган «нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида»ги Низомда вексель муомаласи кўзда тутилмаган эди. Шу сабабли векселлар бўйича банкларнинг операциялар ўтказиш тартиб қондасини ишлаб чиқиш биринчи навбатдаги вазифалардан бирига айланди. Шундай қилиб навбатдаги Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш қонун-қоидаларини ўз ичига мужассамлаган янги Низом ишлаб чиқилиб 1995 йил 4 сентябрда Марказий банк Бошқаруви томонидан тасдиқланди. Ушбу низомда аввалги, ҳисоб-китоб шакллари билан бир қаторда янги ҳисоб чеклари ва векселлар бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китоблар кўзда тутилди. Тўлов талабномасининг ўрни эса анча пастга туширилди ва Марказий банкнинг махсус қарори билан ҳисоб-китобларда ишлатилиши, алоҳида хабар берилиши кўрсатиб ўтилди. Бунга сабаб, бу давр ичида нотўловлар учун амалиётда ишлатилаётган 2-картотека бекор қилинган бўлиб, мижозлардан ҳисоб-китоб ҳужжатлар уларнинг ҳисобварағида тўлаш учун пул етарли бўлган тақдирдагина қабул қилиниши мумкинлигини белгилаб қўйилган эди. Тўлов талабномаси эса бундай талабга жавоб бермас эди.

Вақт ўтиши билан Республика тўлов тизими такомиллашиб борди, бунинг натижасида электрон тўлов тизими жорий этилди. Барча банклар ўзаро ҳисоб-китобларни янги электрон тўлов тизими асосида амалга ошира бошладилар. Бу эса ҳисоб-китоблар шакллари, уларнинг тақдим қилиниши, банк томонидан қабул қилиш ва ишлов бериш тартибининг ўзгартирилишига сабаб бўлди. Бир оз вақт ўтгач вексел муомаласи ва чеклар бўйича ҳисоб-китоблар маълум сабабларга кўра бекор қилинди. Натижада ҳисоб-китобларни ташкил қилиш қонун-қоидаларига ўзгартиришлар киритиш зарурати пайдо бўлди. Шундан сўнг, «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тўғрисида»ги 60-сонли Низом қайта ишлаб чиқилди. Бу Низом Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки бошқаруви томонидан 2002 йилда 15 январда 11/22 –сон билан тасдиқланди. Ушбу Низом қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

1. Умумий қоидалар;
2. Пул ҳисоб-китобларини расмийлаштириш тартиби;
3. Мемориал ордерлар билан ҳисоб-китоблар;
4. Тўлов топшириқномалари билан ҳисоб-китоб қилиш;
5. Тўлов талабномалари билан ҳисоб-китоб қилиш;
6. Аккредитивлар билан ҳисоб-китоб қилиш;
7. Инкассо топшириқномалари билан ҳисоб-китоблар ;
8. Чеклар билан ҳисоб-китоб қилиш;
9. Пластик карточкалар билан ҳисоб-китоблар қилиш;
10. Юридик шахснинг қайта ташкил этиш, қўшиб юбориш ва тугатилиши пайтида маблағларни ҳисобдан чиқариш;
11. Назорат ва таъсир қилиш чоралари.

«Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тўғрисида»ги Низом фуқоролик кодекси, «Марказий банк тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Марказий банкнинг Ўзбекистон ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни тартибга солувчи бошқа меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган. Низомнинг бир маромда қўлланилиши республиканинг бутун иқтисодида ҳисоб-китобларнинг узлуксизлигини таъминлайди.

2.3.Иқтисодийтни модернизациялаш шароитида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва такомиллаштириш

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ҳар бирида алоҳида шаклдаги ҳужжатлар ишлатилади. Ҳисоб-китоб номи ҳужжат номи билан белгиланади. Ҳар бир ҳисоб-китоб ҳужжатлари белгиланган меъёрларга жавоб бериши лозим. Бу ҳужжатларнинг ҳар бири ўз ичига қўйидаги реквизитларни олиши лозим:

- ҳисоб-китоб ҳужжатининг номери;
- ҳужжат ёзиб берилган сана;
- тўловчининг номи;
- ҳисобварақ номери;
- солиқ тўловчининг идентификация коди (чек ва аккредитивларда кўрсатилмайди);
- тўловчи банкнинг номи;
- тўловчи банкнинг коди;
- маблағларни олувчининг номи;
- маблағларни олувчининг ҳисобварақ номери;
- маблағ олувчи банкнинг номи;
- маблағ олувчи банкнинг коди;
- тўловнинг суммаси рақам ва ёзувда кўрсатилиши лозим;
- тўловнинг мақсади(чекларда кўрсатилмайди);

Тижорат банкларининг ҳисоб-китоб чекларида қўшимча равишда қуйидагилар ёзилади :

- ҳисоб-китоб чекининг серия ва номери;
- жисмоний шахс паспортининг серияси ва номери;
- чекнинг амал қилиш муддати;

Аккредитив очиш учун тақдим этилган ариза қўшимча равишда қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- аккредитивнинг амал қилиш муддати (аккредитив ёпилаётган сана ва ой)
- аккредитив очилаётган шартнома номери;
- буюртма рақами;
- буюртма санаси;

- аккредитив қайси маҳсулотларни юклаб жўнатиш ва хизмат кўрсатиш учун очилганлиги;

- аккредитивнинг тури (у ҳақида керакли маълумотларни кўрсатиш билан);
- қўшимча мажбуриятлар;

Банклар ва мижозларнинг ишига ҳалал бермайдиган тарзда тўловчи ва маблағларни олувчининг номини рационал даражада қисқартириш мумкин.

Хўжалик субъектларига сотилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар учун қўшимча қиймат солиғи ҳисобланса, ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштиришда

қўшимча қиймат солиғи суммаси алоҳида қаторда кўрсатилади. Қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товарлар, кўрсатилган иш ва хизматлар учун ҳисоблашишда расмийлаштирилган тўлов ҳужжатларида қўшилган қиймат солиғисиз (без НДС) сўзи ёзилади ёки шу ёзув ёзилган штамп қўйилади.

Тўлов топшириқномалари техник воситалардан фойдаланган ҳолда, бир мартанинг ўзида нусха кўчириш, ёки биринчи нусхани ҳисоб-китобда қатнашувчи барча томонлар ва банк учун етарли бўлган нусхалар сонидан кўпайтириш йўли билан ёзиб берилади. Чеклар сиёҳ ва шарикли ручкаларда қўлда, ёки техник воситалардан фойдаланган ҳолда ёзиб берилади.

Ҳисоб-китоб ҳужжатларига қўлда ўзгартириш киритиш, бўяш ва тозалашга йўл қўйилмайди.

Ҳисоб-китоб ҳужжатлари банк томонидан ҳисоб-китоб, пул операцияларини бажариш учун қабул қилинади:

1. Юридик шахслар биринчи нусхада ҳисоб-китоб ҳужжати тайёрланиши шартидан қатъий назар имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахсларнинг имзоси ва корхона муҳрининг изи мавжуд бўлиши;

2. Юридик шахс мақомига эга бўлмай, фаолият кўрсатаётган оилавий ва яқка тартибдаги ижарачилар ва тадбиркорлар томонидан бажариладиган операциялар бўйича ҳисоб-китоб ҳужжатлари уларда имзо мавжуд бўлган ҳолда бажариш учун қабул қилинади.

Ҳисоб-китоблар ҳужжатини ёзиб бераётган корхона муҳрининг изи ва имзолар ҳужжатнинг асл нусхасига қўйилади.

Корхоналардан ҳужжатларни қабул қилиш, шартномада бошқаси кўзда тутилмаган бўлса, бутун кун давомида банкнинг мижоз билан ишлаш вақтидан келиб чиққан ҳолда бажариш учун қабул қилинади.

Тўловчининг ҳисобварағидаги маблағларни инициатор-банкда ҳисобдан чиқариш фақат ҳисоб-китоб ҳужжатларининг биринчи нусхаси ёки Банк-Мижоз тизимидан фойдаланувчилар томонидан электрон тўлов ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Мижозларнинг ҳисобварақларига кириш қилинаётган маблағлар банкларда дастурий йўл билан электрон тўлов ҳужжатлари ва ҳисоб-китоб чекининг асл нусхаси асосида амалга оширилади. Банк-Мижоз тизимидан фойдаланувчи банклар, расмийлаштирилган электрон тўлов ҳужжатларини мижознинг ҳисобварағига маблағлар қўшиб ёзилгандан, ёки ўчирилгандан кейин тегишли почта қутисига жойлаштирилади.

2.4. Пластик карточкалар билан ҳисоб-китоблар қилиш

Пластик карточка, тегишли банкда, карточка эгасининг ҳисобварағи мавжудлигини, тасдиқловчи ва нақд пулсиз товарлар, ишлар, ёки хизматларни сотиб олиш ҳуқуқини берувчи, шахси белгиланган, банк томонидан чиқарилган тўлов воситасини ўзида ифода этади.

Пластик карточкада, албатта бир хил маъноли идентификация ўиладиган эмитентнинг номи ва логотипи ўайд ўилиниши шарт.

Пластик карточкалар, жисмоний шахслар, юридик шахслар, ёки яқка тартибдаги тадбиркорлар, бир томондан, ҳамда маҳсулотни сотувчи, иш бажарувчи, ёки хизмат кўрсатувчи юридик шахслар, ёки яқка тартибдаги тадбиркорлар (кейинги матнда – савдо, ёки хизмат кўрсатиш корхоналари), иккинчи томондан, ўртасидаги

бўладиган нақд пулсиз ҳисоб-китобларда, шунингдек, нақд пул бериш пунктлари (НПБП) ва банкоматлардан нақд пул олишда ўўлланилади.

Ваколатли банклар ҳалўаро пластик карточкалар чиўариши ва улар бўйича хизмат кўрсатиши мумкин, бунда улар ҳалўаро тўлов тизимлари билан тузилган шартномаларга ва мазкур Низомга мувофиқ, бажариладиган операциялар ўоидаларига амал қилишлари шарт.

Пластик карточкалар бўйича хизмат кўрсатиш шартномаси қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

- а) томонларнинг номлари;
- б) шартнома мавзуси;
- в) томонларнинг ҳуўуў ва мажбуриятлари;
- г) томонларнинг жавобгарлиги;
- д) ҳисоб-китобларни ўтказиш шартлари;
- е) шартноманинг амал қилиш муддати ва уни бекор қилиш шартлари;
- ж) низоларни ҳал қилиш тартиби;
- з) томонларнинг юридик манзили.

Алоўадорлиги бўйича пластик карточкалар шахсий, оилавий ва корпоратив турларга бўлинади

а) Шахсий карточка - бу жисмоний шахсга берилган пластик карточкадир
б) Оилавий карточка - бу шахсий карточка эгасининг ишончномаси асосида фойдаланувчига берилган пластик карточкадир

в) Корпоратив карточка - бу юридик шахсларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган пластик карточкадир. Корпоратив карточкалардан иш ҳаўи ва ижтимоии аҳамиятга эга бўлган бошқа тўловларни, шунингдек, нақд пул маблағларини тўлашда фойдаланиш таўўиўланади

Пластик карточкалар бажарадиган вазифалари бўйича қуйидаги турларга бўлинади

а) дебет - карточкасидан фойдаланиш унинг эгасига, эмитент билан мижоз ўртасида тузилган шартнома шартларига мувофиқ, ўзининг карточкасидаги пул маблағларидан товарлар, ишлар, хизматлар ҳаўини тўлаш ва ёки нақд пул маблағларини олишда (корпоратив карточкалардан ташқари) фойдаланиш имконини беради;

б) кредит - карточкасидан фойдаланиш унинг эгасига, эмитент билан тузилган шартнома шартларига мувофиқ, эмитент томонидан товарлар, ишлар, хизматлар ҳаўини тўлаш ва ёки нақд пул маблағларини олиш учун (корпоратив карточкалардан ташқари) берилган кредит линияси микдорида операцияларни амалга ошириш имконини беради;

в) электрон ҳамён - жисмоний шахсларнинг карточкаси бўлиб, ундан фойдаланиш, унинг эгасига пластик карточкадаги ўолдиў маблағлар доирасида товарлар, ишлар, хизматларга ҳаў тўлаш ва ёки нақд пул маблағларини олишга имкон беради;

Битга электрон карточкада бир неча "электрон ҳамёнлар" жойлашган бўлиши мумкин.

Пластик карточкада, уни шахс номига бириктиришда, қуйидаги реквизитлар ёзилган бўлиши шарт.

- а) идентификация белгилари (картами раками, серияси ва бошқалар);
- б) банк-эмитент (карточкаларни чиўарувчи банк)нинг коди;

в) ҳисобварақ раўами ва карточка эгасининг фамилияси, исми, отасининг исми (ташкилот номи);

г) карточканинг амал қилиш муддати.

Пластик карточкада бир неча ҳамёнлар мавжуд бўлганда, идентификация белгилари ҳар бир ҳамённи бир хил маъноли идентификациялаши лозим. Кўрсатилган реквизитлардан ташқари, карточкага операцияларни амалга ошириш ва улар ҳисобини юритиш учун зарур бўлган ўўшимча белгилар киритилиши мумкин.

Қайта тўлов воситаси сифатида фойдаланишга тайёрлаш (персонализация) учун ўйтарилган пластик карточкалар ҳисоби 93609 - "Сақланаётган қимматликлар" кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағининг алоҳида шахсий ҳисобварақларида олиб борилади.

Пластик карточкалар билан амалга ошириладиган операциялар қоғоз кўринишида (слип, электрон терминал квитанцияси) ва/ёки электрон шаклдаги (электрон терминал журналидан ёки банкоматдан олинган ҳужжат) ҳужжатларни, шунингдек, ҳисоб-китоблар ўатнашчилари ўртасида тузилган шартномаларда белгиланган бошқа ҳужжатларни (банкомат квитанцияси ва бошқалар) тузиш лозимлигини кўзда тутди.

Ҳужжатлар ҳисоб-китобларда иштирок этувчи барча томонлар учун зарур бўлган нусхалар миқдорида тузилади.

Квитанциялар ўтказилган операцияларни қўлда тиклаш учун барча зарур маълумотларни ўз ичига олиши керак.

Пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда, операцияларни амалга оширишда тузилган ҳужжатлар реквизитлари, пластик карточкалар реквизитлари билан карточка эгаларининг банк ҳисобварақлари, шунингдек, корхона идентификаторлари, НПБП, банкоматлар ва ташкилотларнинг банк ҳисобварақлари ўртасидаги мувофиқликни ҳаққоний белгилашга имкон берувчи томонлар ўртасида келишиб олинган белгиларни ўз ичига олиши керак.

Электрон ҳужжатлар банк-эквайер (савдо ёки хизмат кўрсатиш корхоналарига хизмат кўрсатувчи банк)га, банк - эмитентга ёки клиринг марказига, шартномада келишилган даврийликда жўнатилади.

Битта банк бўлимлари ўртасида карточкалар бўйича ҳисоб-китоблар қилиш технологияси, Бош банк томонидан, ўз имкониятлари ва фойдаланадиган карточкалар турларидан келиб чиққан ҳолда, мустақил белгиланади.

Карточкалар бўйича банклараро ҳисоб-китоблар технологияси қуйидаги вариантларни кўзда тутди.

а) Ҳисоб-китобларни амалдаги электрон тўловлар тизими (ЭТТ) орқали ялпи ҳисоб-китоб асосда ўтказиш;

б) Ҳисоб-китобларни ҳисоб-китоблар ўатнашчилари томонидан ташкил этилган процессинг марказларидан кун давомида ўтказилиб, якуний ўзаро мажбуриятлар ҳисобланган ҳолда, тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварақларидан якуний ҳисоб-китоблар суммасини ўтказиш.

ЭТТ орқали пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда, амалга оширилган операциялар бўйича ялпи ҳисоб-китоблар қилиш, қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1) банк-эмитент томонидан авторлаштирилмаган ҳолда амалга оширилган ҳисоб-китобларда:

а) банк-эквайер хизмат кўрсатилаётган савдо, ёки хизмат кўрсатиш ташкилотидан олинган, карточкалардан фойдаланган ҳолда, тузилган электрон

ҳужжатларга асосан, маблағларни унинг ҳисобварағига ўтказди, бунда электрон тўловлар тизими орқали банк-эмитентга жўнатиловчи дебетли электрон мемориал ордери автоматик равишда шакллантирилади.

б) банк-эмитентда олинган дебетли электрон мемориал ордерга асосан, миждонинг карточкали ҳисобварағидан дастурий равишда маблағлар ҳисобдан чиқарилади. Дебетли электрон мемориал ордер босмадан чиқарилади ва кунлик ҳужжатларга тикилади.

2) банк-эмитент томонидан олдиндан шарт бўлган тартибда авторизация ўилинадиган ҳисоб-китобларда:

а) банк-эквайерда хизмат кўрсатилаётган савдо, ёки хизмат кўрсатиш ташкилотидан олинган, карточкалардан фойдаланган ҳолда, тузилган электрон ҳужжатларга асосан, ЭТТ орқали авторизациялаш ва ўтказмани амалга ошириш учун банк-эмитентга жўнатиладиган электрон маълумот, фойдаланилаётган технология ўоидаларига мувофиқ, автоматик равишда шакллантирилади;

б) банк-эмитент, олинган электрон маълумотларга асосан, транзакциялар авторизациясини ўтказди, миждонинг карточка ҳисобварағидан маблағларни ҳисобдан чиқариш учун автоматик равишда электрон мемориал ордерни шакллантиради, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотининг талаб ўилиб олингунча депозит ҳисобварағига маблағларни ўтказиш учун электрон тўловлар тизими орқали банк-эквайерга жўнатади.

в) банк-эквайерда, банк-эмитентдан олинган электрон мемориал ордерга асосан, маблағлар савдо, ёки хизмат кўрсатиш ташкилотининг талаб ўилиб олингунча депозит ҳисобварағига ўтказилади. Мемориал ордер босмадан чиқарилади ва банкнинг кунлик ҳужжатларига тикилади.

Процессинг марказлари орқали ҳисоб-китобларни ўтказиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) кун давомида карточкалар бўйича барча транзакциялар, ҳисоб-китоблар ўатнашчилари томонидан тасдиқланган тартибда, процессинг маркази орқали ўтказилади ва ҳисоб-китобларда ўатнашувчи ҳар бир банк учун алоҳида очилган шахсий ҳисобварақларда акс эттирилади;

б) ҳисоб-китоблар ўатнашчилари келишувига асосан, ҳисоб-китоблар бўйича якуний суммалар (мажбуриятлар) тижорат банкларининг Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар марказида очилган вакиллик ҳисобварақлари орқали, шартномада қайд этилган даврийликда ўтказилади;

в) банклар, процессинг марказидан олинган маълумотларга асосан, карточкалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган операциялар бўйича, маблағларни миждонларнинг ҳисобварақларига киритадилар, ёки чиқарадилар.

2.5. Нотўловлар муаммоси ва уни бартараф этиш йўллари

Бозор иқтисодиёти шароитида тўлов мажбуриятларини ўз вақтида ва тўла ҳажмда бажариш иқтисодиётнинг турли соҳалари фаолиятининг зарур шартидир. Корхона, ташкилот, банклар ва давлат ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар муаммоси доимо долзарб, шу билан бирга ҳал этилиши қийин бўлган муаммолардан бири бўлиб қолади. Чунки товар жўнатиш, ёки хизмат кўрсатиш билан унга пулни тўлаш вақти бир-бирига тўғри келмайди. Бу эса дебеторлик ва кредиторлик қарзларининг юзага келтириб чиқаради. Бундай қарзлар ўз вақтида ёпилмаса, узайтирилган дебеторлик, ёки ноқонуний қарзлари пайдо бўлади.

Маълумки, ноқонуний кредиторлик, шу билан бирга муддати узайтирилган дебиторлик қарзлари ҳажмининг ортиши, нотўловлар ҳолатининг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бу эса, шу мамлакат иқтисодининг изчиллик билан ривожланишига салбий таъсир кўрсатади ва тўсқинлик қилади.

Кредиторлик қарзлари - бу бирлашма, корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан вақтинча жалб қилинган ва мувофиқ равишда юридик ва жисмоний шахсларга қайтарилиши лозим бўлган пул маблағларидир. Мажбуриятлар ва тўлов муддатлари доирасидаги кредиторлик қарзлари қонуний қарзлардир. Ҳисоб-китоб ва тўлов тартиблари бузилганда, ноқонуний кредиторлик қарзлари вужудга келади. У айланма маблағлари режадан ташқари тақсимланганлигини билдиради. Харидор ва буюртмачиларнинг ўзаро мажбуриятларга нисбатан бефарқлик билан қарашлари ва улар томонидан шартнома шартларига риоя қилинмаслиги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари вужудга келишининг асосий сабабидир. Корхона балансида муддати ўтган қарздорликларнинг мавжудлиги салбий аломат бўлиб ҳисобланади, чунки бу ҳолда, корхона балансининг таркиби ёмонлашади. Бунда жалб этилган маблағларга эҳтиёж кучаяди. Муайян бир ҳўжалик юритувчи субъектнинг маҳсулот етказиб берувчилар билан ўз вақтида ҳисоб-китобларни амалга оширмасликлари нотўловлар занжирининг пайдо бўлишига олиб келади. Ушбу нотўловлар занжирига нафақат заиф, молиявий жихатдан лаёқатсиз корхоналар, шу билан бирга кучли ва тўловларга лаёқатли, молиявий жихатдан мустаҳкам бўлган корхона ва ташкилотлар ҳам боғланиб қолишлари мумкин.

Эҳтиёж кам бўлган, омборларда меъеридан ортиқ тўпланиб қоладиган, рақобатга бардош бера олмайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳам, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг келиб чиқишига олиб келади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг меъеридан ортиқ миқдорда омборларда йиғилиб қолиши, корхона айланма маблағларининг музлаб қолишига, кўзланган фойда миқдорининг камайишига, натижада, корхона молиявий аҳволининг ёмонлашувига олиб келади. Бу эса, нотўловлар муаммосини келтириб чиқаради. Нотўловлар муаммосини келтириб чиқарувчи кўплаб омилларни келтириш мумкинки, улар қаторига нарх сиёсати, солиқ сиёсати, нормадан ортиқ бўлган инфляция даражаси ва бошқаларни киритиш мумкин. Шу билан бирга ўзаро қарздорликларни келтирувчи асосий сабаблар қуйидагилар бўлиб ҳисобланади:

1. Иқтисодиётда тўлов воситаларининг етарли эмаслиги;
2. Ҳисоб-китоблар учун энг қулай тўлов воситалари сифатида ҳозирги кунда амалиётда ишлатилаётганларига қўшимча равишда, мамлакатимизда айрим сабабларга кўра бекор қилинган чек ва векселларни ишлатилмаслиги;
3. Корхона айланма маблағларининг инфляция шароитида маълум миқдорда кадрсизланиши.
4. Мамлакат товар ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулоти доимо харидоргир бўлмаганлиги сабабидан сотишнинг қийинлиги;
5. Маркетингнинг етарли даражада ривожланмаганлиги;
6. Корхоналарни солиққа тортиш механизми камчиликлари мавжудлиги оқибатида айланма маблағларининг йўқотилиши.

Бу сабабларни давом эттириш мумкин. Лекин асосий масала ўзаро қарздорликларни тўлиқ йўқотиб бўлмайди. Аммо уларнинг умумий суммасини қисқартириш мумкин.

Республикаимизда ҳозирги кунда энг долзарб муаммолардан бири ҳам айнан мана шу қарздорликлардир. Бу масала Республика Вазирлар Маҳкамасининг

мажлисларида ҳамда республика иқтисодиётини ислоҳ қилиш билан боғлиқ турли йиғилишлари доимо кўриб чиқилади. Шунингдек, иқтисодиётда ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказиш ва қарздорлик муаммолари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган. 1996 йил 24 январдаги "Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони талабларини бажариш мақсадида, тўловларнинг ўз вақтида ўтказилиши ва вакиллик ҳисобварағларининг аҳволи устидан доимий назорат ўрнатишни таъминлаш хусусидаги вазифалар белгилаб берилган. Тижорат банкларига белгилаб берилган бир қатор вазифалар билан биргаликда Марказий банкнинг бош бошқармаларига тижорат банкларининг жойлардаги ҳар бир бошқармаси ва бўлимларида йил давомида камида 1 марта Давлат солиқ бошқармаси билан келишилган, мувофиқлаштирилган текширувлар режасига мувофиқ дебетор-кредитор қарзлар юзасидан текширувлар ўтказиш топширилган.

Тижорат банклари мижозлар билан "Банк-ҳисобварағини юритиш бўйича шартнома" тузишда бир қатор ньюансларни эътиборга олишлари лозимлиги белгилаб берилган:

1. Хўжалик юритувчи субъектлар ҳар ойнинг 6 кунига ички идоравий ўзаро қарзларнинг суммасини алоҳида қаторда ажратган, барча муддати ўтган кредиторлик ва дебеторлик қарзларининг юзага келиш санаси ва уларни ундириб олиш юзасидан кўрилатган чора-тадбирларни кўрсатган ҳолда, оператив маълумотларни тақдим этиш.

2. Ҳар чоракда тақдим этилатган баланс билан бирга 2-шаклдаги "Дебеторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотнома"ни тақдим этиш тўғрисидаги банд мавжуд бўлиши шарт.

Корхона ва ташкилотлардан оператив, ойлик ва чораклик баланс маълумотларини, муддати ўтган дебеторлик қарзларига солиштириш далолатномаларини талаб қилиниши, маълумотларни тақдим қилинаётган мижозларга нисбатан қандай чоралар кўрилатганини, олинган маълумотларни таҳлил қилиб ўрганилишини кўриб чиқиш лозим. Тўлов ҳужжатларида яъни тўлов талабнома, топшириқномаларида хўжалик субъектлари томонидан юбориладиган маҳсулот ҳақининг олдиндан тўланаётган миқдори тўғрисидаги ёзув мавжудлиги текширилиши керак. Хўжалик органларида дебеторлик қарзлари ҳолати бўйича ўтказилган текшириш далолатномаларининг сифатини кўриш ва текширишда аниқланган қонунбузарлик ҳолатлари бўйича кўрилган чораларни ўрганиб чиқишлари лозим.

Ҳозирги кунда банклар томонидан нотўловларни қисқартириш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Тижорат банклари филиаллари томонидан 2-картотекадаги тўлов ҳужжатлари мунтазам равишда инвентаризация қилиниб борилади ва унинг натижасида нотўғри қўйилган ҳисоб-китоб ҳужжатлари аниқланиб, мижозларга қайтарилмоқда.

Ҳисоб-китоб механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг 2000 йил 13 январдаги "Корхона ва ташкилотларнинг муддати ўтган дебеторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги баённомаси талабларини бажарилишини таъминлаш мақсадида хизмат кўрсатиладиган мижозлар билан ҳамкорликда мақсадли тўлов схемалари ишлаб чиқилди ва шу схемалар асосида бир кунлик кредитлар ажратилади ҳамда факторинг хизматлари кўрсатилади. Схема асосида кредитлар

бериш 23202-сонли махсус ҳисобрақам орқали амалга оширилади. Корхона ва ташкилотларнинг муддати ўтган дебетор ва кредиторлик қарздорликларини қисқартириш учун тижорат банклари томонидан аниқ мақсадлар учун кредит бериш ва факторинг хизматини кўрсатиш қуйидаги схема асосида амалга оширилади:

3-схема, (минг сўм)

Схема бўйича ҳисоб-китоблар

Кредит берган банкнинг номи
52000
52000
52000
Кредит қайтиб келган банкнинг номи

Ушбу схема бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва қарздорликларни камайтириш учун берилган сумма шу кун яна банкка қайтиб келади. Схема бўйича тўловларни ўтказиш учун инициатор банк томонидан бир қатор ҳужжатлар унга хизмат кўрсатувчи банкка тақдим этилади.

1.Схема бўйича бўладиган икки томонлама ҳисоб-китобларда корхона, ёки ташкилотнинг раҳбари ва бош бухгалтери томонидан ҳужжатда қўйилган имзо, ҳамда шу корхонанинг, ёки ташкилотнинг муҳри, банкдаги мавжуд худди шу корхона, ёки ташкилотнинг раҳбари ва бош бухгалтерининг имзоси ва муҳри намунаси билан мос келиши керак.

2.Хўжалик субъекти томонидан банкка тақдим қилинган ҳужжатларда кўрсатилган хизмат тури, яъни юклаб жўнатилган маҳсулот, товар, бажарилган ишлар юзасидан келиб чиққан дебеторлик қарздорлиги аниқ кўрсатилиши лозим.

3.Тайёрланган схема тижорат банкларининг бошқарувчилари томонидан тасдиқланади ва улар ўз мижозларининг дебеторлик ва кредиторлик қарздорлиги тўғри расмийлаштирилганлиги юзасидан жавобгар бўлиб ҳисобланади.

4.Аниқ мақсадга йўнатирилган схемада корхона, ёки ташкилотнинг номи аниқ кўрсатилиши керак. Агар корхона, ёки ташкилотнинг раҳбар ўринбосари томонидан схемага имзо қўйилган бўлса, у ҳолда, имзо қўйган шахснинг мансаби ва фамилияси схемада тўлиқ кўрсатилиши лозим.

Умуман, схема бўйича кредитлаш натижасида корхона ва ташкилотларнинг фаолияти яхшиланади, уларнинг ўзаро қарздорликлари камайтиришга ёрдам беради.

Биз юқорида банклар томонидан дебетор ва кредитор қарздорликларни камайтириш бўйича қандай тадбирларни ўтказишлари мумкинлигини кўриб чиқдик. Лекин хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзлари ҳам бундай қарзларни бартараф этишга қаратилган ҳаракатларни амалга оширишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Муддати ўтган қарзларни олдини олиш усуллариининг ҳар бирини пухта билиш бу борада амалга оширилган ишларнинг самарали бўлиши учун етарли эмасдир,

балки муайян вазиятдан келиб чиққан ҳолда, бирор усулларни тадбиқ этиш кетма-кетлигини чуқур англаш лозим.

Сотувчи ва харидор ўртасида узоқ муддатли шартномаларнинг ва алоқаларнинг мавжуд бўлганлигига қарамай, сотувчи ўз навбатида харидорнинг тўлов қобилияти, молиявий натижалари ва умумий аҳволи ҳақида, мунтазам равишда маълумотга эга бўлишга интилиши лозим. Сотувчи ўз навбатида харидор билан узоқ муддатли ҳамкорликка тайёрлиги ва харидорнинг муваффақиятли ривожланиши тарафдорлигини билдириб туриши мақсадга мувофиқдир. Шунда харидор ҳам, сотувчига нисбатан дўстона муносабатда бўлади ва сотиб олинган товарлар учун тўловларни кечиктириш мумкин бўлган сабабларни сотувчидан яширмайди. Муддати ўтган қарздорликни вужудга келишини олдини олишнинг энг мақбул ва замонавий усулларида бири, бу сотувчи ва харидорнинг қарздорликни бирга бартараф этишни амалга оширилишидир.

Хўжалик фаолиятида учрайдиган ҳамма ҳолатларни ҳисобга олиш қийин. Шунинг учун, қуйида санаб ўтилган муддати ўтган қарздорликни вужудга келишининг олдини олиш ва бартараф этиш усуллари тадбиркорларга мавжуд муаммони ҳал этишда ўз иш стратегиясини ишлаб чиқишда кўл келади. Чунки капиталнинг айланиш тезлигини ошириш ва харидорларнинг қарздорлигини камайтириш тадбиркорлик фаолиятининг асосий тамойиллари бўлиб ҳисобланади.

Ушбу муаммони атрофлича ва систематик равишда кўриб чиқиш мақсадида, хўжалик фаолиятида учрайдиган барча ҳолатларни катта блокларга бўлиш мумкин:

I Сотувчи ва харидор орасида узоқ муддатли муносабатларга асосланган хўжалик алоқалари (хом-ашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, эҳтиёт қисмларни етказиб бериш);

II Хом-ашё материаллар, бутловчи қисмлар етказиб бериш ва бажарилган хизматларни бажариш учун жисмоний шахслар билан тузилган якка шартномалар;

III Етказиб берилаётган асбоб-усуналар, транспорт воситалари, ҳисоблаш ва бошқа техникани харидорлар асосий фондлар сифатида ишлатиш ҳоллари.

Ҳар бир блоклар бўйича алоҳида вазиятларни кўриб чиқамиз.

A. Сотувчи ва харидорлар орасида узоқ муддатли кооперацияга асосланган хўжалик алоқалари (хом-ашё, материаллар, ярим фабрикатлар, бутловчи қисмларни етказиб бериш);

Ушбу ҳолат учун, икки томонлама яхши алоқалар, шерикларни бир-бирини яхши билишлари, ўзаро ишонч ва ҳамкорлик аломатлари хосдир. Бунда, кейинчалик ҳам ўзаро фойдали ҳамкорликни амалга ошириш, ҳамда товароборотни кўпайтириш мақсадида, аввалам бор сотувчининг манфаатини кўзлаган ҳолда, харидорларга нисбатан олдиндан тўлаш, бўнак тўловлари ва ҳатто, аккредитив каби тўлов шакллари ишлатилиши тавсия этилмайди.

Қуйида сотувчи ва харидорнинг ушбу блокка киритилган вазиятлардаги амалга оширадиган тадбирлари санаб ўтилган:

A.1. Харидорда маълум бир молиявий қийинчиликларнинг вужудга келганида, сотувчи томонидан тижорат кредити берилиши мақсадга мувофиқдир. Бу вазиятда тижорат кредитини қўлланилишига сабаб шуки, иккала томон вазиятдан келиб чиққан ҳолда, тўлов муддати ва суммасини мувофиқлаштиришларига имконият туғилади.

Тижорат кредити қўлланилганида, харидор кредит ҳисобидан олинган товарлардан (хом-ашёдан) тайёрланган ўз маҳсулотини сотишдан келиб тушган тушум ҳисобига ўз молиявий аҳволини яхшилаб олади, сотувчи эса, ўз навбатида

харидорни йўқотмаган ҳолда, кредит операциясидан тушган фоизлар кўринишидаги фойдага ҳам эга бўлади.

А.2. Хом-ашё, яримфабрикатлар ҳамда бутловчи қисмларни доимий ва бир маромда етказилиб турилиши ҳолатида сотувчи банк муассасаси билан факторинг хизматларини кўрсатиш ҳақидаги шартнома имзолаши мумкин. Шунда ушбу муассаса қарзларни ундириш мажбуриятини ўз бўйнига олади. Товарлар ортиб жўнатилишига қараб ўз маблағларини олиб туради. Ҳозирда банклараро вакиллик алоқаларининг мавжудлиги, айниқса агар факторинг хизматларини кўрсатаётган банк муассасаси ва қарздор шахснинг банки орасидаги вакиллик алоқалари мавжуд бўлса, банк муассасаси томонидан қарздорлини ундириш борасидаги имкониятлари кўпроқ. Аммо бу ҳолда сотувчи ташкилот факторинг хизматлари ҳақини тўлашга мажбур бўлади ҳамда корхонанинг капиталнинг айланиш тезлигининг ошганлини, дебеторлик қарздорликни ундириш харажатларининг камайиши, кредит олиш эҳтиёжининг камайиши ва банк билан муомала шакллариининг осонлашувидан келадиган фойда миқдори факторинг хизматлари ҳақидан юқори бўлгандагина ўз самарасини беради.

А.3. Юқорида санаб ўтилган усулларнинг ҳаммаси харидор томонидан муддати ўтган дебеторлик қарздорлигини вужудга келишини олдини олишда, ҳамда харидор томонидан молиявий қийинчиликларнинг мавжудлиги ҳолатларида ҳам маълум муддатдан сўнг, тўловларни амалга оширилиши кўлланилиши мумкин. Агар харидор сурункали равишда ўз мажбуриятларни бузса, у ҳолда сотувчи нуфузли ва бақувват молиявий муассасаларининг тўлов амалга оширилишини кафолатловчи хатларини талаб қилиши мумкин.

Б. Хом-ашё, материаллар, бутловчи қисмлар етказиб бериш ва бажарилган хизматларни бажариш учун тузилган якка шартномалар;

Ушбу турдаги хўжалик алоқаларида, сотувчи ва харидор ўзаро олди-сотди операцияларини биринчи мартаба амалга оширадilar, айниқса бундай ҳолатлар янги тузилган ташкилотлар билан кузатилади. Шунинг учун сотувчи ўз харидори ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга бўлмайди. Бундай ҳолатларда қуйидаги кўрсатилган усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Б.1. Вазият: сотиш ҳажми кичик, харидор сифатида жисмоний шахс қатнашиши мумкин.

Бундай ҳолатда ҳисоб-китоб нақд пул, ёки чеклар ёрдамида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Бироқ, харидорнинг кимлиги номаълум бўлиб унинг яна бир бор қайтиб келиши номаълум ва тўлов суммаси унчалик катта бўлмаган ҳолатларда, у такдим этаётган чекларнинг пул билан таъминланганлигини текшириб кўрилиши лозим. Бунинг учун харидордан унга хизмат кўрсатувчи банкдан оғзаки, ёки ёзма равишда банкдаги ҳисоб рақамида қанча пул мавжудлигини билиш кифоядир. Агар сотувчи чеклар билан ҳисоб-китоб шаклини хуш кўрмаса, харидордан нақд пул, кредит карточкалари орқали ҳисоб-китоб қилинишини талаб қилиши лозим.

Б.2. Вазият: улгуржи савдо.

Бундай ҳолларда фақат нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалга оширилиши лозим.

Харидор ҳақида ҳеч қандай маълумотлар мавжуд бўлмаган ҳолларда тўлов амалга оширилишини юз фоизга кафолатловчи аккредитив тўлов шаклида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бироқ, агар харидорнинг тўлов мажбуриятларини вақтида амалга оширмаслиги ҳақидаги маълумот мавжуд бўлса, бўнак, ёки олдиндан тўлов шакллари ишлатилгани мақсадга мувофиқ. Харидор аккредитив ва олдиндан тўлов шакллариини амалга оширолмаслиги ва унинг тўлов қобилияти ҳақида етарлича маълумот мавжуд бўлмаса, сотувчи харидордан ўзгача

кафолатларни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Акс ҳолларда харидорларни ва бозорни йўқотиш эҳтимоли каттадир.

Тўлов амалга оширилишини кафолатловчи қуйидаги ҳужжат шакллари мавжуд:

•машхур, улкан ва ишончли ташкилотларнинг тўлов амалга оширилишини кафолатловчи хатлари;

•гаров;

•кафиллик.

Керакли ҳолларда харидор векселлардан фойдалиниши мумкин, бу ҳолларда векселни олган шахс эҳтиёж сезилганида векселни дисконтлаш асосида банкка ўтказиши ва тегишли пул маблағларини олиши имкониятига эга бўлади. Бироқ, агар банкнинг вексел берган шахснинг тўлов қобилиятига шубҳаси бўлса, банк векселга авалиятларнинг имзоси қўйилишини талаб қилиши мумкин. Шундай ҳолат юзага келмаслиги учун векселни тақдим этаётган шахсдан векселда авалистнинг имзосини мавжуд бўлиши талаби қўйилади.

Бунда бошқа вариантлар ҳам мавжуд. Ўз товари эвазига олинган векселни сотувчи ўз кредиторлари билан ҳисоб-китоб воситаси сифатида ишлатилиши мумкин.

Б.3. Вазият: харидор тўлов амалга оширишда ўз мажбуриятларини вақтида бажармаяпти.

Бу ҳолларда дебеторлик қарздорлигини қисқартириш ва бартараф этиш борасида қуйидагиларни амалга оширишлари мумкин:

Биринчидан, харидорга қарздорликни тижорат кредити сифатида расмийлаштиришини таклиф қилиш мумкин, агар:

•харидор кредит муддати мобайнида етказиб берилган ва ҳали тўлови амалга оширилмаган тўловларни амалга оширишга рози бўлса;

•харидор яқин вақт оралигида вақтинчалик молиявий танг аҳволини бартараф этиши ва тўлов қобилиятига эга бўлишига ишонч бўлса.

Иккинчидан, сотувчининг зудлик билан пул маблағларига эҳтиёжини қондириш учун қарздорликни дисконтлаб сотиб юбориши мумкин. Ушбу қарздорликни сотиб олаётган шахс қарздорликни узилишига ишончи бўлиши лозим.

Умуман, ҳозирги кунда нотўловлар, энг долзарб муаммолардан бири бўлиб, бу муаммони бартараф этишнинг ягона йўли йўқ. Нотўловлар, яъни дебеторлик ва кредиторликни қарздорликнинг умуман йўқ қилиш мумкин бўлмай уларни камайтириш бўйича ҳар бир ҳолатда алоҳида йўлни танлаш нафақат алоҳида ҳўжаликлар, балки бутун иқтисодиёт учун фойдалидир.

Назорат учун саволлар

1. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг мазмуни нимадан иборат?
2. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг қандай шакллари амалиётда қўлланилади?
3. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими нима ва у қандай элементлардан ташкил топган?
4. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш тамойиллари.
5. Тўлов муддати ва тўлов усули.
6. Ўзбекистон Республикасида “Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги охирги амалда бўлган Низомнинг аввалгиларидан қандай фарқлари мавжуд?
7. Ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштириш тартибини тушунтиринг.
8. Тўлов топшириқномалари бўйича ҳисоб-китобларнинг расмийлаштирилиши ва ҳисобга олиниши.
9. Нотўловлар муаммоси дэганда нимани тушунаси?

3-МАВЗУ. ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВ ТИЗИМИ ВА УНИНГ БАНКЛАРАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАГИ ЎРНИ

Режа

3.1 Электрон тўловлар тизимининг мазмуни, аҳамияти, унинг Ўзбекистонда жорий этилиши ва ишлаш принциплари.

3.2 Банклараро тўлов тизими фаолият юритишининг бухгалтерия модели.

3.3 Банклараро тўлов тизими орқали маълумотларни узатишнинг технологик жараёни

3.4 Ўзбекистонда электрон ахборотларни муҳофаза қилишни ташкил этиш.

Таянч иборалар

Банклараро ҳисоб-китоблар, клиринг маркази, тўлов маркази, авизо, электрон тўлов, электрон тизим, файл, банклараро оборотлар, банк коди, электрон почта, электрон ахборот, ахборотлар маркази, ахборотлар муҳофазаси, бош банк, банк филиали, инициатор банк, эмитент банк.

3.1. Электрон тўловлар тизимининг мазмуни, аҳамияти, унинг Ўзбекистонда жорий этилиши ва ишлаш принциплари.

Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатларига ўтиши билан банк тизимида бир қатор ўзгаришлари бўлиб утди. Икки поғонали банк тизими пайдо бўлди. Тижорат банкларининг шахобчалари кенгайтирилди. Бундан ташқари, турли мулкчилик шаклларининг пайдо бўлиши банклар ўртасидаги муносабатларнинг купайишига олиб келди. Шу муносабатлар бўйича ҳисоб-китобларни ўз вақтида тезкорлик билан амалга ошириш учун янги автоматлаштирилган тизимни жорий этиш зарурати тугилди.

Илгари почта ёки телеграф орқали тўлов ҳужжатлари бир банкдан иккинчи банкка жўнатилганда тўловлар бир неча кунга, ҳатто 15-20 кунга чўзилиб кетар эди. Бундан ташқари ноқонуний авизоларни жўнатиш ҳоллари ҳам кузатилган эди. Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида янги электрон тўловлар тизими дастурий таъминоти ишлаб чиқилди ва 1995 йилдан бошлаб тўлиқ республика банк амалиётига тадбиқ этилди.

Электрон тўловлар тизими бу-умумдават тизими бўлиб, банклараро тўловларни ташкил этади ва у қоғозсиз технологияларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки электрон почта воситалари орқали ўтказилишига асослангандир. Ҳозирги кунда электрон тўловлар тизими юқори ўтказиш имкониятига эга бўлиб, тўловларнинг республика миқёсида бир неча дақиқа мобайнида ўтишини таъминлайди. Электрон тўловлар тизими қуйидаги функцияларни бажаради:

1. Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни жадаллаштириш;

2. Узатиладиган электрон тўлов ҳужжатларини рухсатсиз ташқи дахл этишдан ҳимоя қилиш;

3. Банкларнинг вақтинча пул ресурсларидан самарали фойдаланиш;

4. Кредит ва хатарлилик даражасини бошқариш;

5. Тўлов операцияларини тартибга солувчи қонун ва қоидаларга риоя қилиш;

6. Тижорат банклари томонидан амалдаги қонунчиликка ва банк фаолияти меъерий ҳужжатларига риоя қилиниши бўйича Марказий банкнинг назорат ва кузатув функцияларини бажариш;

7. Маълумотлар базасини яратиш.

Электрон тўловларни ўтказишда инициатор ва бенифициар банклар иштирок этади. Инициатор банк бу-тўлов операцияларини бошловчи банк, бенифициар банк эса тўлов операцияларини якунловчи банкдир. Банклар ўртасидаги ҳисоб-китоблар электрон тўлов ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Электрон тўлов ҳужжати Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган шаклда пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари асл нусхаси асосида яратилган “электрон” белгили ҳужжат бўлиб, унинг асосий нусхаси ҳисобланади ва асл нусха кучига эга бўлади. Электрон тўловлар тизимида узатиш учун мулжалланган ҳужжатларнинг тўғри тўлдирилганлиги учун банк мижози жавобгар бўлади. Худудий ахборотлаштириш Марказига қайта ишлаш учун узатиладиган электрон тўлов ҳужжатларини ҳисоблаб ўтказиш, ҳисобдан чиқариш ва уларнинг электрон файлларини шакллантирилиши тўғрилиги учун жавобгарлик инициатор-банкка, худудий ахборотлаштириш марказидан қабул қилинадиган тўлов ҳужжатлари учун жавобгарлик эса бенифициар банкка юклатилади. Электрон тўлов тизими бир қатор тамойиллар асосида фаолият кўрсатиб, улар қуйидагилардир:

1. Тўловлар бўйича трансакцияни ўтказиш ташаббуси инициатор-банкка тегишли бўлади;
2. Тўловни амалга оширишдан олдин операцион куннинг бошида тижорат банкларининг ички ва ташқи вакиллик ҳисобварақларидаги оборотлар ва қолдиқ маблағлари бир-бирига мувофиқлиги текширилади;
3. Амалга оширилган трансакция қайтарилмайди.
4. Тўловларнинг энг юқори суммаси чекланмаган
5. Тўловларнинг инициатор-банк томонидан вакиллик ҳисоб варағидаги маблағ қолдиги чегарасида тўланади. Ундан ортиқча маблағ сарфлаш овердрафт суммаси миқдорида амалга оширилиши мумкин.

Электрон тўловлар иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Ахборотлаш марказлари ва ҳисоб-китоб марказларидир. Электрон тўловлар тизимидан фойдаланувчилар бўлиб ҳисоб-китоб касса марказлари ва тижорат банклари ҳисобланади. Электрон тўловлар тизими иштирокчилари ва фойдаланувчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тижорат банклари, ахборотлаш марказлари ва ҳисоб-китоб марказлари ўртасида тузилган шартнома билан тартибга солиниб турилади.

Ҳар бир банк электрон тўловлар тизимига кўшилиши учун аввало Республика Марказий банкида руйхатга олинган ҳамда БДМАБ томонидан уникаль код берилган бўлиши лозим. Шу билан бирга ушбу банк электрон тўловлар тизимига чиқиш имкониятини берадиган тегишли дастурий мажмуага эга бўлиши лозим. Шундан сўнг банк электрон тўловлар тизимига улангунча ахборотлаштириш бош маркази ходимлари ёрдамида маълумотларни қабул қилиш, узатиш бўйича бир неча синов тажрибаларини ўтказиш йўли билан банк тайёргарлигининг ҳафталик тажриба текшируви ўтказилади. Бундай тажриба текширув ишлари ижобий натижа олгунча давом эттирилади.

Тажриба тугагандан сўнг худудий ахборотлаштириш марказида банкнинг электрон тўловлар тизимида ишлашга тайёр эканлиги тўғрисида далолатнома тузилади ва банк электрон тўловлар тизимига кўшилади.

3.2. Банклараро тўлов тизими фаолият юритишнинг бухгалтерия модели

МБ ХКМда вакиллик ҳисобварақлари қуйидаги тамойилларга риоя қилган ҳолда юритилади:

1) МБ ХКМда банкларнинг вакиллик ҳисобварақларига хизмат кўрсатиш амалиёт куни давомида амалга оширилади. ЭТХнинг муваффақиятли қайта ишланганлиги тасдиқланиши билан вакиллик ҳисобварағида акс эттирилади. Узатиладиган ЭТХларида ҳимоя қилиш воситалари ёрдамида хатолар аниқланганда ёки ЭТХларни қайта ишлаш имконияти бўлмаганда, улар қайтарилади (файлни қайта ишлашда - файл бутунлича қайтарилади), ва бу ҳақда электрон қвитанция берилади;

2) Электрон тўловлар банклардан фақатгина вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиғи доирасида амалга оширилади, агарда МБ ХКМ ва банк ўртасидаги шартномада бошқа ҳолат келишилмаган бўлса;

3) Банк банклараро электрон тўловлар ўтказишга ўзининг МБ ХКМдаги вакиллик ҳисобварағи ва банкдаги тегишли ҳисобварағидаги айланма ва қолдиқ суммаларининг мувофиқлигини таҳлил қилгандан кейингина киришади.

Банклараро тўлов тизимида қўлланиладиган ЭТХларининг таркиби ва тузилиши:

1) Банклараро тўлов тизимида 2-7-иловаларда келтирилган ЭТХлар қўлланилади.

2) Ҳар бир ЭТХ, ташаббускор банк томонидан жўнатиш учун тайёрланган ҳужжатни ва бенефициар банкда электрон усул билан олинган ҳужжатни идентификация қилиш учун мўлжалланган тегишли код (операция тури (кейинги ўринларда - ОТ)) билан белгиланиши керак. Операциялар тури кодлари 8-иловада келтирилган;

3) Маблағларни ўз вақтида ва тўғри ўтказиш мақсадида банкнинг масъул ходими ЭТХ тайёрлашда пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларининг барча реквизитларини тўғри киритиши керак;

4) Тўлов топшириқномасини (ОТ 01), тўлов талабномасини (ОТ 02), мемориал ордерни (ОТ 06) ва инкассо топшириқномасини (ОТ 11) киритишда қуйидаги реквизитлар тўғри тўлдирилиши керак:

ҳужжатнинг рақами;

ҳужжатнинг санаси;

тўловчининг номи;

тўловчининг шахсий ҳисобварағи рақами;

солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);

тўловчи банкнинг коди;

тўловчи банкнинг номи;

ҳужжатнинг суммаси (рақам билан);

олувчининг номи;

олувчининг шахсий ҳисобварағи рақами;

олувчи банкнинг коди;

олувчи банкнинг номи;

ҳужжатнинг суммаси сўз билан (автоматик тарзда ёзилади);

тўловнинг мақсади.

Тўлов мақсади қуйидаги маълумотлардан иборат бўлади:

а) тўлов нима учун ўтказилапти;

б) шартнома, ҳисобварақ, товар-транспорт ҳужжатлари, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар учун ҳисоб-китоб қилишда ишни қабул қилиш далолатномаси ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатлар, маҳсулот ким орқали жўнатилганлиги

тўғрисидаги ишончноманинг рақами ва санаси кўрсатилади. Ижро ҳужжатлари бўйича инкассо топшириқномасида ундириб олиш учун асос бўлаётган ижро ҳужжатининг рақами, санаси ва номи кўрсатилади.

Қонунчиликка мувофиқ айрим тўловчиларга "тўлов мақсади" реквизитида нима мақсадда тўлов ўтказилаётганлиги тўғрисида маълумот кўрсатилмаслиги мумкин.

5) Аккредитив учун ариза (ОТ 05)ни киритишда қуйидаги реквизитлар тўғри тўлдирилиши керак:

- аккредитив номери;
- аккредитивни ёзиш санаси;
- тўловчининг номи;
- тўловчининг ҳисобварақ рақами;
- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- эмитент банкнинг номи;
- эмитент банк (ташаббускор банк)нинг коди,
- аккредитив суммаси рақам билан;
- етказиб берувчининг номи;
- етказиб берувчининг ҳисобварағи рақами;
- аккредитивни ижро этувчи банкнинг номи;
- аккредитивни ижро этувчи банк (бенефициар банк)нинг коди;
- аккредитив суммаси сўз билан (автоматик тарзда ёзилади);
- аккредитив муддати.

Аккредитив шартлари:

- а) аккредитив тури;
- б) товар (маҳсулот), хизматнинг номи;
- в) аккредитив бўйича тўловларни амалга ошириш учун асос бўладиган ҳужжатнинг номи;

МБ ҲҚМ томонидан банкнинг вакиллик ҳисобварағи дебетиға ёки кредитига маблағ хато ўтказилганда, МБ ҲҚМ амалиёт куни давомида банкка хато ўтказилган тўловлар тўғрисида хабарнома жўнатиши керак. Банк, МБ ҲҚМдан хабарномани олганда, дарҳол шу амалиёт кунининг ўзидаёқ, вакиллик ҳисобвараққа хато ўтказилган маблағларни қайтаришни амалга ошириши керак.

Шундан кейин, дебет ҳужжатлари бўйича алоҳида, кредит ҳужжатлари бўйича алоҳида бухгалтерия ёзувлари ўтказилади. Дебет ҳужжатлари бўйича дастлаб қуйидаги проводка ўтказилади.

Дебет 27416 “Банклараро ҳисоб-китоблар”

Кредит 21302 “Тижорат банкнинг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи”

ТБ А

Бир вақтнинг ўзида қуйидаги жавоб проводкаси ўтказилади.

Дебет 21302 “Тижорат банкнинг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи” ТБ

Б

Кредит 27416 “Банклараро ҳисоб-китоблар”

Бу икки ёзув орқали биз 27416- ҳисобварағининг транзит ҳисобварақ эканлиги ва бир вақтнинг ўзида ёпилишини кўриш мумкин.

Ҳисоб-китоб Марказларига тижорат банкларига тушадиган ҳужжатларнинг асосий қисми кредит ҳужжатларидир. Кредит ҳужжатлари бўйича ҳам Ҳисоб-китоб марказларида бухгалтерия ёзувлари ўтказилади.

Бош банк ўз филиалларидан келган электрон тўловларни қайта ишлаб ўзининг ягона вакиллик ҳисобварағи орқали Тошкент шаҳар Ҳисоб-китоб марказига модем

алоқаси орқали жўнатади. Бу операция бўйича Бош банкда қуйидаги бухгалтерия амаллари бажарилади:

Дебет 22204 “Филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган ҳисобварақлар” А филиал

Кредит 10301 “Бош банкнинг вакиллик ҳисобварағи” А банк

Ҳисоб-китоб маркази бир тижорат банкининг вакиллик ҳисобварағида пул маблағларининг камайиши бўйича ушбу бухгалтерия ёзувини бажаради:

Дебет 21302 ТБ “А”

Кредит 27416

Иккинчи тижорат банкининг вакиллик ҳисобварағида пул маблағларининг кўпайиши бўйича проводка қуйидаги кўринишда бўлади:

Дебет 27416

Кредит 21302 ТБ “Б” “

Тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварағидан маблағларни ҳисобдан чиқариш ва бу вакиллик ҳисобварағига маблағларни ўтказиш ҳар бир келиб тушган ёзувнинг қайта ишлаш жараёни билан бир вақтда амалга оширилади, шунинг учун барча тўлов ҳужжатлари бир вақтнинг ўзида 27416 ҳисобварағининг ҳам дебети, ҳам кредити бўйича акс эттирилади.

Бу ҳол ҳар бир операция бўйича ва мос равишда кун якунлари бўйича 27416 - ҳисобварағининг автоматик равишда ёпилишига олиб келади, 27416-ҳисоб рақамининг 0 га ёпилиши тижорат банклари ўртасида ҳисоб-китобларнинг муваффақиятли якунланганлигини кўрсатади.

Турли типдаги бош тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварағи бўйича чиқариладиган кўчирмаларда 27416 - шахсий ҳисобварақда ва ҳудуд ичидаги ўтказмалар журналида акс эттирилади.

Ҳисоб-китоб марказидан электрон тўлов маблағ олувчи Бош банкка ўтказилади. Банклараро ҳисоб-китоблар бўйича электрон тўлов Бош банкка келиб тушганда дастурий йўл билан қуйидаги ёзувлар бажарилади:

Дебет 22204 “Филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган ҳисобварақлар” Б филиал

Кредит 10301 “Бош банкнинг вакиллик ҳисобварағи” Б банк

Назорат учун саволлар

1. Банклараро ҳисоб-китобларнинг мазмуни ва аҳамияти нимадан иборат
2. Бошланғич ва якуний банклараро оборотларнинг мазмунини тушунтириб беринг.
3. 90-йиллардан олдинги даврдаги банклараро ҳисоб-китоблар қандай тарзда ташкил этилган
4. Ҳисоб-китоблар Марказлари фоалияти нимадан иборат
5. Электро тўловлар тизимини жорий этилишининг сабабларини санаб ўтинг.
6. Электрон тўлов тизимининг ишлаш принципларини санаб ўтинг.
7. Банкларнинг вакиллик ҳисобварақларининг мазмуни ва уларнинг номерланишини тушунтиринг.
8. Вакиллик ҳисобварақларини очиш тартибини тушунтиринг.
9. Ҳисоб-китоб марказида банклараро ҳисоб-китоб операцияларининг ҳисоби қандай ташкил этилади?
10. Бир типдаги банклар ўртасидаги ҳисоб-китоблар бўйича қандай проводкалар бажарилади?

4-МАВЗУ. ЯГОНА ВАКИЛЛИК ҲИСОБВАРАҒИ ОРҚАЛИ ҲИСОБ-КИТОБЛАРГА АСОСЛАНГАН ТЎЛОВ ТИЗИМИ

Режа

- 4.1 Тўлов тизимида ягона вакиллик ҳисобрақамининг тутган ўрни, аҳамияти ва унга ўтилиши
- 4.2 Ягона вакиллик ҳисобварағининг тўлов тизимидаги ўзига хос хусусиятлари
- 4.3 Ягона вакиллик ҳисобварағи асосида тижорат банклари ва унинг филиаллари ўртасида банклараро ҳисоб-китобларнинг ҳисоби
- 4.4 Тўлов марказининг дастурий комплекси

Таянч иборалар

Ягона вакиллик ҳисобварағи, крипто жараён, тўлов маркази, ахборот тизими, реал вақт режими, телекоммуникация тизими, электрон тўловлар, электрон тўловлар тизими, бош ахборотлаш маркази, инициатор банк, бенифициар банк, транзит ҳисобварақлар, траксакция, файл, филиалларга молиявий ёрдам кўрсатиш, ғазначилик, электрон тўлов хужжати.

4.1. Тўлов тизимида ягона вакиллик ҳисобрақамининг тутган ўрни, аҳамияти ва унга ўтилиши

Республика Марказий банки билан жаҳон банки ўртасида 1998 йил декабрь ойида тузилган шартномага мувофиқ Республика Молия соҳасини ривожлантириш учун кредит ажратилган. Бу лойиха беш йўналишга бўлиниб амалга оширилмоқда. Бу йўналишларнинг бири «Ўзбекистон молия соҳасининг ахборот тизимини такомиллаштириш» бўлиб, у ўз ичига қуйидаги вазифаларни олади:

1. Тўлов тизимини такомиллаштириш;
2. Бошқариш учун ахборот тизимини яратиш;
3. Банк телекоммуникация тизимини ривожлантириш;
4. Ахборот тизимининг муҳофазасини яратиш.

Юқорида белгилаб берилган, вазифаларни бажариш учун, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан охириги 10 йилда бир қатор ишлар қилинди. Бу борада ривожланган давлатларнинг тажрибаси ўрганилди ва амалиётга татбиқ қилинди.

Жаҳон банки маслаҳатчилари ва экспертлари Ўзбекистонга ташриф буюришганда барча банкларнинг ягона вакиллик ҳисобварағига ва ягона балансга ўтишлари лозимлиги белгилаб берилди.

Маълумки, йирик масштабдаги банклар ресурсларини битта ҳисобрақамга тез йиғиши ва бу рақамдан катта даромад келтирувчи йирик лойиҳаларни молиялаштириш анча қийинчилик туғдиради. Ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон бозорига интеграциялашуви ва янги технологияларнинг ривожланиши ссуда капиталининг банклараро бозорда сотилиши ва сотиб олиниши илгаригига нисбатан, анча тезроқ амалга оширишни талаб қила бошлади. Йирик банклар Япониядаги биржалар ёпилганда, Европа ва АҚШ биржалари фаолияти учун 1 соатдан 12 соатгача бўлган кредитлардан фойдаланиши, бундан ташқари трансмиллий банклар учун, бир давлатдан иккинчи давлатга овернайт кредитларини амалга ошириш учун, катта пул маблағларини тез кўчириш имконини берувчи технологиялар бош банкда ягона бухгалтерия баланси, ягона вакиллик рақами тизимида ўтишга ундади.

Тижорат банкларининг илк бор ягона вакиллик ҳисобрақамларига ўтиши «Федуайр»¹ тизими мултикорпорацион ва трансмиллий банкларининг ягона вакиллик рақамлари тизимига ўтиш тавсиясига кўра АҚШда амалга оширилди. Республикамиз тижорат банкларининг ягона вакиллик ҳисобрақамларига ўтиши билан эса, мазкур масалалар янада жадаллашди. Шунинг учун, жаҳон тажрибасини ўрганиш, алоҳида долзарблик касб этади ва банк ликвидлигини бошқариш соҳасида амалий билимлар тизими, ҳамда йиғилган тажриба таҳлиллари ва хулосаларини самарали қўллаш имконини беради.

4.2. Ягона вакиллик ҳисобварағининг тўлов тизимидаги ўзига хос хусусиятлари

Ягона вакиллик ҳисобрақами орқали бошқаришнинг моҳияти шундан иборатки, йирик тижорат банклари бўлимлари ўзларининг вакиллик ҳисобрақамларини бош банкда очадилар ва бош банк орқали амалга оширадилар. Ушбу тизимнинг бир қанча устунлик ва қулайлик томонлари мавжуд бўлиб уларнинг асосийлари қуйидагалардан иборат:

> Тизим ичидаги амалга оширилувчи операциялар тезлашади, ҳамда реал вақт режимида ишлайди;

> Катта даромад келтирувчи йирик лойиҳаларни молиялаштириш учун ресурсларни тез жамлаш имкони пайдо бўлади;

> Тизим ичида бўлимлар ресурсларини актив операцияларга жойлаштирилиши туфайли вакиллик рақамидаги минимал даражада сақлай олади ва ҳатто, дебет қолдиқ бўлганда ҳам ишлай олади;

> Банклараро бозорда ресурслар қайта тақсимоотида ҳам банкнинг рақобатбардошлигини оширади;

Демак, банк муассасаси учун вакиллик ҳисобрақами шундай ҳисоб-китоб рақамики, унда тижорат банкининг барча маблағлари яъни, ўз маблағлари ҳам, хизмат кўрсатилаётган мижозлар маблағлари ҳам, шунингдек бошқа жалб этилган ресурслар ҳам сақланади. Вакиллик ҳисобрақами орқали банклар мижозларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган барча операцияларни, шунингдек хўжалик субъекти сифатида банк операцияларининг ўзини ҳам амалга оширади. Ҳозирги вақтгача ана шу жараёнларнинг барчаси жуда катта бир схема кўринишида амалга оширилди.

Айтайлик, тўловчи, ёки маблағни олувчига турли банкларда хизмат кўрсатилаётган бўлса ёки банклар бир-бирини кредитлаш билан боғлиқ бўлган банклараро операциялар ҳамда нақд пулларнинг жойини алмаштиришга доир вазият содир бўлди деб, фараз қилайлик. Бундай ҳисоб-китоблар ҳар бир тижорат банкининг балансида очилган вакиллик ҳисобрақамлари орқали амалга оширилади. Ўз навбатида тижорат банклари филиалларининг вакиллик ҳисобрақамлари Марказий банкнинг Ҳисоб-китоб марказида очилган. Шундай қилиб, ҳар қандай тўлов пул маблағларини ўтказишнинг кўп босқичли тизимидан ўтиши лозим бўлади. Битта банкнинг ўртасида тўловлар амалга оширилаётганида ҳам, ҳисоб-китобларнинг ана шу схемасига амал қилади. Бу банклараро ҳисоб-китобларни ташкил этишнинг марказлашган варианты бўлиб, у самарасиз усул бўлиб ҳисобланади. Банклараро ҳисоб-китоблар 2002 йилгача шу схема асосида ўтказилган. Илгари бундан воз кечишга техникавий жиҳатларга оид бир қанча жиддий муаммолар имкон бермас эди.

¹ Федуайр тизими АШнинг Федерал резерв тизимида иштирокчи банклар учун кутиш ёки четга сўйиш режимида эмас, реал вақт режимида ҳисоб-китобларни амалга ошириш имконини беради.

Ҳозирги кунга келиб барча кўпгина тижорат банклари ягона вакиллик ҳисобрақамига ўтиш бўйича ишларни амалга оширганлар ва банклар ўртасидаги ҳисоб-китоблар ягона ҳисобварағи орқали ўтказилмоқда. Ягона вакиллик ҳисобрақами орқали бошқарувни амалга ошириш тизимини жорий қилиш учун қуйидаги ишлар амалга оширилиши керак эди:

- Бош банк учун, янги банк коди олинади. Масалан, Ўзсаноатқурилиш банки учун банк коди 09003 берилган.

- Бош банкда ўтиш кунига қадар барча бўлимлари учун, шу жумладан ўзидаги амалиёт бошқармасига ҳам 22204 - «Банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган маблағлар», баланс ҳисобрақами очилади ва ҳар бир бўлимга шу ҳақда хабар берилади. Ўз навбатида ҳар бир бўлим -«Банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлар» баланс ҳисобрақамини очади ва бош банкка хабар беради.

- Сўнгра банкнинг бўлимлари мемориал ордер орқали 10301 - «Марказий банкдаги вакиллик ҳисобрақами -Ностро» ҳисобрақамидаги қолдиғини Бош банкда очилган 22204 - ҳисобрақамига, шу жумладан Бош банкнинг бошқармасига ҳам ўтказди.

Бунда қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

Дебет: 16103

Кредит: 22204

Масалан, Ўзсаноатқурилиш банкининг бўлимларидаги 10301-ҳисобрақамларидаги қолдиғини Марказий банкнинг бошқармалари ёрдамида Ўзсаноатқурилиш банкининг бош банкига кўчириб, бўлимларда бу операция бўйича тўғирлаш проводкаси амалга оширилади.

- Банк бўлимларидан вакиллик ҳисобрақами 09003 га 10301 даги қолдиқни ўтказгандан сўнг, бундай бухгалтерия ёзуви бошқа амалга оширилмаслигини чекловчи дастурга қўйилиб, уни банкнинг хавфсизлик хизмати текшириб банки бўлимларининг тўлов рейслари ишланмаслиги учун, Марказий банкнинг Ахборотлаштириш Бош Маркази белгалаган тартибда уларнинг почта қутисини ёпади.

- Марказий банкдаги Тўлов тизими ва ахборотлаштириш маркази «Банк бўлимлари» банки учун 09003 банк коди киритилганлиги ҳақида ўзгартириш киритади.

- Ўзсаноатқурилишбанки тизимида Марказий Банк ички электрон виртуал тармоқ ташкил қиланади.

- Банк маълумотларининг муҳофазасини таъминловчи крипто ҳимоя ва шифрация, шунингдек барча бўлимларнинг дешифрация калитлари бош банкка ўрнатилади.

- Бош банк учун бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўйича норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилади.

- Тижорат банкларининг хусусиятига қараб, ҳамда банк бошқарувининг эҳтиёжига қараб, дастурий воситада информацион бошқарув тизими тузилади.

Тижорат банкларининг ягона баланс технологиясига ўтиши билан банкнинг ички тузилиши ҳам, норматив ва ҳисоботлари ҳам тубдан ўзгара бошлайди. Шунингдек, жалб қилинган маблағлар бўйича захира фондига ажратмаси бош Банкда амалга оширилади. Бу билан ресурсларнинг ишлатилишида янада оптималлаштириш пайдо бўлади ва банкларнинг рентабеллик кўрсаткичларини оширишда, ҳамда банк активларининг оборотини тезлаштириб банкнинг юқори даромад олишига олиб келади. Бу тизимнинг яна шундай хусусияти мавжудки, бунда Марказий Банк учун

пул муомаласини тартибга солишда ва иқтисодиётда пул массасини бошқаришда маълум қулайлик ва имкониятларни юзага чиқаради.

4.3. Ягона вакиллик ҳисобварағи асосида тижорат банклари ва унинг филиаллари ўртасида банклараро ҳисоб-китобларнинг ҳисоби

Мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг маҳсули сифатида тўлов тизимида ягона вакиллик ҳисобварағининг ташкил этилишини кузатишимиз мумкин. Ягона вакиллик ҳисобварағига ўтиш тажрибасини мамлакатимизда биринчи бор «Ўзсаноатқурилишбанки» Internet технологиялари маълумотларини қайта ишлаш ва сақлашнинг тизимида ўтиш борасида ўз ишини ташкил этаётган республикадаги дастлабки банклардан бири бўлди. 2002 йилнинг июлидан бошлаб мазкур банк ўз фаолиятини кейинчалик ягона балансга ўтишни мўлжаллаб ягона вакиллик ҳисобрақами асосида амалга оширмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 март «Банк ахборот тизимини ривожлантириш тўғрисидаги ПФ-3080-сонли Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги «Компьютерлаштиришни ривожлантириш ва технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги 200-сонли Қарори банк ахборот тизимини ривожлантиришга янги омил бахш этди. Ушбу ҳужжатларга «Ўзсаноатқурилишбанк» Бошқаруви алоҳида аҳамият берди.

«Ўзсаноатқурилишбанк»и ягона вакиллик ҳисобрақамини жорий қилиши Бошқарув белгилаб берган йўналишларидан бирининг рўёбга чиқиши бўлиб ҳисобланади.

«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг ягона вакиллик ҳисобрақамига ўтиши билан банк бошқаришнинг энг замонавий сифат даражаси билан таъминланди. Банк активларини самарали бошқариш учун методологик ва технологик негиз модернизация қилинди, ҳамда мижозларга тақдим этилаётган хизматлар тури кўпайди.

Ягона вакиллик ҳисобрақамини йўлга қўйишдан илгари «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг бутун тизимида ресурслар ва хатарларни қулай бошқариш имконияти йўқ эди. Шунини таъкидлаш лозимки, филиаллар бўйича банк хизмати турлари шартларини танлаб олишда аслида банк ресурсларини тезкорлик билан қайта тақсимлаш даражасига кўра олдиндан белгилаб қўйилган, филиалларнинг даромадлилиги ва ликвидлигини бошқариш, турли-туман хатарларни имкон борича камайтиришга эътибор берилган.

Бундай тизимда ишлашда Бош банк оддий вазифаларни бажариш билан бирга, ўзига хос юмушларни ҳам, адо этишига тўғри келади. Масалан, кредит портфели шакллантираётганда филиалларнинг мижозлари тўғрисидаги маълумотларни (филиаллар эса кўпинча турли минтакаларда жойлашгандир) филиалларда берилган кредитлар ҳақида, мазкур кредитларнинг ҳолати тўғрисида маълумотларни жамлаш зарурати пайдо бўлади. Бунинг устига олинаётган жами ахборот янги бўлиши лозим. Шу боисдан ҳам, банкнинг барча филиалларида ягона ҳисоб сиёсатини юритиш зарурдир. Ҳисобрақамлар режасини ташкил этиш, ҳисобрақамлар очиш қоидаларини ишлаб чиқиш ва банк операциялари амалга оширилаётганда проводкаларни бажаришни, шунингдек, жамланган ички ва фискал ҳисоботни тайёрлашни шулар жумласига киритиш лозим.

Банк хизматларининг таркиби ва шартларини бошқариш ҳам, муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шунинг учун, ҳам қандай хизматларни, қандай ҳажмда ва қайси шаклда кўрсатилиши лозимлигини аниқлаб олиш талаб этилади.

Мижозларнинг у, ёки бу гуруҳларига кредитларнинг қайси турларини бериш ва бериладиган бўлса, фоиз ставкасини қандай бўлишини белгилаб олиш ҳам зарур бўлади. Филиаллар учун валюта таркиби, валюталар билан бўладиган операциялар ҳамда шу валюталар операциялари ижро этиладиган савдо курслари «йўлларини» тайин этиб олишда табақалиштирилган ёндошув даркор. Юқорида санаб ўтилган вазифалар ягона вакиллик ҳисобрақами орқали амалга оширилади.

Агар «Ўзсаноатқурилишбанк» солномасини варақлайдиган бўлсак, шунинг таъкидлаш лозимки, банк мутахассислари вакиллик ҳисобрақами технологиясига жуда ўхшаб кетадиган тизимда ишлаб, етарлича тажриба орттиришган. Лекин илгари ахборот технологиялари ўз тараққиётининг бошланғич босқичини бошидан кечираётган эди. Телекоммуникациялар ахборотни зарур даражада зудлик билан кузатишга имкон бермас эди. Лекин шунга қарамасдан, банк мутахассислари ишда катта тажриба тўплаганлар, бу тажриба эса, техникавий лойиҳалар тузиш ва янги технологиялар механизмининг қайта ишлашда ёрдам беради.

Ўзсаноатқурилишбанк учун интеграллашган автоматлаштирилган банк тизими "Фидо-Бизнес" компанияси томонидан тақдим этилган. Шу компания мутахассислари Ўзсаноатқурилишбанкда мазкур тизимни босқичма-босқич жорий этишда фаол қатнашмоқда.

Банк фаолияти самарадорлигини кўтариш, катта фойда олиш, капиталлаштиришда энг кам самара берадиган соҳаларга қўйилган банк активларининг камайиб боришига жуда боғлиқ. Ҳозиргача ҳам бўлиб турган амалиёт, яъни Марказий банкнинг вакиллик ҳисобрақамларида тижорат банки ҳар бир филиалининг маблағларини резерв қилиб ушлаб туриш активларининг оборотдан чиқишига олиб келади. Шу муносабат билан Бош ягона вакиллик ҳисобрақами ҳамда ягона баланс асосида ишлашининг таъминлаш тижорат банки фаолиятининг даромадлилигини кўтаради. Ягона вакиллик ҳисобрақамининг жорий этишдан кўриладиган самара кўп қирралидир. Агар унинг афзаллиги ҳақида гапирадиган бўлсак, бу банк ресурсларининг енгиллик билан, қайта тақсимлаш имконияти, ҳамда шу ресурсларни тўплаш орқали банк ишининг самараси ошаётганидан далолатдир.

Дастлабки босқич ҳам, яқунланиб қолди, бу маълумотларни марказлаштирилган тарзда қайта ишлаш ва сақлашга, яъни ягона баланс билан ишлашга ўтиш демакдир. Ана шу лойиҳаларнинг амалга оширилиши билан, банк фаолиятининг бошқаришнинг сифат жиҳатидан янги даражасига кўтарилади.

Бугунги кунда ягона вакиллик тизимига ўтиш банк тизимининг ислоҳ қилишда жуда муҳим натижа бўлди. Хусусан, тижорат банкларининг Марказий банкдан мустақиллигини ва ўз харажатларини камайитишни таъминлашда ушбу тизимнинг аҳамияти катта. Бундан ташқари, банкларнинг активларининг ўз оборотидан ташқарида қолиши, яъни Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағидаги қолиши мажбур бўлган қолдиқ суммасидан банк ўз оборотида фойдаланиши мумкин.

4.4. Тўлов марказининг дастурий комплекси

Ягона вакиллик ҳисобварағининг юритиш тартиби барча банкларда деярли бир хилдир.

Ягона вакиллик ҳисобварағининг тижорат банкда амал қилиши учун, «Ягона вакиллик ҳисобварағи орқали филиаллар ва бошқа банклар ўртасида электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги» Низом ишлаб чиқилган ва банкнинг Бошқарув раиси томонидан тасдиқланган. Ягона вакиллик ҳисобварақ

орқали тўловларни амалга ошириш учун, Бухгалтерия ва молия ҳисоби Бошқармаси қошида алоҳида сектор ташкил қилинган. Ушбу сектор тижорат банкининг тўлов маркази деб аталади. Ҳар бир филиал ушбу тўлов марказида ўзининг вакиллик ҳисобварағини очган.

Ягона вакиллик ҳисобварағи орқали тўловларни амалга ошириш учун ташкил қилинган секторнинг асосий функциялари қуйидагилар бўлиб ҳисобланади:

- Тижорат банкининг ўз филиаллари, ҳамда бошқа банклар ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш;
- Электрон тўловларни амалга ошириш борасида филиаллар ва бошқа банклар билан файллар ва маълумотларни автоматик равишда алмашиш;
- Филиалларни уларнинг вакиллик ҳисобварағининг тўлов марказидаги ҳолати тўғрисида огоҳлантириб туриш;
- Ягона вакиллик ҳисобварақ ва филиалларнинг ҳисобварақларининг ҳолатини назорат қилиш;
- Тўловларни амалга оширилиши устидан назорат;
- Амалга оширилаётган тўловларни бухгалтерияда акс эттириш;
- Маълумот функцияси;
- Ҳар кун охирида барча маълумотларни архивлаш;
- Филиаллар ва банклараро амалга оширилаётган тўловлар ва маълумотларни ҳимоя қилиш;

Тўлов маркази тўловлар ва бошқа операциялар учун филиалларга маълум бир вақтлар оралиғини белгилаб беради, филиаллар ушбу вақтлар оралиғида операцияларни амалга оширади.

Ҳар бир филиал ўзининг мижозлари билан, улар билан тузган шартномалари асосида мустақил равишда хизмат кўрсатади.

Филиалнинг мижозларга хизмат кўрсатувчи масъул ходими пул ҳисоб-китоб ҳужжатини қабул қилганда уни текширади ва электрон тўлов тизимига киритади. Ушбу ҳолда тизимга киритилган маълумотлар ҳисоб-китоб ҳужжатининг асл нусхаси билан бир хил бўлиши лозим. Ушбу маълумотлар тизимга киритилгандан сўнг, филиалда электрон файл вужудга келади, ҳамда бош бухгалтернинг уникал электрон имзосидан сўнг бу файл тўлов марказига юборилади.

Филиалнинг вакиллик ҳисобварағи баланснинг 16103 – «Банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинadиган маблағлар» ҳисобварағида ҳисобга олинади. Филиал ушбу ҳисобварақ қолдиғи доирасида операцияларни амалга ошириши мумкин.

Агарда филиалнинг вакиллик ҳисобварақаида операцияларни амалга ошириш учун маблағ камлик қилса, ушбу филиал Тижорат банк ўзғартириш Бошқармаси орқали бошқа филиаллардан молиявий ёрдам пули олиши мумкин.

Тижорат банк тўлов марказида ҳар бир филиалнинг вакиллик ҳисобварағидаги қолдиқ 22204-«Банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган маблағлар» баланс ҳисобварақаида ҳисобга олинади. Барча банклараро ва филиаллараро тўловлар ушбу ҳисобварақлар орқали амалга оширилади.

Филиалларнинг бошқа банкларга пул ўтказиш бўйича тўлов топшириқлари тўлов маркази томонидан дешифровка қилинади, ҳамда лимитдан катта ўтказмалар кўриб чиқиш учун ўзғартириш Бошқармасига юборилади. Агарда тўловлар ссуда ҳисобварағидан юборилган бўлса лимитдан катта ўтказмаларни тегишли Кредит Бошқармаларидан бирига кўриб чиқиш учун юборилади. Ўзғартириш Бошқармаси тўловнинг мақсадини ўрганиб чиқиб, зарур бўлса тўловни бекор қилиши, ёки тўхтатиб туриши мумкин (мижозларнинг талаб қилиб олинувчи ҳисобварағидан

ўтаётган пуллар бундан мустасно). Кредит бошқармалари ҳам, ссуда счетидаан ўтаётган тўловларни ўрганиб чиқиб, тижорат банкининг Кредит сиёсати талаблари бузилаётган бўлса, ўтаётган тўловни бекор қилиш, ҳамда тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга.

Ягона вакиллик ҳисобварағи бўйича тўлов ҳужжатларини тўғри тўлдириш учун филиалнинг мижози жавобгар ҳисобланади. Электрон ҳужжатларни яратиш, уни сифатли тўлдириш, юбориш ва қабул қилишга филиаллар жавобгардирлар. Филиаллар томонидан юбориладиган ҳужжатларни ўз вақтида ижро этиш, уларнинг ҳисобини тўғри юритишга тўлов маркази жавобгардир. Ссуда ҳисобварағидан амалга оширилаётган тўловларни ўз вақтида кўриб чиқишга Кредит бошқармалари жавобгардир. Ягона вакиллик ҳисобварағини, ҳамда филиалларнинг тўлов марказидаги вакиллик ҳисобварағини ликвидлигини таъминлаш ва вақтинча тўхтатилган тўловларни куннинг охиригача ўтказиб юбориш банкнинг ўзлаштирилган Бошқармаси зиммасига юклатилган. Шундай қилиб, кўп филиалли барча тижорат банклари филиаллараро операцияларни юқорида кўрсатилган тарзда амалга ошириб борадилар.

Назорат учун саволлар

1. Ягона вакиллик ҳисобварағи дэганда нимани тушунаси?
2. Ягона вакиллик ҳисобварағи ҳисоб-китобларнинг аввалги банклараро ҳисоб-китоблардан фарқи ва авзалликлари нималардан иборат?
3. Ягона вакиллик ҳисобварағи орқали бошқаришнинг моҳияти нимадан иборат?
4. Ягона вакиллик ҳисобварағи орқали тўловларни амалга оширувчи секторнинг вазифалари ни санаб ўтинг.
5. Аввалги банклараро ҳисоб-китоблардан Ягона вакиллик ҳисобварағи ҳисоб-китоблар тизимига ўтиш қандай амалга оширилган?
6. Тижорат банкларининг тўлов марказларининг вазифалари нималардан иборат?

5-МАВЗУ. МИЖОЗЛАРГА МАСОФАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА “БАНК-МИЖОЗ” ДАСТУРИНИНГ ЎРНИ

Режа

- 5.1 “Банк-мижоз” дастурий таъминоти ва унинг аҳамияти.
- 5.2 “Банк-мижоз” тизимининг асосий вазифалари.
- 5.3 Ҳисоб-китобларни “Банк-мижоз” тизими орқали ўтказиш тартиби.
- 5.4 Банк-мижоз дастури бўйича мижознинг иш тартиби.

Таянч иборалар

“Банк-мижоз” дастурий таъминоти, тизимнинг асосий вазифалари, ҳисоб-китоблар, компьютер, модем, дастур, шартнома, крипто-жараён, тўлов ҳужжатлари, маълумот, ахборот, мижознинг иш тартиби, ҳужжатнинг асл нусхаси, жавобгарлик, автоматлаштирилган иш жойи.техник воситалар, сўровнома, хабарнома маълумот узатиш.

5.1. «Банк-Мижоз» дастурий таъминоти ва унинг аҳамияти

Ҳозирги кундаги энг замонавий банк хизматларидан бири мижозларга олисдан туриб хизмат кўрсатишдир.

«Банк-Мижоз» деб номланган бу тизим энг юксак халқаро андозаларга мосдир.

«Банк-Мижоз» тизими бўйича кўрсатиладиган хизматлар доираси банк хизматларининг барча асосий турларини ўз ичига олади. Булар, хусусан, тўловлар ўтказиш, банкдаги ҳисобварқалар ҳолати, улардаги тушумлар ва чиқимлар тўғрисида муфассал ахборот олиш, банкнинг тегишли хизматлари билан амалий ёзишмалар олиб бориш кабилардир.

Мижозга хизмат кўрсатиш вақти максимал даражада кенгаяди. Тизимдан фойдаланувчиларга банк дам олиш кунларисиз, кечаю кундуз хизмат кўрсатади.

Бундан буён мижоз ҳар куни банкка бориши шарт эмас. Энди у бевосита офисда, ёки уйда туриб унинг хизматларидан фойдаланиши мумкин. «Банк-Мижоз» тизими банкка бориш учун сарфлайдиган вақт ва харажатни анча камайтиради, ҳамда банк қаерда жойлашгани мутлақо фарқсиз бўлиб қолади.

«Банк-Мижоз» тизимидаги барча маълумотлар электрон ҳужжатлар кўринишида бўлади. Улар компьютерлар хотирасида сақланади ва электрон каналлар орқали жўнатилади. Банк мижознинг электрон имзоси билан тасдиқланган электрон рақам шаклдаги тўлов ҳужжатларини олиши юридик жиҳатдан қоғоздаги тўлов ҳужжатлари олиши билан тенг ҳисобланади.

«Банк-Мижоз» тизими банк олдидаги қуйидаги масалаларни ҳал қилиш учун ишлатилади:

- мижоз учун навбатга туришга ҳожат қолмайди;
- мижоз учун банкнинг операциялар залига келиш харажатлари бўлмайди;
- мижоз ҳисоб рақамидаги операцияларни амалга ошириш вақтини камайтиради;
- ҳужжатларни компьютерга киритишдаги, текширишдаги ва қайта ишлашдаги хатоликларга йўл қўйилиши, хатарини камайтиради;
- банк ходимини меҳнати енгиллашади ва иш сифати ошади;
- мижоз учун кенг кўламдаги хизмат турлари таклиф қилинади ва бу хизмат турлари ривожлантирилади;

- мижозлар банкдан суткасига 24 соат мобайнида ва ҳафтасига 7 кун мобайнида маълумот олишлари мумкин ва бунинг учун банкда 3 сменали ишни ташкил қилиш шарт эмас;

- банкни ривожлантириш учун, қўшимча инвестициялар қилмасдан мижозларни жалб қилиш.

Алоқа воситаси сифатида оддий телефондан фойдаланиш мумкин. Программа таъминоти сифатида стандарт Web-Brayzer Microsoft Internet Exployer дастуридан фойдаланиш мумкин. Мижозда ҳеч қандай қўшимча банк дастурлари бўлмади ва ҳеч қандай база маълумотлари сақланмади. Ҳамма программа таъминоти, бизнес мантиқ ва база маълумотлари банкнинг R-Bank тизими билан, банк серверида сақланади. Мижоз қачон банк билан боғланса, ўшанда барча ишларини амалга ошириши мумкин.

«Банк-Мижоз» тизими бу мижоз ва банк ўртасидаги ҳимояланган электрон ҳужжатлар алмашишнинг Web-технологиялар асосида яратилган тизимидир.

«Банк-Мижоз» тизимида мижоз оператив ҳолатда On-line режимида ўзининг ҳисобварақларини бошқаради, банкдан жорий вақтдаги ҳисобрақамидаги қолдиқ ҳақида маълумот олиш ва улардан кўчирмалар қилиш, бошқа ҳар хил вақтлар учун кўчирмалар қилиш имкони ва бошқа молиявий маълумотлар олиш имконини беради.

5.2. “Банк-мижоз” тизимининг асосий вазифалари.

Банк- мижоз дастурининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- электрон пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини тайёрлаш;
- сўровномлар ва хабарномаларни шакллантириш;
- электрон имзо ва маълумотларни рақамлаш;
- банк билан модем алоқаси;
- маълумотларни қабул қилиш ва узатиш;
- қабул қилинган маълумотларни қайта ишлаш;
- керакли маълумот ва ҳисобот шаклларни қайта ишлаш;
- керакли маълумот ва ҳисобот шакллари босмадан чиқариш;
- маълумотларни архивлаш.

Тўлов ҳужжатлари билан ишлашда, тизим қуйидагиларни амалга оширишга рухсат беради:

- янги ҳужжатни янгидан ва намуна бўйича тўлдириш. Бу дэгани мижоз бўш бланкани олгандан кейин уни уч хил йўл билан тўлдириши мумкин. Биринчиси - қўл билан янгидан маълумотларни киритиш. Иккинчиси - шаблон ҳужжатлар справочнигини чақириш орқали. Учинчидан - олдин қилинган ҳужжатни кўчириб олиш орқали, яъни олдин қилинган ҳужжат рўйхатдан топилади ва кўчириб олинади. Шу билан бирга мижоз кўчириб олган ҳужжатини ўзгартириш имконига эга бўлади.

- Агар мижоз Off-line режимида бошқа бухгалтерия дастурлари орқали тўлов ҳужжатларини тайёрлаб қўйган бўлса, уларни «Банк-Мижоз» тизимида кўчириши, ёки ушбу икки программани боғлаши мумкин, лекин бунда ушбу электрон ҳужжатлар каттиқ текширувдан ўтказилади.

- Кўпгина тўлов ҳужжатларининг моделлари доимо сақланиб туради ва уларни қайтадан киритиш шарт эмас. Масалан ҳужжатнинг номери, олувчининг реквизитлари ва бошқалар.

- Мижоз томонидан справочник юритиш. Бунда мижоз тез-тез қайтарилиб турадиган ҳужжатларни справочникка киритиб қўяди ва у керак бўлганда справочникдан чақириб олади ва ишлатиши мумкин.

- Тўлов ҳужжатларини мижоз томонидан бирма-бир имзоланиши мумкин, ёки бирданига ҳаммаси филтр орқали, ёки корреспонденция орқали имзоланади.

- Жўнатилган ҳужжатларни қайтариб олиш имкони, яъни агар мижоз электрон ҳужжатни жўнатган бўлса-ю, банк томонидан ушбу ҳужжат бўйича ҳали тўлов амалга оширилмаган бўлса, ҳисоб рақамида ўзгаришлар бўлмаган бўлса, мижоз тўловни бекор қилиши мумкин.

- Электрон ҳужжатларни принтердан чиқариб олиш имкони, яъни мижоз барча электрон ҳужжатларни, кўчирмаларни ўзига қулай ҳолда, принтердан чиқариб олиши мумкин ва уни ўзида сақлаб ўтириши шарт эмас.

- тизимга улангандан буён амалга оширилган барча ахборотлар архивига, яъни банк серверида ахборотлар сақлаш имкони. Бунда мижоз ўзинг компьютеридаги диск хотирасини сақлайди, яна ушбу ахборотларни билмасдан, ёки атайлаб ўчирилиб кетмаслиги имконини беради.

Ушбу тизим мижоз учун ҳақиқий вақт режимида қуйидагиларни олиш имкони беради:

- Ўзининг барча ҳисобрақамларидаги қолдиқлар ҳақидаги маълумотлар;

- Сўров берилган вақтгача бўлган барча оборотлари ҳақидаги барча ҳисобрақамларидан экспресс кўчирмалар олиш;

- Ҳамма ҳисобрақамлари бўйича банк операцион куни ёпилгандан кейин кўчирма олиш имкони;

- Ҳар қандай ҳисобрақамидан ҳар қандай давр учун кўчирма олиш имкони;

- On-line режимида турган ҳолда, ўтказган тўловлари, банкнинг молиявий ҳолати ҳақида аниқ маълумот олиш имкони;

- Аниқ On-line режимида турган ҳолда, 2-картотекада турган ҳужжатлар ҳақида маълумот олиш имкони;

Бундан ташқари «Банк-Мижоз» тизими:

- келажакда амалга оширилиши керак бўлган тўловларни ушлаб

туриш;

- кўп қиррали электрон имзони қабул қилиш имкони, яъни оператор-бухгалтер-директор;

Тизим банк билан почта алмашиш имконини беради:

- банкка текст ҳолатидаги ахборотни жўнатиш, ёки банкдан қабул қилиб олиш имкони;

- банкка ихтиёрий ҳолатдаги файлларни жўнатиш ва қабул қилиб олиш;

- банкнинг эълонлар доскаси билан боғланиб туриш ва у ердан ахборотлар олиш имкони.

Мижоз тизим билан хоҳлаган вақтида, хоҳлаган жойидан туриб, меҳмонхонадами, уйидами, ишхонасидами, ёки бошқа шаҳарда бўлса ҳам системага уланган компютери ва модем орқали тўловларни амалга ошириши мумкин. Ушбу тизим кўпчилик томонидан бирданига фойдаланса бўладиган имконга эга, яъни мижоз томонидан ҳам банк томонидан ҳам. Тўлов ҳужжатларини бир ерда тўлдириб бухгалтер, ёки директор бошқа ердан туриб имзолаши ҳам мумкин.

Ушбу тизим юқори даражали ҳимояга эга бўлиб, алоқа йўллари орқали мижоз томонидан, ёки банк томонидан ноқонуний киришлардан ҳимояланган. Мижоз ва банк томонидан киритилган ахборотлар шифрланади ва электрон имзо билан тасдиқланади.

5.3. Ҳисоб-китобларни «Банк-Мижоз» тизими орқали ўтказиш тартиби

Ўзбекистонда банк тизими ривожланиб борган сари банклар томонидан мижозларга хизмат кўрсатиш сифати яхшиланмоқда, уларга янги банк хизматлари таклиф этилмоқда. Шулардан бири янги технология бўлиб ҳисобланган «Банк-Мижоз» дастури бўйича ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 1998 йил 497-сонли билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган «Ҳисоб-китобларни «Банк-Мижоз» дастурий мажмуаси орқали амалга ошириш тўғрисида»ги Низом асосида олиб борилади.

“Банк мижоз” дастурий мажмуаси (дастур) банк ва мижознинг автоматлаштирилган ўзаро алоқаси учун белгиланган бўлиб, пул маблағларининг оператив бошқаришнинг ўсишига ва қуйидагиларга имкониятлар яратади:

- мижознинг ҳар куни банкка қатнамаслиги ҳисобига ўз вақтини ва маблағини тежашга;
- манзилнинг узоқ яқинлигига қарамасдан мижознинг банкни ўзи ихтиёрий равишда танлашига;
- банк мижозлари бўлган фуқароларга, уларнинг уйида, юридик ташкилотларга эса, уларнинг идораларида автоматлаштирилган иш жойини ташкил қилган ҳолда, банк хизматини кўрсатишга;
- операция ва ахборотлар соҳасида мижозга кўрсатиладиган хизмат доирасини кенгайтиришга;
- банк бухгалтерларининг меҳнат унумдорлигини оширишга;
- операцияларнинг юқори тезликда ва сифатли рўйхат қилинишини таъминлашга.

Банк мижоз дастурий мажмуасининг ишлаши банк билан мижоз ўртасида коммуникацион алоқа тармоғи орқали файлда маълумотлар алмашинувида асосланган.

Мижозлар билан маълумотларни алмашиш учун банкда мижозлар учун почта қутиси ташкил қилинади, унга пароль ва идентификатор орқали кирилади.

Мижозларнинг сўровларини қайта ишлаш, маълумотларни қабул қилиш, узатиш автоматлашган ҳолда, амалга оширилади.

5.4. Банк-мижоз дастури бўйича мижознинг иш тартиби.

Банк мижоз дастури банкнинг шахсий мулки ҳисобланади. Банк мижозлари ушбу дастурнинг асосий фойдаланувчилари ҳисобланиб, улар муносабатлари тартибга солиниши учун шартнома тузилади. Лекин “Банк мижоз” дастури орқали операцияларни амалга оширишдан аввал мижозлар бир қатор техник воситалар билан таъминланган бўлиши лозим.

Мижоз учун талаб этиладиган техник воситалар



Шундай қилиб, схемада кўриниб турганимиздек дастурий мажмуага уланишлари учун мижозларда қуйидагилар бўлиши талаб этилади:

- шахсий компьютер;
- модем;
- принтер;
- мос дастурий таъминот, яъни Windows 98, 2000; Win NT4, NT Server, Windows XP, Millennium ва ҳоказолардан бирига эга бўлиши керак.

Банк-мижоз дастури бўйича мижознинг ҳужжатларини банкка юбориш учун энг аввало, маълумотлар базасига киритилади.

Мижозларнинг электрон пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини банкнинг маълумотлар базасига киритиш қуйидаги схема бўйича амалга оширилади:

1-схема

Ҳужжатларни маълумот базасига киритиш схемаси



Электрон пул ҳисоб ҳужжатларининг тўғри шакллантирилиши, шифрланиши ва уларнинг алоқа каналлари орқали банкка узатилиши бўйича жавобгарлик мижоз зиммасига юклатилади.

Банк мижознинг ҳисобварағидан маблағларни тўғри ҳисобдан чиқарилганлиги ва ўтказилганлиги, ҳамда электрон тўловлар тизими бўйича ахборотни ўз вақтида узатиш учун жавобгардир.

Алоқа каналлари орқали мижоз билан банк ўртасидаги ахборот алмашинуви шартномада келишилган вақтда амалга оширилади. Янги амалиёт куни бошланишдан олдин мижоз ўтган кун бўйича ўз депозит ҳисобварағидаги ҳаракатлар (оборотлар) ва қолдиқларни банк билан таққослаб текшириб олиши шарт. Агар ҳаракатлар ва қолдиқлар мос келса, мижозга янги амалиёт кунини бошлаш ва ҳужжатларни киритиш учун рухсат берилади. Акс ҳолда улар ўртасидаги фарқ сабаблари аниқланади ва мижоз ахборот билан мувофиқлаштирилади. Шахсий ҳисобварақлардаги ҳаракатлар ва қолдиқларнинг таққослаш натижаларидан қатъий назар банк билан мижоз ўртасидаги ахборот сўровномалари ва хабарлар алмашилиши амалга оширилади.

Мижоз алоқа каналлари орқали жўнатилган пул ҳисоб ҳужжатларининг асл нусхаларини банкка шартномада кўрсатилган муддатларда етказиши лозим, бунда электрон ҳужжатлар асл нусха билан солиштирилиб, бухгалтер имзоси ва унга бириктирилган банк штампи билан тасдиқланади ва электрон ҳужжатларнинг нусхалари билан биргаликда банкнинг кунлик ҳужжатларига тикиб қўйилади. Дастурдан фойдаланувчи мижозларнинг пул ҳужжатларининг асл нусхаларини юритиш учун банкда алоҳида ҳужжат папкалари юритилади.

Дастур орқали мижознинг иш тартиби қуйидагича бўлади:

Мижоз пул ҳужжатларини 60-йўриқномага асосан расмийлаштиради. Мижознинг маълумотларини ҳисоб-китоб ҳужжатининг асл нусхасига асосланган ҳолда, компьютерга киритишни амалга оширади. Компьютерга киритилган ҳужжатларнинг рўйхати босмадан чиқарилиши зарур. Жавобгар ходим, яъни бош бухгалтер, ёки мажбурият юкланган бошқа бир шахс ушбу рўйхатларни пул ҳужжатларининг асл нусхалари билан таққослаши, уларнинг мослигини тасдиқлаши ва банкка жўнатиш учун, рухсат бериши лозим. Ахборотлар электрон имзо билан тасдиқлангандан кейин, у криптографик ҳимояга ўтади ва алоқа канали орқали хизмат кўрсатувчи тижорат банкига узатиладиган электрон файл шакллантирилади. Криптографик ҳимоядан ўтган файл, мижозни даҳл қилиш имкониятидан маҳрум қилади.

Тижорат банкида қабул қилинган ахборотлар дастурий равишда қайта ишланади ва келиб тушган ҳужжатлар, электрон пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари, шахсий ҳисобварақлар рўйхати шаклланади.

Мижоз қабул қилган маълумотни компьютер экранидида кўриши ва уни босмага чиқариши мумкин. Мижоз уни ўчириш, ёки ўзгартириш имконига эга эмас. Пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича банкдан жўнатилган ва қабул қилинган барча ахборотлар дастурий равишда архивланади, ҳамда ўрнатилган тартибда сақланади. Ахборотларни сақлаш муддати тугаши билан дастурий равишда архивдан ўчирилади. Архивга фақат корхонанинг жавобгар, ёки рухсат берилган ходимигина, кириши мумкин.

Электрон тўловлар тизими орқали келиб тушган пул ҳужжатлари ижро этилгандан сўнг, мижознинг почта қутисига жойлаштирилади. Кун давомида мижозлардан олинган барча маълумотлар архивланади ва ўрнатилган тартибда сақланади.

Назорат учун саволлар

1. Банк-мижоз тизими бўйича кўрсатиладиган хизматлар.
2. “Банк-мижоз” тизимининг асосий вазифалари.
3. “Банк-мижоз” тизимининг банк ва мижоз учун авзалликлари.
4. Ҳисоб-китобларни “Банк-мижоз” тизими орқали ўтказиш тартиби
5. Ҳисоб-китобларни “Банк-мижоз” тизими орқали ўтказишда ишлатиладиган техник воситалар ва уларнинг ишлатилиши
6. Банк-мижоз дастури бўйича мижознинг иш тартиби.
7. Банк-мижоз дастури бўйича хизмат кўрсатишнинг одатий хизмат кўрстишдан фарқи.
8. Ҳазначилик операцияларининг бажаришда “Банк-мижоз” тизимининг ўрни.
9. Банк-мижоз тизимининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

6-МАВЗУ. “ИНТЕРНЕТ-БАНКИНГ” ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВЛАР ТИЗИМИ**Режа**

6.1 “Интернет-Банкинг” электрон тўловлар тизимининг мазмуни ва аҳамияти.

6.2 “Интернет-Банкинг” тизимининг банклар фаолиятида тутган ўрни.

6.3 “Интернет-Банкинг” тизимининг Ўзбекистон Республикаси банкларида қўлланилиши.

6.4 “Интернет-Банкинг” тизимининг Ўзбекистонда ривожлантириш истиқболлари.

Таянч иборалар

Банк технологиялари, банк эквайр, электрон банк хизмати, техник воситалар, “Интернет банкинг”, “Mail bank”, “Супермаркет банкинг, электрон имзо, модем алоқаси, файл, маълумотларни узатиш тизими, маълумотларни узатиш воситалари, маълумотлар базаси, сервер, реал вақт тартиби, қоғозсиз электрон усуллар.

6.1 “Интернет-Банкинг” электрон тўловлар тизимининг мазмуни ва аҳамияти

Ҳозирги кунда банк хизматларининг турлари тобора кўпайиб бормоқда. Шулардан бири «электрон-банк» хизматларидир.

“Электрон банк” – банкнинг мижози бўлган юридик ва жисмоний шахсларга “Интернет” электрон тармоғи орқали ўзларининг ҳисобварақлари бўйича банк хизматларидан фойдаланишга имкон яратиб берувчи рақамлардан иборат хизматдир.

Бу хизмат тури бўйича операцияларни ўтказиш тартибини ёритишдан аввал, ушбу хизмат бўйича баъзи терминларни келтирамиз:

Ушбу услубий тавсиялар мақсадида қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

а) “Internet” (Интернет) – Жаҳон компьютер тармоғи, яъни глобал мулоқот муҳити;

б) Web-сайт – молиявий операцияларнинг дастурий маҳсулот жойлашган Интернет-сайт;

в) Web-браузер – Интернетда ишлаш учун дастурий маҳсулот (Интернет бўйича йўл кўрсатувчи);

г) модуллиқ – тармоқнинг нисбий мустақиллиги;

д) очиқ архитектура – онсон лойиҳалаштиришнинг имконияти;

е) крипто-жараён – маълумотларнинг шифрлаш ва дешифрлаш жараёни;

ё) АИЖ – автоматлаштирилган иш жойи;

ж) SSL (Secure Sockets Layer) – маълумотларни ўтказишда қўлланиладиган хафвсиз протокол;

з) аунтенфикация – ҳақиқийликни (тасдиқлаш) ўрнатиш;

и) ягона сессия калитнинг яратилиши – маълумотлар муҳофазасини таъминлайдиган нодир код (рақамлар йиғиндиси ёки белгилар)нинг қайта ишлаб чиқилиши;

к) IP – ахборотлар алмашинувини амалга оширадиган тармоқлараро протокол.


“Электрон банк” веб-саҳифа ва веб-браузер орқали мижозларга турли операцияларни амалга оширишга имкон беради. “Электрон банк” мижозларга ўз ҳисобрақамларининг ҳолатини, шунингдек, унинг тарихини (барча тўловлар ва тушумлар ёзувлари) реал вақт тартибида батафсил ўрганишга ва зарурат туғилганда, мижозлар билан ишловчи, яъни нақд пул олишдан ташқари, барча

банк ва консултантив хизматларни ўз ичига оладиган хизмат бўлимига мурожаат қилишга имкон беради.

“Электрон банк” тизимининг асосий қоидалари қуйидагилардир:

- а) мижоз-сервер;
- б) модулик;
- в) очиқ архитектура;
- г) реал вақт тартиби;
- д) мосланувчанлик.

Бу қоидаларни қуйидаги схемага м у ж а с с а м л а ш т и р а м и з:



“Электрон банк” тизими таркибий қисмлари жиҳатидан урта қуйидаги кичик тизимлардан иборат бўлиши мумкин:

- “InternetBank” электрон тўловлари” кичик тизими;
- “PhoneBank” телефон орқали банк” кичик тизими;
- “MailBank” электрон тўловлари” кичик тизими.

“Электрон банк” дастурий таъминоти банкнинг ўзи, ёки компьютер дастурий таъминотларини ишлаб чиқишга ихтисосланган компаниянинг маҳсулоти бўлиши мумкин ва у мақсадлари бўйича банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ, ҳамда тегишли тартибда сертификатлашлари лозим.

Банклар Интернет тармоғига уланган компьютерларнинг банк корпоратив тармоғидан ва банк компьютерларидан алоҳида ажратилган бўлиши шарти билан,

Интернет тармоғидан “Электрон банк”нинг иш жараёни воситаси сифатида фойдаланиш мумкин.

Шундай қилиб, “Электрон-банк” - банкнинг мижози бўлган юридик ва жисмоний шахсларга «Интернет» электрон тармоғи орқали ўзларинининг ҳисобварақлари бўйича банк хизматларидан фойдаланишга имконият яратувчи рақамлардан иборат хизматдир.

6.2. “Internet-Banking” электрон тўловлари кичик тизимининг банклар фаолиятида тутган ўрни.

Интернет тармоғига чиқадиган компьютерларда антивирус дастурий таъминотлари ўз вақтида янгиланиб туриши зарур.

“InternetBank” (Интернет банк) – мижоз томонидан ўз ҳисобварақамини Интернет орқали масофадан бошқариш тизими, яъни банк ва мижознинг ўзаро мажмуавий интерактив фаолияти бўлиб, у қуйидагилардан иборатдир:

а) ўз ҳисобварақлари ҳолати ва барча операциялар тарихи ҳақида маълумотлар олиш;

б) ҳисобварақларни очишда уларни захиралаш имконияти;

в) ностандарт вазиятлар ҳақида банкни тезкор огоҳлантириш, масалан, тўловда йўл қўйилган хато бўлган ҳолда;

г) банк, унинг маҳсулотлари ва хизматлари ҳақида тезкор ахборот олиш, банкдан электрон кўринишда маълумотлар (масалан, битим ва шартномалар шакллари) ёки дастурий маҳсулотларни, онлайн консультацияларни олиш ва ҳ.к.

Интернет банки уланиш учун мижоз қуйидагиларга эга бўлиши лозим:

а) интернет тармоғига уланган компьютер ёки бошқа қурилма;

б) браузер дастури;

в) ахборот муҳофазасини қўшимча даражада таъминлайдиган қуйидаги воситалар:

- кодлаш даражасини ошириш мақсадида қўшимча дастурий модулни, ёки кўмакчи дастурни ёхуд, смарт карталар технологиясини қўллайдиган тизимларни ўрнатиш;

- идентификатор ва рўйхатдаги номи билан бир қаторда, транзакциялар рақамлари рўйхатидан (TAN), яъни фақат битта банк операцияси учун бир марталик қўлланиладиган пароллар йиғиндисидан фойдаланиш.

Овозли ахборот “Phonebank” (телефон орқали банк) кичик тизими банк мижозларига аниқ вақт тартибида қуйидаги ахборот ва тўлов хизматларини кўрсатади:

Универсал парол бўйича барча фойдаланиши мумкин бўлган хизматлар:

а) банкнинг ахборот маълумот хабарлари, зарурат туғилганда операторга уланиш;

б) жорий санага бўлган валюта курслари, зарурат бўлганда эса, курслар жадвалини факс-аппаратига юбориш.

Мижозларни доимий, ёки бир сеанс кодлари орқали идентификация қилувчи норасмий хизмат:

а) аниқ мижозлар учун ахборот;

б) ҳар қандай санага валюта курслари;

в) мижознинг ҳисобварақлари ҳолати (ҳар қандай санага қодиқлар ва айланмалар);

г) тўлов ҳужжатларидан кўчирма ва нусхаларни факс-аппаратидан олиш.

Тизимдан фойдаланиш учун мижозга овозли териш режимига ўтиш имкониятига эга бўлган телефон аппарати керак бўлади. Мижоз банкка кўнғироқ қилади, у ерда компьютер телефония платаси ўрнатилган компьютер телефон “тўшагини кўтаради”. Овоз тизими ва инсоннинг мулоқоти мижознинг телефон аппаратидаги рақамли тугмачаларни босиш, ҳамда таклиф этиладиган буйруқлар орқали амалга оширилади, масалан: “ҳисобрақамингиз ҳолати тўғрисидаги маълумотни олмоқчи бўлсангиз, 1 рақамни босинг, чет эл валюталар курслари тўғрисидаги маълумотни олмоқчи бўлсангиз, 2 ни босинг ...” Мижоз ўз телефон аппаратидаги тегишли тугмачаларни босади, шундан кейин, унга тизим ёки янги хизматлар рўйхатини таклиф этади, ёки қизиқтирган маълумотни хабар қилади. Ахборотни муҳофаза қилиш, ҳисобрақамларни кодлаш, шифрнинг турли алгоритмлари ва пароллаш орқали амалга оширилади.

6.4. Жаҳон амалиётидаги банк технологиялари, уларнинг Ўзбекистон Республикасида қўлланилиши ва унинг истиқболлари

Жаҳон амалиётидаги банк технологияларидан бири, бу супермаркет банкингдир. Банк-мижоз муносабатларини яхшилаш банк маҳсулотларини кенгайтириш, бозорни сегментларга ажратиш ҳамда чиқим ва харажатларни чеклашга қаратилган стратегияларни амалга ошириш учун асос бўлади. Банкларнинг чакана хизматларини ривожлантиришга супермаркет банкинг янги йўналиш бўлди.

Supermarket banking (инглиз тилидан сўзма-сўз таржимаси- дўконда банк операциялари) тарихан АҚШда пайдо бўлган ва қўйидаги ўзига хос белгиларга эга:

- тижорат марказларида харидорлар оқими катта бўлади;
- бундай оқимларни дўконда банк бўлимлари жойлашган ерларга йўналтириш имконияти мавжуд бўлади;
- супермаркетларда турли тоифадаги истеъмолчилар билан алоқа боёлаш имконияти мавжуд бўлади;
- банклар ўз хизматларини кенгайтириш ва табақалаштириш учун тижорат марказларидан манфаатдор бўлади;
- банклар билан тижорат марказлари бир-бирларига маҳсулот сотиш операцияларини амалга оширишдан ўзаро манфаатдор бўлади.

Банк супермаркетда ўз ишини дўконнинг анъанавий жойларида мини-бўлимлар очишдан бошлаб, банк стендигача турлича йўсинда ташкил этиши мумкин. Супермаркет банкинг учун қандайдир идеал модел йўқ. Оптимал вариантга эришиш учун хилма-хил стратегияларга амал қилиш керак бўлади. Мазкур стратегиялар лойиҳалаш, жойлаштириш масалалари, ташкилий ва техникавий жиҳатлар ишлаб чиқилган, шунингдек банкд бўладиган ходимларнинг оптимал сони белгиланган вақтдагина муваффақиятли бўлади.

Супермаркет-банкнинг ташкилий модели ва уни жойлаштириш ўзаро чамбарчас боёлангандир. Биринчи унсур банк бўлимининг жойлашишидан келиб чиқади: тижорат маркази ичида у қоида тариқасида, марказий ўтиш жойида супермаркет кассаларининг қаршисида жойлашади, токи бўлинма ажралиб турсин (бундай жойлашиш навбатда турган мижозларни у ердаги рекламага эътибор беришга мажбур қилади). Шу билан бирга, марказга келувчиларга банк бўлимининг олд томони намоён бўлиб, унда банкнинг маркаси (савдо белгиси) ажралиб туради, супермаркет ичида бу бўлим анча кўринарли қилиб: дўконга кираверишда ёки кафе

атрофида, ҳеч бўлмаганда, бевосита кассалар олдида жойлаштирилиши лозим. Супермаркет-банкнинг бўлимининг зарур белгилари унинг кўзга ташланиб туриши, харидорлар оқимининг ўртасида бўлиши, шунингдек, кириш осон лиги ва жозибадорлигидан иборат (мижозлар учун сотиш пунктига бориш, ходимлар учун мижозларни осонгина жалб этиш табиий ва енгил бўлиши лозим).

Бўлимнинг жойлашиши шундай лойиҳалаштирилиши керакки, натижада ҳозирги ва бўлажак мижозларни банк тижорат сиёсатининг асосий унсурларидан хабардор қилиш ва айна вақтда уларга инновация ташаббуслари ҳақида кўпинча супермаркет фаолияти билан ҳаммаси бўёланган ҳолда ахборот бериш мумкин бўлсин. Сотиш пунктининг иши учун уни очиш вақти катта аҳамиятга эга: бу вақт банк бўлими узвий қисми бўлган савдо марказининг очилиш вақтига тўғри келиши шарт, ҳолбуки бўлим ходимлари харидорлар оқими ва бозорнинг тегишли имкониятига қараб табақалашади.

Иккинчи унсур таклиф қилинадиган хизматлар тури билан ифодаланади. Банк бўлимининг тури учта ҳар хил оператив зона бўлишини назарда тутди: *биринчиси* очиқ ва кириш осон зона бўлиб, ўзига-ўзи хизмат қилиш қурилмалари (тўловни қабул қилиш учун автомат касса аппарат ива бошқалар) жойлашган ерда бўлади; бу зона жозибали, қулай бўлиши керак (масалан, банк аппарати орқали операцияларни ўтирган ҳолатда амалга ошириш мумкин бўлсин), шу билан бирга бундай аппаратлар билан ишлашда мижозларга ёрдам бериш учун ҳамда уларга баъзи бирламчи тижорат ахборотини бериш учун ҳеч бўлмаганда бита ходим доимо ҳозир бўлиб туриши керак; *иккинчи зона* бир ёки бир неча нафар ходим иштирокида банк бўлимининг анъанавий хизматларини кўрсатишга мўлжалланган: бундай хизматларнинг бўлиши муайян операцияларни амалга оширишни (масалан, нақд пулни бошқариш чоёида хавфсизликни таъминлаш) тақозо этадики, бу ҳол банк бўлимини алоҳида лойиҳалашни тақозо қилади; *Учинчи зона* тижорат маслаҳатлари учун мўлжалланган ва у ерда мижозлар билан алоқа боёлаб туриш мақсадида фойдаланиладиган ва видеоқурилмалар билан жиҳозланган махсус ажратилган жой бўлади. Бу банк учун жуда муҳимдир, чунки у банкнинг мижозларга тафсилотларини ушбу бўлим ходимлари билиши шарт бўлмаган барча хизматларни таклиф этишига имкон беради.

Технологик жиҳозланиш мижозлар учун жозибадор ҳамда фойдаланишга осон шунингдек, бўлажак мижозлар банк билан алоқа ўрнатиш учун уларнинг эътиборини ўзига торта оладиган бўлиши керак. Унинг асосий вазифаси янги мижозлар жалб этиш, инкассация қилиш ҳамда тўловлар бўйича хизматлар кўрсатиш, асосий банк маҳсулотларини (жорий ҳисобварақлар, кредит карталари билан операциялар қилишни) сотишдан иборат. Ушбу каналнинг самарадорлиги банкнинг марказий тузилмалари томонидан кўрсатиладиган технологик ва профессионал ёрдамнинг сифатига боғлиқ.

Назорат учун саволлар

1. Электрон банк тизимининг мазмуни ва зарурлиги нималардан иборат?
2. Электрон банк тизимининг қандай турлари мавжуд?
3. “InternetBanking” электрон тўловлари кичик тизимининг мазмуни ва авзалликлари нимадан иборат?
4. “InternetBanking” электрон тўловлари кичик тизимининг банклар фаолиятида тутган ўрни ва унинг республика банк маъиятида қўлланилиши ҳақида нималарни биласиз?

5. “PhoneBank” –телефон орқали банк тизимининг мазмунини тушунтириб беринг.
 6. “PhoneBank” –телефон орқали банк тизимининг унинг банк амалиётда ишлатилиши.
 7. “MailBank” электрон тўловлари кичик тизимининг мазмунини тушунтиринг.
 8. “MailBank” электр.он тўловлари кичик тизимининг хусусиятлари
 9. Жаҳон амалиётидаги қандай банк технологияларини биласиз?
 10. Жаҳон амалиётидаги банк технологияларининг Ўзбекистон Республикасида қўлланилиши ва унинг истиқболларини гапириб беринг.
- .

7-МАНЗАУ. ЯНГИ БАНК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.

Режа

7.1 Электрон банк тизимининг мазмуни ва унинг таркибий қисмлари.

7.2 “СМС-банкнинг тизимининг мазмуни ва унинг амалиётда ишлатилиши

7.3 “MailBank” электрон тўловлари кичик тизимининг хусусиятлари.

7.4 Жаҳон амалиётидаги банк технологиялари, уларнинг Ўзбекистон Республикасида қўлланилиши ва унинг истиқболлари

Таянч иборалар

Авизо, якуний банклараро оборотлар, бошланғич банклараро оборотлар, ҳисоб-китоб маркази, клиринг маркази, электрон тўловлар, электрон почта, электрон тўловлар тизими, бош ахборотлаш маркази, инициатор банк, бенифициар банк, транзит ҳисобварақлар, траксакция, файл, овердрафт, электрон тўлов ҳужжати, операциялар коди, банк коди, уникал код.

7.1.Электрон банк тизимининг мазмуни ва унинг таркибий қисмлари.

Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатларига ўтиши билан банк тизимида бир қатор ўзгаришлари бўлиб утди. Икки поғонали банк тизими пайдо бўлди. Тижорат банкларининг шаҳобчалари кенгайтирилди. Бундан ташқари. турли мулкчилик шакллариининг пайдо бўлиши банклар ўртасидаги муносабатларнинг купайишига олиб келди. Шу муносабатлар бўйича ҳисоб-китобларни ўз вақтида тезкорлик билан амалга ошириш учун янги автоматлаштирилган тизимни жорий этиш зарурати тугилди.

Илгари почта ёки телеграф орқали тўлов ҳужжатлари бир банктан иккинчи банкка жўнатилганда тўловлар бир неча кунга, ҳатто 15-20 кунга чўзилиб кетар эди. Бундан ташқари ноқонуний авизоларни жўнатиш ҳоллари ҳам кузатилган эди. Юкоридаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида янги электрон тўловлар тизими дастурий таъминоти ишлаб чиқилди ва 1995 йилдан бошлаб тўлиқ республика банк амалиётига тадбиқ этилди.

Электрон тўловлар тизими бу-умумдават тизими бўлиб, банклараро тўловларни ташкил этади ва у қоғозсиз технологияларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки электрон почта воситалари орқали ўтказилишига асослангандир. Ҳозирги кунда электрон тўловлар тизими юкори ўтказиш имкониятига эга бўлиб, тўловларнинг республика миқёсида бир неча дақиқа мобайнида ўтишини таъминлайди. Электрон тўловлар тизими қуйидаги функцияларни бажаради:

1. Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни жадаллаштириш;

2. Узатиладиган электрон тўлов ҳужжатларини рухсатсиз ташқи дахл этишдан ҳимоя қилиш;

3. Банкларнинг вақтинча пул ресурсларидан самарали фойдаланиш;

4. Кредит ва хатарлилик даражасини бошқариш;

5. Тўлов операцияларини тартибга солувчи қонун ва қоидаларга риоя қилиш;

6. Тижорат банклари томонидан амалдаги қонунчиликка ва банк фаолияти меъерий ҳужжатларига риоя қилиниши бўйича Марказий банкнинг назорат ва кузатув функцияларини бажариш;

7. Маълумотлар базасини яратиш.

Электрон тўловларни ўтказишда инициатор ва бенифициар банклар иштирок этади. Инициатор банк бу-тўлов операцияларини бошловчи банк, бенифициар банк эса тўлов операцияларини якунловчи банкдир. Банклар ўртасидаги ҳисоб-китоблар электрон тўлов ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Электрон тўлов ҳужжати Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган шаклда пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари асл нусхаси асосида яратилган “электрон” белгили ҳужжат бўлиб, унинг асосий нусхаси ҳисобланади ва асл нусха кучига эга бўлади. Электрон тўловлар тизимида узатиш учун мулжалланган ҳужжатларнинг тўғри тўлдирилганлиги учун банк мижози жавобгар бўлади. Худудий ахборотлаштириш Марказига қайта ишлаш учун узатиладиган электрон тўлов ҳужжатларини ҳисоблаб ўтказиш, ҳисобдан чиқариш ва уларнинг электрон файлларини шакллантирилиши тўғрилиги учун жавобгарлик инициатор-банкка, худудий ахборотлаштириш марказидан қабул қилинадиган тўлов ҳужжатлари учун жавобгарлик эса бенифициар банкка юклатилади. Электрон тўлов тизими бир қатор тамойиллар асосида фаолият кўрсатиб, улар қуйидагилардир:

1. Тўловлар бўйича трансакцияни ўтказиш ташаббуси инициатор-банкка тегишли бўлади;
2. Тўловни амалга оширишдан олдин операцион куннинг бошида тижорат банкларининг ички ва ташқи вакиллик ҳисобварақларидаги оборотлар ва қолдиқ маблағлари бир-бирига мувофиқлиги текширилади;
6. Амалга оширилган трансакция қайтарилмайди.
7. Тўловларнинг энг юқори суммаси чекланмаган
8. Тўловларнинг инициатор-банк томонидан вакиллик ҳисоб варағидаги маблағ қолдиги чегарасида тўланади. Ундан ортиқча маблағ сарфлаш овердрафт суммаси миқдорида амалга оширилиши мумкин.

Электрон тўловлар иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Ахборотлаш марказлари ва ҳисоб-китоб марказларидир. Электрон тўловлар тизимидан фойдаланувчилар бўлиб ҳисоб-китоб касса марказлари ва тижорат банклари ҳисобланади. Электрон тўловлар тизими иштирокчилари ва фойдаланувчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тижорат банклари, ахборотлаш марказлари ва ҳисоб-китоб марказлари ўртасида тузилган шартнома билан тартибга солиниб турилади.

Ҳар бир банк электрон тўловлар тизимига кўшилиши учун аввало Республика Марказий банкида руйхатга олинган ҳамда БДМАБ томонидан уникаль код берилган бўлиши лозим. Шу билан бирга ушбу банк электрон тўловлар тизимига чиқиш имкониятини берадиган тегишли дастурий мажмуага эга бўлиши лозим. Шундан сўнг банк электрон тўловлар тизимига улангунча ахборотлаштириш бош маркази ходимлари ёрдамида маълумотларни қабул қилиш, узатиш бўйича бир неча синов тажрибаларини ўтказиш йўли билан банк тайёргарлигининг ҳафталик тажриба текшируви ўтказилади. Бундай тажриба текширув ишлари ижобий натижа олгунча давом эттирилади.

7.2. “СМС-банкнинг тизимининг мазмуни ва унинг амалиётда ишлатилиши

СМС-банкнинг – бу банк мижозларга уларнинг депозит ҳисобварақларидаги ҳамда пластик карталарга очилган ҳисобқарақларидаги операциялар ҳақида СМС кўринишдаги маълумотларни олиш тизимидир. Ҳисобварағидан маълумот олиш учун мижоз банкнинг махсус телефон рақамига белгиланган СМС-сўровни юбориш керак.

Мижоз учун СМС-банкнинг хизмати қуйидаги амалларни бажариш имкониятларини берилади:

- ҳисобварағига келиб тушган маблағлар;
- ҳисобварағидан қилинган харажатлар;
- ҳисобварақ баланси;
- кун давомида ўтказилган банк операциялари ҳақида оператив маълумот олиш.

"СМС-Тўлов" тизими Ўзбекистон Республикасининг "Електрон тўловлар тўғрисида"ги Қонуни ижросини таъминлаш ҳамда электрон тижоратни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2010 йилнинг 24 декабрида Республика Савдо-саноат палатаси "ССП-МАРОҚАНД" унитар корхонаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган. Тизимни яратиш жараёнига Германия ва Япония экспертлари ҳам жалб қилинган. "СМС-Тўлов"нинг устуворлиги унинг ёрдамида исталган турдаги мобил алоқа, интернет, шунингдек, СМС воситасида нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш мумкинлигидадир.

Тизим ёрдамида банк пластик карточкасидаги маблағлардан юқори унум билан фойдаланиш имконияти бор. "СМС-Тўлов" тизими орқали турли товар ва хизматлар учун Он-лине тўловларни амалга ошириш мумкин. Бунинг учун фуқаро ўзига хизмат кўрсатувчи тижорат банкига паспорт ва мобил телефони билан ташриф буюриши ҳамда "СМС-Тўлов" тизимида рўйхатдан ўтиши лозим бўлади. Банк ходими бир неча дақиқа ичида мижоз ва унинг мобил телефон рақамини тизимда рўйхатдан ўтказиб, мобил телефонига махсус электрон рақамли имзо калити билан ҳимояланган дастур-илова ўрнатади ҳамда қатъий сир тутилиши лозим бўлган махсус логин ва парол тақдим этади. Бу — мижознинг мобил телефони банк пластик карточкасига уланганини билдиради.

Мобил телефонимизда сўзлашув, фотокамера, соат, калкулятор, плеер ва шунга ўхшаш хизматлардан фойдаланишга кўникиб қолганмиз, лекин уни тўлов воситаси сифатида синаб кўрмаганмиз. Банк томонидан ўрнатилган мобил-илова ёрдамида интернетга уланмасдан, бир неча сония ичида бир неча турдаги товар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш мумкин. Масалан:

-  Мобил алоқа
-  Коммунал
-  Интернет провайдерлар

Савдо-саноат палатаси хизматлари ҳамда солиқ тўловларини уйданми, ишданми ёки кўчадан туриб мобил телефон орқали амалга ошириш имкони мавжуд. Барча тўловлар қўшимча хизмат ҳақисиз амалга оширилади.

Шунингдек, шаҳар жамоат транспорти, шаҳар телефон тармоғи, суғурта, авиа ва темир йўл чипталарига буюртма бериш ва сотиб олиш, такси хизматлари ва ДАН тўловларини амалга оширишни ташкил етиш бўйича ишлар олиб борилапти.

2015 йилнинг 1 январ ҳолатига «Мобил-банкнинг» ва «СМС-банкнинг» хизматларидан фойдаланувчилар сони 472,6 мингтага етди. Бугунги кунда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, "Микрокредитбанк", "Асака", "ИнФинБанк", "Универсалбанк" ва "Ҳамкорбанк" каби бир қатор тижорат банклари "СМС-Тўлов" тизимида хизматларни кўрсатиб келмоқдалар.

7.3. "MailBank" электрон тўловлари кичик тизимининг хусусиятлари.

“Minibank” кичик тизими банк мижозига тегишли тўловларни қоғозсиз электрон усуллардан фойдаланган ҳолда, амалга оширишдан иборат. Бундан ташқари, банк мижозига қўшимча равишда унинг ҳисобрақами ҳолати тўғрисида ахборот ҳамда банк фаолияти ва у кўрсатаётган хизмат турлари ҳақида маълумот бериши мумкин.

“Mailbank” функционал жиҳатдан икки қисмдан иборат:

- а) электрон тўловлар сервери (тизимнинг кичик банк қисми);
- б) банк мижозининг АРМи (кичик тизимнинг мижозлар қисми).

“Mailbank”нинг банк қисми қуйидагилардан иборат:

- а) сўровномаларни қайта ишловчи;
- б) “Mailbank” администратори;
- в) бухгалтернинг иш жойи;
- г) операторнинг иш жойи.

Сўровномаларни қайта ишловчи қисм мижозлардан келган сўровларни қабул қилади, уларни расшифровка қилади, қайта ишлаб чиқади, жавобларни шифрлайди ва уларни мижозга юборади.

“Mailbank” администратори, мижозларга ҳисобрақамлар ва сўровномалар маълумотларига кириб боришга рухсат, мижозлар билан ишлаш бўйича тизимдаги статистикани кўриб чиқишга имкон беради, мижозларга кўчирмаларни шакллантиради ва юборади, “Mailbank” хизматидан фойдаланганлиги учун абонент ҳақини ундиради ва ҳақ ёзади.

Интернет орқали мижозга хизмат кўрсатганда хавфсизлик масалалари қуйидаги тизимлар ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида ҳал этилган бўлиши керак:

- а) фойдаланувчилар ҳуқуқларини чеклаш;
- б) тармоқ орқали юборишда ахборотлар муҳофазаси;
- в) ахборотларни ҳаққонийлигини тасдиқлаш.

Фойдаланувчилар ҳуқуқини чеклаш дэганди, фойдаланувчилар тизимининг аниқ маълумотларига кириб боришга рухсат назорати, шунингдек, фойдаланувчиларнинг аниқ маълумотлар билан бўлиши мумкин бўлган ҳаракатлари устидан назорат тушунилади.

Ҳар бир фойдаланувчи банк ҳужжатларга уларнинг хусусиятлари (параметрлари) йиғиндиси бўйича мурожаат қилиши ва тизим ҳужжатларига қўшимча қилиши, модификациялаш ва ҳужжатларни олиб ташлаш имкониятини акс эттирувчи ўзига хос ягона ҳуқуқлар йиғиндисида эга. Тизимда барча ҳаракатлар, албатта, фақат фойдаланувчи ҳуқуқларининг текширилишидан кейин, амалга оширилиши керак.

Тизимда шарт бўлган равишда у, ёки бу ҳаракатларнинг аниқ ташаббускорини аниқлаш учун фойдаланувчининг муҳим маънога эга бўлган амаллари дафтари юритилади.

Тармоқ бўйича юбориладиган маълумотлар ҳимояси дэганди, очик тармоқ алоқаси орқали юбориладиган маълумотлар таҳлили асосида тизимнинг аниқ маълумотини яшириш фойдаланувчиларга тўсқинлик кўрсатувчи чоралар йиғиндиси тушунилади.

Ушбу мақсадларда SSL (Secure Sockets Layer) протоколидан фойдаланилади, бу қуйидаги вазифаларни бажаришга имкон беради:

- а) веб-серверни ҳақиқийлигини тасдиқлаш. Мижоз халқаро сертификатга эга бўлган тизимнинг аниқ сервери билан боғланишини кафолатлайди;

б) ягона бир сеансли калитни юзага келтириш. Бир сеансли калит маълум бир даврда (алоқанинг бир сеансида) алоқа узилиб қолганда ҳам, ахборотларни муҳофаза қилади;

в) маълумотлар хавфсизлигини кафолатлайдиган ҳимоялаш турида Интернет бўйича маълумотлар юбориш.

Бундан ташқари, ахборотни крипто муҳофаза қилишнинг сертификатланган воситаларидан фойдаланиш мумкин.

Умумий қилиб айтганда, “Mail bank” - банк мижозига тегишли тўловларни қоғозсиз электрон усуллардан фойдаланган ҳолда амалга оширишидан иборат. Бундан ташқари, банк мижозига қўшимча равишда унинг ҳисоб рақами ҳолати тўёрида ахборот ҳамда банк фаолияти ва у кўрсатаётган хизмат турлари ҳақида маълумот бериши мумкин.

7.4. Жаҳон амалиётидаги банк технологиялари ва уларнинг Ўзбекистонда қўлланилиши

Жаҳон амалиётидаги банк технологияларидан бири, бу “Супермаркет банкинг”дир. Банк маҳсулотларини кенгайтириш, бозорни сегментларга ажратиш, чакана хизматларнинг таклифини кенгайтириш ҳамда банк молиявий натижаларини янада яхшилаш учун ортиқча чиқим ва харажатларни чеклашга қаратилган банк стратегияларни амалга ошириш кабилар банк-мижоз муносабатларини яхшилаш учун асос бўлади.

Банкларнинг ривожланишида чакана хизматларнинг ҳам ўз ўрни бор. Банкларнинг чакана хизматларини ривожлантиришдаги янги йўналишлардан бири бу “Супермаркет банкинг” дир. Супермаркет банкинг сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, унинг сўзма-сўз таржимаси “дўконда банк операциялари”дир. Супермаркет банкинг тарихан АҚШда пайдо бўлган бўлиб, у қойидаги ўзига хос белгиларга эга:

- тижорат марказларида харидорлар оқими катта бўлади;
- бундай оқимларни дўконда банк бўлимлари жойлашган ерларга йўналтириш имконияти мавжуд бўлади;
- супермаркетларда турли тоифадаги истеъмолчилар билан алоқа боғлаш имконияти мавжуд бўлади;
- банклар ўз хизматларини кенгайтириш ва табақалаштириш учун тижорат марказларидан манфаатдор бўлади;
- банклар билан тижорат марказлари бир-бирларига маҳсулот сотиш операцияларини амалга оширишдан ўзаро манфаатдор бўлади.

Банк супермаркетда ўз ишини дўконнинг анъанавий жойларида мини-бўлимлар очишдан бошлаб, кейинчалик банк йирик банк залларида ва бошқа жойларда ташкил етиши мумкин. Супермаркет банкинг учун қандайдир идеал модел йўқ. Оптимал вариантга еришиш учун хилма-хил стратегияларга амал қилиш керак бўлади. Мазкур стратегиялар лойиҳалаш, жойлаштириш масалалари, ташкилий ва техникавий жиҳатлар ишлаб чиқилган, шунингдек банд бўладиган ходимларнинг оптимал сони белгиланган вақтдагина муваффақиятли бўлади.

Супермаркет-банкнингнинг ташкилий модели ва уни жойлаштириш ўзаро чамбарчас боғлангандир. Биринчи элемент банк бўлимининг жойлашишидан келиб чиқади: тижорат маркази ичида у қоида тариқасида, марказий ўтиш жойида супермаркет кассаларининг қаршисида жойлашади, бундай жойлашиш навбатда турган мижозларни у ердаги рекламага эътибор беришга мажбур қилади. Шу билан

бирга, марказга келувчиларга банк бўлимининг олд томони намоён бўлиб, унда банкнинг маркаси (савдо белгиси) ажралиб туради, супермаркет ичида бу бўлим анча кўринарли қилиб дўконга кираверишда ёки кафе атрофида, ҳеч бўлмаганда, бевосита кассалар олдида жойлаштирилиши лозим.

Супермаркет-банкнинг бўлимининг зарур белгилари унинг кўзга ташланиб туриши, харидорлар оқимининг ўртасида бўлиши, шунингдек, кириш осонлиги ва жозибадорлигидан иборат, яъни мижозлар учун сотиш пунктига бориш, ходимлар учун мижозларни осонгина жалб етиш табиий ва енгил бўлиши лозим.

Бўлимнинг жойлашиши шундай лойиҳалаштирилиши керакки, натижада ҳозирги ва бўлажак мижозларни банк тижорат сиёсатининг асосий элементларидан хабардор қилиш ва айна вақтда уларга инновация ташаббуслари ҳақида кўпинча супермаркет фаолияти билан чамбарчас боғланган ҳолда ахборот бериш мумкин бўлсин. Сотиш пунктининг иши учун уни очиш вақти катта аҳамиятга эга. Бу вақт банк бўлими узвий қисми бўлган савдо марказининг очилиш вақтига тўғри келиши шарт, ҳолбуки бўлим ходимлари харидорлар оқими ва бозорнинг тегишли имкониятига қараб табақалашади.

Иккинчи элемент таклиф қилинадиган хизматлар тури билан ифодаланади. Банк бўлимининг тури учта ҳар хил оператив зона бўлишини назарда тутати:

Биринчиси очик ва кириш осон зона бўлиб, ўзига-ўзи хизмат қилиш қурилмаларидан тўловни қабул қилиш учун автомат касса аппарат ива бошқалар жойлашган ерда бўлади; бу зона жозибали, қулай бўлиши керак. Масалан, банк аппарати орқали операцияларни ўтирган ҳолатда амалга ошириш мумкин бўлсин. Шу билан бирга бундай аппаратлар билан ишлашда мижозларга ёрдам бериш учун ҳамда уларга баъзи бирламчи тижорат ахборотини бериш учун ҳеч бўлмаганда битта ходим доимо ҳозир бўлиб туриши керак.

Иккинчи зона бир ёки бир неча нафар ходим иштирокида банк бўлимининг анъанавий хизматларини кўрсатишга мўлжалланган. Бундай хизматларнинг бўлиши муайян операцияларни амалга оширишни, масалан, нақд пулни бошқариш чоғида хавфсизликни таъминлашни тақозо этади. Шунинг учун, банк бўлимини лойиҳалашда алоҳида ҳолатларни эътиборга олиш лозим бўлади.

Учинчи зона тижорат маслаҳатлари учун мўлжалланган ва у ерда мижозлар билан алоқа боғлаб туриш мақсадида фойдаланиладиган ва видеоқурилмалар билан жиҳозланган махсус ажратилган жой бўлади. Бу банк учун жуда муҳимдир, чунки у ушбу бўлим ходимлари томонидан банкнинг барча хизматлари ҳақидаги маълумотларни мижозларга таклиф етишига имкон беради.

Технологик жиҳозланиш мижозлар учун жозибадор ҳамда фойдаланишга осон шунингдек, бўлажак мижозлар банк билан алоқа ўрнатиш учун уларнинг эътиборини ўзига торта оладиган бўлиши керак. Унинг асосий вазифаси янги мижозлар жалб етиш, инкассация қилиш ҳамда тўловлар бўйича хизматлар кўрсатиш, асосий банк маҳсулотларини яъни жорий ҳисобварақлар, кредит карталари билан операцияларни сотишдан иборат. Ушбу каналнинг самарадорлиги банкнинг марказий тузилмалари томонидан кўрсатиладиган технологик ва профессионал ёрдамнинг сифатига боғлиқ.

АҚШДА “Супермаркет банкнинг”нинг қўлланилиши. Вашингтон Мутуал банки 1889 йилда ташкил етилган бўлиб, 93 млрд.АҚШ доллари миқдорида активларга ҳамда етти штатда 900 та бўлимлар тармоғига эга бўлган енг йирик Америка банкларидан биридир. Сўнгги йилларда банк 103 та инсторе супермаркет-банкнинг бўлимини очди., улардан 70 таси ягона дўконлар тармоғида жойлашган. Бу тармоқ билан тузилган битим тўла логистик уйғунликда ва ўз савдо марказларидан

биргаликда фойдаланишга асосланган. Дастлабки босқичда унинг сиёсати барча хизматларни кўрсата оладиган анча катта бўлимлар (250-300 кв.м) очишдан, яъни ходимлари тегишли малакага эга бўлган анъанавий бўлимлардан фойдаланишдан иборат еди. Фаолиятни янада кенгайтириш мақсади, шунингдек, ҳажми кичикроқ бўлган, манфаатдор бўлиши мумкин бўлган йирик супермаркетларнинг мавжудлиги, бу молия-кредит институтини оптимал қарор қабул қилишга: кичикроқ ҳажмдаги (тахминан 150 кв.м бўлган) бўлимлар очишга, чекланган ҳажмда хизматлар кўрсатишга (умумий хизматларнинг 90 фоизигача) ундади. Бундай ёндашув 78 фоизгача янги мижозлар жалб этиш имконини берди.

Сентура банк Шимолий Каролина штатида бўлиб, активлари 7 млрд.АҚШ долларини ташкил қилади, 188 та бўлимга эга. Банк чакана савдо сегментидаги, ҳамма жойда ва ҳамма вақт мижозлар учун қулайлик ва осонлик принципларига асосланган маркетинг стратегиясига амал қилади.

Супермаркет банкинг тармоғининг мақсади янги мижозлар жалб этиш, кам харажатлар тақсимлаш тизимини кучайтириш ва депозитлар ҳажми, сонини оширишдан иборат. Банк учун тижорат марказларини танлаш мезонлари харидорлар оқими анча катта бўлишидан (ҳеч бўлмаганда ҳафтасига 10000 мижоз) ва маркетинг сиёсатини биргаликда амалга оширишдан иборат. Супермаркет банкинг бўлимларининг ҳажми 120-150 кв.м, турига кўра улар учта оператив зонага бўлинади, операцияларни стандартлаштириш даражаси юқори, ҳақ тўлаш тизими пировард натижаларга қарайди. Банк 4 та тижорат марказлари тармоғида 23 та супермаркет банкинг бўлимини очган, улар ҳафтасига етти кун ишлайди. У инкассациялаш тўловлар юзасидан автомат касса аппаратларидан фойдаланишга энг юқори фоизга, яъни 22 фоизга еришган, сотиш пунктларида жалб қилинган ўрта муддатли депозитлар 5,3 млрд.АҚШ долларига етди.

Ўзбекистонда энг янги технологияларга мос бўлган банк инфратузилмаси яратилган. Бироқ ҳозирги босқичда тижорат банкларига мижозлар базасини ва чакана хизматлар таклиф этишни кенгайтириш имконини берадиган янги ноанъанавий ёндашувлар талаб қилинади. Ўзбекистон шаҳарлари ва туман марказларида борган сари кўпроқ супермаркетлар ва йирик савдо марказлари ишга туширилмоқда. Банклар супермаркет банкинг усулидан фойдаланиб, кўрсатилаётган хизматлар самарадорлигини ошириш имкониятига эга бўлмоқда.

Назорат учун саволлар

1. Электрон банк тизимининг мазмуни ва зарурлиги нималардан иборат?
2. Электрон банк тизимининг қандай турлари мавжуд ?.
3. “СМС-Banking” электрон тўловлари кичик тизимининг банклар фаолиятида тутган ўрни ва унинг республика банк малиётида қўлланилиши ҳақида нималарни биласиз?
4. “PhoneBank” –телефон орқали банк тизимининг мазмунини тушунтириб беринг.
5. “MailBank” электрон тўловлари кичик тизимининг мазмунини тушунтиринг.
6. “MailBank” электр.он тўловлари кичик тизимининг хусусиятлари
7. Жахон амалиётидаги қандай банк технологияларини биласиз?
8. Жахон амалиётидаги банк технологияларининг Ўзбекистон Республикасида қўлланилиши ва унинг истикболларини гапириб беринг.

8-МАВЗУ. SWIFT ХАЛҚАРО ТЎЛОВ ТИЗИМИ**Режа**

- 8.1 SWIFT халқаро тўлов тизимининг мазмуни ва унинг ташкил этилиши.
- 8.2 SWIFT тўлов тизимига аъзо бўлиш босқичлари.
- 8.3 SWIFT халқаро тўлов тизимининг ишлаш тамойиллари.
- 8.4 SWIFT тўлов тизими орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби.

Таянч иборалар

Ҳалқаро тўлов тизимлари, тўлов, SWIFT халқаро тўлов тизими, тизимнинг ишлаш тамойиллари, аъзо бўлиш босқичлари, аъзо даслатлар, улуш, акциядорлик жамияти, SWIFT орқали ҳисоб-китоблар, комиссия ҳақ, ахборот узатиш, SWIFT нинг авзалликлари. SWIFTнинг камчиликлари.

8.1. SWIFT халқаро тўловлар тизимининг мазмуни ва унинг ташкил этилиши.

Ҳозирги пайтда фойдаланилаётган банк электрон тизими банк хабарлари ва ҳисоб-китоб тизимидан таркиб топган. Иккаласининг, яъни банк хабарлари ва ҳисоб-китоб тизимининг фарқи шундан иборатки, биринчисидан оператив жўнатмалар ва ҳужжатларни сақлаш, иккинчисидан эса, аъзолари ўзаро талаб ва мажбуриятларини сўндириш мақсадида фойдаланилади. Биринчи гуруҳга SWIFT ва Bank Wire - банкларнинг хусусий капитал электрон сет тизими, иккинчисига эса Fed Wire – АҚШ федерал заҳира тизими тегисли тизим; CHIPS – Нью-Йорк халқаро ҳисоб -китоб тўлов тизими; CHAPS - Лондон автоматлашган ҳисоб -китоб тўлов тизими палатаси мисол бўла олади. Японияда эса «ЗЕНЧЕКИО» халқаро накд пулсиз ўтказмалар банклараро тизими фаолият юритади. Буларнинг барчаси телекоммуникация билан боғлиқ тизимлар ҳисобланади.

Банк тизимида электрон ҳисоб-китобларни ташкил этиш хусусида сўз борар экан, телекоммуникация тизимлари ҳақида тўхталмасдан мумкин эмас. Биз қуйида жаҳондаги махсуслаштирилган телекоммуникация тизимларидан бири ҳақида тўхталиб ўтамыз.

Зарур ускуналар ва дастурий мажмуалардан фойдаланган ҳолда, махсуслаштирилган телекоммуникация тармоқларини яратиш мумкин. Махсуслаштирилган телекоммуникация тармоғи дэганди банклараро электрон ахборотлар ва тўловлар, шунингдек, пластик карточкаларга асосланган накд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими тушинилади.

SWIFT (Society for World-Wide Interbank Financial Telecommunication) – жаҳон банклараро молиявий телекоммуникация уюшмаси бўлиб, жаҳондаги молиявий телекоммуникация тармоқлари ичида етакчи ўринда туради.

1950 йилларнинг охирида халқаро савдонинг шиддат билан ривожланиши оқибатида банк операциялари сони ортиб, алоқанинг анъанавий шакллари (почта, телеграф) банклар талабига жавоб бермай қолди. Банклараро тўловларнинг ўтишида ҳар-хил муоммолар ва хатоликлар пайдо бўла бошлади.

Банклараро тўловларда операцияларнинг ортиши билан, жуда кўп қоғозларнинг ишлатилиши кўп ноқулайликларни келтириб чиқарар эди. Бунинг оқибатида, ахборотларни қоғозсиз тарзда узатишга эҳтиёж сезила бошланди.

1960 йилга келиб 60 та Америка ва Европа банклари халқаро банк тизимлари ишини андозалаштириш мақсадида муҳокамага йиғилди.

Бу йиғилишда банклараро тўловларни ўтказишда компьютер техникаларидан ва телекоммуникация ускуналаридан фойдаланиш келишиб олинди. Ушбу ускуналар асосида тез ва хавфсиз ахборот узатиш тизимини яратишга келишилди.

Бу лойиҳа қуйидагиларга жавоб бериши лозим эди;

- Тўлов муомалалари қоғозсиз тарзда ва имкон даражада рационал ишлаши;
- Телекоммуникация ускуналаридан фойдаланган ҳолда, банклараро ахборотларни алмашишини тезлашиши;

- Банк хатарлари минималлашуви (масалан йўқотишлар, тўловларнинг хато кетиши, қалбаки тўловлар ва ҳақозо);

1973 йил май ойида Бельгия қонунчилиги асосида 15 та давлатнинг 239та банки SWIFTни таъсис этдилар. Кейинги 4 йил ташкилий ва техникавий масалаларни ҳал этишга қаратилди.

1977 йилга келиб SWIFTнинг очилиши, яъни тармоқнинг ишга туширилиши бўлди. Шу йилнинг охиригача банк аъзолари сони 586тага етди. Бир кунда трафик 50000 та ахборот узатилиши таъминланди.

Ҳозирги вақтда SWIFTдан 155 давлатнинг 4800та банклари ва банк бўлмаган молия ташкилотлари фойдаланадилар. Булардан 3000дан ортиғи банклар ҳисобланади. Бу банк ва молия ташкилотлари жойлашган ҳудудлардан қатъий назар 365 кун давомида кеча-кундуз бир-бири билан алоқа ўрнатиши мумкин. Ҳозир SWIFT орқали бир кунда 5 миллион молиявий ахборот узатилади.

8.2. SWIFT тўлов тизимига аъзо бўлиш босқичлари.

SWIFT - бу эгалари банк - аъзолари бўлган акционерлик жамият ҳисобланади. Юқорида айтилгандек, бу жамият Бельгияда рўйхатга олинган. Штаб - квартираси Брюсселдан унча узоқ бўлмаган Ла-Ульп шаҳрида жойлашган. Ушбу акционерлик жамияти Бельгия қонунчилиги асосида фаолият юритади. Юқори органи банк аъзоларининг умумий йиғилиши ҳисобланади.

Барча қарорлар Ассамблеянинг қатнашувчиларининг кўпчилик овози орқали қабул қилинади. Бунда бир акция - бир овоз ҳисобланади. Акциялар ахборотларни узатиш сонига қараб тақсимланади. АҚШ, Германия, Швейцария, Франция, Буюк Британия каби давлатларда акциялар сони бирмунча кўп.

SWIFTга миллий қонунчилигида халқаро банк муомалаларини амалга оширишга рухсати бор ҳар бир давлатнинг банки аъзо бўлиши мумкин.

Ўзбекистоннинг Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки SWIFTда биринчи транзакцияларини 1993 йилнинг сентябр ойида амалга оширди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг энг йирик банкларидан Халқ банки ҳам, ушбу тизимга аъзога бўлди.

SWIFTга аъзо бўлиш икки босқичда амалга оширилади:

- Биринчи босқичда жамият аъзолигига кириш ва банкнинг тармоққа қўшилиш учун тайёргарлик ишларини амалга ошириш. Бу босқичда аъзолик бўйича ариза тақдим этилади, жамиятнинг муомала харажатлари учун, тўловларни ўтказиш, банк манзилиллари бўйича пакет ҳужжатларни жамиятга жўнатади. SWIFTнинг Директорлар кенгаши бу ҳужжатларни кўриб чиқади ва жамиятга банкнинг қабул қилиш, ёки қабул қилмаслик бўйича ўз қарорларини қабул қилади. Ушбу қарор ижобий бўлса, банк номзод бир маротабалик тўловни амалга ошириши ва бир дона акцияни сотиб олиш ҳуқуқини қўлга киритади. SWIFTга аъзо бўлиш жуда қиммат туради. Бир маротабалик бадал 400000 Бельгия франкини ташкил этади. Бундан ташқари банк аъзо бир дона жамият акциясини сотиб олиши зарурлиги хусусида

тўхталиб ўтган эдик. Ушбу жамиятнинг акциясининг нархи 55000 Бельгия франки миқдорида туради.

- Иккинчи босқичда банкнинг тармоққа уланиши билан боғлиқ масала ҳал этилади. Бу барча техник масалалар, шунингдек, банк телекоммуникация ускуналарини харид қилиш (бу ускуналарга тахминан 100000 АҚШ доллари атрофида маблағ сарфлаш лозим бўлади) ва ушбу тармоқда ишлаш учун ходимларни тайёрлаш, яъни ўқитиш ишларини амалга ошириш масалалари ҳисобланади.

Тармоққа қўшилиш вақти йилнинг март, июн, сентябр ва декабр ойларининг биринчи душанбаси ҳисобланади.

4. SWIFTнинг авфзалликлари ва камчиликлари

SWIFTнинг камчиликлари ва авфзалликлари мавжуд.

SWIFT фойдаланувчиларга қуйидаги имкониятларни яратади;

- Тармоқ ахборотларни узатишда физик, техник ва ташкилий усуллар орқали тўлиқ хавфсизликни таъминлайди;

- Ахборотларни узатишнинг ишончлилиги мавжуд;

- Алоқалар арзон нархда;

- Жаҳоннинг исталган нуқтасидан ахборотларни тез узатиш имконияти мавжуд бўлиб, бу ахборотларни узатиш 20 минутни ташкил этади. Ахборотларнинг заруриятига қараб бу муддат 1-5 минутни ташкил этиши мумкин.

- Барча тўлов ҳужжатлари бир андозада бўлади. Бу эса, маълумотларни ишлашда енгилликлар туғдиради.

- SWIFT ўз фойдаланувчилари учун молиявий ҳимояни кафолатлайди. Агар SWIFTнинг айби билан кун давомида белгиланган жойга тўлов етиб бормаса, шу тўлов билан боғлиқ барча харажатларни тармоқ ўз зиммасига олади.

SWIFTнинг катта камчилиги бўлиб, фойдаланувчилар нуқтаи назаридан қараганда бу тизимга киришнинг ўта қимматлигидир. SWIFTга кириш учун банк **160-200** минг АҚШ доллари миқдорида харажат қилишга тўғри келади. Бу эса ўрта ва кичик банкларга қийинчилик ва бир қанча муаоммоларни туғдиради. Бундан ташқари, ички ташкилий техник тизимнинг мураккаблигидир. (бузилишлар ва бошқа техник муаммоларнинг келиб чиқиши мумкинлиги)

Назорат учун саволлар

1. SWIFT халқаро тўлов тизимининг мазмуни нимадан иборат?
2. SWIFT тизимининг ташкил этилишининг қисқача тарихини гапириб беринг.
3. SWIFT халқаро тўлов тизимининг вазифалари нималардан иборат?
4. SWIFT халқаро тўлов тизимининг акциядорлари кимлар бўлиши мумкин?
5. SWIFT халқаро тўлов тизимининг ишлаш тартиби қандай?
6. SWIFT халқаро тўлов тизимининг ишлаш тамойилларини санаб ўтинг.
7. SWIFT тўлов тизими аъзо бўлиш босқичларини санаб ўтинг ва изоҳланг.
8. SWIFT тўлов тизими орқали ҳисоб-китобларнинг турлари.
9. SWIFT тўлов тизими орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби.
10. SWIFT нинг авзалликлари нималардан иборат?
11. SWIFT тизимининг камчиликлари ҳам мавжудми?.

9-МАВЗУ. ПУЛ ЎТКАЗИШ ТИЗИМЛАРИ

Режа

- 9.1 Пул ўтказиш тизимлари ва уларнинг турлари.
- 9.2 WESTERN UNION пул ўтказмаси, унинг афзалликлари ва шартлари.
- 9.3 MONIGRAM тизими орқали нақд пул ўтказиш тартиби.
- 9.4 ANELIK пул ўтказиш тизими орқали нақд пул ўтказиш тартиби.
- 9.5 “Kontakt”- пул ўтказмаси бўйича банк хизматлари.
- 9.6 “Золотая Корона” пул ўтказмаси.
- 9.7 Халқаро пул ўтказмаларини ўтказишда банк назорати

Таянч иборалар

Нақд пул ўтказмалари тизими, хизмат тури жўнатма миқдори, хизмат тарифлари, рақобат мухити, коммиссион ҳақ, банк иш куни, халқаро пул ўтказиш тизими, маҳаллий пул ўтказиш тизими, пул ўтказмаларинининг максимал миқдори, оператор, бланка, харажатлар, норезидент-вакил, идентификациялаш, операциянинг хос рақам.

9.1. Пул ўтказиш тизимлари ва уларнинг турлари.

Юқорида кўриб чиқилган мавзулар асосан нақд пулсиз тўлов тизимлари, уларнинг хусусиятлари, янги банк хизматларга бағишланган эди. Нақд пулсиз тўлов тизимлари билан бирга нақд пул ўтказмалари ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳам маълум бир тизим асосида амал қилади.

Бошқа давлатларда бундай нақд пул ўтказмалари тизими анча йиллардан буён амалиётга тадбиқ қилинган ва муваффақият билан ишлатилаётган бўлса, республикамизга бундай тизимлар асосан 2000 йиллардан сўнг кириб келди ва банк тизимининг янги хизмат турларидан бўлиб ҳисобланади.

Нақд пул ўтказмалари глобаллашув жараёнининг бир дебочаси бўлиб ҳисоблананди. Нақд пуллар маълум бир тизим орқали кўпроқ ривожланган давлатлардан иқтисоди аста-секин ривожланиб келаётган давлатларга, маълум бир шахс номига жўнатилади.

Ҳозирги кунда пул ўтказмалари янги хизмат турларидан бири бўлишига қарамасдан, уларнинг салмоғи йилдан – йилга ортиб бориб, бу хизмат туридан фойдаланаётганлар сони тобора ортиб бормоқда. Охирги йилларда нақд пул ўтказмаларининг салмоғи мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 5-10 фоизини ташкил этмоқда. Бунинг учун республикамизда пул ўтказмалари инфраструктураси жадал шаклланган бўлиб, аҳолига ушбу хизмат турида самарали фойдаланиш учун мослаштирилган шаҳобчалар сони кундан-кунга ортиб бормоқда.

Демак, нақд пул ўтказмалари мамлакат иқтисодиётининг юксалишида, аҳолининг турмуш даражасини оширишда алоҳида ўрин тутди. Пул ўтказмалари аҳолининг турли қатламлари учун чет давлатларда ишлаб топган қўшимча даромадларини ўз оилаларига етказиб туриш, ота-оналарнинг ўзидан узоқда яшаётган фарзандларига ёрдам сифатида нақд пул юбориш каби юмушларини осон хал қилади, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва молия воситачиларининг фаоллашуви, шу билан бирга банклар учун ҳам қўшимча даромад манбаи бўлиб ҳисобланади.

Нақд пул ўтказмалари юртимиздан хорижга нақд пул жўнатиш ва аксинча, хориждан мамлакатимизга киритилаётган пул маблағларининг ҳажми йилдан йилга ортиб бормоқда. 2002 йилда мамлакатимизга киритилган пул маблағларининг миқдори 225 млн.АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2009 йилда эса унинг миқдори

1.25 млрд АҚШ доллариға етди. Бундан кўриниб турибдики, мамлакатимизга киритилган пул маблағларининг ўртача ўсиш суръати ўртача 49 фоизни ташкил этди. Ўзбекистондан хорижга жўнатилаётган пул миқдори киритилаётган пул миқдориға нисбатан 2 баробар камдир. Агар 2002 йилда мамлакатимиздан хорижга 86 млн. АҚШ доллари миқдорида пўл ўтказилган бўлса, 2008 йилга келиб бу кўрсаткич 100 млн.АҚШ долларини, 2009 йилда эса 126 млн.АҚШ долларини ташкил етган³.

Жахон банкининг маълумотларига кўра, бутун дунё бўйича нақд пул ўтказмалари миқдори 2009 йилда 268 млрд АҚШ долларини ташкил қилиб, шундан 200 млрд АҚШ доллари мигрантларнинг ўз уйларига жўнатган пул маблағлари бўлиб ҳисобланади.⁴

Умуман бутун дунё бўйича амалга оширилган пул ўтказмаларининг 70-80 фоизи МДХ мамлакатларига тўғри келади. Нақд пул ўтказмалари сони ортиб бориши пул ўтказмалари бўйича тарифларнинг пасайиши ва хизмат кўрсатиш доирасининг тобора кенгайиб боришиға олиб келади. Бунга “Вестрн Юнион” пул ўтказмалари тизимининг Россия ва МДХ давлатларидаги вице президенти Джонатан Кнауснинг фикрлари ҳам исбот бўла олади. Унинг фикрича, “Нақд пул ўтказмалари - бу бугунги кунда энг зарур талаб қилинаётган хизмат тури ҳисобланиб, доимий равишда миждозлар сони ортиб юриши ва хизмат кўрсатиш доирасининг кенгайиши, тарифларнинг пасайтирилиши ҳамда пул пул айланмасининг ортиши билан ифодаланади”.⁵

МДХ давлатлари ичида нақд пул ўтказмалари миқдори бўйича Украина етакчилик қилиб, Россия, Белорусия, Қозоғистон, Азарбайжон ҳам пул ўтказмалари миқдори жихатидан бошқа хамдўстлик давлатлари ичида юқори мавқени эгалламоқда. Шунингдек, Ўзбекистонда ҳам нақд пул ўтказмалари барқарор ривожланмоқда ва уларнинг миқдори ортиб бормоқда.

Ўзбекистонда нақд пул ўтказмалари тизими бўйича банк хизматлари тижорат банклари томонидан амалга оширилмоқда. Ҳаммага маълум бўлганидек, янги хизмат тури ёки янги маҳсулотнинг кириб келиши дастлабки даврда катта миқдордаги харажатларни талаб этади. Вақт ўтиши билан уни ривожлантириш талаб этилади, бу эса харажатларни ҳам янада кўпайтиради, айнаи вақтда ушбу хизмат ёки маҳсулот турининг рақобатбардошлигини оширади.

Мамлакатимизда 2002 йилда атиги 3 та нақд пул ўтказмалари тизими амалиётга тадбиқ этилган эди. Улар АҚШнинг “WESTERN УНИОН”, “МОНЕЙГРАМ” ва Россиянинг “Бистрая почта” тизимларидир. Бу даврда ушбу нақд пул ўтказмаларининг деярли барчасида ўртача комиссия бахоси ўтказилаётган пул миқдорининг 10 фоизи атрофида бўлган. 2009-2010 йилларга келиб, республикаимизда 20дан ортиқ нақд пул ўтказмалари тизими амал қилиб, уларнинг ўртача комиссия бахоси 2 фоиздан 4 фоизгачани ташкил қилди. Айрим банкларда фақат битта нақд пул ўтказмалари тизимидан фойдаланилса, айрим банкларда 5-6 хил ва ундан ортиқ нақд пул ўтказмалари тизими аҳолиға таклиф қилинмоқда. Бу эса аҳоли учун анча қулай бўлиб, улар ўз имконияти ва истагиға қараб нисбатан арзон ва қулай пул ўтказмасидан фойдаланиш имкониятини беради.

Бугунги кунга келиб, ҳалқаро пул ўтказмалари тизими аҳоли учун энг оммалашган ва ривожланган тизим бўлиб ҳисобланади. Айниқса, ҳалқаро пул

³ www.cbu.uz

⁴ www.bankir.uz


⁵ www.bankir.uz

ўтказмаларининг “Western унион”, “МОНЕЙГРАМ”, “Сонтакт”, “Анелик”, “Мигом”, “Близко”, Золотая корона ва бошқалар турларидан амалиётда кенг фойдаланилмоқда.

9.2. WESTERN УНИОН пул ўтказмаси, унинг афзалликлари ва шартлари.

WESTERN УНИОН пул ўтказмаси тизими 200дан ортиқ давлатларда ўз иш фаолиятини олиб боради. Биргина МДХ давлатларида 1500 га яқин хизмат шаҳобчалари ташкил етилган.

WESTERN УНИОН пул жўнатмалари асосан АҚШ доллариди ва еврода амалга оширилади. Ушбу тизим орқали пул жўнатишда комиссия тўлов жўнатилаётган пул маблағлари жами суммасининг 5-25-%ини ташкил этади. Жўнатилган маблағлар 1 соатдан 1 ҳафтагача муддат ичида олиниши таъминланади. WESTERN УНИОН пул ўтказмалари тизимининг бир қатор афзалликлари мавжуд.



1-чизма. WESTERN УНИОН пул ўтказмалари тизимининг афзалликлари.

WESTERN УНИОНнинг тезкорлиги - пулни у юборилгандан сўнг бир неча дақиқадан кейин олиш мумкин. WESTERN УНИОН дунёнинг 200 га яқин мамлакатларида зудлик билан пул ўтказмаларини амалга ошириш имкониятига эга бўлиш учун энг янги электрон технологиялар ноёб жаҳон компьютер тармоғидан фойдаланади. Бироқ жўнатишда ўтказма олинadиган минтақадаги Western Унион агентлик шаҳобчасининг иш вақтини ҳам ҳисобга олиш керак.

WESTERN УНИОНнинг ишончилиги - WESTERN УНИОН компанияси 130 йилдан ортиқ вақт мобайнида ўз миқдорларига пул ўтказмалари хизматини таклиф этиб келмоқда. Ҳозирги кунда бу хизматлар дунё бўйича халқаро электрон тўловлар шаклида кўрсатилмоқда. Ҳар бир ўтказманинг ўз назорат рақами бўлиб, унинг ёрдамида пул йўналишини кузатиш мумкин. Ҳар бир пул ўтказмаси жаҳон талаблари даражасидаги хавфсизлик тизими билан ҳимояланган. У кўрсатилган манзилни, маблағни аниқ ва кўрсатилган муддатда ва фақат мўлжалланган одамга тўланиши кафолатлайди.

WESTERN УНИОН пул ўтказмалари тизимининг қулайлиги - Пулни жўнатиш ёки олиш учун WESTERN УНИОНнинг бутун дунё бўйича жойлашган 170 мингта бўлимидан истаганига мурожаат қилиш мумкин. WESTERN УНИОН нинг бўлиmlари аҳоли учун қулай бўлган вақтда очик бўлиб, одатда дам олиш кунларисиз ишлайди.

Пул маблағларини юбориш тартиби:

- Белгиланган шаклдаги бланка тўлдирилади;

- Операторга паспорт ҳамда жўнатувчи, олувчи тўғрисидаги, пул жўнатадиган мамлакат ва пул жўнатиладиган мамлакат, пул миқдори каби маълумотлар тўлдирилган хужжат тақдим етилади;

- WESTERN УНИОН оператори пул ўтказмаси бўйича тақдим қилинган хужжат асосида маълумотларни тизимга келтиради;

- Операторга жўнатилдиган пул ва воситачилик ҳаққи берилади, шундан сўнг оператор ўтказманинг 10 та рақамли сирли коди кўрсатилган квитанцияни миждозга қайтаради;

- Пул жўнатувчи пул олувчига пул ўтказмаси миқдори ва 10 та рақамли кодни маълум қилади.

WESTERN УНИОН пул ўтказиш тизими орқали нақд пул жўнатиш учун таърифлар белгиланган. Қуйида ушбу таърифлар ҳақида жадвал маълумотларини келтирамиз.

1-жадвал

WESTERN УНИОН пул ўтказиш тизими орқали Ўзбекистон Республикасидан МДХ давлатларига ва бошқа давлатларга пул ўтказиш ўртача тарифлари (АҚШ долларида)

Ўзбекистон Республикасидан МДХ давлатларига пул ўтказиш тарифлари		Ўзбекистон Республикасидан бошқа давлатларга пул ўтказиш тарифлари	
Ўтказиладиган сумма	Комиссион ҳақ миқдори	Ўтказиладиган сумма	Комиссион ҳақ миқдори
100.00 гача	6.00	50.00 гача	13.00
100.01-200.00	9.00	50.01-100.00	15.00
200.01-300.00	14.00	100.01-200.00	22.00
300.01-400.00	19.00	200.01-300.00	29.00
400.01-500.00	24.00	300.01-400.00	34.00
500.01-750.00	29.00	400.01-500.00	40.00
750.01-1000.00	37.00	500.01-750.00	45.00
1000.01-1500.00	53.00	750.01-1000.00	50.00
1500.01-2000.00	69.00	1000.01-1500.00	75.00
2000.01-2500.00	89.00	1500.01-1750.00	80.00
2500.01-3000.00	109.00	1750.01-2000.00	90.00
3000.01-6500.00	129.00	2000.01-2500.00	110.00
		2500.01-3000.000	120.00
		3000.01-3500.00	140.00

Жадвал маълумотларидан кўриб турганимиздек, Ўтказиладиган пул миқдори ортиб бориши билан пул ўтказмаси учун комиссия ҳақ тарифи ортиб боради.

Қуйида Ўзсаноатқурилишбанки мисолида WESTERN УНИОН пул ўтказиш тизими орқали Ўзбекистон Республикасидан чет давлатларга пул ўтказиш тарифларини келтирамиз.

2-жадвал

ВЕСТЕРН УНИОН пул ўтказиш тизими орқали Ўзбекистон Республикасидан Хитой ва МДХ давлатларига Ўзсаноатқурилишбанкнинг пул ўтказиш тарифлари (АҚШ долларида)

г/р	Ўтказма миқдори	Комиссион тўлов
МДХ давлатларига		
1.	0.01-200.0	\$3.00
2.	200.01-2000.0	ўтказма суммасининг 1.7%и
3.	2000.01-3000.0	ўтказма суммасининг 1.3%и
4.	3000.01 ва ундан юқори	ўтказма суммасининг 1.0%и
Хитой Халқ Республикасига		
1.	0.01-100.0	\$15.00
2.	100.01-300.00	\$20.00
3.	300.01-500.00	\$25.00
4.	500.01-800.00	\$30.00
5.	800.01-1000.00	\$35.00
6.	1000.01-1500.00	\$40.00
7.	1500.01-2000.00	\$45.00
8.	2000.01 ва ундан юқори	\$50.00

Ушбу тариф МДХ давлатларининг Азербайжон, Белорусия, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистон, туркменистон ва Украина каби давлатларига пул ўтказишда амал қилади.

3-жадвал

ВЕСТЕРН УНИОН пул ўтказиш тизими орқали Ўзбекистон Республикасидан бошқа чет давлатларга Ўзсаноатқурилишбанкнинг пул ўтказиш тарифлари (АҚШ долларида)

г/р	Ўтказма миқдори	Комиссион тўлов
1.	0.01-50.0	\$13.00
2.	50.01-100.0	\$15.00
3.	100.01-200.00	\$22.00
4.	200.01-300.00	\$29.00
5.	300.01-400.00	\$34.00
6.	400.01-500.00	\$ 40.00
7.	500.01-750.00	\$ 45.00
8.	750.01-1000.00	\$ 51.00
9.	1000.01-1500.00	\$76.00
10.	1500.01-1750.00	\$81 .00
11.	1750.01-2000.00	\$91 .00
12.	2000.01-2500.00	\$111 .00
13.	2500.01-3000.00	\$121 .00

Бу таърифлар Хитой ва МДХ давлатларидан бошқа барча давлатларида амал қилади.

Энди пул ўтказиш тартибини кўриб чиқамиз. Пул ўтказилгандан кейин пул жўнатувчи пул олувчига пул ўтказмаси миқдори ва 10 та рақамли кодни маълум қилгандан сўнг пулни олувчи унга жўнатишга ўтказмани олиши мумкин. Бунинг учун пул олувчи тегишли шаклдаги бланкани тўлдиради. Операторга паспорти ва олувчи тўғрисида маълумот, жўнатувчи тўғрисида маълумот, пулни жўнатган мамлакат, пул миқдори ва 10 та рақамли назорат коди кўрсатилган ҳолда тўлдирилган бланкани беради. Оператор бланкадаги кўрсатилган маълумотларни текшириб чиқади ва пул ўтказмасини АҚШ долларида пул олувчига беради. WESTERN УНИОН пул ўтказиш тизими орқали пул ўтказмаси олинганда пул олувчи воситачилик ҳаққини тўламайди.

Ҳозирги кунда ТИФ Миллий банк, Савдогарбанк, Алоқабанк, Трастбанк, Равнақбанк, Ҳамкорбанк, Ипотека банк, Асака банк, Капитал банк, банк, Халқ банки, УТбанк, Турон банк, Универсал банк каби қатор банклар WESTERN УНИОН пул ўтказиш тизими орқали банк хизматларини кўрсатмоқдалар.

9.3. МОНЕЙГРАМ тизими орқали нақд пул ўтказиш тартиби.

МОНЕЙГРАМ- пул ўтказиш тизими жаҳоннинг 170 дан ортиқ мамлакатларида фаолият юритади. Валюта ўтказмалари АҚШ доллари, Россия рубли ва Еврода амалга оширилади.

2003 йилнинг 15 апрел куни Ғалла банк (ҳозирда Қишлоқ қурилиши банки) ва “МОНЕЙГРАМ ПАЙМЕНТ СИСТЕМ Инс” компанияси ўртасида халқаро пул ўтказмалари бўйича Келишув имзоланди. МОНЕЙГРАМ компанияси бу- “Тхомас Соок Групп Лтд” ва “МОНЕЙГРАМ ПАЙМЕНТ СИСТЕМ Инс” компанияларининг биргаликда ташкил етилган қўшма корхонаси бўлиб, ҳозирги кунда у ўзининг кўплаб мамлакатларда жисмоний шахслар учун тез ривожланиб бораётган пул ўтказмалари тизими сифатида намоён бўлмоқда.

МОНЕЙГРАМ фаолияти асосан мижозларга рағбатлантириш асосида хизмат кўрсатишга йўналтирилган. Компания томонидан мижозларнинг маблағларини қисқа вақт ичида ўтказиб берадиган замонавий электрон технологиялари қўлланилади. Ҳар бир пул ўтказмаси ишончли хавфсизлик тизими билан ҳимояланган бўлиб, маблағларни фақатгина юбуровчи томонидан шахсгина олиши кафолатланади.

МОНЕЙГРАМ пул ўтказмалари тизимининг бир қатор авзалликлари мавжуд. Бу қулайликлар қуйидагилар:

- Тезкорлик (операциялар тезкор амалга оширилади).
- Қулайлик (тўловлар нақд пул берилиши билан амалга оширилади).
- Хизмат кўрсатиш шаҳобчалари тармоғининг кенглиги (дунёнинг 155 та мамлакатда 55000 дан ортиқ қулай жойлашган хизмат кўрсатиш шаҳобчалари мавжуд).
- Қулай ва рақобатбардош нархлар.
- Бепул маълумот бериш.

МОНЕЙГРАМ пул ўтказмалари тизими орқали пул юбориш тартиби.

1. Тўловнинг белгиланган манзили каталогдан фойдаланган ҳолда текшириб кўрилади.

2. Пул маблағларини ўтказиш бланкаси тўлдирилади.

3. Мижоз ҳақидаги маълумотлар текширилади.

4. Мижоздан хизмат ҳаққи олинади.

5. Операцияларни қайта ишловчи Бош офис билан боғланилади.

6. Мижозга берилган махсус номер Бош офисдан қабул қилинади ва бланкага ёзиб қўйилади.

7. Мижозга махсус номер ёзилган бланканинг иккинчи нусхаси топширилади.

Ҳар бир тижорат банки томонидан “МОНЕЙГРАМ” орқали ўтказмаларининг тарифлари ишлаб чиқилган. Қуйида Ориент Финанс Банк - Хусусий аксиядорлик тижорат банкининг Ўзбекистондан “МОНЕЙГРАМ” орқали ўтказмаларининг тарифларини кўриб чиқамиз.

4-жадвал

**Ориент Финанс Банк - Хусусий аксиядорлик тижорат банкининг
Ўзбекистондан “МОНЕЙГРАМ” орқали ўтказмаларининг тарифлари**

Жўнатма суммаси Тариф (АҚШ долларида)	Тариф (АҚШ долларида)
Марказий Осиё давлатларидан Россия, Грузия, МДХ давлатлари ва Исроилга пул ўтказмалари юбориш учун.	
1-100	2
100,01-200	4
200,01-300	6
300,01-400	8
400,01-500	10
500,01-600	12
600,01-700	14
700,01-800	16
800,01-900	18
900,01-1000	20
1000,01-2000	35
2000,01-3000	50
3000,01-4000	70
4000,01-5000	100
"МонейГрам" пул ўтказмалари тизими бўйича Хитойга юбориш	
1-300	9
300,01-600	18
600,01-1000	25
1000,01-2 000	50
2000,01-5 000	80
"МонейГрам" пул ўтказмалари тизими орқали Узоқ хорижга юбориш	
1-100	10
100,01-250	18
250,01-400	24
400,01-600	34
600,01-800	39
800,01-1000	44
1000,01-1200	60
1200,01-1800	65
1800,01-2500	70
2500,01-5000	100

"МонейГрам" тизими бўйича келиб тушган нақд пул маблағларини бериш.
Комиссия пули олинмайди

МОНЕЙГРАМ пул ўтказмалари тизими орқали пул маблағларини қабул қилиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Пул жўнатувчи пул олувчига пул ўтказмаси миқдори маълум қилгандан сўнг пулни олувчи унга жўнатишга ўтказмани олиши мумкин. Бунинг учун пул олувчи тегишли шаклдаги бланкани тўлдиради. Операторга паспорти ва олувчи тўғрисида маълумот, жўнатувчи тўғрисида маълумот, пулни жўнатган мамлакат, пул миқдори кўрсатилган ҳолда тўлдирилган бланкани беради. Оператор бланкадаги кўрсатилган маълумотларни текшириб чиқади ва операцияларни қайта ишловчи Бош офис билан боғланади. Оператор пул маблағларини қабул қилиш коддини аниқлаштиради ва мижоз берган бланкага ёзиб қўяди. Шундан сўнг мижоз номига келган пул суммасини ҳамда бланка нусхасини беради.

МОНЕЙГРАМ пул ўтказиш тизими орқали пул ўтказмаларинининг максимал миқдори бир кунда битта транзакциянинг ўзида 5000 АҚШ долларини ташкил этади. Ҳозирги кунда бу ўтказмадан Ипак Йўли банки, Қишлоқ қурилиши банки, Ориент Финанс Банк каби бир қатор банклар фойдаланмоқдалар.

9.4. АНЕЛИК пул ўтказиш тизими орқали нақд пул ўтказиш тартиби.

“АНЕЛИК”- пул ўтказмаси Россия рубли ва АҚШ долларида амалга оширилади. Дунёнинг 90 дан ортиқ мамлакатлари ўртасида ушбу тизим бўйича пул ўтказмалари 3 соатдан 24 соат оралиғида ўтказилади. “АНЕЛИК” бўйича ўтказилган пул маблағларининг 3%и миқдорида кўрсатилган хизмати учун ҳақ олади. Бу ўтказмадан Савдогарбанк, Ҳамкорбанк, Ипак йўли банки каби тижорат банклари амалиётида фойдаланилади. “АНЕЛИК”- пул ўтказмаси жисмоний шахслардан юридик шахсларга пул ўтказмаларини ўтказишни таклиф этади. Бундай хизматларга тўловларни йиғиш, хизматлар ҳақини тўлаш, товар сотиб олиш, электрон ҳамёнларни тўлдириш ва бошқалар киради.

Пул ўтказмалари ва ўтказилган пул маблағларини қабул қилиб олишни амалга ошириш учун шахсни тасдиқловчи ҳужжат тақдим етилиши лозим. Қонунчилик бўйича шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар қуйидагилар ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти;
- Ҳарбий хизматчининг шахсий гувоҳномаси ёки ҳарбий гувоҳномаси;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий равишда истиқомат қилувчи, фуқароликка эга бўлмаган шахс учун доимий истиқомат учун гувоҳнома.
- Чет ел фуқароси ёки фуқароликка эга бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида вақтинча ва доимий истиқомат қилиш учун асосий ҳужжатлар:
- вақтинча истиқомат қилиш учун рухсатнома ва бошқалар.

“АНЕЛИК”- пул ўтказмаси бўйича операцияга асос бўлиб барча пул ўтказмаларида бўлгани каби пул ўтказиш учун берилган ариза ҳисобланади. Амалий ишчи пул жўнатувчининг аризада зарур ҳоллар учун ўз телефон рақамларини кўрсатиб ўтишини тавсия қилиши керак.

Пул ўтказмаси қабул қилинаётганида ушбу ўтказмага тартиб рақам берилади (регистрация тартиби ёки программалаш услуби бўйича). Жўнатувчи пул ўтказмаси учун берилган тартиб рақам ҳақида огоҳлантирилиши шарт.

- Ўтказилган пулни олиш учун қабул қилиб олувчи шахсий ҳужжат, ҳамда ўтказма миқдори ва тартиб рақамини айтиши лозим;
- Ушбу маълумотни Қабул қилиб олувчига улашиш мажбурияти жўнатувчи зиммасига юкланган;

• Пул ўтказмасини қабул қилиб олувчининг банкига ушбу шахс билан телефон орқали боғланиши шарт эмас (аризада кўрсатилган телефон рақам);

Жўнатувчидан амалга оширилган пул ўтказмаси учун комиссияни ушлаб қолади. Чет ел мамлакатларига чет ел валютаси ва сўмда пул ўтказмалари учун – ўтказма миқдоридан - 3% ушланади. Нақд пул ўтказмасинини қабул қилиб олувчи кўрсатган ҳужжатидаги маълумотлари ўтказмада белгиланган маълумотлар билан мос келгандагини ўтказилган пул ушбу шахсга берилади. Шу билан бирга, қуйидаги қўшимча идентификаторларнинг бири ҳам мос келиши лозим:

- пул ўтказмасининг тартиб рақами
- пул ўтказмасининг миқдори
- Жўнатувчининг исми
- Жўнатувчининг фамилияси
- Пул ўтказмасини қабул қилиб олувчининг телефон рақами

Лекин ҳозирги кунда ушбу тизим орқали ўтказмалар “WESTERN УНИОН” ва “МОНЕУГРАМ”, “СОНТАКТ” ва “МИГОМ” ўтказмаларига нисбатан камроқ фойдаланилади.

9.5. “Сонтаст”- пул ўтказмаси бўйича банк хизматлари.

Пул ўтказмалари бозорининг етакчи иштирокчиларидан бири “Сонтаст” пул ўтказиш тизими бўлиб, у Россиянинг 1-ҳалқаро пул ўтказмаларини амалга ошириш тизимидир. У орқали мижозга ҳисобрақам очмай туриб АҚШ доллари, Евро ва Россия рублида пул ўтказмаларини амалга ошириш мумкин.

“Сонтаст” қуйидаги хизматларни таклиф этади:

• Жисмоний шахслардан юридик шахсларга пул ўтказмаларини ўтказиш. Бундай хизматларга тўловларни йиғиш, хизматлар ҳақини тўлаш, товар сотиб олиш, электрон ҳамёнларни тўлдириш ва бошқалар киради.

• Юридик шахслардан жисмоний шахсларга пул ўтказмаларини ўтказиш. Бундай хизматларга ютуқлар, гонорарлар, ҳамда электрон ҳамёнлардаги маблағларни тўлаш ва бошқалар киради.

Пул ўтказмалари ва ўтказилган пул маблағларини қабул қилиб олишни амалга ошириш учун шахсни тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилиши лозим. Қонунчилик бўйича шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар қуйидагилар ҳисобланади:

• Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти;

• Ҳарбий хизматчининг шахсий гувоҳномаси ёки ҳарбий гувоҳномаси;

• Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий равишда истиқомат қилувчи, фуқароликка эга бўлмаган шахс учун доимий истиқомат учун гувоҳнома.

• чет эл фуқароси ёки фуқароликка эга бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида вақтинча ва доимий истиқомат қилиш учун асосий ҳужжатлар:

- вақтинча истиқомат қилиш учун рухсатнома;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш учун таклифнома;
- ишлаш учун рухсатнома.

Агар пул ўтказмаси амалга оширилиш жараёнида пул ўтказувчи ёки қабул қилувчининг номидан вакил катнашса, ушбу вакилга қуйидаги тартибда ишончнома расмийлаштирилади:

- ишончнома нотариусда тасдиқланган бўлиши керак;

- мол-мулк юзасидан иш кўришга олинган умумий ишончномасида банк ҳисоб-рақамларидан пул олиш ҳуқуқи кўрсатиб ўтилмаган бўлса, ушбу ишончнома қабул қилинмайди;

- ишончнома Ўзбекистон Республикасидаги чет ел елчихонаси ёки Ўзбекистон Республикасининг чет елдаги елчихонасида тасдиқланган бўлиши мумкин.

Чет тилдаги ишончнома Банкка ўзбек (рус) тилига ўтирилган тасдиқланган таржимаси билан бирга тақдим етилади.

Ишончноманинг асл нусхаси касса ҳужжатларида қолади.

Пул ўтказмаларини миқоздан қабул қилиш тартиби

Пул ўтказмаси операциясига асос бўлиб пул ўтказиш учун берилган ариза ҳисобланади. Амалий ишчи пул жўнатувчининг аризада зарур ҳоллар учун ўз телефон рақамларини кўрсатиб ўтишини тавсия қилиши керак.

Пул ўтказмаси қабул қилинаётганида ушбу ўтказмага тартиб рақам берилади (регистрация тартиби ёки программалаш услуби бўйича). Жўнатувчи пул ўтказмаси учун берилган тартиб рақам ҳақида огоҳлантирилиши шарт.

- Ўтказилган пулни олиш учун қабул қилиб олувчи шахсий ҳужжат, ҳамда ўтказма миқдори ва тартиб рақамини айтиши лозим;

- Ушбу маълумотни Қабул қилиб олувчига улашиш мажбурияти жўнатувчи зиммасига юкланган;

- Пул ўтказмасини қабул қилиб олувчининг банкига ушбу шахс билан телефон орқали боғланиши шарт эмас (аризада кўрсатилган телефон рақам);

Жўнатувчидан амалга оширилган пул ўтказмаси учун комиссияни ушлаб қолади.

чет эл мамлакатларига чет ел валютаси ва сўмда пул ўтказмалари учун – Ўтказма миқдоридан - 3%,

Ўтказма миқдоридан 1% - Жўнатувчи Банкнинг комиссияси

Ўтказма миқдоридан 1% - Клиринг маркази билан ҳисоб-китобни амалга ошириш учун комиссия

Ўтказма миқдоридан 1% - ўтказилган пулни қабул қилиб олувчи банкнинг комиссияси бўлиб ҳисобланади.

Пул ўтказмаларини тарқатиш тартиби.

Агар ўтказмани қабул қилиб олувчи кўрсатган ҳужжатидаги маълумотлари ўтказмада белгиланган маълумотлар билан мос келгандагини ўтказилган пул ушбу шахсга берилади. Шу билан бирга, қуйидаги қўшимча идентификаторларнинг бири ҳам мос келиши лозим:

- пул ўтказмасининг тартиб рақами
- пул ўтказмасининг миқдори
- Жўнатувчининг исми
- Жўнатувчининг фамилияси
- Пул ўтказмасини қабул қилиб олувчининг телефон рақами

“СОНТАКТ” пул ўтказиш тизими Россия, яна бир қатор МДХ давлатлари, Болтиқ бўйи давлатлари ва хорижий давлатларда иш фаолиятини олиб боради.

Ҳозирги кунда ушбу тизим бўйича Ўзбекистоннинг 12 та тижорат банк, жумладан, ТИФ Миллий банк, Ўзсаноатқурилишбанк, Савдогарбанк, Ҳамкорбанк, Ипотека банк, Капитал банк, Халқ банки, Турон банк каби қатор банклар “СОНТАКТ” пул ўтказиш тизими орқали банк хизматларини кўрсатмоқдалар. 2010 йилда “СОНТАКТ” тизими орқали 1.5 млн.дан ортиқ республикаимиз фуқаролари фойдаланган.

9.6. “Золотая Корона” пул ўтказмаси

Золотая Корона” ҳисобрақам очмасдан туриб лаҳзалик манзилсиз пул ўтказмалари тизими. Ушбу тизим пул ўтказмалари бозорида 2003 йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда ва бир қатор жаҳон миқёсидаги ва маҳаллий пул ўтказмалари тизимлари билан ҳамкорлик туфайли дунёдаги 200 дан ортиқ мамлакатда жойлашган шаҳобчаларга эга. “Золотая Корона” пул ўтказмаси орқали пулларни Абхазия, Озарбайжон, Арманистон, Беларус, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Ўзбекистон, Украина, Туркия ва Хитой мамлакатларида жойлашган 34 000 дан ортиқ хизмат кўрсатиш шаҳобчаларидан олиш мумкин.

Золотая Корона” пул ўтказмаси орқали пул ўтказилганда қуйидагилар кафолатланади:

- ✓ ўтказмаларни пул ўтказиш шаҳобчалари орқали жўнатиш ва бериш тармоғи;
- ✓ ўтказиш тезлиги – уни у жўнатилгандан кейин киска вақт ичида олиш мумкинлиги;
- ✓ ўтказмани расмийлаштиришда фақат у ўтказиладиган мамлакат ва шаҳарни кўрсатиш зарур. Олувчининг ўзи учун энг қулай бўлган шаҳобчани унинг узи танлаши мумкин.

Ўтказмани жўнатиш тартиби.

Агар “Золотая Корона” тизими бўйича илк марта ўтказма жўнатилаётган бўлса, пул ўтказмалари Картасини расмийлаштириш таклиф етилади. Жўнатувчи ва олувчилар тўғрисидаги барча зарур маълумотлар базасига фақат бир марта киритилади, бу эса кейинги жўнатишмалар вақтида махсус бланкаларни тўлдириш тартибини бажаришдан халос қилади.

Демак, “Золотая Корона” пул ўтказмасида пул ўтказмалари картаси олиниши лозим бўлади. Пул ўтказмалари картаси бир марта расмийлаштирилади ва унда ўтказмани жўнатувчи ва ўтказмани олувчи тўғрисидаги маълумотлар сақланади. Картани олгандан сунг, ўтказмаларни жўнатиш учун қоғозли аризани тўлдиришнинг хожати қолмайди. Банк ходимиға фақат паспорт, карта ва ўтказиш учун пул берилади. Банк ходими бир неча дақиқа ичида ўтказмани расмийлаштиради ва пул жўнатувчига паспорт, карта ҳамда олувчига хабар бериш керак бўлган рақам кўрсатилган чекни қайтариб беради. Шу тариқа ўтказма жўнатилади ва олувчи пулни олиши мумкин бўлади. Ўтказмаларни ҳамкор-банклар офисларида жўнатиш мумкин.

Пул ўтказмалари картаси бўйича хизмат кўрсатиш атиги 3 дақиқани ташкил қилади. Ўтказиш тезлиги жуда тез. “Золотая Корона” тизими бўйича ўтказмаларни жўнатишда олувчининг аниқ яшаш манзилини кўрсатиш талаб қилинмайди. Фақат шаҳарнинг ўзини кўрсатиш йетарли. Олувчи ўзи учун энг қулай бўлган шаҳобчани танлаши мумкин. Олувчини унга пулларнинг жўнатилганлиги ва уни бериш амалга ошириладиган ўтказма рақамини ёзиб олиш ёки ёдлаб қолиши шарт эмаслиги тўғрисида хабардор қилинади.

Ўтказмани олиш тартиби.

Ўтказмани олиш учун фақат ушбу рақам ва шахсни тасдиқловчи ҳужжат керак бўлади. Ўтказмани олишда ўтказма суммасини кўрсатиш шарт эмас. “Золотая Корона” ўтказмаларини олиш доимо бепул, хизматлар учун воситачилик ҳақини жўнатувчи тўлайди. Ўтказмани тизимда сақлаш муддати 60 кундан иборат. Ушбу муддат ниҳоясига йетиши билан жўнатувчи ўтказмани расмийлаштириш амалга оширилган банк шаҳобчасига мурожаат қилиши керак.

**Ориент Финанс Банк - Хусусий аксиядорлик тижорат банкининг
Ўзбекистондан “Золотая Корона” тарифлари**

т\р	Қабул қилиб олувчи давлат	Комиссион тўлов
1.	Хитой	25\$
2.	Украина	30\$, 30 йевродан ошмаган ҳолда, тариф 1%
3.	Грузия	30\$, 30 йевродан ошмаган ҳолда, тариф 1%
4.	Қозоғистон	30\$, 30 йевродан ошмаган ҳолда, тариф 1%
5.	Қирғизистон	30\$, 30 йевродан ошмаган ҳолда, тариф 1%
6.	Россия	40\$, 30 йевродан ошмаган ҳолда, тариф - 1%
7.	Тожикистон	30\$, 30 йевродан ошмаган ҳолда, тариф 1%
8.	Туркия	тариф 1,5%
9.	Ветнам	2 000\$гача - тариф 10 \$, банк мукофоти 3 \$. 2 000дан то 4 999\$гача - тариф 15 \$, мукофот 4\$. 5000дан то 10 000 \$гача - тариф 20 \$, мукофот 5 \$.

Абхазия, Мўғилистон, Исроил, Чехия, Гресия, Молдова, Озарбайжон, Беларусия, Непалга пул ўтказмаларини бажаришда ўтказма миқдоридан 1% комиссион тўлов олинади. Жўнатмани тўлаш учун комиссия пули олинмайди.

9.7. Пул ўтказмаларининг бошқа турлари ва уларнинг хусусиятлари.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда пул ўтказмалари инфратузилмаси жадал суръатлар билан шаклланаётган бўлиб, аҳолининг ушбу хизмат туридан самарали фойдаланиши учун кенг тармоқли шаҳобчалар ташкил етилган. Шундай шаҳобчалар сони ҳозирги кунда мингдан ортиқдир. Республикамиз тижорат банклари юқорида кўриб чиққан нақд пул ўтказмаларининг WESTERN УНИОН ва МОНЕЙГРАМ, “СОНТАКТ”, “АНЕЛИК”дан ташқари жуда кўплаб турларини таклиф етмоқдалар. Уларга “МИГОМ”, “БЛИЗКО”, “ИНТЕРЕХПРЕСС”, “ТРАВЕЛЕХ”, “ЛЕАДЕР”, “Бистрая почта”, “Ўзбекистон экспресс”, “Азия экспресс” каби пул ўтказиш тизимларини киритиш мумкин.

“МИГОМ”- нақд пул ўтказмаси асосан МДХ давлатлари ўртасида фаолият юритади. Ушбу тизим бўйича пул ўтказмалари 10-15 минут ичида ўз эгаларига етказилади. Бунда пул ўтказмаси суммасининг 2%и миқдорида комиссион ҳақ олинади. “МИГОМ” нақд пул ўтказмаси тизими орқали Капитал банк, Ўзсаноатқурилишбанк ва Кредит - стандарт банклари аҳолига банк хизматларини кўрсатмоқдалар.

“БЛИЗКО”- ушбу пул ўтказиш тизими 2006 йилда ишга туширилган бўлиб, ҳозирги кунда ундан Россия, Арманистон, Озарбайжон, Беларусия, Грузия, Молдова, Ўзбекистон, Қирғизистон, Украина, Тожикистон каби давлатлар кенг фойдаланмоқдалар. “БЛИЗКО” пул ўтказиш тизими бўйича АҚШ доллари, Евро ва Россия рублида пул ўтказмаларини амалга ошириш мумкин. Пул ўтказмаларини амалга оширишда жўнатилаётган пул миқдорининг 1.3-2% миқдорида тижорат банклари комиссион ҳақ оладилар. Шу билан бирга, айрим банклар комиссион ҳақ миқдорини жўнатилаётган ўтказма миқдорига қараб белгилашган. Масалан, Ўзсаноатқурилишбанкида 100 АҚШ долларгача ўтказма учун 2 АҚШ доллар комиссион ҳақ олади. Ўтказма 100 АҚШ долларида юқори бўлса, комиссион ҳақ миқдори ошиб боради. 3 000 АҚШ долларида 3 500 АҚШ долларгача 70 АҚШ

доллари, 4 500 АҚШ долларида 5 000 АҚШ долларига 100 АҚШ доллари ундирилади.

“ИНТЕРЕХПРЕСС” жисмоний шахслар бўлган мижозларга ҳисобрақам очмай туриб пул маблағларини дунёнинг исталган мамлакатларига жўнатиш имкониятига эга бўлган халқаро пул ўтказиш тизимидир. Ушбу тизим орқали пул ўтказмаларини манзилга етказиш 3-6 соат ичида таъминланади. “ИНТЕРЕХПРЕСС” бўйича ўтказмаларни АҚШ доллари, Евро ва Россия рублида пул ўтказмаларини амалга оширилади. Ҳозирги кунда ушбу тизим фаолиятини Ўзсаноатқурилишбанк амалиётида кўриш мумкин.

“Бистрая почта”- пул ўтказмаси бўйича ўтказилган пул маблағлари бор-йўғи 20 минут ичида эгасига етказиб берилади. Бунда ўтказилган жўнатма миқдорининг 2% миқдорида комисион ҳақ тўланади. “Бистрая почта”- пул ўтказмаси бўйича пул ўтказмалари Россияда рубл, Россия, Ўзбекистон, Арманистон, Грузия Озарбайжон, Беларусия, Қозоғистон, Молдовия, Қирғизистон, Украина, Тожикистон кби давлатларда АҚШ доллари ва Еврода амалга оширилади. Ҳозирги кунда “Бистрая почта”- тизими бўйича банк хизматларини Ипак йўли ва Турон банклари таклиф этмоқдалар.

“Ўзбекистон экспресс”- Ўзбекистон ҳудудидаги тижорат банкларида ҳисобрақам очмасдан туриб, фақат миллий валютада пул ўтказмаларини республиканинг исталган жойига жўнатиш тизимидир. Нақд пул ўтказмалари 3 банк иш кунида ўз манзилига етказилиши таъминланади. “Ўзбекистон экспресс”- пул ўтказмаси бўйича ўтказиб берилаётган пул маблағларининг миқдorigа қараб 0.5-4% миқдорида комисион ҳақ олинади. Ҳозирги кунда ушбу пул ўтказмаси тизими бўйича хизматлар Ўзсаноатқурилишбанк томонидан амалга оширилмоқда.

“Азия экспресс” - пул ўтказмаси бўйича хизматларни Ўзбекистон ва Россия тижорат банклари таклиф етмоқдалар. Демак, бу тизим бўйича Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги жўнатмалар амалга оширилади. Бунда ўтказилган жўнатма миқдорининг 2% атрафида комисион ҳақ тўлаш лозим бўлади. Пул ўтказмалари фақат АҚШ долларида амалга оширилади. Россия Федерацияси фуқаролари ҳам, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳам 1 кунда 5000 АҚШ долларида ортиқ бўлмаган миқдорда пул ўтказишлари мумкин. “Азия экспресс” - пул ўтказмаси Траст банк ва Кредит - стандарт банкларида фойдаланилади.

Умуман, ҳозирги кунда республикаимиз банклари томонидан яна кўплаб янги пул ўтказмалари томонидан таклиф қилинмоқда, уларга “ТРАВЕЛЕХ”, “ЛЕАДЕР”, “УНИСТРЕАМ”, “ХРЕСС- монеи”, “ФАСТЕР”, “СОНИСТАР”, “АЛЛЮР” каби пул ўтказмалари тизими амалда бўлиб, янгидан янги мижозларни ўзига жалб қилиб келмоқда. Пул ўтказмалари тизимларининг кўпайиши улар ўртасидаги рақобат муҳитини янада кучайтиради ва келгусида уларнинг хизмат тарифлари анча пасайишига олиб келади. Пул ўтказмалари тизимларининг Ўзбекистонда такомиллаштирилиши билан ушбу хизмат турининг янада ривожланиши ва натижада иқтисодиётга катта миқдорда валюта кириб келишига замин яратади.

9.8. Халқаро пул ўтказмаларини ўтказишда банк назорати

Халқаро пул ўтказмалари тизимлари бўйича операцияларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва ноқонуний операцияларни ўтказишни олдини олиш мақсадида назорат ишлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида билан рўйхатга олинган

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни лэгаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2013 йил 2 октябрдаги 328-В 20-сон қарори ҳамда “Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни лэгаллаштиришга терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат” Қоидаларига асосан олиб борилади.

Халқаро пул ўтказмалари тизимлари бўйича хизматларни кўрсатувчи компаниялар яъни халқаро пул ўтказмалари тизимлари билан муносабатлар ўрнатиш ва амалга оширишда бундай ташкилот идентификация қилинади. Бундан ташқари, тижорат банки халқаро пул ўтказмалари тизимлари билан муносабатлар ўрнатиш жараёнида қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

- халқаро пул ўтказмалари бўйича шеригининг иш фаолияти хусусиятлари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун у ҳақидаги ахборотларни йиғиш;
- очиқ маълумотлар асосида ташкилотнинг обрўсини, жумладан, ушбу ташкилотга нисбатан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни лэгаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга оид камчиликлар юзасидан тергов олиб борилган ёки борилмаганлигини аниқлаш;
- электрон тўловлар тўғрисидаги барча маълумотларни сақлаш.

Халқаро пул ўтказмалари тизимлари билан вакиллик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги қарор тижорат банки бошқаруви томонидан қабул қилинади. Халқаро пул ўтказмалари бўйича, шу жумладан, халқаро пул ўтказмалари тизимлари орқали операцияларни амалга оширувчи тижорат банклари ўзларининг бундай хизматларни кўрсатувчи бўлинмалари бўлган, шохобча, бўлим ва ушбу бўлинмалар ходимларининг ҳисобини юритишлари, пул ўтказмаларига оид операцияларни жисмоний шахс - мижозларни лозим даражада текширгандан сўнг амалга оширишлари, жўнатиладиган пул ўтказмаларини мижоз жўнатувчи ҳақидаги маълумотлар, фамилияси, исми, отасининг исми, шахсни тасдиқловчи ҳужжат серияси ва рақами, агар операция жараёнида ҳисобварақ ишлатилган бўлса, у ҳолда унинг рақами ёки операциянинг хос рақам ва олувчининг фамилияси, исми, отасининг исми; агар операция жараёнида ҳисобварақ ишлатилган бўлса, у ҳолда унинг рақами ёки операциянинг хос рақами каби аниқ маълумотлар билан бирга юборилишини таъминлашлари шарт.

Тижорат банклари норезидент-банклардан ва халқаро пул ўтказмалари тизимларидан энг кам иш ҳақининг 25 баравари миқдоригача бўлган суммадаги пул маблағларини жўнатувчилари ҳақидаги минимал маълумотларни, агар операция жараёнида ҳисобварақ ишлатилган бўлса, у ҳолда унинг рақами ёки операциянинг хос рақамини тақдим етилишини талаб қилишлари, норезидент-банклардан ва халқаро пул ўтказмалари тизимларидан энг кам иш ҳақининг 25 баравари миқдорига тэнг ёки ундан ошадиган суммадаги пул маблағларини жўнатувчилари ҳақидаги минимал маълумотларни, шахсни тасдиқловчи ҳужжат серияси ва рақами, жўнатувчининг яшаш манзили ёки туғилган санаси ва жойи, агар операция жараёнида ҳисобварақ ишлатилган бўлса, у ҳолда унинг рақами ёки операциянинг хос рақамини тақдим етилишини талаб қилишлари лозим.

Шунингдек, олувчиси ва жўнатувчиси ҳақидаги талаб қилинган маълумотларга эга бўлмаган халқаро пул ўтказмаларини аниқлаш бўйича асосли ва имкони мавжуд бўлган чораларни кўришлари, олувчиси ва жўнатувчиси ҳақидаги талаб қилинган маълумотларга эга бўлмаган халқаро пул ўтказмалари аниқланганда тижорат банки томонидан кўриладиган чоралар, яъни ижро қилиш, рад етиш, тўхтатиш ёки

бошқалар тартибини белгиловчи, таваккалчиликларни баҳолашга асосланган ички ҳужжатни ишлаб чиқишлари керак.

Тижорат банклари норезидент-вакил банклардан ва халқаро пул ўтказмалари тизимларидан улар билан тузилган шартномаларга мувофиқ пул маблағларини жўнатувчилари ҳақидаги қўшимча маълумотларни уч иш куни давомида олиш имкониятига эга бўлишлари керак. Бундай имконият мавжуд бўлмаганда, тижорат банклари бундай халқаро пул ўтказмалари тизимлари билан шартномани бекор қилиш масаласини кўриб чиқишлари лозим.

Тўлов ўтказмаларида воситачи сифатида иштирок етувчи тижорат банклари:

✓ электрон тўловларга илова қилинадиган жўнатувчи ва олувчи ҳақидаги барча маълумотларни, жўнатув тўғрисидаги маълумотлар билан бирга юборилишини ва беш йилдан кам бўлмаган муддат давомида сақланишини таъминлашлари;

✓ олувчиси ва жўнатувчиси ҳақидаги талаб қилинган маълумотларга эга бўлмаган халқаро пул ўтказмаларини аниқлаш бўйича асосли ва имкони мавжуд бўлган чораларни кўришлари;

✓ таваккалчиликларни баҳолашга асосланган ҳолда олувчиси ва жўнатувчиси ҳақидаги талаб қилинган маълумотларга эга бўлмаган халқаро пул ўтказмалари аниқланганда тижорат банки томонидан амалга ошириладиган чоралар тартибини белгиловчи дастурни ишлаб чиқишлари керак;

✓ олувчиси ва жўнатувчиси ҳақидаги талаб қилинган маълумотларга эга бўлмаган халқаро пул ўтказмалари аниқланганда, бундай ўтказмалар ҳақида Департаментга хабар бериш масаласини кўриб чиқишлари керак.

Агар ушбу мижоз ва мижознинг ҳақиқий эгаси тижорат банки томонидан илгари идентификацияланган бўлса, мижозни ва мижознинг ҳақиқий эгасини қайта идентификациялаш мажбурий ҳисобланмайди. Мижоз ва мижознинг ҳақиқий эгасини қайта идентификациялаш аввалги идентификациялаш натижасида олинган маълумотлар ишончлилигига гумон туғилган тақдирда амалга оширилиши лозим.

Мижоз ва мижознинг ҳақиқий эгасини идентификациялашда тижорат банки олинган маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Департамент томонидан шакллантириладиган ва тижорат банкларига тақдим қилинадиган, шахслар рўйхати ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни лэгаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок етмаётган давлатлар рўйхати билан солиштириб чиқиши шарт.

Мижоз ва мижознинг ҳақиқий эгасини идентификациялаш жараёнида Рўйхатга киритилган шахслар аниқланган тақдирда тижорат банки ўрнатилган чора-тадбирларни амалга ошириши шарт.

Тижорат банклари юридик шахснинг бошқарув органи ёки юридик шахс номидан ишончномасиз фаолият кўрсатиш ҳукукига эга бўлган шахс ўзининг жойлашган манзили бўйича мавжуд бўлмаганида, атайин нотўғри бўлган ҳужжатлар тақдим этилганда ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ сўраладиган ҳужжатлар тақдим этилмаганда ҳолларда мижозга операцияларни амалга оширишни рад этадилар.

Назорат учун саволлар

1. Нақд пул ўтказмаларининг қандай тизимларини биласиз?
2. Қайси нақд пул ўтказмаси энг биринчи бўлиб ташкил этилган?
3. Нақд пул ўтказмаларининг Ўзбекистонда барқарор ривожланиши нималар билан белгиланади?

4. Ўзбекистон тижорат банклари томонидан қайси пул ўтказмалари аҳолига таклиф етилмоқда?
5. Пул ўтказмалари асосан қайси валюталарда амалга оширилмоқда?
6. WESTERN УНИОН пул ўтказмалари тизимининг асосий хусусиятлари ва авзалликлари нималардан иборат?
7. МОНЕЙГРАМ тизимининг асосий шартлари нималардан иборат?
8. WESTERN УНИОН пул ўтказмалари тизимининг комиссия тарифлари қандай ставкаларда белгиланган?

10 МАВЗУ. БАНК ХАВФСИЗЛИГИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.**Режа:**

10.1 Банк хавфсизлигининг мазмуни ва унинг мақсади

10.2 Банк хавфсизлигининг вазифалари

10.3 Банк хавфсизлигини таъминлашда ҳимоя этилиши зарур бўлган объектлар

10.4 Банк фаолиятида содир бўладиган ноқонуний операциялар олдини олиш чора-тадбирлари

Таянч иборалар:

Банк хавфсизлиги, банк хавфсизлиги объектлари, номоддий объектлар, нақд пул маблағлари, хизмат тури, жўнатма миқдори, хизмат тарифлари, рақобат муҳити, комисион ҳақ, фаолияти, халқаро пул ўтказиш тизими, харажатлар, идентификациялаш, операциянинг хос рақами.

10.1. Банк хавфсизлигининг мазмуни ва унинг мақсади.

Банкнинг хавфсизлиги – банкнинг асосий манфаатлари ва устувор йўналишларини амалга оширишни, фаолият шароитларидан қатъий назар ташқи ва ички барқарорликка олиб келувчи омиллардан ҳимоя қилишни таъминловчи барқарор турмуш даражаси. Банк хавфсизлигини таъминлашнинг асосий мақсади – унга зарар етказиш ёки унинг имтиёзлари йўқлиги, унинг самарали ишлашини ва барча транзакциялар ва битимларнинг сифатли бажарилишини таъминлаш.

Банк хавфсизлиги самарадорлиги ва сифатининг асосий мезонлари ўзгарувчан вазиятга қарамасдан режалар ва вазифаларга мувофиқ молиявий-иқтисодий ривожланишнинг барқарорлиги ҳисобланади.

Хавфсизликни таъминлаш вазифаси тегишли вазифаларни амалга ошириш орқали амалга оширилади. Бунга қуйидагилар киради:

- банк ва унинг ходимларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;
- банкнинг мол-мулки ва ходимлари устидан жиноятлар ва жиноятларнинг олдини олиш;
- банкнинг реал ва потенциал таҳдидларини ўз вақтида аниқлаш, уларни бартараф этиш чораларини кўриш;
- банк, унинг ходимлари, миждозлари ва акциядорларига моддий, маънавий ва бошқа зарар етказилишига олиб келадиган ички ва ташқи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, уларнинг нормал фаолиятига тўсқинлик қилади;
- ташқи ва ички вазият ривожланишидаги таҳдид ва салбий тенденцияларга банк структурасининг элементларига тезкор жавоб бериш;
- банкнинг асосий манфаатларини рўёбга чиқариш учун қулай бўлган сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ва шакллантириш;
- банк ходимларини хавфсизлик масалалари бўйича ўқитиш ва ўргатиш;
- рақобатчилардан ёки жиноятчиларнинг акцияларидан зарарли оқибатларини юмшатиш, банк хавфсизлигини бузиши;
- банкнинг молиявий, моддий ва ахборот ресурсларини асраш ва улардан самарали фойдаланиш.

Банкнинг хавфсизлигини ташкил этиш ушбу фаолиятнинг стратегик йўналишларини марказлаштирилган бошқариш принципи асосида банк бошқаруви даражасида амалга оширилади. Бундан ташқари, банк хавфсизлигининг асосий принциплари қуйидагилардир:

- мувофиқлик;

- мустақиллик ва масъулият;
- иқтисодий мақсадга мувофиқлиги;
- ваколат;
- мақсадга мувофиқ;

- мувофиқлаштириш ва ўзаро таъсир ўтказиш, банкнинг хавфсизлик хизмати барча органлари ва бўлинмаларининг хавфсизлик чораларини амалга ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиради, бу учун банкнинг бўлинмалари ва ташқи ташкилотлари билан зарур алоқаларни ўрнатади;

- конфиденциаллик.

2. Банк хавфсизлигининг элементлари.

Юқорида тилга олинган таҳдидларни жиноят қонунчилигининг нуқтаи назаридан ўрганиш ва таснифлаш натижалари амалда улар икки асосий элементлар блокада жиноятга қўл уриш сифатида намоён бўлади. Масалан: банкнинг мулк ва инфратузилмасига.

Банкнинг мулки.

Банк мол-мулки концепцияси мулкый объектларнинг мулкчилик мазмуни концепцияси билан чамбарчас боғлиқ. Банкнинг мол-мулки пул (валюта), валюта бойликлари ва қимматли қоғозларни ўз ичига олади (шу жумладан ўз ва жалб қилинган маблағлар); банк фаолияти объектлари (гаров нарсалари ва бошқалар), шунингдек бинолар, жиҳозлар ва инвентаризация учун мулк ҳуқуқи.

Ўзбекистон Республикасида мулкка эгалик қилишда, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи қонунида белгиланган усуллар билан танишиш ва ҳимоя қилишдан иборат. Бунда мулкка эгалик қилиш давлат томонида ҳимояланади ва у турли жиноят ҳужумларидан ҳимоя қилиш ҳуқуқини ҳам ўз ичига олади.

Банкнинг инфратузилмаси.

Банк инфратузилмасига мулкнинг ҳуқуқий, ташкилий характери ва улар ўртасидаги барқарор алоқалар мажмуи сифатида тушунилади, банкни ташкил этиш ва барқарор фаолият юритиш тартибини таъминлайди. Банк назариясида ички ва ташқи инфратузилма элементларини ажралиб туриш одатий ҳолдир.

Криминологик режага қизиқишнинг ички инфратузилмаси элементлари орасида энг муҳими:

банкни ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиш тартибини белгиловчи қонунчилик ва бошқа ҳуқуқий нормалар;

банк операцияларини амалга ошириш ва банк манфаатларини ҳимоя қилишнинг ички қоидалари; технология;

- банк фаолиятини бошқариш тартиби (замонавий ахборот тизимлари асосида ҳисоб-китоб, ҳисобот, таҳлилий базани, компьютер маълумотларини қайта ишлаш).

Банкнинг ахборот ресурслари.

Ҳозирги шароитда банкнинг муваффақиятли фаолияти ахборот ресурсларини шакллантирмасдан ва улардан фойдаланмасдан - шахсий ҳужжатлар ва ҳужжатларнинг индивидуал нусхаси амалга ошиши мумкин эмас. Банк кенг қўламли ахборотни яратиш учун самарали бошқарув қарорларини танлаш, янги технологиялар ва бозорларни ривожлантириш, шунингдек, салбий ҳолатларда проактив чоралар кўриш учун фойдаланади.

Банк ходимлари

Банк ходимлари ички ва хорижий тадқиқотчилар томонидан баҳоланганидек, энг муҳим хавф манбаи ҳисобланади. Шу билан бирга, биринчи навбатда, биз нотўғри қарорлар қабул қиладиган ходимлар билан боғлиқ хатарларни назарда тутамиз.

Бироқ, ходимларнинг ноқонуний ҳаракати билан боғлиқ таҳдидлар бундан мустасно. Иккинчиси, уларни идентификациялаш ва олдини олиш бўйича ички тузилишида сезиларли фарқлар мавжуд. Банк ходимларига юз берадиган жиноий тажовузларнинг интенсивлиги, турлари ва мақсадлари ҳар бир ходимнинг функционал мажбуриятларига ва ваколатлари боғлиқ.

10.2. Банк хавфсизлигининг вазифалари.

Тижорат банкининг даромад олиш соҳасидаги фаолиятининг хавфсизлиги – банкнинг ўзи ва унинг мижозлари мавжуд ва кутилаётган имтиёзлар, шу жумладан номоддий бўлмаганлар учун зарар кўриш хавфидан ҳимояланиш ҳолати. Банк амалиётида бундай таҳдидлар таваккалчилик, деб номланади. Иқтисодий таваккалчилик назариясига кўра ресурсларнинг бир қисмини йўқотиш таҳдиди, даромадлар етишмаслиги эҳтимоли ёки қўшимча харажатлар келиб чиқиши бозор субъектларининг ҳар қандай молиявий ва ишлаб чиқариш фаолиятининг бир қисми ҳисобланади.

Шу билан бирга, таваккалчилик даражасининг пасайиши юқори даромад олиш эҳтимоли камайиши билан бевосита боғлиқ.

Шунинг учун банкнинг фойда олиш соҳасидаги хавфсизлиги мавжуд таҳдидлар (хавфлар) даражаси ва банк фаолиятининг рентабеллиги ўртасида мақбул нисбат деб тушунилади. Бундай ҳолатга банк фаолиятининг мавжуд турлари ва хавф омиллари ўз вақтида аниқланиши ва уларнинг малакали баҳоси ва самарали бошқарувини таъминлаш шарти билан эришилади.

Ушбу маънода рискларни бошқаришнинг мақсади банкка бериладиган маъмурий ва иқтисодий механизмлар орқали банкка етарли даражада фойда олиш ва уни белгиланган норма ва контрактлар бўйича тарқатиш имконини берадиган даражадаги хавфсизлик даражасига эришишдан иборатдир.

Кредит ташкилотлари учун интеграл хавфсизлик тизимини ташкил этиш ва фаолиятининг тамойиллари.

Хавфсизлик тизимининг ташкил этилиши ва фаолият юритиши қуйидаги принципларга мувофиқ бўлиши керак:

1. мураккаблик:

- барча ҳуқуқий воситалар, усуллар ва чоралар билан ходимларни, моддий ва молиявий ресурсларни мумкин таҳдидлар билан таъминлаш;
- барча турдаги операциялар бўйича ахборот ресурсларини уларнинг ҳаётий цикллари давомида, уларни қайта ишлашнинг барча технологик босқичларида (конверсия) ва улардан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаш;
- тизимнинг банк операциялари шароитидаги ўзгаришларга мувофиқ тизимни ривожлантириш ва такомиллаштириш қобилияти.

2. Ўз вақтида амалга ошириш – хавфсизлик чораларининг олдиндан кўра билиш табиати ундан ҳимояланиш йўлларида биридир.

Вақтlilik молиявий вазиятни таҳлил қилиш ва башорат қилиш, банк хавфсизлигига таҳдидлар ва қонуний манфаатларнинг бузилишига йўл қўймаслик бўйича самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқишга асосланган хавфсизлик тизимини ишлаб чиқишнинг дастлабки босқичларида интеграция хавфсизлик вазифаларини белгилашни назарда тутди.

3. Давомийлик – тажовузкорлар фақат мудофаа чораларини четлаб ўтиш имкониятини излайдилар, бунинг учун қонуний ва ноқонуний усулларни қўллашади.

4. Фаолият. Банк манфаатини ҳимоя қилиш учун етарли даражадаги қатъиятлилиқ, хавфсизлиқни таъминлаш ва хавфсизлиқнинг ноанъанавий чоралари кучлари ва воситалари томонидан манивраларни кенг қўллаш зарур.

5. Қонунийлик. Ушбу қонунлар жинойтларни аниқлаш ва бартараф этишнинг барча рухсат этилган усулларида фойдаланиб, ўз ваколатлари доирасида давлат органлари томонидан тасдиқланган банк, ахборот ва ахборотни муҳофаза қилиш, шахсий хавфсизлик фаолияти ва хавфсизликка оид бошқа норматив ҳужжатларга асосланган федерал қонунчиликка асосланган хавфсизлик тизимини ривожлантиришни назарда тутди.

6. Фикрлаш. Фойдаланилаётган қобилият ва ҳимоя воситалари илм-фан ва техника тараққиётининг замонавий даражасида амалга оширилиши керак, хавфсизлиқнинг маълум бир даражаси нуқтаи назаридан ва белгиланган талаб ва нормаларга жавоб беради.

7. Зарар ва зарарни қоплаш харажатларининг иқтисодий самарадорлиги ва таққосланиши («самарадорлик-нарих» мезонлари). Барча ҳолатларда хавфсизлик тизимининг қиймати ҳар қандай хавфдан келиб чиқадиган зарар миқдоридан кам бўлиши керак.

8. Ихтисослашув. Ушбу соҳада хавфсизлик хизматининг муайян турига энг кўп тайёрланган, амалиёт тажрибаси ва ушбу соҳада хизматлар кўрсатиш учун давлат лицензиясига ега бўлган ихтисослаштирилган ташкилотларни ҳимоя қилиш чоралари ва воситаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга жалб қилиш мўлжалланган. Техник воситаларнинг ишлаши ва хавфсизлик чораларини амалга ошириш банкнинг хавфсизлик хизматининг профессионал малакали мутахассислари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўлинмалари томонидан амалга оширилиши керак.

9. Ўзаро ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш. Хавфсизлик бўйича тадбирларни тегишли бўлимлар ва хизматлар, ушбу соҳадаги учинчи томоннинг ихтисослаштирилган ташкилотлари ўртасида аниқ муносабатларга асосланган ҳолда амалга ошириш, ўз мақсадларига эришиш учун уларнинг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш, манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш ҳамда ҳукумат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.

10. Муваффақият. У ўз тажрибасига асосланган ҳолда чора-тадбирларни такомиллаштиришни, разведка ва саноат жосуслиқ усуллари ва воситаларини, қонуний ва техник талабларни, маҳаллий ва хорижий тажрибани ўзгартиришни ҳисобга олган ҳолда янги техник воситаларнинг пайдо бўлишини таъминлайди.

11. Бошқаришни марказлаштириш. Хавфсизлик тизимининг ягона қонуний, ташкилий, услубий тамойиллари ва хавфсизлик тизимини марказлаштирилган бошқариш асосида мустақил ишлашини назарда тутди.

10.3. Банк хавфсизлигини таъминлашда ҳимоя этилиши зарур бўлган объектлар.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 168, 169-моддалари бўйича фуқаролар, юридик шахслар ва давлат мулк ҳуқуқининг субъектларидир.

Мол-мулк мулк ҳуқуқи асосида бир шахсга ёки икки ва ундан ортиқ шахсларга қарашли бўлиши мумкин.

Мол-мулк фуқаро, юридик шахс ёки давлатнинг мулки бўлишига қараб мулк ҳуқуқини, мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этиш ҳуқуқини вужудга келтириш ва бекор қилиш хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

Ер, ер ости бойликлари, сувлар, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар, корхоналар, ашёлар, шу жумладан, бинолар, квартиралар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, хомашё ва маҳсулот, пул, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулк, шунингдек, интеллектуал мулк объектлари мулк бўлиши мумкин.

Банкнинг номоддий мулклари.

Банкнинг номоддий ҳуқуқларига ноқонуний тажовуз қилиш объекти унинг бизнес обрўси ва бизнес алоқалари ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг бошқа турлари каби номоддий товарлар ҳам Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан, биринчи навбатда, Фуқаролик Кодексининг нормалари билан ҳимояланган. Бундан ташқари, тегишли ҳолларда банкнинг бизнес обрўсига ва иш муносабатларига ноқонуний ҳужумлардан тўлиқ ҳимоялангандир.

Давлат корхонаси, шунингдек, муассасаси ўзларига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан қонунда белгилаб қўйилган доирада ўз фаолиятининг мақсадларига, мулкдорнинг топшириқларига ҳамда мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ ҳолда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларини амалга оширадилар.

Давлат корхонаси ёки муассасасига бириктириб қўйилган мол-мулкнинг эгаси ортиқча, фойдаланилмаётган ёки ноўрин фойдаланилаётган мол-мулкни олиб қўйиш ҳамда уни ўзи хоҳлаган тарзда тасарруф этишга ҳақли.

Муассаса ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкни ва смета бўйича унга ажратилган маблағларга сотиб олинган мол-мулкни бошқа шахсга беришга ёки ўзгача усул билан тасарруф этишга ҳақли эмас.

Агар таъсис ҳужжатларига мувофиқ муассасага даромад келтирадиган фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилган бўлса, бундай фаолиятдан олинган даромад ва бу даромад ҳисобидан сотиб олинган мол-мулк муассасанинг мустақил тасарруфига ўтади ва алоҳида балансда ҳисобга олинади.

Мулкдорнинг қарори билан унитар корхонага ёки муассасага бириктириб қўйилган мол-мулкни хўжалик усулида юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқариш ҳуқуқи ушбу корхона ёки муассасада унга мол-мулк топширилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Хўжалик юритишида ёки оператив бошқаришида бўлган мол-мулкдан фойдаланишдан олинган ҳосил, маҳсулот ва даромадлар, шунингдек унитар корхона ёки муассаса шартнома бўйича ёхуд бошқа асосларда вужудга келган мол-мулк ҳам ушбу корхона ёки муассасанинг хўжалик юритишига ёки оператив бошқаришига ўтади.

Мол-мулкни хўжалик усулида юритиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқи мулкдорнинг қарори билан ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларда бекор қилинади.

10.4. Банк фаолиятида содир бўладиган ноқонуний операциялар олдини олиш чора-тадбирлари.

Иқтисодиётнинг муҳим бўғинларидан ҳисобланган банк тизими ёки алоҳида олинган тижорат банкларининг самарали фаолият кўрсатиши иқтисодиётимизнинг янада тараққий қилиш ва унинг такомиллашувига олиб келади.

Маълумки, замонавий иқтисодий муҳит, тижорат банклари фаолиятидаги мавжуд муаммоларнинг олдини олиб, тижорат банкларининг фаолияти

самарадорлигини ошириш асосида халқаро банк амалиётига мос келувчи банк тизимини яратиш давр талабидир.

Банкнинг ички барқарорлиги бу тижорат банки фаолиятининг барқарор, юқори натижаларни таъминловчи пассивлар ва активлар таркибининг ҳолати ва молиявий натижалар динамикасидир. Ички барқарорликка эришиш асосида ички ва ташқи омиллар ўзгаришига фаол жавоб бериш тамойили ётади. Тижорат банкига нисбатан ташқи барқарорлик, ушбу банк фаолият кўрсатаётган иқтисодий муҳит барқарорлиги билан белгиланади. Ташқи барқарорликка бутун мамлакат миқёсидаги бозор иқтисодиётига хос бўлган бошқариш тизими орқали эришилади. Банкнинг молиявий мустаҳкамлиги таҳлили асосида банк молиявий мустаҳкамлиги белгилари, ҳолати ўзгаришининг изчиллигини ўз ичига олган трендни тадқиқ қилиш, унинг турли белгилари, ўзгаришлари ўртасидаги алоқаларнинг сабаб ва оқибатларини аниқлаш ётади. Бу молиявий мустаҳкамлик трендини тадқиқ қилиш учун банк молиявий ҳолатининг бир неча йиллик кўрсаткичларини таққослаш лозимлигини билдиради.

Бу ретроспектив таҳлил билан биргаликда перспектив таҳлилни амалга ошириш мумкинлиги ва зарурлигини, жумладан, молиявий ҳолатнинг кейинги даврда прогноз қилишни ва молиявий мустаҳкамлик ривожининг умумий трендини аниқлаш лозимлигини юзага келтирди. Банкларнинг молиявий мустаҳкамлигини ўрганишдаги бошланғич жиҳат Марказий банкнинг тижорат банклари фаолиятига қўядиган тартибга солувчи талабларидир. Банкларнинг молиявий мустаҳкамлигини оширишга йўналтирилган ушбу талабларнинг самарадорлиги мазкур мамлакат иқтисодиёти, ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасининг, жумладан, банк инфратузилмасининг ривожланган мамлакатларда шаклланган тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тартибларини ўрганиш, Ўзбекистонда тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш тартибини такомиллаштиришда жуда муҳим аҳамиятга эга. Банкнинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилиш қуйидаги асосий йўналишларда олиб борилади:

Ретроспектив таҳлил. Таҳлилнинг ушбу йўналиши Марказий банк томонидан банклар учун ўрнатилган иқтисодий нормативларга тижорат банклари томонидан риоя қилинишини назорат қилишга асосланган молиявий барқарорликнинг асосий кўрсаткичлари ва белгиларини таҳлил қилишни ўз ичига олади. Молиявий барқарорликни таҳлил қилишнинг ушбу йўналиши қуйидаги соҳалар: ликвидлилик, фойдалилик, активлар сифати, капиталнинг етарлилиги ва бошқаришнинг сифати таҳлилларидан иборат.

Перспектив таҳлил. Молиявий барқарорликни перспектив таҳлил қилишнинг мақсади тижорат банки фаолияти самарадорлигини прогноз қилиш ҳисобланади. Тижорат банки молиявий барқарорлигини баҳолаш молиявий ресурсларнинг шаклланиши, тақсимланиши ва улардан фойдаланиш жараёнида намоён бўлувчи молиявий ҳолатни таҳлил қилишдан бошланади. Шунга мувофиқ, молиявий таҳлилнинг кетма-кетлиги, барча жараёнларни босқичма-босқич кўриб чиқишни, жумладан, молиявий ресурсларнинг мавжудлиги, уларнинг шаклланиши, тақсимланиши ва улардан фойдаланишни таҳлил қилишни ўз ичига олади.

Тўловга лаёқатни нафақат ташқи кўриниш, балки маълум бир вақтда ва молиявий мустаҳкамликнинг барча омиллари таъсирида ҳосил бўлган маълум молиявий ҳолатнинг натижаси деб қараш лозим.

Банк ликвидлиги бу банкнинг ўз олдида турган мажбуриятларини бажара олиши, миждозларнинг кредитга бўлган эҳтиёжларини қондириши ва омонатчиларнинг депозитларни қайтариб олиш бўйича талабларини қондира олиш

қобилиятидир. Бундан ташқари ликвидлик банкнинг бозорда хавфсизлиги ва қарзларини ўз вақтида қайтара олишга қодирлигини ошқор қилади, банкка активларни фойдасиз сотиш ёки банклараро бозорда маблағларни жалб қилиш билан боғлиқ бўлган фойдани йўқотиш хавфидан қутулиш имконини беради.

Банк ликвидлигининг асосий шароитларидан бири, унинг активлари ликвидлигидир. Ликвид активлар – уларнинг яхши маълум бўлган бозор нархининг шаклланишини таъминлайдиган доимий равишда сотилувчи ва сотиб олинувчи активларнинг алоҳида тури бўлиб, банклар уларни қисқа муддат ичида сотиб олишга тайёр бўлган харидорни топиши мумкин. Бундай активлар қаторига нақд пуллар, давлат қисқа муддатли облигациялари, қисқа муддатли (етти кунгача) банклараро кредитлар киради. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЭСР) давлатлари ҳукуматлари ҳамда фонд бозори ривожланган давлатларининг машхур трансмиллий компанияларининг қимматли қоғозлари ҳам юқори ликвидликка эгадир.

Ноликвид активлар деб, бозор нархини котировка бўйича аниқлаш мумкин бўлмаган ва бу турдаги активларнинг харид нархи сотувчи ва харидор ўртасидаги келишув натижасида хусусий тарзда аниқланадиган активларга айтилади. Бундай активларнинг қиймати катта миқдордаги ўзгаришларга учраб туриши таққослашни қийинлаштиради. Бу турдаги активларга, масалан, кредитлар, қимматли қоғозлар бозорида котировкага эга бўлмаган ёки котировкаси қийин бўлган қимматли қоғозлар, асосий воситалар ва бошқалар киради. Тезда нақд пул миқдорини ошириш учун ноликвид активларни сотиш зарур бўлганда, банк уларни зарар кўргани ҳолда сотиши мумкин. Банк ликвидлигининг яна бир жиҳати банкнинг тўловга лаёқати бўлиб, унинг асосий белгиси банкнинг ўз олдида турган мажбуриятларини ўз вақтида қондира олиш қобилиятидир.

"Ликвидлик" ва "тўловга лаёқат" мазмуни, омиллари ва уни таъминловчи сабабларга кўра бир-бирига яқин тушунчалардир. Ликвидлик муаммоси ташқи жиҳатдан тўлов мажбуриятларини бажариш жараёнида вужудга келади ва ликвид маблағлар йўқлиги билан боғлиқ қийинчиликлар туғилганда намоён бўлади.

Ликвидлик нафақат тўловларни ўз вақтида амалга оширишни назарда тутаяди, балки ўзининг тижорат манфаатлари билан бирга омонатчилар томонидан ишонч билдирилган маблағларнинг сақланишини таъминлайди.

Банкнинг тўловга лаёқат банкка қўйилган тўловлар бўйича талаблар айна вақтда қондира олиш қобилиятини билдиради. Тўловга лаёқат маълум молиявий ҳолатнинг натижаси сифатида қаралиши мумкин. Шу билан бирга, тўловга лаёқат ликвидликка нисбатан иккиламчидир. Чунки, банкда тўловга лаёқат муаммоси содир бўлиши мумкин, аммо унинг ликвид баланси, банкнинг мажбуриятларини ўз вақтида бажара олишини таъминловчи қобилиятини тиклаш имкониятини беради. Банк ликвидлиги кўпроқ банк балансининг ликвидлиги билан белгиланади ва унинг мазмун – моҳияти актив ва пассив операцияларнинг муддати бўйича мос келишидан иборат. Банк балансининг ликвидлиги ссуда ва фонд операцияларига йўналтирилган маблағларнинг хатарлилик даражаси, пул бозорининг ривожланиш даражаси ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Бундан ташқари, пассивларнинг қисқа муддатлилиги узок муддатли қўйилмаларга ҳам сарфланиш имкониятларини чеклаб қўймайди. Банкнинг ҳар доим ўз тасарруфида маълум миқдорда "бегона" пуллари бўлади. Омонатларнинг банкка доимий оқиб келиши билан бирга уларнинг қайтарилиб олиниши ҳам доимо содир бўлиб туради ва бунда банк ҳисобварақаларида доимий туриб қоладиган қарз маблағлари миқдори барқарор ҳисобланади. Тижорат банки ликвидлигини сақлаб

туриш муаммосини ҳал қилиш учун пассивлар оқими ҳаракатчанлиги ва муддатига кўра активлар оқимиға мос келиши лозим. Шундай қилиб, тижорат банки ликвидлиги банкнинг маълум вақтдаги тўловға қобилиятлилигини таъминловчи ва банк ликвидлигининг асосий омили бўлган банк активлари ва пассивларининг нисбати билан белгиланади.

Банк ликвидлигини таъминловчи омиллардан бири банк пассивларининг сифатидир. Ўзлик ва жалб қилинган маблағлар нисбати банкнинг ишончилиги ва фаолияти ривожланишининг истиқболини характерлаб беради. Жалб қилинган маблағлар оқимининг барқарорлиги ликвидлик муаммосини ҳосил қилмасдан туриб, қисқа муддатли ресурсларни узоқ муддатли қўйилмаларға йўналтириш имкониятини беради. Депозитлар бўйича ижро муддатининг аниқлиги балансинг ликвидлигини бошқариш ва ликвид воситаларға бўлган эҳтиёжни прогноз қилиш имкониятини беради. Бу эса банк барқарорлигини таъминлаш имкониятини беради.

Банк ликвидлигини таъминловчи омиллардан бири банк томонидан қарз олиш, ўз активларини сотиш йўли билан ёки ўз мажбуриятларини бажариш учун маблағ топа олиш имконини берадиган пул бозорининг мавжудлигидир. Асримизнинг 60 йилларида бу омилнинг роли ниҳоятда ортди. Бунга сабаб, эркин муомалада бўлган федерал депозит сертификатлари, федерал фондларнинг қисқа ва узоқ муддатли қимматбаҳо қоғозлари, РЕПО битимларининг кенг қўлланилиши ва бунинг натижасида балансда фойда келтирмайдиган ва кам даромадли активларнинг тўпланиши билан боғлиқ бўлган фойда йўқотилишини минималлаштириш имкониятига эга бўлинганлигидир.

Тижорат банки молиявий барқарорлигининг яна бир компоненти банк фаолиятининг фойдалигидир. Банк фойдасининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, агар ишлаб чиқариш соҳасида харажатлар ўзгарувчан капитал ва қисман қўшимча қиймат ҳисобидан қопланса, банкларда эса муомала харажатлари тўла, фақатгина қўшимча қиймат қисмидан қопланади.

Фойда олиш – банк фаолияти кўламини кенгайтириш манбаларидан биридир. Агар банк ишида капиталға даромад бошқа тижорат ташкилотларига нисбатан паст бўлса, капитал қўллаш фойдалироқ бўлган бошқа соҳаларға йўналтирилади. Бундан ташқари, фойда раҳбарият фаолиятини рағбатлантиради, чунки улар операциялар ҳажмини ошириш, такомиллаштириш, харажатларни камайтириш ва хизматлар сифатини оширганликлари учун фойданинг бир қисмини мукофот шаклида олишлари мумкин. Банк фойдасининг энг муҳим функцияларидан бири кўзда тутилмаган йўқотишлар ҳолати учун захиралар шакллантиришдир.

Тижорат банкининг зарарсиз фаолияти унинг молиявий асосини мустаҳкамлайди ва аксинча узоқ муддат мобайнида зарар билан фаолият кўрсатиш банкни банкротликка олиб бориши мумкин. Банклар муомала соҳаси корхонаси сифатида ўз фойдасини банк операцияларининг натижаси бўлган банк маҳсулотини сотиш асосида шакллантиради. Банк фаолиятининг фойдалилик даражаси банк фаолияти характери, ихтисослашуви, унинг капиталининг катталиги, структураси ва филиалларининг мавжудлиги ҳамда мустақиллик даражасига боғлиқ.

Банк фаолиятининг фойдалилиги рентабелликнинг муҳим кўрсаткичлари мажмуи билан аниқланади. Бу кўрсаткичларға: капиталға фойда меъёри, ялпи активларнинг даромадлилиги ва фойдалилиги, соф фоиз маржа, фоизсиз юк, активлар тизими ва "ишловчи" активлар салмоғи, пассивлар тизими ва тўпланадиган пассивлар салмоғи, ишловчи активларнинг даромадлилиги, фоизли ташланма киради. Ички таҳлил нуқтаи-назаридан фаолиятнинг молиявий ишончилиги ва рентабеллик

тахлили жуда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон иқтисодиётида мавжуд бўлиб турган маълум даражадаги инфляция шароитида фойдалилик таҳлилининг долзарблиги янада ошади.

Фойдани камайтиришга сабаб бўлувчи омилларга қуйидагилар: балансининг ноликвидлиги, бунда ликвидлик камомадини тўлдириш учун қўшимча кредит ресурсларини жалб қилиш зарурати туғилади; депозитларнинг барқарор эмаслиги; инфляциянинг ўсиши ва бу орқали тартибга солувчи талаблар, жумладан, юқори мажбурий захиралар талаби таъсири остида бўлган фоиз маржасининг пастлиги; даромад келтирувчи активларнинг ноқулай структураси, жумладан, кам даромад келтирувчи кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар, фоизсиз ссудалар салмоғининг юқорилиги ва тўловли пасивлар. Масалан, ресурслар таркибида баҳоси юқорироқ бўлган кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар салмоғининг юқорилиги; фоизсиз даромадлар ва фоизсиз харажатларнинг салбий нисбати; маъмурий хўжалик харажатларининг мақсадга мувофиқ бўлмаган юқори даражаси; кредит портфелида муддати ўтган кредитлар салмоғининг юқорилиги ва берилган кредитларнинг фойдаланиш ҳамда қайтарилиш муддатларини узайтириш билан боғлиқ йўқотишлар; қимматли қоғозлар қийматининг тушиши; солиқлар даражасининг юқорилиги; мувозанатлаштирилмаган фоиз сиёсати; ҳажми ва миқдори жиҳатидан ўз капитали миқдорини чегараловчи асосланмаган юқори даражада хатарли бўлган банк фаолиятини юритиш киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Фармонга биноан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонунлар ижроси устидан Парламент назорати шакллари кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтини ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Хорижий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ушбу институт тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлашда, давлат тузилмалари билан муносабатларда уларнинг манфаатларини ифодалашда муҳим ўрин тутати.

Фармон қоидаларини амалда рўёбга чиқариш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, хусусий мулкчиликни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилаш борасида бешта энг устувор соҳа бўйича 42 та аниқ чора-тадбир амалга оширилишини назарда тутувчи Комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Хусусан, коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, давлат ва бизнеснинг ўзаро ҳамкорлигидаги маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, давлат ресурсларидан фойдаланишнинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш доирасида умумий эътироф этилган халқаро стандартлар асосида бир қатор қонунларни, шу жумладан, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”, “Давлат харидлари тўғрисида” ва “Давлат хусусий шериклик тўғрисида”ги қонунларни қабул қилиш назарда тутилмоқда.

Дастурга мувофиқ, жиноят ишлари бўйича текширишларни тайинлаш ва ўтказиш тартибининг аниқ ҳуқуқий тартиботини белгилаш учун “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги қонунга,

Жиноят-процессуал кодексига ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади.

Бундан ташқари, даструда қуйидагиларга йўналтирилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишга доир тадбирлар мўлжалланган:

- валютани тартибга солиш ва валюталар курси сиёсатининг илғор бозор механизмларини, банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, банк фаолиятини самарали амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ғовларни бартараф этиш;

- солиқ маъмурчилигининг сифати ва самарадорлигини янада яхшилаш;

- тадбиркорлик субъектларининг экспорт контрактларини божхона органларида ҳисобга қўйиш тўғрисидаги талабни бекор қилиш;

- ҳуқуқбузилишларининг олдини олишнинг асосий механизмларидан бири ва қонунга итоаткор тадбиркорлик субъектларининг барқарор фаолияти кафолати сифатида аудиторлик ташкилотлари ва солиқ маслаҳатчиларининг хизматлар сифати учун жавобгарлигини ошириш ва улар томонидан тақдим этиладиган хулосаларнинг ишончлилиги юзасидан улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши тадбиркорлик субъектлари фаолиятига, шу жумладан, жиноят ишлари доирасида тергов қилишни амалга оширишда ноқонуний аралаштириш имконини берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга кўмаклашади.

Назорат учун саволлар:

1. Банк хавфсизлигининг мазмуни ва унинг мақсади нималардан иборат?
2. Банк хавфсизлигининг вазифаларига қайсилар киради?
3. Банк хавфсизлигини таъминлашда ҳимоя этилиши зарур бўлган объектлар нималардан иборат?
4. Банк қизиқишига ва фаолиятига таъсир қилувчи асосий хатарлар қайсилар?
5. Банк фаолиятида содир бўладиган ноқонуний операциялар ва уларни олдини олиш чора-тадбирлари нималардан иборат?

11-МАВЗУ. БАНК ХАВФСИЗЛИГИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ХАТАР ШАКЛЛАРИ.

Режа:

11.1 Банк хавфсизлигига таъсир қилувчи хавф- хатар турлари

11.2 Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ўтказишдаги фирибгарлик ва уни огоҳлантириш

11.3 Кредитлаш иши билан боғлиқ ноқонуний операциялар ва уларни олдини олиш чоралари

11.4 Касса ва валюта операциялари билан боғлиқ ноқонуний операциялар ва уларни олдини олиш чоралари

11.5 Қўриқланётган банк ҳақидаги ахборотни ноқонуний олиш ва ишлатиш йўллари

Таянч иборалар:

Банк, хавфсизлик, хавф-хатар, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, пул ўтказмалари тизими, кредитлаш, кредит rischi, валюта, валюта rischi, касса операциялари, ахборот тизими, оператор, тизим, ҳимоя, харажатлар, аудентификациялаш.

11.1. Банк хавфсизлигига таъсир қилувчи хавф- хатар турлари.

Барча тўлов тизимларида маълум рисклар мавжуд, ҳаттоки ишончи юқори бўлган тўлов тизимларида ҳам. Тизимга хос бўлган рискларнинг хусусияти шундаки, улар тизимнинг бир жойида келиб чиққан носозлик унинг бошқа жойларига ҳам таъсир эътиб, уларнинг ишлашини бузилишига олиб келади. Шунинг учун ҳам тўлов тизимининг ишончилигини оширишда ва рискларни самарали бошқарилишига катта талаблар қўйилади.

Риск – бу фаолият натижасининг ноаниқлик ҳолати, ундан кутилаётган ёки режалаштирилган кўрсаткичлардан оғишдир.

Банклар фаолиятининг асл моҳиятини очиб беришда хорижлик олимлар ҳам ўз фикрларини баён этганлар: “Кўпчилик одамлар учун банклар бу фақат пулни депозитга жалб қилиш ва чек ёзиб беришдир. Аммо, у ерда шундай сиз аҳамият беришингиз керак бўлган жараён борки, яъни сизда ўз пулингизни тўғри бошқара олиш ишончи пайдо бўлади...”⁶

Банкларнинг бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи банк тизимини шакллантириш, мавжуд бўлган маблағларни энг кам риск асосида жойлаштириб юқори даромад олиш ва ўз навбатида, банк операцияларининг рисклилиқ даражасини оширади.


Тўлов тизимларининг фаолиятида бир қатор рисклар мавжуд, улар ички ва ташқи томонлардан келиб чиқиш табиатига эга ва шу тариқа уларни ички ва ташқи рискларга ажратиш мумкин.

Ички рискларга қуйидаги рисклар киради:

операцион риск – техник носозлиқлар ва операцион хатолар каби операцион факторлар кредит ва ликвидлилиқ рискларининг юзага келишига ёки уларнинг даражасини янада оширади.

Бугунги кунда операцион рисклар, рисклар ичида юқори салмоққа эга ва унга эътибор кучайиб бормоқда, чунки бу ҳолат замонавий тўлов тизимларни автоматлаштириш жараёни кучайиб бориши билан боғлиқ. Бундан ташқари ушбу категория рискига тўлов тизимини бошқариш рискини ҳам киритиш лозим.

⁶ “10 things you need to know about Banking” Suzanne Zenelman, University of Missouri Extension, 2007 №3



1-расм. Тўлов тизимида вужудга келадиган рисклар.⁷

Молиявий хизматларни амалга ошириши билан боғлиқ рисклар операцион, технологик рискларни, инновациялар рисклари, хавфсизлик рисклари ва бошқаларни ўз ичига олади. Операцион ва технологик рискларга банк техника-технологиясида учраб турадиган (сбой) ахборотларни йўқотишлар (компьютер тизимида йўқотишлар, ҳужжатларни йўқотиш, компьютер тамагирлиги, банк ходимлари фаолиятида хатоларга йўл қўйиши ва бошқалар) киради. Операцион рискни минималлаштириш мақсадида банкнинг ички назорат хизмати ва аудитни баҳолаш методологияси талабларининг бажарилишини таъминлайдилар ва банк рискларини баҳолаш усуллари тўлиқ ва самарали қўлланишини текшириб бериш орқали рискларни назорат қилади. Шу билан бирга автоматлашган маълумот системасидан фойдаланилиш учун иш жараёнининг ҳимояланганлигини ички назоратдан ўтказадилар.

Операцион риск турлари қуйидагилардан иборат:

- ички бўҳтон ва фирибгарлик, яъни диллерлар томонидан банк ҳолати бўйича нотўғри маълумотларнинг берилиши, ходимлар томонидан амалга оширилган ўғирликлар, ходимларга берилган пора эвазига кредит ҳужжатларини сохталаштириш ва бошқалар;
- ташқи бўҳтон ва фирибгарлик, яъни ҳужжатларни ўғирлаш ва сохталаштириш, компьютер алоқаларига рухсатсиз кириш, кредит олиш учун нотўғри маълумотлар тақдим этиш;

⁷ Муаллиф ишланмаси.

- мижозлар, хизматлар ва бизнес юритиш стандартларига оид маълумотлардан рухсатсиз фойдаланиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва ҳисобварақлардан фойдаланган ҳолда фирибгарлик;

- моддий активларга зарар етказиш, яъни кўпуровчилик, терроризм, ер кимирилаши ва бошқа табиий офатлар;

- ишдаги, ахборот ва алоқа тизимидаги хатолик ва узилишлар, яъни техниканинг ишламай қолиши, телекоммуникация муаммолари ва дастурдаги узилишлар;

- ҳужжатларни расмийлаштириш, операциялар ўтказиш ва жараёнларни бошқариш, яъни маълумотларни киритишдаги хатоликлар, ҳукукий ҳужжатларнинг етишмаслиги, кредит таъминотида тегишли хатоликлар ва бошқалар.

Тўлов тизимининг операцион rischi ташкилий ва техник табиатга эга бўлган riskлардир. Бошқариш rischi деб қуйидаги riskлар назарда тутилади:

- тўлов тизимининг техник имкониятларининг носамарали ишлатилиш rischi;

- пул ресурсларидан носамарали фойдаланиш rischi;

- ўз вақтида тўлов тизими фаолиятидаги riskларни бартараф этилмаслик rischi;

- кредит rischi** – тизимда бир томон тўлиқ ўз молия мажбуриятларини бажариш бугунги кунда ва келажак даврда имконини йўқ бўлиши мумкинлиги ;

- ликвидлилик rischi** – бу тўлов тизимининг иштирокчиларидан бири ўз мажбуриятини тўлиқ ва ўз вақтида бажариш учун етарли даражада оборот маблағларига бўлмай қолиш rischi, лекин келажакда тўлаш учун имкони бўлиши мумкин;

- валюта rischi** – бу риск валюта курсининг ўзгариши билан боғлиқ, амалиётда валюта курсининг тўловчига нисбатан салбий ўзгариши унинг тўлов фаолиятига салбий таъсир этади.

Ташқи riskларга қуйидагилар киради:

- меъёрий характерга эга бўлган riskлар**. Бу riskлар етарли даражада ишлаб чиқилмаган меъёрий база билан изоҳланади. Ушбу riskларнинг мавжудлиги бошқа riskларнинг кучайишига сабаб бўлади. Бу ерда таъкидлаш лозимки, техника ва технология соҳасидаги инновацион жараёнларда дастлабки вақтлар ичида меъёрий бўшлиқ мавжуд бўлиб қолади.

Юқорида келтириб ўтилган барча турдаги riskларнинг амалиётда кўриниши ва ўз вақтида уларнинг бартараф этилмаслиги тизимли riskларни келтириб чиқади ва тизимнинг барча элементларига салбий таъсир этади.

Тизимли riskларнинг хавф-хатар даражаси уни келтириб чиқарган riskнинг хавф - хатар даражаси билан боғлиқ.

Ички ва ташқи riskлар тизимли riskларни келтириб чиқариш учун асос ҳисобланади.

Тизимли riskларнинг амалиётда кўриниши тўлов иштирокчиларнинг ўз вақтида мажбуриятларини бажаришга тўлов тизимининг ишлаш фаолияти бузилиши таъсир этиб, у нафақат тизимнинг барқарорлигига хавф солади, балки молиявий бозорга ҳам таъсир этади.

Банк маҳсулотларини сотишдаги стратегик йўналиш, банк тараккиётининг муҳим муаммоси бўлиб ҳисобланади. Умумий маънода уларни функционал-объект йўналишли, асосий мақсади бир гуруҳ банк маҳсулотларини сотиш йўли билан ёки мижозлар маълум гуруҳининг алоҳида банк маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини кондиритиш йўли билан даромад олишдан иборат банкларга ажратиш мумкин.

Банк маҳсулотларининг риск даражаси⁸⁸.

№	Банк маҳсулоти	Маҳсулотнинг товар-қиймат хусусияти	Хавф-хатар параметрлари (потенциал)
1	Ссуда операциялари	Қарздорларга кредит бериш	Кредит хатари (имкони бор ва оммабоп)
2	Депозитларни бошқа банкларга жойлаштириш	Молиявий ресурслар савдоси	Фоизли хатар (ахборотга эга булиш савиясига кўра)
3	Депозитларни ми-жозлардан жалб этиш	Молиявий ресурсларни сотиб олиш	Амалда мавжуд эмас
4	Мижозлар талабига кўра тўловларни амалга ошириш	Хизматлар савдоси	Тижорат хатари имконияти
5	Капитал қўйилмаларни банкнинг шахсий маблағлари ҳисобидан молиялаш	Молиявий ресурслар савдоси	Хатарнинг юқори эҳтимоллилиги
6	Қимматли қоғозларни олиш	Қимматли қоғозлар портфелини шакллантириш учун банк харажатлари	Тизимли хатар имконияти
7	Кафолатномаларни бериш ва кафолатлаш	Хизмат кўрсатиш	Кафолат таснифига боғлиқ хатар
8	Валюта олди-сотдиси ва уни сотиб олиш	Олди-сотди савдоси	Валюта хатари (tizими)
9	Лизинг операцияларини амалга ошириш	Ижара	Аҳамиятсиз хатар
10	Хизмат кўрсатиш ва товар етказиб бериш базасидан	Олдиндан тўлов, пул маблағлари савдоси	Пул маблағларини йўқотиш хатари (аҳамияти)

Бунда қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Таҳлил банк фаолиятнинг барча жабҳаларига «хизмат кўрсатиши» кераклигини, уни баҳолаш ва прогнозлаш учун асос булишини инобатга олиб, банкнинг мазмуни ва йўналишлари банк олдида турган вазифалар ва мақсадли йўл-йўриқлардан келиб чиқиши лозим.

Фаолиятнинг янги шароитлари нафақат анъанавий банк қарорлари ва операцияларини, балки янги технологияларни ҳам фаол қўллашни талаб қилади.

Илғор хориж тажрибасини қўллашга асосланган янги банк тўлов технологияларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

-банк кафолати остида қарзга олинган маблағларни жалб қилиш йўли билан дастурларни амалга оширишда иштирок этиш;

-банк томонидан акцияланган чет эл компаниялари билан ўзаро фаолият юритиш;

⁸⁸ Муаллиф ишланмаси.

-маркетингни фаол қўллаш асосида ўсиб борувчи даромадли банк векселларини сотиш;

-тижорат банкининг электрон тўлов операциялари дастурларини кенг жорий этиш.

Бу шароитларда уларнинг ўрни- «иқтисодий локомотивлари» дан то ислохотнинг бош тормозигача бўлган бир-бирига зид хусусиятлар билан баҳоланади.

Ўзбекистоннинг айрим тижорат банклари халқаро андозаларга мос даражада ишлаш қобилиятига эгадирлар.

11.2. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ўтказишдаги фирибгарлик ва уни огоҳлантириш.

Банкларнинг тўлов тизимидаги рискларининг вужудга келиши даражаси куйидаги омилларга боғлиқ:

- банк кредит фаолиятининг маълум бир соҳада марказлашуви даражаси;
- ўзига хос маълум қийинчиликларни бошидан кечираётган мижозларга кредит ва бошқа банк хизматларининг канча тўғри келиши;
- кам урганилган, янги, ноанъанавий соҳаларда банк фаолиятининг марказлашуви;
- кредит бериш, қимматли қоғозлар портфелини шакллантириш бўйича банк сиесатига хусусий ва жиддий узгаришлар киритиш;
- янги ва яқинда жалб қилинган мижозларнинг фоизи;
- қисқа вақт ичида амалиётга жуда кўп хизматларнинг киритилиши (у вақтда банкда салбий талаблар кўпайиши мумкин);
- бозорда сотилиши қийин бўлган қимматликларни ёки қиймати тез тушадиган нарсаларни гаров сифатида қабул қилиб олиш ва бошқалар.

Банкларнинг тўлов тизимидаги рискларини бошқариш куйидагиларни эътиборга олган ҳолда олиб борилиши керак:

Мазкур жараён шахсий муомала, ҳам шахсий, ҳам иш бўйича тажрибасидан иборат бўлиши керак.

Қарз олувчининг ўзининг барча операциялари бўйича (ўзининг бутун фаолияти давомида қарз олувчининг олган пуллари) ёки аниқ лойиҳа бўйича маблағ олиш қобилияти ва пул воситаларини бошқариш қобилияти эга эканликларини доимо мониторинг қилиш.

Мижозларнинг пул маблағлари базаси ва сўралган кредит учун ўзининг маблағларини сарфлашга доир мажбуриятлари. Қарз олувчи ўз rischi бўйича масъулиятини банк билан бирга ўз зиммасига олиши, ўзининг хиссадорлик капиталининг қабул қилиниши мумкин бўлган кисмини тақдим этиб, ўзига тегишли бўлган мажбуриятларни ўз зиммасига олиши керак. Бунда тўловлар учун рискларни мижоз ва банк тенг бўлиши керак.

Махаллий, ҳудудий ва умумжаҳон иқтисоднинг жорий ахволи ва тавсифи, шунингдек қарз олувчининг миллий иқтисодиётнинг молиявий ва сиёсий ҳолати.

Банк томонидан амалга ошириладиган барча тўловлар мақсадлилиқ ва таъминланганлик шартларига тўлиқ жавоб бериши керак. Акс ҳолда тўловлар товарлар ва хизматлар билан таъминланмай қолиши ва товар-пул муносабатлари нисбати бузилиши мумкин.

Банклар одатда кредит сифати бўйича ўзларининг хусусий рейтинг системаларини ишлаб чиқадилар, айримлари оддий схемалардан фойдаланадилар,

бошқалари мураккаб ва бўлиниб кетган, ҳамма нарсани ўз ичига оладиган схемаларни ишга солади.

Шундай бўлса ҳам мақсад доим бир бўлиши керак: кредит беришда ҳам, унинг баҳосини белгилашда ҳам банкнинг кредит бўлими учун қарор қабул қилиш жараинини енгиллаштириш. Одатда бу нарса риск тоифаларини рақамлар еки ҳарфлар билан аташ, уларни классификация қилиш йўли билан амалга оширилади.

■ Тўлов рискларини юзага келтирувчи омиллар энг аввало банк томонидан аниқ банк, кредит ва депозит сиёсатларининг ишлаб чиқилмаганлиги.

■ Ушбу юқоридаги сиёсатларга амал қилинмаслиги ва тўловларнинг мониторингини пассив кредитларни эса агрессив ташкил қилинганлиги (кредитларнинг активлардаги улуши 65 % дан ортиқ бўлганда).

■ Тармоқлар ва операциялар бўйича диверсификациянинг тўғри ташкил қилинмаганлиги.

■ Инсайдерлар билан шартномалар ҳажмининг кўплиги.

■ Банк мутахассисларининг юридик жихатдан етарли тажрибага эга бўлмаганликлари

■ Олинаётган гаровларнинг тўғри танланмаслиги. Бу бўйича ҳам юрист ҳулосасини олиш ўта муҳимдир.

■ Тўлов талаби билан келган мижозлар ҳақида маълумотларнинг йўқлига еки уларни йиғишнинг қийинчиликлари ҳам мавжуддир.

■ Кредит олган мижоз корхоналарда (айниқса илгаридан фаолият курсатиб келувчи корхоналарда) раҳбарларнинг тез тез алмашиб туриши ҳам ўзига яраша riskли ҳолатларни юзага келтирмоқда.

■ Молиявий ҳужжатлар таҳлиliga юзаки ендашиш.

■ Мижоз талаб қилган маблағнинг тулик асосланганлигини аниқлашда қўйилган хатоликлар.

■ Янги ташкил этилган мижозларнинг кредит портфелидаги улуши.

■ Таъминотларнинг етарли бўлмаслиги (гаров баҳосининг асоссиз равишда юқори бўлиши).

■ Ҳужжатларни таёрлашда йўл қўйилган хатоликлар (банк манфаатларини етарли ҳимоя қилинмаслиги).

■ Қарзнинг сўндирилиш даврида етарли назоратнинг бўлмаслиги.

Юқоридаги баён қилинган барча вазифалар ҳозирги кунда республикаимизда мавжуд бўлган барча тижорат банклари учун долзарб, бирламчи, вазифалар бўлиб ҳисобланади.

Чунки турли турдаги (мулк шаклидаги ва тармоқ банкларининг) банкларни вужудга келиши, улар орасида рақобатни келитириб чиқармоқда.

Банкларимиз томонидан мижоз учун кураш нафақат кунда, ҳаттоки ҳар дақиқада олиб борилмоқда.

Бу ўз навбатида банкларнинг бозор талаби асосида мижозларга янги-янги банк хизматларини кидириб топиб, уларга таклиф қилишни талаб қилмоқда.

Шу муносабат билан маркетинг-менежмент, умуман банк соҳасидаги бошқарув ва маркетинг технологик жихатидан, касбий мутахассислар билан таъминлаш орқали, ҳамда бошқа жаҳон стандартлари асосида тобора ривожлантиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Бу муаммони амалга ошириш эса ўз навбатида, бозорни кузатиш мақсадида ахборотни туплаш; товарни ўрганиш ва уни баҳосини аниқлаш; сотишни амалга оширишдан иборатдир.

11.3. Кредитлаш иши билан боғлиқ ноқонуний операциялар ва уларни олдини олиш чоралари.

Кредит вақтинча бўш турган пул маблағларини маълум муддатга, ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан иқтисодий муносабатлар мажмуидир.

Банклар фаолиятини тўғри ташкил этиш, уларда мавжуд рискларни минималлаштириш масалаларидан бири кредит рисклари, уларнинг сифати ва даражасини аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат.

Маълумки, банк амалиётида фойда асосан берилган кредитлар бўйича олинадиган фоизлардан ташкил топади. Қарз олувчи томонидан олинган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг ёки кредитнинг ўз вақтида тўланмаслиги ёки умуман тўланмаслиги оқибатида банк фойдасининг камайиши банкнинг келажақдаги маблағлар салмоғининг тушиб кетишига олиб келади.

Банклар фаолиятида кредит операциялари асосий ўринни эгаллагани учун уларнинг кредит портфелини тўғри ташкил қилиш банкларнинг самарали ва барқарор фаолият кўрсатиши учун имконият яратиб берувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Кредит rischi мижоз томонидан асосий қарз суммасини ва кредит бўйича фоизларни тўлай олмаслик эҳтимоли бўлганда юзага келади. Банк кредит бериб, унинг ўрнига мижознинг тегишли ҳужжатларини олади. Бу ҳужжатлар моҳияти жиҳатидан тўлаш тўғрисидаги ваъда, холос. Банк кредитлари рискларининг энг кўп ишлатиладиган кўрсаткичлари:

- ҳаракатсиз (муаммоли) кредитларнинг кредитлар ва лизинг бўйича мажбуриятларнинг жами ҳажмига нисбати;
- кредитлар бўйича ҳисобдан чиқариш (зарарга олиб бориш) суммасининг кредитлар ва лизинг бўйича мажбуриятларнинг жами суммасига нисбати.

Берилган кредитларнинг ўз вақтида банкларга қайтарилиши кредитлаш жараёнининг қай даражада ташкил қилинишига, кредит бериш ва қайтарилишининг муддатларига риоя қилинишига, ссудалар, айниқса муддати ўтган ёки узайтирилган кредитлар бўйича ҳисоб-китоб операцияларининг тўғри олиб борилишига, ссудалар бўйича зарарларни қоплаш резерви миқдорига, банклараро кредит ва марказлаштирилган кредитлар бўйича операцияларнинг қонунийлигига ва кредитларни тўғри туркумлаш бўйича банкларда ўтказиладиган аналитик операцияларнинг сифатлилиги ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Банклар томонидан бажариладиган барча кредит операциялар уларнинг кредит портфелида ўз ифодасини топиши, ҳар бир банк кредит портфелининг сифатли бўлишига эришиши зарур. Бу эса кредитларнинг ўз вақтида қайтиб келишига асос бўлиши мумкин.

Тижорат банкларининг иқтисодий роли унинг фаолият доирасининг кенг бўлишига олиб келади. Ҳиндистонлик олима Шрита Чанд ўзининг “Тижорат банклари ва уларнинг функциялари” ҳақидаги мақоласида қуйидагича фикр билдирган: “Банкларни уларнинг тузилиши асосида ёки уларнинг функцияларига қараб турли гуруҳларга бўлиш мумкин. Банк структураси банк ишлари доирасида банк бўлимларида шаклланади. Банкнинг бажарадиган функцияларига қараб депозит ва инвестицион банклар фаолиятига бўлиш мумкин”.⁹

⁹ “Commercial Banks; Types and Functions of Commercial Banks of India” by Smriti Chand, “Your Article Library” 2015

Тижорат банклари ўз фаолияти билан бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ишлай оладиган ташкилотларни ўз вақтида маблағ билан қўллаш ва бундай ташкилотларни аниқлаш каби муҳим бир вазифани амалга оширмоқда. Тижорат банклари кредитлаш жараёнлари орқали мамлакат иқтисодининг ривожланишига ҳам жуда катта ҳисса қўшмоқда. Бир гуруҳ рус иқтисодчилари томонидан келтирилиб, улар «...тижорат банкларининг кредит портфели-бу кредитларни маълум белгилар бўйича туркумлашдир», деган фикрни олдинга сурадилар. Бу келтирилган таърифларни кредит портфелига берилган тўлиқ таъриф, деб хулоса қила олмаймиз. Чунки туркумлаш жараёни иккиламчи бўлиб, уни амалга ошириш учун банк аввалом бор кредит портфелига эга бўлиши лозим. Кредитларни туркумлаш бизнинг фикримизча, кредит портфелининг сифатига баҳо бериш учун зарур.

Шундай қилиб, тижорат банкларининг кредит портфели турли хил кредит рискларига асосланган, муайян мезонларга қараб туркумланган кредитлар миқёсидаги банк талабларининг йиғиндиси бўлиб, уни самарали бошқариш кредит рискларини ва умуман олганда банк рискларини камайтиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Банкнинг кредит фаолияти, уни бошқа нобанк ташкилотлардан фарқловчи асосий мезонлардан биридир. Жаҳон амалиётида айнан кредитлаш билан банк фойдасининг талайгина қисми боғлиқ. Шу билан бир вақтда, кредитларнинг, асосан, йирик кредитларнинг қайтарилмаслиги банкнинг банкрот бўлишига олиб келиши ҳам мумкин.

Банклар фаолиятини тўғри ташкил қилиш, уларда мавжуд рискларни минималлаштириш масалаларидан бири кредит рисклари, уларнинг сифати ва даражасини аниқлаш, таҳлил қилишдан иборат.

Кредит rischi деб, қарз олувчи томонидан кредит шартномаси шартларининг бажарилмаслиги, яъни кредит суммасининг (қисман ёки тўлиқ) ва у бўйича фоизларнинг шартномада кўрсатилган муддатларда тўланмаслиги тушунилади. Кредит рискларининг банклар учун долзарб муаммолиги шундаки, кредит rischi мавжуд бўлган ҳолда кредитор (банк)да қарз олувчи томонидан кредит шартнома шартларини, унинг ўз мажбуриятларини белгиланган вақтда бажара олиш имкониятига ишончсизлик ҳосил бўлади. Маълумки, банк амалиётида фойда асосан берилган кредитлар бўйича олинган фоизлардан ташкил топади. Қарз олувчи томонидан олинган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг ёки кредитнинг асосий суммасининг ўз вақтида тўланмаслиги ёки умуман тўланмаслиги банк фойдасининг камайиши оқибатида банкнинг келажақдаги маблағлари салмоғининг тушиб кетишига олиб келади. Шунинг учун кредиторлар улар берган маблағларнинг қайтиши билан боғлиқ рискларни камайтиришга ҳаракат қиладилар.

Қарз олувчи фаолиятида мавжуд рисклар даражасини кредитор кредит бергунга қадар, кейинчалик кредит бергандан кейин ундан фойдаланиш давомида аниқлаш мумкин. Рискни минималлаштириш мақсадида кредитор кредит беришдан олдин рискни аниқлашга ҳаракат қилади.

Кредитларнинг белгиланган муддатда қайтарилиши қуйидаги қатор сабабларга боғлиқ:

- алоҳида олинган банкларда кредит бериш жараёнининг ташкил қилиниш даражаси;
- ссудалар берилиши ва қайтарилиши тартибига амал қилиниш даражаси;
- ссудалар ва айниқса, муддати узайтирилган ва муддати ўтган; ссудаларни ҳисобга олиш жараёнининг тўғри акс эттирилиши;
- ссудаларнинг тўғри таснифланиши;

- судалар бўйича эҳтимолий юқотишларга ажратилган захиралар миқдори ва бошқалар.

Кредит портфелининг моҳиятини очиқ беришда қуйидаги омилларни инобатга олиш зарур. Булар:

- кредитлар бўйича риск даражаси;
- кредит бериш объектлари;
- кредитдан фойдаланиш муддати;
- кредитнинг ҳажми ва таъминланганлиги;
- мижознинг молиявий ҳолати, мулк шакли ва бошқалар.

Шуларни инобатга олган ҳолда бизнинг фикримизча, кредит портфелига қуйидагича таъриф бериш мумкин. Банкларнинг кредит портфели - бу турли хил кредит рискларга асосланган муаъян меъзонларга қараб туркумланган кредитлар миқёсидаги банк талабларининг йиғиндисидир.

Мазкур таъриф кредит портфелининг моҳиятини тўғри тушуниш ва таҳлил қилишга ёрдам беради. Чунки:

- берилган кредитлар бўйича риск даражасини ифодаловчи меъзонлар;
- банкнинг барча берган кредитлари бўйича талаблари йиғиндисини ҳисобга олиш зарурлиги;
- кредитларнинг асосий меъзонлари бўйича туркумлаш лозимлиги ва бошқалар ўз аксини топган.

Кредит рискининг юзага келишига қуйидаги ҳоллар:

а) турли хил макро ва микроиқтисодий омилар, иқтисодий қонунилик ва меъёрлардаги ўзгаришлар;

б) қарз олувчи ўз фаолиятида бўладиган иқтисодий ва сиёсий муҳитдаги ўзгаришлар, салбий ҳоллар туфайли олинган кредитни тўлашга мос пул оқимини ташкил қила олмаслиги;

в) кредитнинг таъминланганлиги учун олинган гаровнинг қиймати ва сифати бўйича тўлиқ ишончнинг йўқлиги;

г) юқори билимга эга бўлган банк ходимлар ва мижозларнинг камёблиги;

д) қарз олувчи субъектнинг маҳаллий ёки давлат миқёсида обрўсининг тушиб кетиши, унинг ишчанлик фаолиятида юзага келган ўзгаришлар ва бошқа сабаблар бўлиши мумкин.

Кредит rischi ташқи омилларга (бозор ҳолати, иқтисодий муҳит ҳолати билан боғлиқ) ва ички омилларга (банкнинг ўзининг хато фаолияти сабаб бўлган) боғлиқ бўлади.

Ташқи омилларни бошқариш имкониятлари чекланган бўлса ҳам, аммо ўз вақтидаги ҳаракатлар билан банк ушбу омилларнинг таъсирини юмшатиши ва йирик зарарларни бартараф қилиши мумкин.

Банкда кредит рискининг юзага келиши, биринчидан, пухта ишлаб чиқилган кредит сиёсати ва унда қайд этилган мижозлар билан бўладиган операцияларга тегишли умумий йўриқномаларнинг мавжудлигига; иккинчидан, ушбу йўриқномаларни ҳаётга татбиқ этаётган банк ходимларининг билим даражаси ва ҳаракатларига, яъни рискни бошқариш қобилияти банк раҳбарларининг омилкорлигига ҳамда кредит шартномаларининг шартларини ишлаб чикувчи, кредит лойиҳаларни танлаб олувчи банк ходимларининг малака даражасига боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси кредитлаш тизимини ривожлантириш қуйидагиларга боғлиқ:

1. Банклар ва бошқа махсус кредит институтларининг кредит бериш ҳажми, улар томонидан жалб қилинган кредит ресурслари миқдориға боғлиқдир. (1:10).

2. Банклар томонидан кредит бериш тижорат асосига мўлжалланган (арзон олиб, қиммат сотиш ва маржа).

3. Кредит бериш, олиш, қоплаш, назорат қилиш кредит олувчи ва банкнинг келишувига, яъни кредит шартномасига асосланади.

4. Кредитлашда ҳозирги кунда асосий бўлиб яъни бирламчи бўлиб кредит субъекти, сўнг эса кредит объекти ҳисобга олинади.

5. Кредитлаш миқдори (ҳажми) банк бўйича (потенциали) Марказий банкнинг иқтисодий нормативларига боғлиқдир (Н1 - капитал етарлилиги, банк ликвидлиги, мажбурий захира миқдори, қайта молиялаштриш ставкаси ва бошқалар).

Баъзи бир миждозлар кредит олиш, уни тўлдириш жараёнида олдинги даврдаги каби кредит объектлари бўйича ҳужжат, баъзи бир миждозлар эса янги усул ёрдамида кредит олиш учун ҳаракат қиладилар. Буларнинг барчаси ҳозирги давр кредит бериш тизимига ўтиш даврини бошидан кечираётганидан хабар қилади. Ўтиш даврининг асосий камчиликлари бўлиб эса қуйидагилар ҳисобланади:

1. Турли тижорат банклари фаолияти ҳали ҳам эски кредит бериш усулларининг сақланиб қолаётганлигидир.

2. Тижорат ва махсус банкларнинг техник жиҳатдан тўлиқ ривожланмаганлиги, технологиянинг тўла-тўқис банк операциялари жорий қилинмаганлигидир.

Ўтиш даври кредит бериш тизимининг энг муҳим хусусияти шуки, унда ташкилот ва аҳолини унифицирлашган усулларнинг кредит бериш сақланиб қолганидир.

Бу хусусиятлар қуйидагилардан иборатдир.

1. Кредит бериш тизими банкнинг корхона сифатида ўз ресурсларига бевосита асосланади.

2. Ҳосил бўлган кредит механизми тижорат характериға эгадир. Тижорат банклари ҳозирги кунда савдо корхонаси хусусиятларини олмоқда. Уларға арзон олиб, қиммат сотиш принципи тўғри келишини таъкидлаш мақсадға мувофиқ бўлмоқда.

3. Бугунги кундаги кредит бериш тизимининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири, уларнинг нафақат ўз кредит маблағларига боғлиқлиги, балки Марказий банк томонидан ўрнатиладиган иқтисодий нормативларға ҳам бевосита боғлиқлигидир.

4. Ҳозирги давр кредит бериш тизимининг энг муҳим белгиларидан (хусусиятларидан) яна бири уларнинг шартномаға асосланмаганлигидир. Кредит бериш уни бошқариш даврида вужудға келадиган барча муаммолар шу миждоз билан тузиладиган шартнома орқали ҳал қилинади. Бунда банк ва миждознинг ҳуқуқ - мажбуриятлари қонун, ҳамда келишув асосида белгилаб қўйилади. Миждоз томонидан ҳам, банк томонидан ҳам қизиқиш қолмаган тақдирдагина шартнома бекор қилиниши мумкин.

5. Кредит бериш тизимининг яққол ажралиб, кўзға ташланадиган белгиси – бу кредит бериш тизимининг объектдан субъектиға ўтганлигидир.

6. Янги кредит бериш тизими кредитнинг эски, аммо принципиал (махсус) принципларига асосланади. Яъни, кредит бериш жараёнида унинг махсус принциплари – қайтариб беришлик, тўловлилик, таъминланганлик ва муддатлилик принципларига тўла-тўқис амал қилинади.

Кредит бериш тизимининг янги замонавий белгиларидан кейингиси бу банклар томонидан юқори даражада кафолатланган, банк ссудаларини беришни ташкил қилишдир.

11.4. Касса ва валюта операциялари билан боғлиқ ноқонуний операциялар ва уларни олдини олиш чоралари.

Тижорат банкларининг кредит-депозит валюта операциялари – эркин пул маблағларини жойлаштириш, шунингдек турли муддатларда муайян фоиз асосида хорижий валюталарда етишмайдиган маблағларни жалб қилиш бўйича қисқа муддатли (1 кундан 1 йилгача) операцияларнинг йиғиндисидир. Мазкур операциялар банклар ва компанияларнинг қисқа муддали ликвидлигини таъминлайди ва даромад олиш мақсадига хизмат қилади.

Инглиз тилида бундай операциялар бир атама билан пул бозори операциялари (Money market operations ёки қисқача ММ) деб номланади.

Тижорат банкларининг кредит-депозит валюта операциялари – эркин пул маблағларини жойлаштириш, шунингдек турли муддатларда муайян фоиз асосида хорижий валюталарда етишмайдиган маблағларни жалб қилиш бўйича қисқа муддатли (1 кундан 1 йилгача) операцияларнинг йиғиндисидир. Мазкур операциялар банклар ва компанияларнинг қисқа муддатли ликвидлигини таъминлайди ва даромад олиш мақсадида хизмат қилади.

Инглиз тилида бундай операциялар бир атама билан пул бозори операциялари (Money market operations, ёки қисқача ММ) деб номланади.

СПОТ операцияси, одатда, битим кунини ҳисобга олмаган ҳолатда икки иш куни давомида валютани айрибошлаш битимини акс эттиради.

Спот курс - спот битими тузилаётган вақтда бир мамлакат валютасининг бошқа бир мамлакат валютасидаги баҳоси. Спот курс ўзида унинг сузиб юрувчи ёки қатъий белгиланган тартибда ишлашидан қатъий назар операция амалга оширилаётган вақтда миллий валютанинг хориждаги қадри қанчалик баҳоланишини ўзида акс эттиради. Баъзи бир валюталарда ички ва ташқи қиймат деган тушунча мавжуд.

Жаҳон валюта бозорида амалга ошадиган операцияларнинг барчасини 100% деб олсак, уларнинг 70% дан зиёди спот (спот) номли операцияларга тўғри келади.

Своп (ингл. «swap»,-)алмашув, алмаштириш маъносини билдиради. Своп операцияси ҳисоб-китоб саналари турлича бўлган, тахминан тенг ҳажмдаги хорижий валютанинг бир вақтнинг ўзида сотилиши ва сотиб олиниши. Своп, валюта операцияси валютанинг «спот» шартлари асосида, миллий валюта эвазига сотиб олиниши ва кейинчалик унинг қайта сотиб олинишини кўзда тутди.

Валюта чайқови, лотинча «speculation» - синчиклаб қидириш, кузатиш маъносини беради. Валюта чайқови вақт давомида валюта курсларининг ўзгариши натижасида ёки валюта рискларини билиб, ўзига қабул қилган ҳолда турли бозорларда фойда олиш мақсадида ўтказиладиган операциядир.

Спот операциялари – бир зумда амалга ошадиган валюта операцияси бўлиб, сотувчи сотган валютасини сотиб олувчига 2 банк иш куни давомида, шартнома тузилган кун курси бўйича етказиши лозим. Замонавий шароитда мазкур валюта операцияларининг амалга ошиши ва валютани етказилиши 2 банк иш кунини талаб этмайди.

Спот валюта шартномасида одатда бозорда, валюта бозори иштирокчилари томонидан валюта курсининг асосий кўрсаткичи сифатида кўриладиган телеграф

орқали пул ўтказиш курси қўлланилади. Нақдли шартнома курслари котировка жадвалларида чоп этилади.

Касса шартномаларида якуний ҳисоб-китоб санасининг тўғри белгиланиши катта роль ўйнайди. «Касса» атамаси одатда ҳисоб-китоблар, шартнома шартлари келишиладиган кунда амалга ошадиган валюта шартномалариг

«Спот» курс - олдиндан келишув ёки шартнома сифатида расмийлаштирилмаган валюта операцияларида қўлланиладиган (ишлатиладиган) олди-сотди валюта алмашув курси. «Спот» курсининг котировкаси ҳозирги дақиқага берилади, валютанинг ўзи эса кечи билан 2 банк иш кунидан сўнг етказилиб берилади.

Спот операцияларини амалга оширадиган дилерлар валюта позициясини юритадилар.

Валюта позицияси – дилернинг талаб ва мажбуриятлари нисбати. У икки қисм, яъни «узун» ва «қисқа» позициядан иборат.

«Узун» позицияда дилернинг талаблари акс этади. Талаблар эса дилер томонидан валюта сотиб олинганда ҳосил бўлади.

«Қисқа» позицияда дилернинг мажбуриятлари акс этади. Мажбуриятлар эса дилер томонидан валюта сотилганда ҳосил бўлади.

Валюталарнинг ўртачалаштирилган курсларини белгилаш. Битта шартнома бўйича йирик суммаларда, бозор ставкасидан яхши ёки ёмон тарафга фарқ қиладиган ставкалар бўйича бир неча ҳамкорлар шартномаларини аниқлашга тўғри келади. Умуман операциялар бўйича курснинг фойда олиш имкониятини бериши, ҳамда манфаатли мижозлар учун имтиёзли котировкаларни амалга ошириш учун дилер ўртача курсни аниқлаши керак.

Амалиётда своп, бир вақтнинг ўзида, валюта алмашуви билан боғлиқ икки алоҳида шартноманинг имзоланишини кўзда тутати. Бу шартномалар қарама-қарши йўналишлар ва турли ҳисоб-китоб саналарига эга. Бу шартномаларнинг бири бўйича биринчи валюта иккинчи валюта ҳисобига, маълум бир санада етказиб бериш шarti билан сотиб олинади. Иккинчи шартнома бўйича эса, биринчи валюта иккинчи валютага, бошқа санада етказиб бериш шarti билан сотиб юборилади.

Своп валюта операцияларини кўп ҳолларда банклар амалга оширади. Бунда икки банк орасида икки валюта билан алмашув маълум бир даврда бўлиб, шартнома охирида дастлабки валюталар банкларга қайтарилади. Валюталар билан алмашув бир вақтнинг ўзида тузиладиган, аммо валюталарнинг турли саналарда етказиб берилиши кўзда тутилган икки қарама-қарши шартнома шаклида амалга ошади: «спот» бир шартнома бўйича ва бошқа шартнома бўйича «форвард».

Своп шартномаларининг бошқа шартномаларга нисбатан қулайлиги шундаки, улар валюта рискин тўла бартараф этади. Турли саналарда сотиб олинган ва сотилган валюталар, тескари свопни ташкил этган ҳолда сотилиши ёки сотиб олиниши мумкин. Шунинг учун, агар ҳисоб-китоб саналаридаги фарқлар ҳисобига қопланмаган позиция ҳосил бўлса, у осонгина тўла қопланиши ёки камайтирилиши мумкин.

Своп–жорий фоиз ставкалари таъсири остида, бир валютанинг ўзгариб турадиган форвард маржасини бошқа валюта форвард маржасига қандай таъсир этиши юзасидан турли фикрга эга бўлган брокерларнинг (дилер) ўзаро алоқаси.

Своп операцияларининг асосий қулайлиги шундаки, унинг иштирокчиларига валюталарни қисқа муддатли тебранишидан безовталанишига ҳожат йўқ, чунки бундай тебранишлар форвардли курсга сезиларли таъсир этмайди. Своп

операцияларида бир вақтнинг ўзида «спот» ва «форвард» курслари белгиланади ва барча ҳолатларда бу курслар бир-биридан фарқ қилади.

Фоизли опционларнинг «потолок/пол» комбинацияси сотиб олувчига фоиз ставкаларининг «коридорини» таъминлайди. Свопларнинг оммавийлашганлиги фойдаланувчиларга, ликвидликнинг ўсиши ва ҳужжатларнинг стандартлашиши каби бир қатор имтиёзларни берди. Своп бизнеси 140 га яқин аъзоларга эга бўлган Своп Дилерлари Халқаро Ассоциацияси (International Swaps and Derivatives Association) билан ҳамкорликда қўллаб-қувватланади.

Валюта муносабатларининг пайдо бўлиши, ўзгартирилиши ёки тугатилишининг ҳуқуқий асослари бўлиб, халқаро келишувлар ва давлатнинг ички қонун - қоидалари ҳисобланади.

“Бугунги замонавий ҳолатларда банклар фаолиятда учраши кузатилаётган ҳолатлардан бири бу валюта операциялари билан боғлиқ рискларни ташқи иқтисодий кўрсаткичлар билан узвий боғлиқлигидир”, деб украиналик олимлар ўзларининг иқтисодий таҳлилларида келтириб ўтганлар.¹⁰

Валюта рискларидан ҳимояланишда кенг кўламда фойдаланиладиган усул валюта арбитражлари ҳисобланади.

Валюта арбитражи – фойда олиш мақсадида валюталарнинг олди-сотдиси билан боғлиқ операциялар. Арбитраж 2 шаклда бўлади: а) валюта арбитражи ва б) фоиз арбитражи.

Валюта арбитражи (французча «arbitrage») – валютанинг, унинг бир вақтнинг ичида сотилишини ҳисобга олган ҳолда, валюта курслари фарқлари сифатида фойда олиш мақсадида сотиб олинishi.

Оддий валюта арбитражи - бир хорижий валюта ва ўзбек сўми билан ёки икки хорижий валюта билан амалга ошириладиган арбитраж.

Мураккаб валюта арбитражи – кўп турдаги валюталар билан амалга ошириладиган арбитраж.

Фоиз арбитражи – турли валюталар бўйича фоизлар фарқи сифатида фойда олиш мақсадида, хўжалик субъектларининг (арбитражчиларнинг) ўз қисқа муддатли активлари ва пасивлари валюта таркибини тартибга солишга қаратилган валюта (конверсион) ва депозит операцияларини ўзида мужассам этган шартнома. Фоиз арбитражи пул бозорида бир вақтнинг ўзида пулларнинг маълум бир фоизга олинishi ва нисбатан юқори фоизга кредитга берилиши шаклида кенг қўлланилади. Фоиз арбитражи икки шаклда ишлатилади:

а) форвардли қопланиш билан ва б) форвардли қопланишсиз.

Форвардли қопланиш билан фоиз арбитражи – валютанинг спот курси асосида сотиб олинishi, муддатли депозитга жойлаштирилиши ва шу вақтнинг ўзида форвард курси бўйича сотиб юборилиши. Фоиз арбитражининг бу шакли валюта хавф-хатарларидан холи. Бу операция бўйича фойда манбаи форвард маржаси ҳажми билан белгиланадиган, валюталар бўйича фоизлар фарқи сифатида ва валюта рискларини суғурта қилиш қиймати ҳисобига олинаётган даромадлар даражаларининг фарқи ҳисобланади.

Валюта арбитражи деганда, иқтисодий қулай шароитларда шартномалар тузиш тушунилади. Буни валюта савдосига қиёс қилинадиган бўлса, маълум бир вақтда молия бозорларида нақдли ва муддатли курслар ва фоиз ставкалари орасида мавжуд

¹⁰ Organization of the currency risk management system in Commercial Banks” by Bodrova N.E., Annaorazova S.B. “Business Inform” Ukraine 2012

фарқлардан фойдаланиш орқали зарарлардан қочиш ва фойда олишга уриниб кўришдан иборатдир.

Арбитражни ўтказиш учун алоҳида молия бозорларидаги ҳолатни, операцион харажатлар даражасини билиш зарур. Арбитражнинг бир неча тури мавжуд.

Бунга ўхшаш операциялар одатда банкнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Тенглаштирувчи арбитраж тўғри ва тескари турларга бўлинади. Тўғри арбитражда қарздор ва кредитор валюталари орасидаги курс фарқи ишлатилади.

Ҳозирги кунда валюта рискларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда прогнозлаш усулларининг такомиллашуви уларни бошқариш имкониятларини вужудга келтирди ва улар янада такомиллашиб банк рискларини бошқариш усулларини ташкил этади.

Бозор иқтисодиёти эркинликни ёқтиради, давлатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам иқтисодиётнинг барча тармоқлари ҳамда соҳаларини босқичма-босқич эркинлаштиришдан иборатдир, жумладан, банк хизмати айниқса тижорат банклари фаолиятини босқичма-босқич такомиллаштириб бориш бугунги кун вазифаларидан биридир. Улар фаолиятининг республикамызда мавжуд хўжалик фаолиятига тобора мослашиб бориши келажакда банклар фаолиятининг ўзгача тус олишидан далолат беради.

Валюта rischi банк операцияларининг байналминаллашуви трансмиллий корхоналар, қўшма корхоналар ва банк иншоотларнинг ўзаро бирлашуви натижасида вужудга келади ва курс йўқотишлари rischi, деб ҳам аталади. Бундан ташқари валюта rischi валюта тебранишлари натижасида йўқотиладиган маблағларнинг йўқолиш хавфини ўзида акс эттиради.

Валюта rischi ўз навбатида, иккига бўлинади:

1. Тижоратчи - қарздор ўз мажбуриятлари бўйича тўловни амалга ошира олмаслиги билан боғлиқ рисклар.

2. Конверсион - аниқ операциялар бўйича олинадиган валюта зарарлари rischi.

Бу рискни олдини олиш бўйича қўлланиладиган энг кўп тарқалган усул бу “хеджерлаш” ва “своп” операцияларидир.

Хеджерлаш – ҳар қандай валюта рискига эга бўлган шартномаларни компенсация қилувчи валюта позицияси яратишга қаратилган.

Валюта свопини параллел кредитлашга ўхшатиш мумкин, бунда икки мамлакат ҳудудида жойлашган икки банк ўз мамлакатлари валютасида тенг ҳисобларда кредит беради.

Халқаро операцияларни амалга ошираётган банклар валюта riskини бошқариш бўйича уларни диверсификациялашдан фойдаланадилар ва бу мақсадда форвард, фьючерс, валюта опционлари каби операциялардан фойдаланадилар.

Валюта riskини бошқаришга 1970 йиллардан бошлаб уриниб кўрилган ва ўша даврда курслар сузиб юрувчи кўринишга эга эди.

Ўз навбатида валюта rischi таркиби қуйидагича тавсифланади:

а) тижорат, бунда қарздорнинг мажбуриятларини бажариш истаги бўлмаслиги ёки бажара билмаслиги имконияти йўқлиги;

б) конверсион (нақд) бунда аниқ операцияларда йўқотиладиган валюта назарда тутилади. Бундай рисклар аниқ бир иш амалга оширилаётганда ҳисобга олинади. Конверсион рискларни камайтиришнинг энг мос усуллари қуйидагилардан иборат:

-хеджерлаш, ҳар бир riskли операцияда йўқотиладиган валюта назарда тутилади имтиёзли валюта позициясини вужудга келтириш. Бошқача айтганда, бир турдаги валюта курсини даромад ёки харажатларда бошқа рисклар билан мос келиши тушунилади.

Валюта свопи, у икки турга бўлинади ҳамда икки хил кўринишга эга бўлади. Биринчиси, параллел кредитларни расмийлаштиришни ўзида акс эттиради, уларни ундириш, тўлаш усуллари ва муддатлари бир хил бўлиб, икки хил валютада берилиши мумкин.

Иккинчиси, иккита банк ўртасида валютани «спот» ставкалари бўйича амалга оширишни ўз ичига олади. Параллел кредитлардан свопларнинг фарқи улар тўлов фоизларини ўзида қамраб олмайди.

Актив ва пасивлар бўйича вужудга келадиган рисклар «метчинг» дейилади. Бунда валюта тушуми ва уларнинг миқдори билан банк раҳбарияти валюта ҳажмини кўпайтириш ёки қисқартиришга таъсир кўрсатади, шу орқали бошқаради.

Бошқа трансмиллий банклар ёки қўшма банклар «неттинг» усулидан фойдаланади, бунда валюта операциялари миқдори қисқартирилади ва ҳажми кўпайтирилади, яъни битимлар тузилаётганда ёки валюта операциялари ўтказилаётганда кўп миқдорда валюта маблағлари иштирок этадиган операциялар амалга оширилади, кичик ёки кам миқдорда валюта операциялари амалга оширилмайди. Бу мақсадларни амалга ошириш учун банкнинг барча бўлинмаларининг фаолияти юқори даражада бўлиши керак.

Валюта рисклари шартнома тузилган кун билан тўловнинг амалга оширилиш кунигача бўлган давр мобайнида миллий валюта курсининг шарнома валютаси курсига нисбати орқали аниқланади. Валюта курслари қанчалик беқарор бўлса, валюта хавф-хатари шунчалик юқори бўлади.

Шу пайтгача биз валюта rischi тушунчасини алоҳида олинган иқтисодий операциялар мисолида кўриб чиқдик. Агар халқаро иқтисодий муносабатлар иштирокчилари хорижий валютада ифодаланган мажбуриятларга эга бўлган ҳолда, худди шундай хорижий валютада талаблари ҳам бўлса, улар амалга ошираётган операцияларининг умумий ҳажми бўйича эмас, балки фақатгина очиқ валюта позицияси бўйича рискка дуч келадилар.

Ташқи иқтисодий шартнома иштирокчилари учун валюта таваккалчилиги пайдо бўлишининг қуйидаги шартларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- очиқ валюта позициясининг мавжудлиги;

- шартнома валютаси сифатида хорижий валютадан фойдаланиш;

- шартноманинг тузилиши ва у бўйича ҳисоб-китоб орасида вақт узилиш даврининг мавжудлиги.

Валюта курслари мувозанатсизлиги қанчалик юқори бўлса, валюта таваккалчилиги шунчалик юқори бўлади. Ҳозиргача биз валюта таваккалчилиги тушунчасини фақат бир операцияга нисбатан кўриб чиққан эдик. Агар ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчилари бўлмиш тарафлар хорижий валютада ифодаланган мажбурият ва талабларга эга бўлиб, кўп турдаги операцияларни амалга оширса, унда улар барча операциялар бўйича эмас, балки фақат очиқ валюта позицияси бўйича валюта хатарига учрайдилар.

11.5. Кўриқланётган банк ҳақидаги ахборотни ноқонуний олиш ва ишлатиш йўллари.

Товарнинг рақобатбардошлигини таҳлил қилишнинг муҳим босқичи баҳоланиши керак бўлган зарур ва етарли параметрлар гуруҳларни, шунингдек, ҳар бир гуруҳ ичидаги алоҳида кўрсаткичларни белгилаб олишдан иборатдир. Хусусан ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида уни алоҳида-алоҳида таҳлил қилишда сегментациялаш, яъни банкнинг ўз устунлигини аниқлаш учун конкурент

(рақобатбардош) банклар имкониятлари билан солиштириш, гуруҳ истеъмолчиларини аниқлаш, банкнинг қайси хизматларига қизиқиш кўплигини унинг асосий сегментлари орқали аниқлаш усуллари катта аҳамиятга эгадир. Бозорни сегментация қилиш негизида банк хизматлари (кредит, операцион-амалиёт, инвестиция ва бошқалар), ва товар белгилари (юридик, жисмоний шахслар, корпорация, банк-корреспондентлар ва давлат органлар) ётади. Банк амалиётида яна географик, демографик, психомаданий ва ахлоқий сегментацияларга бўлинади.

Ўрганиб чиқилган ахборотлар асосида тижорат банки ўз стратегиясини ишлаб чиқади. Бунга янги очилган хизматларни эски мижозларга сотиш, эски хизматларни янги мижозларга сотиш, эски хизматларни янги бозорга сотиш ҳамда янги хизматларни янги бозорларда сотиш ва бошқаларга сотиш кабилар киради. Буларнинг барчаси банкларнинг бозор шароитида ўз мавқеини сақлаб қолишларига бевосита таъсир қилади. Банк маркетингининг иккинчи қисми бу (товар-баҳо) сотиладиган хизматлар характери ва унинг баҳосини ўрганишдан иборатдир.

Бошланғич параметрларнинг эҳтимоллик характеристикаларининг ҳамда рақобатбардошлик кўрсаткичидан фойдаланиш амалда банкнинг товар ва нарх соҳасида юринадиган сиёсатини анча аниқ тахмин қилиш имконини беради.

Банкнинг товар сиёсатини муваффақиятли олиб бориш учун янги яратилаётган «товарларнинг» (хизматларнинг) алоҳида турлари бўйича ҳамда амалга оширилаётган тадбирларнинг ҳаммаси бўйича баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш зарур. Бозорнинг бетартиб ривожланиш шароитида банк томонидан янги «товар»ни шакллантириш кўп мезонли мураккаб жараён бўлиб, кўп сонли ахборотни таҳлил қилиш, уни ташкил этиш ва самарадорлик таҳлилининг тегишли усулларида фойдаланишни талаб қилади. Карор қабул қилишнинг ахборотга боғлиқ жихатини анча кенгайтириш банкнинг ҳозирги ижтимоий-иқтисодий муҳитга мослашувини жадаллаштириш имконини беради.

Халқаро андозаларга мос келувчи банклар (ХАБ) тузиш дастури икки асосий қисмдан ташкил топиш мумкин.

ХАБ сифатида малака тақдим этилган банклар томонидан риоя қилиниши керак бўлган талаблар мажмуи; шундай банклар учун имтиёзлар мажмуи.

Халқаро даражадаги банкка бўлган асосий талаблар рўйхатига қуйидагилар киради:

- банк тўловларини ошқора олиш имкониятини таъминлаш;
- банкнинг ишламаётган активларини қисқартириш;
- банк заҳираларини биринчи навбатда узоқ муддатли давлат қимматли қоғозларини сотиб олиш йўли билан шакллантириш ва бу заҳираларни ишлайдиган активларга айлантириш;
- банк тури, қўйилмалар суммаси, омонатчилар тоифасига қараб заҳиралаш меъёрини дифференциациялаш; қўйилма қолдиқлари ўзгаришларини аниқроқ илғаш имконини берадиган заҳира ҳисоб рақамларини тез-тез тартибга солиб туриш;
- тўлов рискларини тўғри баҳолаш лаёқати;
- маблағларни корхоналар акцияларига жойлаштиришда банклар учун рағбатлар тизимини ишлаб чиқиш ва кредитлар бериш;
- банк хизмат кўрсатишида «зичлик меъёри» ни жаҳон андозалари даражасида таъминлаш;
- банк сармоясини йўқотиш хавф-хатарсиз мижозлар маблағлари ҳисобидан портфелли инвестицияларни кенг тарқатиш;

- банкларнинг бозор ахлоқи тактикасида ўринларнинг кўпроғини ишончли молия воситаларидан фойдаланишга берилиши;
- чет элда шахобча тармоғининг мавжудлиги;
- банк ахборотининг ва шахобча тармоғини бошқаришни тизимлилиги;
- банкда ташқи хавф-хатардан ҳимоя қилишнинг қўшимча механизмлари ишлаб чиқилмоғи лозим. Бунда бугунги кунда асосий эътибор мижоз билан ишлашга яъни банк даромадининг етакчи манбаи-банк комиссиясига қаратилишини назарда тутиш зарур бўлади;
- асосий диққат эътибор хизмат сифатини оширишга, банк маҳсулотларнинг турли-туманлилигига (кредит карточкалари, суғурта, факторинг, молия захираларини жойлаштиришда маслаҳатлар бериш ва ҳоказо) ҳамда ҳалол рекламага қаратилиши керак;
- банклар ўзларининг катта-кичиклиги, жойлашган ўрни ходимларнинг малакаси, мижозларнинг таркиби ва бошқаларга караб операцияларни бажаришга ихтисослаштирилари, қисқа муддатли кредитлаш ва инвестициялаш билан шугулланишлари, клиринг маркази бўлмоғи керак;
- банкнинг ахборот тизимлари асосига ҳисоб рақамларини тез мослашувчан режаси, ҳужжатли интерфейс қўйилган бўлиши лозим. Бу тизимлар ҳисоб рақамлар режасининг ўзгаришига мосланиш имкониятини; ҳисоб ва шахсий рақамларнинг ўзгарувчан тузилмасини; мижозларнинг исталган сони билан ишлашни; комиссия йиғимларни қўшиб ёзиб қўйишнинг турли усуллари; ривожланган тизимларда тузилмали чеклашларнинг олдини таъминлаш керак.

Банк томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот ўзида банк операцияларини, банк хизматларини ва банк ишларини акс эттиради.

Риск шароитида тўлов тизимларининг ишлаш фаолиятини тиклаш чоратадбирлари режаси ҳар хил воқеа содир бўлиши, жумладан электр энергияси ўчиши, табиат офатлари ва бошқа салбий шароитлар келиб чиқишларни инобатга олган ҳолда самарали сценарийлар ишлаб чиқилиши лозим. Бундан ташқари, тўлов тизими инфратузилмасининг асосий компонентларини инобатга олган ҳолда ва кризис шароитида тўлов тизимининг фаолиятини тиклаш бўйича у қўшимча офисга эга бўлиши керак.

Тизим операторлари кризисни бошқариш бўйича гуруҳлар ташкил қилиши ва рискларни бошқариш бўйича яхши ишлаб чиқилган тузилмавий жараёнларни ҳамда ички ва ташқи коммуникацияларни ишлаб чиқиши керак.

Тўлов тизимлари рискларини бошқариш бўйича ишлаб чиқилган режанинг самарадорлиги уни ҳар бир жиҳати бўйича текширилиши, аудит ўтказилиши, таҳлил этилиши ва вақти - вақти билан қайта қўрилиб турилиши лозим ва бу тўлов тизимларининг барқарор ишлашини кафолатлайди.

Электрон тўлов тизимида хавф-хатарларни бошқариш тизими таъминлабгина қолмасдан, электрон тўлов ҳужжатларининг юқори тезликда қайта ишланиши, пул маблағлари айланиши тезлигини жиддий равишда оширади. Бу эса республика ҳўжалик юритувчи субъектлари фаолиятига ижобий таъсир этади. Халқаро ҳисоб-китоблар банки томонидан электрон тўлов тизимининг жорий қилинишида асосий тамойиллари ишлаб чиқилган. Бугунги кунда тўлов тизимида вужудга келган энг муҳим масалалардан бири таваккалчилик хавфларини табақаларга ажратиш ва уларнинг олдини олиш ва йўқотишдир. Тўлов тизими мутахассислари томонидан яратилган ва ривожланган давлатларда амалда қўлланилаётган ахборотларни сақлаш ҳамда уларнинг даҳлсизлигини таъминловчи дастур ва қурилмалар доимий ўрганилиб

мониторинг олиб борилмоқда. Ўрганиш натижалари кенг муҳокама қилиниб миллий тизимга татбиқ қилиш зарурати борлиги аниқланганда зарурий чора тадбирлар ишлаб чиқилиб амалиётга татбиқ этилмоқда.

Назорат учун саволлар:

1. Банк хавфсизлигига таъсир қилувчи хавф- хатар турлари қайсилар?.
2. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ўтказишдаги фирибгарлик нима?
3. Кредитлаш иши билан боғлиқ ноқонуний операцияларга нималар киради?
4. Касса ва валюта операциялари билан боғлиқ ноқонуний операциялар қайсилар ва улардан қандай ҳимояланади?
5. Қўриқланётган банк ҳақидаги ноқонуний ахборотларга нималар киради?

12-МАВЗУ. БАНК ХАВФСИЗЛИГИ ОБЪЕКТЛАРИ

Режа:

- 12.1 Банк ходимлари - хавфсизлик объекти сифатида
- 12.2 Банк хавфсизлигининг объекти сифатида молиявий ва моддий маблағлар
- 12.3 Конфиденциал характерга эга бўлган ҳужжатлар билан ишлашда банк хавфсизлигини таъминлаш
- 12.4 Банк сири. Тижорат сири. Аудитор сири

Таянч иборалар:

Банк ходимлари, хавфсизлик объектлари, молиявий маблағлар, номоддий маблағлар, объект, банк маълумотлари, конун, пул ўтказмалари тизими, хизмат тури, хизмат тарифлари, рақобат муҳити, банк куни, тизими, маълумотлар манбаси, банк сири, тижорат сири, аудитор сири.

12.1. Банк ходимлари - хавфсизлик объекти сифатида.

XX асрнинг охирига келиб компаниялар ва назорат органлари бозор ва кредит рискларидан фарқ қилувчи рисклар билан кўпроқ қизиқдилар. Бундай рисклар орацион риск деб ном олди. Бу тоифадаги рисклар қуйидаги ҳолатлар билан боғлиқ:

- ходимнинг хатоси;
- системалардаги хатолар;
- ёнғинлар, сув тошқини ва бошқа омиллардан кўриладиган зарарлар;
- фирибгарлик ва бошқа жиноий ҳаракатлар;

Операцион рискка мисоллар:

- технологик омадсизликлар;
- ҳужжатлар ва ёзувларнинг совуққонлик билан сақланиши;
- саводсиз бошқариш, назоратнинг кучсизлиги;
- молиявий модел ва ҳисоботлардаги хатолар;
- йўқотишларни яшириш ёки шахсий даромад олишга интилиш;
- учинчи томоннинг фирибгарлиги.

Рискларни бошқариш инфраструктураси қуйидагиларни ўз ичига олади:

- намоён бўлиш;
- баҳолаш;
- мониторинг;
- операцион рискларни қисқартириш.

Операцион рискларни бошқаришда риск қайси бўлимда юзага келса, ўша бўлим ичида бартараф этилиши керак. Масалан IT- мутахассислари тизимли рискларни ҳаммадан кўра яхшироқ тушунадилар. Back office ходимлари ҳисоб-китоб рисклари тўғрисида керакли маълумотларни беришлари мумкин. Аммо умумий режалаштириш ва мониторинг ишлари Операцион рискларни бошқариш Марказий бўлими томонидан олиб борилиши керак.

Операцион рискни бошқариш бўйича имтиёзлар:

- операцион рискларни қисқартириш;
- банкда аудит ўтказиш харажатларини камайтириш ва норматив талабларга жавоб бериш;
- ноқонуний ҳаракатларни аниқлаш
- келажакдаги рискларни камайтириш.

Операцион рискларни таснифлаш:

- ходимларнинг rischi – ходимларнинг иш малакасининг етишмаслиги натижасида хатога йўл қўйиши, ортиқча иш билан бандлиги, ишнинг нораціонал тақсимланганлиги билан боғлиқ йўқотишлар;

- иш жараёни rischi – ходимнинг операцияларни амалга оширишда, ҳисоб-китоб қилишда, ҳисобот топшириш жараёнида хатоликларга йўл қўйиш;

- система rischi – банкда техника-технологиянинг яхши ривожланмаганлиги, операцияларнинг совуққонлик билан бажарилиши, маълумотларни киритишда қўпол хатога йўл қўйиш оқибатидаги йўқотишлар;

- ташқи муҳит rischi – банк фаолиятига ташқи муҳит таъсири ёки қонунчилик, сиёсат ва иқтисодиётдаги ўзгаришлар натижасидаги йўқотишлар.

Базель қўмитаси **операцион риск**ни ички жараёнлар ва тизимларнинг номувофиқлиги, ходимларнинг масъулиятсизлиги ёки бошқа ташқи омиллар ҳисобига юзага келадиган хавф-хатар деб баҳолайди. Мазкур тушунча банк ва унинг ходимлари томонидан қонунчиликка, ахлоқий меъёрларга, шартнома мажбуриятларига риоя этмаслик ҳамда суд жараёнининг қўзғатилиши туфайли юзага келадиган ҳуқуқий рискни ҳам кўзда тутадиган доимий ва алоҳида назоратни олиб бориши лозим.

Риск ҳолатларини 2 та йирик тоифага бўлиш мумкин:

- тез-тез учраб турадиган ва кам йўқотишларга олиб келадиган рисклар;
- кам учрайдиган аммо катта йўқотишларга олиб келадиган рисклар.

Кўп ҳолларда қиймат ва баҳо ҳисоб-китоб йўли билан аниқланиши лозим, асосланган ҳисоб-китоб қийматларидан фойдаланиш молиявий ҳисоботни тузишнинг муҳим қисми бўлиб ҳисобланади ва унинг ишончлилигига путур етказмайди. Бироқ, асосланган ҳисоб-китоб қийматини олиш имкони бўлмаган тақдирда, модда бош китобда, баланс ёки фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда тан олинмайди.

Таҳлилларга таянган ҳолда шуни айтимиз мумкинки, “Иқтисодий инқироз вақтида Америка тижорат банкларининг йиллик соф фойдаси тармоқлар бўйича фойданинг кўп миқдори резервларни бой беришда сезиларли даражада тушиб кетди”¹¹, - деб иқтисодий манбаларда келтирилган.

Шунингдек, операцион рискларни бошқаришда рискни баҳолашнинг миқдорий ва самарали услублари мавжуд. Масалан, банкнинг савдо операцияларида ҳисоб-китоб хатоларига тез-тез йўл қўйишади, аммо уларни статистик моделлаштириш мумкин. Бошқа ҳолатлар камроқ учрайди, аммо моделлаштирилмайди. Буларга масалан террорлик актлари, табиий офатлар ва савдо соҳасидаги фирибгарликлар киради.

Самарали услубларни:

- йўқотишлар тўғрисидаги ҳисоботлар;
- бошқарув назорати;
- ходимларни сўроқ қилиш;
- ишдан бўшаш сабабини аниқлаш;
- бошқарувчиларнинг ўзига юқори баҳо бериши;
- ички аудит ташкил этади.

Миқдорий услублар банкда операцион рискларни олдини олиш учун капитални тақсимлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

¹¹ “Profits and Balance sheet developments at U.S. Commercial Banks in 2009” by Seung Jung Lee, Jonathan D. “Federal Reserve Bulletin” 2010.

“Базель II” келишувига кўра йирик банклар операцион рискка нисбатан капиталга бўлган талабни баҳолашда ўзининг ички моделига асосланади.

Кам учрайдиган аммо катта миқдорда зарар келтирувчи рисклар мол - мулкни суғурта қилиш ва бахтсиз ҳодисадан суғурталаниш учун ишлаб чиқилган усуллардан фойдаланиш билан моделлаштирилади. Тез-тез учрайдиган рискларда кўпроқ статистик анализга эътибор қаратилади.

Статистик моделлаштириш учун эса маълумотлар керак бўлади. Операцион рискда 2 хил турдаги маълумотдан фойдаланилади:

- олдинги зарарлар тўғрисидаги маълумотлар;
- риск индикаторлари тўғрисидаги маълумотлар

Қуйидаги ҳолатлар зарарга олиб келиши мумкин: иш жараёнидаги хатоликлар, кичик фирибгарликлар, мижозларнинг даъвоси ва б. Йўқотишлар бевосита(масалан ўғрилик натижасида), ёки билвосита(банкнинг обрўйига путур етказган ҳолатда).

Уларни 3 тоифага бўлиш мумкин:

- ҳодиса;
- сабаб;
- натижа;

Барча ҳолатларда бир нечта сабаб ва оқибатлари бўлади. Буни олдини олиш учун эса ходимларни қайта ўқитиш, мутахассисларни чуқур тайёрлаш ҳамда зарур тармоқларни ривожлантириш керак.

Риск индикаторлари зарар келтирувчи ҳолатлардан фарқ қилади ва булар қуйидагилардан иборат :

- ходимнинг қўшимча иш соатларини ошириш;
- штатларнинг қисқартирилиши;
- кунлик операциялар ҳажми;
- кадрларнинг билим даражаси;

Операцион рискни баҳолагандан кейин (сифат ёки миқдор жиҳатдан) кейинги босқичга ўтиш мумкин. Масалан:

- маълум рискларни четлаб ўтиш;
- бошқа риск оқибатларини олдини олиш;
- рискни бизнесни бошқариш усули сифатида қабул қилиш.

12.2. Банк хавфсизлигининг объекти сифатида молиявий ва моддий маблағлар.

Самарали ташкил қилинган бозор иқтисодиётида маҳсулот ишлаб чиқариш кам харажат қилиш билан, унинг тақсимооти эса бозор талабига асосан амалга оширилади. Рақобат корхоналарнинг харажатларни иложи борица минимум даражагача камайитиришга, товарлар ишлаб чиқаришни стратегик режалаштиришга ва фақат бозор талабига мос келувчи товарлар ишлаб чиқаришга мажбур қилади.

Маълумки, фақат иқтисодий эркинлик, мулкчилик ҳуқуқи, рақобат ва бошқа бозор атрибутлари мавжуд бўлган ҳолда иқтисодиёт самарали бўлиши мумкин.

Бозорнинг энг муҳим атрибутларидан бири бу иқтисодий эркинлик ҳисобланади. Бозор муносабатлари шароитида иқтисодий эркинлик асосида фаолият кўрсатиш макро - мезо ва микро даражада турли хил рискларга боғлиқ бўлади. Агар Ўзбекистонда давлат тактикасини шартли равишда:

- давлат бошқаруви билан бозор механизмнинг самарали боғланиши бўйича;

- ички ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаб қолган ҳолда рақобатбардош соҳаларни ривожлантириш, тадбиркорлик йўлини танлаш;

- аҳоли даромадларини адолатли тақсимлаш йўналишини бош йўналиш деб танлаш кабилар бўйича ўтказилишини инобатга оладиган бўлсак, шу очик мақсадли сиёсат моделида ҳам бир неча гуруҳ рисклар – ижтимоий - сиёсий, фискал - монетар ва иқтисодий рискларнинг бўлиши муқаррар.

Риск - тадбиркорлик фаолиятининг энг асосий элементларидан бири ҳисобланиб, у кенг маънога эга бўлган кўп қиррали тушунча. Шунинг учун банк фаолиятининг самарадорлигига эришиш, унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун иқтисодиётда мавжуд рисклар, уларнинг банк фаолиятига таъсир қилиш томонларини чуқур ўрганиб чиқиш зарур. Шу сабабли махсус адабиётларда, амалиётда мавжуд бўлган баъзи бир фикр ва мулоҳазаларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Товар-пул муносабатларининг ривожланиши рискнинг иқтисодий категория сифатида юзага келишига ва субъектлар фаолиятида мустаҳкам ўрнашиб олишига имконият яратди. Шунинг учун ҳам рисклар бизни туну-кун, ҳар ер ва ҳар жойда ўраб келмоқда. У бизнинг ҳаётимизда ҳар доим ҳам қочиб бўлмайдиган ва ечиш лозим бўлган бир жараён бўлиб, бирор-бир натижани юзага келишига асос бўлади. Бундай натижа салбий ва ижобий бўлиши мумкин.

Рискнинг синоними сифатида биз ишончсизлик, имкониятсизликни, бир воқеа бўлиш-бўлмаслигини олдиндан айтиб бера олмаслик кабиларни мисол қилиб кўрсатишимиз ҳам мумкин.

Энди биз рискнинг туб моҳиятини кўриб чиқадиган бўлсак, “риск” сўзи испанча-португалча сўздан олинган бўлиб “сув остидаги қоя” деган маънони билдиради. Шунинг учун ҳам риск хавф туғдириш эҳтимоли мавжудлигини ифода қилади. Таниқли луғатчи С.Н. Ожеговнинг рус тили луғатида “риск” бу “муваффақиятга интилиш, бахтли ҳодиса, умид” деган маънони англатади дейилса, машҳур Вебстера луғатида рискга “хавф, зарар ёки талофат кўриш эҳтимоли”, деб қаралган. В.Т. Севрук¹² “Риск – зарар кўриш ёки манфаатни қўлдан чиқариш билан боғлиқ эҳтимоллар ўлчамидир” деган таъриф беради.

Профессор В.М. Усоскин “Риск доимо ноаниқлик билан бирга келиб, охириги, ўз навбатида, олдиндан кўра билиш қийин ёки мумкин бўлмаган воқеалар билан боғлиқ бўлади”¹³ деб изоҳлайди. Баъзи муаллифлар томонидан риск бу ноаниқлик, деб таърифланади.

Е.С. Стоянова “Риск бу режалаштирилган вариантга нисбатан даромад ола олмаслик ёки зарар кўриш эҳтимолидир”¹⁴ деб таъриф келтирса, бошқа бир гуруҳ муаллифлар риск бу корхона ресурсларининг бир қисмини йўқотиш ёки даромад ола олмаслик, қўшимча харажатлар қилиш хавфидир деб уқтиришади.

Баъзи бир иқтисодчилар рискни «хавф-хатар» деб ифодалайдилар. Баъзи олимлар рискни «таваккалчилик» деб ифодаласалар, бошқалари рискга «хато», «иккиланиш», «ноаниқлик», «мавхумийлик» ва ҳоказолар деб таъриф бериш тўғрироқ деган хулоса қиладилар¹⁵.

¹² Севрук В.Т. Банковские риски. М.: Дело., 1995 г.. с. 3

¹³ Усоскин В.М. Современный коммерческий банк. – М.: Финансы и статистики, 2003. 26 - б.

¹⁴ Стоянова КС. Финансовый менеджмент. - М.: Дело, 2002. - 105 б.

¹⁵ Ўлмасов А, Шарифходжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: Меҳнат., 1995 йил, 387-б. Абдуллаев Ё, Бобоқулов Т. Кредит. 100 саволга 100 жавоб. Т.: 1996 й., 80-б.

Ҳар бир фаолиятни амалга оширишда иккиланиш ёки хавф-хатар бўлиши мумкин. Лекин уларни риск мазмунида ифода қилиб бўлмайди.

Бугунги кунда мамлакатимиз банклари ўз тасарруфидаги ресурсларидан тўлиқлигича реал секторни кредитлаш учун фойдаланмаётганлиги ачинарли ҳол. Бундан келиб чиқиб, иқтисодийнинг реал сектори эҳтиёжларини молиялаштириш мақсадида ортиқча банк ликвидлилигидан воз кечиш, ушбу ресурслардан реал иқтисодий кредитлаш орқали самарали фойдаланиш лозим.

Бозор иқтисодиёти шароитида риск – тадбиркорликнинг энг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Рискнинг ўзига хос хусусиятлари¹⁶ бу – ноаниқлик, кутилмаган ҳолат, ишончсизлик ва тахмин. Сиёсий ва иқтисодий нобарқарорлик шароитида риск даражаси ошади.

Рискнинг иккита функцияси¹⁷ бор: рағбатлантирувчи ва ҳимояловчи.

Рискнинг рағбатлантирувчи функциясининг иккита жиҳати бор, яъни конструктив ва деструктив. Конструктив жиҳати шундай бир ҳолатда юзага келадики, бунда риск иқтисодий қарорларни хал қилишда катализатор ролини ўйнайди, айниқса инновацион, инвестицион қарорларни қабул қилишда. Деструктив кўриниши эса асосланмаган риск билан қабул қилинган ва амалга оширилган қарорлар натижасида юзага келади.

Рискнинг ҳимояловчи функцияси ҳам икки жиҳатга эга: тарихий-генетик ва ижтимоий-ҳуқуқий. Тарихий-генетик жиҳати шундан иборатки, инсонлар доимо стихияли тарзда кутилмаган нохуш воқеалардан ўзларини асраш шакллари ва воситаларини излайдилар. Амалиётда бу суғурталанган резерв фондларини ташкил этиш, тадбиркорлик рискларини суғурталаш каби кўринишларда намоён бўлади. Ижтимоий-ҳуқуқий жиҳати эса, ҳўжалик, меҳнат, жиноий қонун ҳужжатлари тўпламида риск категорияларини жорий қилишда намоён бўлади.

Булардан ташқари рискнинг яна қуйидаги хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар қарама-қаршилик, алтернативлилик ва ноаниқликлардир.

Қарама-қаршиликлар қуйидагиларда намоён бўлади: риск бир томонлама муҳим иқтисодий, сиёсий ва маънавий-ахлоқий натижаларга олиб келади, яъни ижтимоий, техник ривожланишни тезлаштиради, жамиятнинг фикр ва маънавий муҳитига ижобий таъсир қилади. Иккинчи томонлама эса, аксинча таъсир қилиши мумкин, яъни риск ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожланишга тўсқинлик қилиши мумкин.

Алтернативлилик, бу бир ёки бир қанча кўринишдаги қарорларни тезлик билан танлашда намоён бўлади. Танлаш лозим бўлмаган жойда riskли жараёнлар ҳам вужудга келмайди ва риск бўлмайди.

Ноаниқлик, бу албатта ноаниқ, яъни кутилмаган ҳолатлар билан боғлиқ. Унинг юзага келиш ва тус олиш шакли ноаниқ бўлиб қолаверади. А.Маршал, Дж.фон Нейман, О.Моргенштерн, Ф.Найтлар riskга қуйидагича ёндашганлар¹⁸: «Risk ва ноаниқлилик категорияси иқтисодий муносабатларда катта роль ўйнайди. Хўжалик фаолиятининг ажралмас қисми бўлган ноаниқлилик барча мураккаб ва муҳим иқтисодий ҳодисалар асосида ётади. Ноаниқлилик моҳияти riskда намоён бўлади».

Ўтган асрнинг 20-йилларида Ф.Найт¹⁹ биринчилардан бўлиб даромад доим ноаниқлилик билан боғлиқ деган фикрни олға суради. Банк миқдорнинг фойда олиши

¹⁶ «Риски в экономике» Л.Н.Тэпман. Профессор В.А.Швандарнинг редакцияси остида, Москва-2002йил, 8-бет.

¹⁷ «Риски в экономике» Л.Н.Тэпман. Профессор В.А.Швандарнинг редакцияси остида, Москва-2002йил, 8-бет.

¹⁸ «Система страхования банковских рисков» Ю.А.Соколов, Н.А.Амосова, Москва-2003йил, 6-бет.

¹⁹ «Система страхования банковских рисков» Ю.А.Соколов, Н.А.Амосова, Москва-2003йил, 7-бет.

учун шарт-шароит яратар экан, демак ўзининг манфаатини ҳам амалга оширган бўлади. Банкларнинг келажакдаги янги хизмат турларини кенгайтириш ва мижозларни янада жалб қилиш мақсади юзасидан; “Замонавий банк хизматлари бу тармоқни кенгайтиришида туртки бўлади”, - дейди америкалик таҳлилшунос олима Кейт Сталтер.²⁰ Шундай экан, тижорат банкнинг мижозларга нисбатан шериклик муносабати ўзаро манфаатдорлик қондасига асосланиши лозим. П.Самуэлсон эса, қуйидагиларни таъкидлаган: «Ноаниқлилик қарама-қаршиликлар натижасида келиб чиқади, яъни инсонлар нималарни кутмоқдалар-у, нималар содир бўлмоқда, бунинг натижаси эса фойда ёки зарарда намоён бўлади».

Тижорат банкларида мавжуд бўлган молиявий рискларни таҳлил этилса, уларни банк молиявий фаолияти давомида фойда ёки капитални йўқотиш эҳтимолида ифодалаш мумкин. Уларни бир неча турга бўлиш мумкин.

Юқоридагилардан хулоса қилиб таъкидламоқчимизки, риск ва хавф-хатар бир хил тушунча эмас. Бу хулосамизнинг асоси бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

❖ биринчидан, хавф-хатар рискга нисбатан аскарият ҳолларда бирламчидир. (албатта, баъзи ҳолларда бирламчи хавф-хатардан кейин яна иккиламчи хавф-хатар ҳам юзага келиши мумкин. Лекин бу кам ҳолларда ҳисобсиз - «кўр» рискларда учраши мумкин);

❖ иккинчидан, хавф-хатар даражаси паст бўлган ҳолларда риск қилинади;

❖ учинчидан, хавф-хатар ва риск бир-бирига тескари пропорционал бўлган жараёнлар;

❖ тўртинчидан, хавф-хатар даражаси (кўлами) юқори бўлган ҳолда риск «0» бўлади.

Бундан келиб чиқадики, риск маълум миқдорда ноаниқликни ўз ичига олсада, унинг натижаси аниқ бўлиб, ундан аксарият ҳолларда ижобий натижа кутилади.

Иқтисодиётда ноаниқлик деганда, мўлжалланган лойиҳаларни, фаолиятни амалга ошириш шартлари ҳақида ҳамда улар билан боғлиқ бўлган харажатлар ва олинган натижаларнинг ноаниқлиги тушунилади.

Ноаниқликнинг сабабларини учта асосий гуруҳга бўлиб кўрсатиш мумкин.

Биринчи гуруҳ бу билмаслик, яъни бизни ўраб турган муҳит ҳақидаги билимларимизнинг камлиги ва тўлиқ эмас.

Иккинчи гуруҳ бу тасодифийлик. Бунга биз бир хил шароитда турли хил бўлиб содир бўладиган воқеаларни киритамиз. Ҳар доим содир бўладиган воқеага ишончли воқеа дейилади ва унинг оқибати олдиндан маълум бўлиб, олдини олиш чораси кўзда тутилган бўлиши мумкин, яъни риск "0" га тенглаштирилиши мумкин.

Учинчи гуруҳ - қаршилиқ, яъни бу гуруҳдаги ноаниқликлар фирманинг товарга бўлган талабнинг ўзгаришига, унинг сотилишига, ижарачилар билан буюртмачилар ўртасида келишмовчиликларнинг келиб чиқишига, мол етказиб берувчилар томонидан шартномаларни бекор қилишга, жамоадаги келишмовчиликларга олиб келиши мумкин.

Ихтисослашган, тармоқлашган ва универсал тижорат банкларининг ҳар бирида рискнинг ҳамма турлари мавжуд бўлади, лекин уларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли ва хусусияти банк муассасасининг турига боғлиқдир.

Банк фаолиятида рискнинг юзага келиши баъзи бир салмоғи, таъсири, шакли жиҳатдан турлича бўлган ноаниқликлар билан боғлиқ бўлади. Чунки банк фаолияти ташқи муҳитга боғлиқ бўлиб, унга объектив иқтисодий ва сиёсий жараёнлар ва улардаги бўладиган ўзгаришлар таъсир кўрсатади.

²⁰ “The Future of Banking” by Kate Stalter, Contributor. U.S.News/Money/ June 29, 2015.

Банк фаолиятида рискларнинг юзага келишининг қуйидаги сабаблари мавжуд:

-бозорни яхши ўрганмаслик;

-ресурсларни жалб қилиш ва уларни жойлаштириш соҳасида маълумотларнинг етарли эмаслиги;

-кредитланадиган лойиҳа, объект ва мижозлар тўғрисида, уларнинг молиявий аҳволи тўғрисидаги маълумот ва ахборотларнинг тўлиқ эмаслиги;

-тармоқлар фаолияти хусусиятининг инобатга олинмаслиги;

-субъектлар ёки мижозларнинг онги, савияси, маблағлардан фойдаланиш бўйича билими ва мақсадларининг турли хиллиги ва бошқалар ҳисобланади. Шу сабабли банк рискларининг иқтисодий категория сифатида таърифи унинг объектив ва субъектив сабаб ва оқибатларини ўзида ифода қилмоғи лозим.

Бугунги кунда биз бу соҳани ривожлантирмасдан туриб иқтисодиётимизнинг келажагини таъминлай олмаймиз. “Ақлли бизнес эгалари билишадики, ходимларни мақсад сари тўғри йўналтириш бу омад сари етакловчи кучдир”,- деб таъкидлайди иқтисодчи Жим Бласингейм ўзининг замонавий қарашларида²¹.

12.3. Конфиденциал характерга эга бўлган ҳужжатлар билан ишлашда банк хавфсизлигини таъминлаш.

Мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Мулк ҳуқуқи муддатсиздир.

Мол-мулк фуқаролик ҳуқуқлари объекти сифатида кўчмас мулкка ва кўчар мулкка бўлинади. Кўчмас мулк жумласига ер участкалари, ер ости бойликлари, бинолар, иншоотлар, кўп йиллик дов-дарахтлар ва ер билан узвий боғланган бошқа мол-мулк, яъни белгиланган мақсадига номутаносиб зарар етказмаган ҳолда жойини ўзгартириш мумкин бўлмайдиган объектлар киради. Қонунда бошқа мол-мулк ҳам кўчмас мол-мулк қаторига киритилиши мумкин.

Кўчмас мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни қўлга киритиш ва улар бекор бўлишининг хусусиятлари қонун билан белгилаб қўйилади. Кўчмас мулк жумласига кирмайдиган мол-мулк кўчар мулк ҳисобланади. Кўчар мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш талаб этилмайди. Лекин таъкидлаш лозимки, кўчмас мулкка эғалик ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, бу ҳуқуқларнинг вужудга келиши, бошқа шахсларга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Кўчмас мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузиладиган битимларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ҳуқуқ эгасининг илтимосига кўра амалга оширилган рўйхатдан ўтказишни рўйхатдан ўтказилган ҳуқуқ ёки битим тўғрисида ҳужжат бериш ёхуд рўйхатдан ўтказиш учун такдим этилган ҳужжатга устхат ёзиш йўли билан тасдиқлаши шарт. Кўчмас мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузиладиган битимларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган амалга оширилган рўйхатдан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилган ҳуқуқлар ҳақидаги ахборотни ҳар қандай шахсга бериши шарт.

Ахборот, рўйхатдан ўтказиш қаерда амалга оширилганидан қатъи назар, кўчмас мол-мулкни рўйхатдан ўтказувчи ҳар қандай орган томонидан берилади. Бутун корхона мулккий комплекс сифатида кўчмас мулк ҳисобланади. Бунда барча корхона ёки унинг қисми олиш-сотиш, гаровга қўйиш, ижара ҳамда ашёвий ҳуқуқларни

²¹ “Motivating employees is good business” by Jim Blasingame, “The Small Business Advocate” August 5/2015.

белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ бошқа битимларнинг объекти бўлиши мумкин.

Мулкӣй комплекс бўлган корхона таркибига унинг фаолияти учун мўлжалланган ҳамма мулк турлари, шу жумладан ер участкалари, бинолар, иншоотлар, ускуна, инвентар, хомашё, маҳсулот, талаб қилиш ҳуқуқи, қарзлар, шунингдек корхонани, унинг маҳсулоти, ишлари ва хизматларини акс эттирувчи хусусий аломатларга (фирма номи, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари) бўлган ҳуқуқлар ва бошқа мутлақ ҳуқуқлар киради.

Ушбу Кодекс ва бошқа қонунларда белгиланган ҳолларда ва тартибда интеллектуал фаолиятнинг аниқ ифода этилган натижалари ҳамда юридик шахснинг бу натижаларга тенглаштирилган ўзига хос воситалари, ана шу ишлар ёки хизматларни адо этаётган жисмоний ёки юридик шахснинг маҳсулотлари (фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва ҳ.к.)га нисбатан фуқаронинг ёки юридик шахснинг мутлақ ҳуқуқи эътироф этилади.

Мутлақ ҳуқуқ объекти бўлган интеллектуал фаолият натижалари ва ўзига хос воситаларидан учинчи шахслар ҳуқуқ эгасининг рухсати билангина фойдаланишлари мумкин.

Фуқаролик қонун ҳужжатлари хизмат ёки тижорат сири бўлган ахборотни, башарти бу ахборот учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли ҳақиқий ёки нисбий тижорат қимматига эга бўлган, қонун йўли билан ундан эркин баҳраманд бўлиш мумкин бўлмаган ҳамда ахборот эгаси унинг махфийлигини сақлашга доир чоралар кўрган ҳолларда ҳимоя этади.

Битимлар бир тарафлама, икки тарафлама ёки кўп тарафлама (шартномалар) бўлиши мумкин. Шартнома тузиш учун икки тараф (икки тарафлама битим) ёки уч ёхуд ундан кўп тараф (кўп тарафлама битим) келишиб, хоҳиш билдирган бўлиши керак.

Бир тарафлама битим уни тузган шахс учун бурчлар келтириб чиқаради. У бошқа шахслар учун қонунда ёки бу шахслар билан келишувда белгиланган ҳоллардагина бурчлар келтириб чиқариши мумкин. Бунда тарафлар ҳуқуқ ва бурчларнинг бекор бўлишини юз бериши ёки бермаслиги номаълум ҳолатга боғлиқ қилиб қўйсалар, бундай битим бекор бўлиш шарти билан тузилган битим ҳисобланади. Агар шартнинг юз беришига унинг юз беришидан манфаатдор бўлмаган тараф инсофсизлик билан қаршилиқ кўрсатган бўлса, бу шарт юз берган деб ҳисобланади. Бироқ шартнинг юз беришига ушбу шартнинг юз беришидан манфаатдор бўлган тараф инсофсизлик билан ёрдамлашган бўлса, бу шарт содир бўлмаган ҳисобланади.

Ёзма шаклда тузилган битимни, агар иш муомаласи одатларидан бошқача тартиб келиб чиқмаса, тарафлар ёки уларнинг вакиллари имзолаши керак. Агар қонун ҳужжатларига ёки иштирокчилардан бирининг талабларига зид бўлмаса, битим тузиш чоғида имзодан факсимиле усулида нусха кўчириш воситаларидан фойдаланилишига йўл қўйилади.

Хатлар, телеграммалар, телефонограммалар, телетайпограммалар, факслар ёки субъектларни ва улар хоҳиш-иродасининг мазмунини ифодалайдиган бошқа ҳужжатларни ўзаро айирбошлаш, агар қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ёзма шаклда тузилган битимга тенглаштирилади.

Қонун ҳужжатларида ва тарафларнинг келишувида битим шакли мос келиши шарт бўлган қўшимча талаблар (муайян шаклдаги бланкада тузилиши, муҳр босиб

тасдиқланиши ва бошқалар) белгилаб қўйилиши ва бу талабларга риоя этмаслик оқибатлари назарда тутилиши мумкин.

Давлат корхонаси, шунингдек муассасаси ўзларига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан қонунда белгилаб қўйилган доирада ўз фаолиятининг мақсадларига, мулкдорнинг топшириқларига ҳамда мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ ҳолда эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларини амалга оширадилар.

Давлат корхонаси ёки муассасасига бириктириб қўйилган мол-мулкнинг эгаси ортиқча, фойдаланилмаётган ёки ноўрин фойдаланилаётган мол-мулкни олиб қўйиш ҳамда уни ўзи хоҳлаган тарзда тасарруф этишга ҳақли.

Банк муассасаси ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкни ва смета бўйича унга ажратилган маблағларга сотиб олинган мол-мулкни бошқа шахсга беришга ёки ўзгача усул билан тасарруф этишга ҳақли эмас.

Агар таъсис ҳужжатларига мувофиқ муассасага даромад келтирадиган фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилган бўлса, бундай фаолиятдан олинган даромад ва бу даромад ҳисобидан сотиб олинган мол-мулк муассасанинг мустақил тасарруфига ўтади ва алоҳида балансда ҳисобга олинади.

Мулкдорнинг қарори билан унитар корхонага ёки муассасага бириктириб қўйилган мол-мулкни хўжалик усулида юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқариш ҳуқуқи ушбу корхона ёки муассасада унга мол-мулк топширилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Хўжалик юритишида ёки оператив бошқаришида бўлган мол-мулкдан фойдаланишдан олинган ҳосил, маҳсулот ва даромадлар, шунингдек унитар корхона ёки муассаса шартнома бўйича ёхуд бошқа асосларда вужудга келган мол-мулк ҳам белгилаб қўйилган тартибда корхона ёки муассасанинг хўжалик юритишига ёки оператив бошқаришига ўтади.

Улушли мулк барча иштирокчиларнинг келишуви билан иштирокчилардан ҳар бирининг улушини уларнинг умумий мол-мулкни вужудга келтириш ва кўпайтиришга қўшган ҳиссасига қараб аниқлаш ва ўзгартириш тартиби белгиланиши мумкин. Улушли мулкдаги мол-мулк унинг барча иштирокчиларининг келишуви билан тасарруф этилади. Улушли мулк иштирокчиси ўз хоҳишига қараб ўз улушини сотишга, совға қилишга, васият қилиб қолдиришга, гаровга беришга ёки бошқача тарзда тасарруф этишга улушни ҳақ эвазига бошқа шахсга бериш чоғида Фуқаролик Кодексининг 224-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилган ҳолда ҳақли бўлади.

Агар мажбуриятни бажариш жойи қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгилаб қўйилган бўлмаса ва мажбуриятнинг моҳиятидан ёхуд иш муомаласи одатларидан ёинки одатда қўйиладиган бошқа талаблардан англашилмаса, ижро қуйидаги жойларда амалга оширилиши керак:

1) пул мажбурияти бўйича – мажбурият вужудга келган пайтда кредитор яшаган жойда, агар кредитор юридик шахс бўлса, унинг мажбурият вужудга келган пайтда жойлашган ерида, агар кредитор мажбуриятни бажариш вақтигача ўз яшаш жойини ёки жойлашган ерини ўзгартирган бўлса ва бу ҳақда қарздорни хабардор қилган бўлса, ижро этиш жойи ўзгартирилиши билан боғлиқ ҳамма харажатларни кредитор ҳисобидан қилган ҳолда, унинг янги яшаш жойида ёки жойлашган ерида;

5) бошқа барча мажбуриятлар бўйича – қарздорнинг яшаш жойида, агар қарздор юридик шахс бўлса, унинг жойлашган ерида.

Амалга оширилган тўлов суммаси пул мажбуриятини батамом бажариш учун етарли бўлмаганида, бошқа келишув бўлмаса, у энг аввало кредиторнинг ижрони

олишга қаратилган чиқимларини, сўнгра фоизларни, унинг қолган қисми эса, қарзнинг асосий суммасини узади.

Қарздор ўзи тўлаши лозим бўлган пул ёки қимматли қоғозларни нотариуснинг депозитига, қонунда белгиланган ҳолларда эса, суднинг депозитига қўйишга ҳақли, башарти мажбурият қарздор томонидан қуйидагилар туфайли бажарилиши мумкин бўлмаса:

1) мажбурият бажарилиши лозим бўлган жойда кредитор ёки ижрони қабул қилиб олиш учун у вакил қилган шахс бўлмаса;

2) кредитор муомалага лаёқатсиз бўлса ва унинг вакили бўлмаса ёки вакил рози бўлмаса;

3) мажбурият бўйича ким кредитор эканлиги хусусида аниқлик йўқлиги кўриниб турган бўлса, хусусан бу ҳақда кредитор билан бошқа шахслар ўртасида низо чиққанлиги муносабати билан;

4) кредиторнинг ижрони қабул қилишдан бўйин товлаши ёки унинг томонидан бошқача йўл билан кечиктирилиши муносабати билан.

Пул суммасини ёки қимматли қоғозларни нотариус ёхуд суднинг депозитига қўйиш мажбуриятни бажариш ҳисобланади. Депозитига пул ёки қимматли қоғозлар қўйилган нотариус ёхуд суд кредиторни бундан хабардор қилади.

Гаровга олувчи ўз ихтиёрида бўлган ёки бўлиши лозим бўлган гаровга қўйилган мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгаллашидан, шу жумладан гаровга қўювчининг эгаллашидан талаб қилиб олишга ҳақлидир. Кафолатга биноан банк, бошқа кредит муассасаси ёки суғурта ташкилоти (кафил) бошқа шахс (принципал) нинг илтимосига кўра кафил ўз зиммасига олаётган мажбурият шартларига мувофиқ принципалнинг кредитори (бенефициар) пул суммасини тўлаш ҳақида ёзма талабнома тақдим этса, пулни унга тўлаш ҳақида принципалга ёзма мажбурият беради.

Кафолат принципалнинг бенефициар олдидаги ўз мажбуриятини (асосий мажбуриятни) лозим даражада бажаришини таъминлайди. Кафолат бўйича бенефициарга тегишли бўлган кафилга талаб қўйиш ҳуқуқи, агар кафолатда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бошқа шахсга ўтказилиши мумкин эмас.

Бенефициарнинг кафолат бўйича пул суммасини тўлаш ҳақидаги талаби кафолатда кўрсатилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда кафилга ёзма равишда тақдим этилиши керак. Талабда ёки унга иловада бенефициар принципалнинг таъминлаш учун кафолат берилган асосий мажбуриятни бузиши нимадан иборатлигини кўрсатиши керак.

Кафил бенефициарнинг талабини олганидан сўнг бу ҳақда дарҳол принципални хабардор қилиши ва унга талабнинг нусхасини барча тегишли ҳужжатлар билан топшириши керак. Кафил бенефициарнинг талабини унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга кафолатда кўрсатилган муддатда кўриб чиқиши, муддат кўрсатилмаганда эса, мутаносиб муддатда бу талаб ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар кафолат шартларига мос келиши ёки келмаслигини аниқлаш учун оқилона жонкуярлик кўрсатиши керак.

12.4. Банк сири. Тижорат сири. Аудитор сири.

Банклар ўз миждозлари ва вакилларининг операциялари, ҳисобварақлари ҳамда жамғармаларига доир маълумотлар сир сақланишига кафолат беради. Банкнинг барча хизматчилари банк, унинг миждозлари ва вакилларининг банк операциялари, ҳисобварақлари ва жамғармаларига доир маълумотларни сир сақлашлари шарт.

Юридик шахслар ва бошқа ташкилотларнинг операциялари ҳамда ҳисобварақларига доир маълумотномалар ана шу ташкилотларнинг ўзига, прокурор, судларга, жиноий иш қўзғатилган бўлса, суриштирув ва тергов органларига берилади.

Жисмоний шахсларнинг ҳисобварақлари ва омонатларига доир маълумотномалар мижозларнинг ўзига ва уларнинг қонуний вакилларига; мижозларнинг ҳисобварақлари ва омонатларида турган пул маблағлари ҳамда бошқа қимматбаҳо нарсалар хатланиши, уларга ундирув қаратилиши ёки мол-мулк мусодара этилиши мумкин бўлган ҳолларда юритилаётган ишлар бўйича судлар, суриштирув ва тергов органларига берилади.

Ҳисобварақлар ва омонатнинг эгалари вафот этганда, ушбу ҳисобварақлар ҳамда омонатга доир маълумотномалар мазкур ҳисобварақ ёки омонат эгаси банкка топширган васиятномасида кўрсатган шахсларга, вафот этган омонатчиларнинг жамғармаларига доир мерос ишларини юритаётган давлат нотариал идораларига, чет эл фуқароларининг ҳисобварақларига доир маълумотномалар эса, чет эл консуллик муассасаларига берилади.

Хизмат бурчи юзасидан банк ахборотидан хабардор бўлган шахслар хизмат сирини ошкор қилганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Банклар ўз мижозлари бўлган корхоналарнинг операциялари тўғрисидаги зарур маълумотларни улар солиқ тўловчиларни тўлиқ ва тўғри тўлаётганликларини назорат қилиш учун солиқ органларининг сўровига тақдим этадилар. Шу билан бирга тижорат банклари маблағларнинг сақланиши ҳамда омонатчилар олдидаги мажбуриятларининг бажарилиши учун, шу жумладан тўловлар бир банкдан бошқа банкка ўз вақтида ўтиши ҳамда маблағларнинг корхоналар ва ташкилотлар ҳисоб-китоб варақларига киритилиши учун ўз мижозлари ва омонатчилари олдида жавобгардирлар.

Банк тугатилганда унинг жисмоний шахс бўлган омонатчилари банкни тугатишдан келадиган тушумлар ҳисобидан ўз омонатларини олишда имтиёзга эгадирлар. Аммо тижорат банклари депозит ва кредит операцияларига доир муддатлар ва шартлар, шу жумладан Марказий банк чиқарган қоидаларга мувофиқ ҳисоблаб чиқилган йиллик фоиз ставкалари, мукофотлар ва йиғимлар тўғрисида ўз мижозларига мунтазам равишда ахборот бериб боришлари шарт.

Банкларнинг банк операциялари бозорини монополиялаш ва банк ишида рақобатни чеклашга қаратилган битимларга эришиш мақсадида ўз иттифоклари, уюшмалари ва бошқа бирлашмаларидан фойдаланиши тақиқланади.

Монополияга қарши қоидаларга риоя этилиши Марказий банк томонидан, шунингдек ушбу мақсадларда қонун ҳужжатларига мувофиқ тузиладиган бошқа органлар томонидан назорат қилинади.

Шуни таъкидлаш керакки, банкларда бухгалтерия ҳисоби юритиш ва ҳисобот қоидалари Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро стандартларга мувофиқ белгиланади. Банк раҳбарлари бухгалтерия ҳисоби юритиш ва ҳисобот қоидалари бузилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар. Шунинг учун улар ўз молиявий ҳисоботларини Марказий банк белгиладиган шакл ва муддатларда, унда кўрсатилган маълумотнинг тўғрилигини аудиторлар тасдиқлагач, матбуотда эълон қиладилар.

Банкнинг ҳисобварақни кредитлаш ҳамда банк хизматлари учун ҳақ тўлаш билан боғлиқ ҳолда мижоз олдида қўйиладиган пул талаблари, шунингдек мижознинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоизлар тўлаш ҳақида банк олдида

қўядиган талаблари, агар банк ҳисобварағи шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бир-бирларининг талабларини ҳисобга олиш йўли билан бекор қилинади.

Тижорат банки томонидан барча талаблар ҳисобга олиниб, у талаблар ҳисобга олинганлиги тўғрисида миждозга банк ҳисобварағи шартномасида белгилаб қўйилган тартибда ва муддатларда тегишли ҳисобварақдаги пул маблағларининг ҳолати тўғрисида миждозларга ахборот берадиган тартибда ва муддатларда ахборот бериши шарт.

Банк томонидан "Банк сири"ни ташкил этувчи маълумотлар электрон почта орқали юборилганда, маълумотлар шифрланиши ва электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши шарт. Банк фаолиятига тегишли бўлмаган маълумотларнинг электрон почта орқали узатилиши қатъиян ман этилади. Бунга йўл қўйган шахслар қонунда кўзда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

Банк томонидан электрон почта орқали жўнатилаётган ҳар бир электрон маълумот "вирус" йўқлигига энг сўнгги базага эга Антивирус дастури орқали текширилиши шарт.

Интернет тармоғига эга бўлган Бош банклар ва филиаллари ўзларининг тўлов тизимига боғланган ишчи станциялари, серверлари, хавфсизлик мажмуаларини интернет тармоғига улашлари ман этилади. Интернет провайдерлари билан банкнинг ажратилган ишчи станциялари алоҳида канал орқали уланишини амалга оширадилар.

Банк Интернетдан фойдаланиш ички тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиши ва рухсат берилган фойдаланувчиларнинг Интернетдан фойдаланишини таъминлаши лозим.

Банклар хавфсиз бўлмаган ва носоғлом банк фаолиятини амалга оширишлари мумкин эмас.

Хавфсиз бўлмаган ва носоғлом банк фаолияти узоқ давом этувчи жараён давомида юзага келиши мумкин бўлган оқибатлари банк омонатчилари, бошқа кредиторлар ва инвесторлар манфаатларига реал хавф солувчи умумий қабул қилинган оқилона банк фаолияти меъёрларига зид келадиган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик ҳисобланади.

Хавфсиз бўлмаган ва носоғлом банк фаолиятига қуйидагилар мисол бўла олади:

- банк томонидан етарли кўникмага ёки ходимлар тажрибасига, сиёсат ёки тадбирларга эга бўлмай фаолиятнинг амалга оширилиши;
- қарз олувчининг кредитларни тўлашга доир етарли имкониятларисиз, таҳлил ва текширувларсиз кредитлар берилиши;
- қониқарсиз кредит тарихига эга бўлган ёхуд ўша ёки бошқа банкда кредитга оид мажбуриятларни мунтазам равишда бажармай келган қарздорларга кредитларнинг берилиши;
- ҳисоботда кўрсатилганидек, гаров қийматини тасдиқловчи етарли ахборот ва таҳлил мавжуд бўлмаган баҳолаш ҳисоботлари асосида кредитлар берилиши;
- молиявий аҳволи бекарор бўлган қарздорлар кредитларининг янгиланиши ёки муддатининг узайтирилиши;
- муддати ўтган фойзаларни олмай туриб, кредитларнинг доимий равишда янгиланиши ёки муддатининг узайтирилиши;
- кредитларни тўлашга доир сиёсатнинг йўқлиги ёки унинг ўтказилмаслиги;

- мазкур банк молиявий аҳволи учун сезиларли таваккалчиликни юзага келтирувчи ёки етарли даражада тажрибага эга бўлмай инвестициялар ёки қимматли қоғозларга доир бошқа операцияларнинг амалга оширилиши;
- банк дафтарлари ва ёзувларини умумий қабул қилинган ҳисоб юритиш меъёрларига мувофиқ юритилмаслиги;
- Марказий банкка ҳаққоний бўлмаган ҳисоботларни тақдим этиш, активлар таваккалчилигини етарли даражада диверсификация қилмаслик;
- банк мансабдор шахсларига банк капитали миқдори ва мавқеига нисбатан ҳаддан зиёд юқори иш ҳақи ва мукофотларнинг берилиши;
- банк капитали, фойда олиш тенденциялари ёки активлар сифати даражасига нисбатан ҳаддан зиёд юқори дивидендларнинг тўланиши;
- ички назорат услублари ва аудит тадбирларининг мавжуд эмаслиги, жумладан, банкнинг мансабдор шахслари ва ходимлари устидан назоратнинг йўқлиги;
- банкка хос ҳолатларга нисбатан капитал даражасининг номувофиқлиги (банк активларининг тури ва сифати, фаолият турлари ва б.);
- банкнинг аралаш активлари ва пасивларига нисбатан ликвидликнинг етарли эмаслиги;
- кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар учун етарли чегирмаларнинг мавжуд эмаслиги;
- банкка алоқадор шахсларга имтиёзлар берувчи операцияларнинг ўтказилиши.

Марказий банк омонатчилар маблағлари хавфсизлигини таъминлаш учун мазкур фаолиятни ва операцияни тавсифловчи далил ва ахборотларни, уларга хос ҳолатларни ва мазкур фаолият ва операцияларни амалга ошириш натижасида юзага келадиган йўқотишларни баҳолаш асосида хавфсиз бўлмаган ва носоғлом деб тан олинувчи бошқа фаолият турлари ёки операцияларни ўтказиш услубларини белгилаши мумкин.

Аудитор аудиторлик натижалари бўйича хулоса ва тавсиялар бериш чоғида мустақилдир. Банк текширув натижалари бўйича ҳеч қандай таъсир ўтказиш ҳуқуқига эга эмас. Шу билан бирга келган аудиторга текширувларнинг объективлиги ва тўлиқ бўлиши учун амалдаги қонунчилик ва шартнома талаблари асосида жавобгарлик юклатилади.

Аудитор иш давомида ўзига маълум бўлган махфий ахборот сир сақланишини таъминлаши ва алоҳида рухсатсиз учинчи шахсларга ошкор этмаслиги шарт, бундан Марказий банкка тақдим этиладиган ахборотлар мустасно. Чунки ҳар бир аудитор махфий ахборотни сир сақлай олмагани учун амалдаги қонунчилик талаблари ҳамда шартнома шартларига асосан жавобгар ҳисобланади.

Ҳар бир банк бошқаруви йил якунлари бўйича молиявий ҳисобот тайёрланиши учун жавобгардир. Бундан ташқари тижорат банки кенгаши малакали аудитор жалб қилиниши учун жавобгардир. Аудиторлик ташкилоти ва банк ўртасида тузилган шартнома нусхаси ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 2 ойи давомида Марказий банкка тақдим этилиши шарт.

Аудиторлик текширувлари якунлангандан сўнг 10 кун муддат ичида аудиторлик ҳисоботларининг нусхасини Марказий банкка тақдим этиш тижорат банкларининг мажбуриятига киради. Агар банк томонидан Марказий банкка тақдим этилган ҳисоботлар билан аудитдан ўтказилган ҳисоботлар ўртасида фарқ аниқланган тақдирда тижорат банки аудиторлик ҳисоботини олган кундан бошлаб 10 кун муддат

ичида молиявий фаолияти тўғрисидаги корректив қилинган (тузатишлар киритилган) йиллик ҳисоботини Марказий банкка тақдим этиши шарт.

Назорат учун саволлар:

1. Банк ходимлари - хавфсизлик объекти сифатида деган маънони тушунтиринг.
2. Банк хавфсизлигининг объекти сифатида -молиявий ва моддий маблағларга нисбатан қандай?
3. Банк хавфсизлигининг объекти сифатида- банк маълумотлари қайсилар?
4. Қонун билан конфиденциал характерга эга бўлган маълумотлар ва уларнинг манбаларини тушунтиринг.
5. Конфиденциал характерга эга бўлган ҳужжатлар билан ишлашда банк хавфсизлигини таъминлаш қандай амалга оширилади?
6. Банк сири. Тижорат сири. Аудитор сирларни айтиб беринг.

13-МАВЗУ. БАНК ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Режа:

13.1 “Банк сири” тўғрисидаги қонуннинг мазмуни ва банк хавфсизлигини таъминлашдаги аҳамияти

13.2 Банк сирини таъминловчи бошқа ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар

13.3 “Банк хавфсизлиги тизими тўғрисидаги” Тартиб ва унинг мазмуни

13.4 “Банк хавфсизлиги Кенгаши тўғрисидаги” Тартибнинг мазмуни ва унинг амалиётда қўлланилиши

Таянч иборалар:

Банк сири, банк хавфсизлиги, қонун, ҳуқуқий ҳужжатлар, меъёрий ҳужжатлар, Банк хавфсизлиги тизими, тартиб, Банк хавфсизлиги Кенгаши, ахборот тизими, зарар, риск, операция, банк амалиёти, бошқарув.

13.1. “Банк сири” тўғрисидаги қонуннинг мазмуни ва банк хавфсизлигини таъминлашдаги аҳамияти.

Хусусий мулк, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг фаолияти ва ривожланиши тижорат банклари билан чамбарчас боғлиқ. Банкка оид маълумотларнинг сир сақланиши мазкур субъектларнинг манфаатларига хизмат қилувчи конституциявий кафолат ҳисобланади.

2003 йил 30 августда эса ушбу масала бўйича алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат — «Банк сири тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Конституциямизнинг 36-моддасида банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши, Фуқаролик кодексининг 786-моддасида банklar томонидан банк ҳисобварағи бўйича операциялар ҳамда миждоз ҳақидаги маълумотлар сир сақланиши кафолатланган. Ушбу кафолатлар миждозларнинг банklarга бўлган ишончини оширишга ҳамда банklarнинг барқарор ўсишига сабаб бўлди.

«Банklar ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Банк сири тўғрисида»ги қонун талабларига асосан банklar ўз миждозлари ва вакиллари операциялари, ҳисобварақлари ҳамда жамғармаларига доир маълумотларнинг сир сақланишини кафолатлайди.

«Банк сири тўғрисида»ги қонунда эса банк сирини ташкил этувчи маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этишнинг қатъий асослари ва шартлари белгилаб қўйилган. Мазкур қонуннинг 3-моддасида банк сирини ташкил этувчи маълумотлар доираси келтирилган бўлиб, унда банк сири сифатида нафақат миждозларга банк ҳисобварағи очиш орқали кўрсатилган хизматлар, балки ҳисобварақ очмасдан кўрсатилган хизматлар (валюта айирбошлаш операциялари, коммунал тўловларни ўтказиш, халқаро пул ўтказмалари ва бошқалар) ҳам назарда тутилиши лозим. Яъни банк сири банк томонидан ўз миждозларига хизмат кўрсатиши билан боғлиқ қонун асосида муҳофаза қилиниши лозим бўлган маълумотлардир.

Ушбу Қонуннинг мақсади банк сирини ташкил этувчи маълумотларни олиш, сақлаш, муҳофаза қилиш, эълон қилиш ва тақдим этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг банк сири тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Банк сири хар бир банк томонидан муҳофаза қилинадиган қуйидаги маълумотлардан иборат бўлади:

- ўз мижозларининг (вакилларининг) операциялари, ҳисобварақлари ва омонатларига доир маълумотлар;
- банк ўз мижозига (вакилига) банк хизматлари кўрсатиши муносабати билан мазкур мижоз (вакил) тўғрисида олган маълумотлар;
- мижознинг (вакилнинг) банк сейфлари ва биноларида сақлаб турилган мол-мулки, унинг хусусияти ва қиймати ҳақидаги маълумотлар;
- мижоз (вакил) топшириғига биноан ёки унинг фойдасини кўзлаб амалга оширилган банклараро операциялар ва битимлар тўғрисидаги маълумотлар;
- банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг банклар ўртасида муомалада бўлиши натижасида маълум бўлиб қолган, бошқа банкнинг мижозига (вакилига) доир маълумотлар;
- жамғариб бориладиган пенсия тизимининг иштирокчилари, пенсия бадалларининг миқдори ва суммаларининг ҳаракати, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги пенсия жамғармалари тўғрисидаги маълумотлар.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиш, оғзаки ёки ёзма шаклда ёхуд бошқа йўсинда тарқатиш ёки маълум қилиш, учинчи шахслар эътиборига етказиш, бундай маълумотларни қўлга киритиши учун учинчи шахсларга бевосита ёки билвосита, шу жумладан ана шундай маълумотлар хизмат вазифасини бажариши муносабати билан ўзига ишониб топширилган ёхуд маълум бўлиб қолган ёки ушбу Қонунда белгиланган тартибда тақдим этилган шахслар томонидан бундай маълумотларни сақлаш тартибининг бузилиши оқибатида имконият яратиб бериш банк сирининг ошкор қилиниши деб ҳисобланади.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар хизмат вазифасини бажариши муносабати билан ўзига ишониб топширилган ёки маълум бўлиб қолган ёхуд ушбу Қонунда белгиланган тартибда тақдим этилган шахслар томонидан бу маълумотларнинг ошкор қилиниши ёки улардан шахсий мақсадда ёхуд учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида фойдаланилиши тақиқланади.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг муҳофаза қилиниши банк томонидан кафолатланган. Бунда банкнинг раҳбарлари ва бошқа ходимлари хизмат вазифасини бажариши муносабати билан ўзига ишониб топширилган ёки маълум бўлиб қолган банк сирини ташкил этувчи маълумотларни ошкор қилиши, шунингдек мазкур маълумотлардан шахсий мақсадда ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида фойдаланиши, учинчи шахсларга бундай фойдаланиш имкониятини бевосита ёки билвосита, шу жумладан ана шундай маълумотларни сақлаш тартибини бузиш оқибатида яратиб бериши тақиқланади.

Шуни айтиш лозимки банк раҳбари ёки бошқа ходими банкда ишлаш даврида ўзига маълум бўлиб қолган, банк сирини ташкил этувчи маълумотларни унинг банк билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин ҳам ошкор қилишга ҳақли эмас. Бунда банк раҳбари хар доим банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг тегишли равишда сақланиши учун банк зарур ташкилий ва техникавий чора-тадбирлар кўриши шарт.

Тижорат банки билан мижоз (вакил) ўртасида низо келиб чиққан бўлса, банк ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мижознинг

(вакилнинг) банк сирини ташкил этувчи маълумотларни зарур ҳолларда ва доирада маълум қилиши мумкин.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар мижознинг (вакилнинг) ўзига, у ваколат берган вакилларга, шунингдек Қонунда белгиланган тартибда бошқа шахсларга тақдим этилади. Шунга кўра банк банк сирини ташкил этувчи, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборот қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина махсус ваколатли давлат органига тақдим этилади.

Агар банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тақдим этиш тўғрисидаги талаб қонун қоидаларига мувофиқ бўлмаса, банк бундай маълумотлар тақдим этишни рад қилиши шарт. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тақдим этишни рад қилганлик устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари банк сирини ташкил этувчи маълумотларни сўраш ва олишга ҳақли эмас, ушбу Қонунда кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар хизмат вазифасини бажариши муносабати билан ўзига ишониб топширилган ёки маълум бўлиб қолган шахснинг бу маълумотларни ноқонуний равишда ошкор қилганлиги ёхуд улардан ноқонуний фойдаланганлиги ҳамда банк мижозига (вакилига) зарар етказганлиги қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

13.2.Банк сирини таъминловчи бошқа ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар.

Банк сирига оид миллий қонунчиликни яратиш ва уни такомиллаштиришга мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, Конституциямизда банк сирига оид қонунчиликнинг тамал тоши қўйилган бўлса, 1996 йил 25 апрелдаги «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонун билан мазкур норма кенг қамровда ҳуқуқий тартибга солинди. Мазкур норма 1997 йил 1 мартдан амалга кирган Фуқаролик кодексида ҳам назарда тутилди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу қонуннинг 4-моддасига кўра банк, унинг мижози (вакили) ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан ташқари бошқа барча шахслар учинчи шахслар ҳисобланади. Қонуннинг 9-моддасига асосан банк сирини ташкил этувчи маълумотлар прокуратура, тергов ва суриштирув органларига мазкур банк мижозига (вакилига) нисбатан қўзғатилган жиноят иши мавжуд бўлган тақдирда, етказилган зарарнинг ундириб олинишини ёки унинг мол-мулки хатланишини таъминлаш мақсадида терговчи ёхуд суриштирувчининг асослантирилган қарорига биноан прокурор санкцияси билан тақдим этилади.

Амалиётда эса тергов ва суриштирув органларидан келаётган банк сирига оид маълумотларни бериш ҳақидаги сўровлар терговчи ёки тергов ва суриштирув органлари раҳбар ходимлари томонидан имзоланган оддий хат кўринишида берилаётганини учратиш мумкин. Бу ҳолатда банк мижозларининг қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида қонуннинг 9-моддасида кўрсатилган субъектлар томонидан банк сирига оид маълумотлар сўралганда, прокурор санкциясининг гербли муҳри билан тасдиқланган қарорнинг асл нусхаси ҳамда талаб қилинаётган банк сирига оид ҳужжатлар рўйхати, маълумотларнинг даврийлиги

кўрсатилган сўров мавжуд бўлган тақдирда, тақдим этилишига аҳамият қаратиш лозим.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар қонуннинг 10-моддасига кўра судга унинг ёзма сўрови асосида, мазкур банк мижозига (вакилига) нисбатан суднинг иш юритувидаги ишлар бўйича тақдим этилади. Қонунга биноан суд ижрочисига банк сирини ташкил этувчи маълумотлар унинг ёзма сўрови асосида суднинг ундирувни мазкур банк мижозининг (вакилининг) мол-мулкига қаратиш ҳақидаги қонуний кучга кирган қарори бўлган тақдирда, тақдим этилади. Шунингдек, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг 21-моддасида суд ижрочиларининг кредит ташкилотлари билан ҳамкорлиги кўрсатилган бўлиб, суд ижрочисининг ундирувни муайян банк мижозининг (вакилининг) пул маблағлари ва ўзга мол-мулкига қаратиш ёки уларни хатлаш ҳақидаги суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида берган ёзма сўровига кўра банк сирини ташкил этувчи маълумотлар тақдим этилади.

Бугун банк сирига оид маълумотларни олиш ҳақидаги суд ижрочилари томонидан берилаётган сўровларда корхона, ташкилотларнинг номлари ёки фуқароларнинг исми, фамилияси кўрсатилган бўлиб, ундирувни банк мижозининг (вакилининг) пул маблағлари ва ўзга мол-мулкига қаратиш ёки уларни хатлаш ҳақидаги қайси суднинг қарорига асослангани кўрсатилмасдан ёки суднинг қарори илова қилинмасдан талаб қилинмоқда.

Бу каби ҳолатларни бартараф этиш борасида биринчи Президентимизнинг 2007 йил 12 январдаги «Аҳолининг ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банк тизимига ишончини мустаҳкамлашга оид кейинги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан Бош прокуратурага банклар ва бошқа кредит ташкилотларининг фаолиятига аралаштиш, шунингдек, улардан банк сирини ташкил этувчи маълумотларни беришни ҳуқуққа зид тарзда талаб қилиш каби ҳолларга йўл қўймаслик борасида «Банк сирини тўғрисида»ги қонуннинг ижроси устидан назоратни кучайтириш, ушбу қарор талабларини бузган айбдор мансабдор шахсларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш вазифалари юклатилган.

Суд ижрочиларидан келаётган сўровлар асосида банк сирига оид маълумотларни беришда суд ижрочисининг иш юритувида нафақат суднинг қонуний кучга кирган қарори, балки Жиноят-процессуал кодексининг 5391-моддасида, Хўжалик процессуал кодексининг 14-моддасида ва Фуқаролик процессуал кодексининг 16-моддасида кўрсатилган суд ҳужжатлари (ажрим ва бошқа суд ҳужжатлари) асосида иш юритилгани эътиборга олиниши лозим.

Солиқ идораларидан келаётган банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тақдим этиш ҳақидаги сўров хатларининг аксариятида Давлат солиқ қўмитаси томонидан келган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида шубҳали амалиёт қўлланилаётгани, мижозда қисқа муддатли текшириш ёки ҳужжатли тафтиш ўтказилаётгани асос қилиб кўрсатилмоқда. Қонуннинг 11-моддасига кўра банк сирини ташкил этувчи маълумотлар давлат солиқ хизмати органларига банк мижозига (вакилига) солиқ солиш масалаларига тааллуқли ҳолларда қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этилади. Ушбу ҳуқуқ нормасини қўллашда ортиқча талқин қилинмай, банк сирини ташкил этувчи маълумотларни солиқ идораларига фақат банк мижозларига солиқ солиш масалаларига тааллуқли ҳоллардагина тақдим этилишини назарда тутиш керак.

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 38-моддасида ҳисобварақлар ва омонатнинг эгалари вафот этганда, банк сирини ташкил этувчи

маълумотлар, яъни ушбу ҳисобварақлар ҳамда омонатга доир маълумотномалар мерос ишларини юритаётган давлат нотариал идораларининг сўрови асосида берилиши кўрсатилган. Мижознинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворисларига, агар уларнинг ўзи ёки улар ваколат берган вакиллар қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос ҳуқуқини ёки ҳуқуқий ворисликни тасдиқловчи барча зарур ҳужжатларни тақдим этсалар, маълумотлар банк томонидан берилиши лозим.

Банклар ўз фаолияти хавфсизлигини таъминлаш, омонатларни, кредитлар ва бошқа инвестицияларнинг қайтарилишини кафолатлаш мақсадида банк сирига оид ўз мижозлари (вакиллари) тўғрисидаги маълумотларни қонунда белгиланган тартибда ва доирада ўзаро алмашиб туришлари ва бир-бирларига тақдим этишлари мумкин.

Шунингдек, банк сирини ташкил этувчи маълумотлар фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фондига, шунингдек, омонатчиларга пулларни қайтариш чора-тадбирларини кўриш учун агент банкларга тақдим этилади. Бошқа банкнинг мижози (вакили) тўғрисидаги маълумотларни олган банк бундай маълумотларни ошкор қилишга ва учинчи шахсларга тақдим этишга ҳақли эмас.

Шуни назарда тутиш керакки, банк банк сирига оид маълумотларни тақдим этишда қонунга мувофиқ фақат ўз мижозига (вакилига) доир банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тақдим этиши лозим, бунда мижознинг (вакилнинг) банкда сақланаётган ҳужжатларида бошқа шахслар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлса, бундай маълумотлар ҳам мижозга (вакилга) доир маълумотлар, деб ҳисобланади.

2016 йил 25 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун билан «Банк сири тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритилди. Яъни Адлия вазирлиги нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги банк сирини ташкил этувчи маълумотларни, агар бу маълумотлар мазкур ташкилотлар фаолиятида қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан назорат қилиш соҳасида ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириши учун зарур бўлса, олишга ҳақли экани кўрсатилди.

«Банк сири тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддасига кўра агар банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тақдим этиш тўғрисидаги талаб банк сирини ташкил этувчи қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса, банк бундай маълумотларни тақдим этишни рад қилиши шарт.

Шуни таъкидлаш лозимки, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек, уларнинг мансабдор шахслари қонун талабларига зид равишда банк сирини ташкил этувчи маълумотларни сўраш ва олишга ҳақли эмас.

Хулоса қилиб айтганда, банк сирига оид маълумотларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий ва процессуал тусдаги ҳаракатларни амалга ошириш мижозларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳуқуқий институтдир. Шу боис мазкур институт истиқболи юзасидан изланишлар давом эттирилиши керак.

13.3. “Банк хавфсизлиги тизими тўғрисида”ги Тартиб ва унинг мазмуни.

Банк фаолияти устидан содир бўладиган хавфли масалаларни ҳал этиш ва банк фаолияти хавфсизлигини таъминлайдиган меъёрий ҳужжатлардан бири бу- “Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун ҳисобланади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Автоматлаштирилган банк тизими банк фаолияти соҳасида ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва ундан фойдаланишни амалга ошириш учун мўлжалланган ахборот тизимидир.

Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

- банкларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва банк сирини муҳофаза қилиш;
- ахборотнинг тарқалиб кетиши, ўғирланиши, йўқотилиши, бузиб талқин этилиши, тўсиб қўйилиши, қалбакилаштирилиши ва ундан ўзгача тарзда рухсатсиз фойдаланилиши, шунингдек нусха олинишининг ҳамда автоматлаштирилган банк тизимига бошқача шаклдаги аралашувларнинг олдини олиш.

Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотнинг муҳофаза қилинишини ташкил этиш:

- ахборотни муҳофаза қилиш қоидаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларга риоя этиш, шунингдек автоматлаштирилган банк тизимида ишлов бериладиган ахборотни муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш;
- сертификатланган техника воситалари ва ахборотни муҳофаза қилиш воситаларидан фойдаланиш;
- автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш;
- автоматлаштирилган банк тизимида ахборот тўплашга доир фаолиятни ва унга ишлов бериш усулларида фойдаланишни мувофиқлаштириш йўли билан амалга оширилади.

Автоматлаштирилган банк тизимидан фойдаланувчи автоматлаштирилган банк тизимида ахборот мулкдорининг рухсати билан ахборотдан фойдаланади.

Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотдан ахборот мулкдорининг рухсатсиз фойдаланишга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

Автоматлаштирилган банк тизими мулкдори юридик шахс бўлиши керак.

Автоматлаштирилган банк тизими мулкдори ахборот мулкдори ва автоматлаштирилган банк тизимидан фойдаланувчи ўртасидаги ўзаро муносабатларни мувофиқлаштиради.

Автоматлаштирилган банк тизими мулкдори ахборот мулкдорини ва автоматлаштирилган банк тизимидан фойдаланувчини автоматлаштирилган банк тизимида ахборотга ишлов бериш усулларида ўзига хос хусусиятлари тўғрисида хабардор қилиши, ахборот мулкдори ва автоматлаштирилган банк тизимидан фойдаланувчи эса таклиф этилган ишлов бериш усулларида қўлланилишига рози эканлигини ва эътирозлари йўқлигини тасдиқлаши шарт.

Автоматлаштирилган банк тизими мулкдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қоидаларга мувофиқ ахборотнинг муҳофаза қилинишини таъминлаши ҳамда ахборот мулкдорини унинг ахбороти муҳофазаси бузилишининг барча ҳоллари тўғрисида хабардор қилиши шарт.

Автоматлаштирилган банк тизими мулкдори давлат сирларини ўз ичига олган ёки махфий ҳисобланган ахборотнинг муҳофаза қилинишини Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда таъминлаши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ва банкларда автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилиши керак.

Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш хизмати:

➤ ахборотнинг сақланишини таъминлаш устидан назоратни ташкил этади;

➤ ахборотни муҳофаза қилиш масалаларида услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;

➤ автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тизимини лойиҳалаш, синовдан ўтказиш ва қабул қилиб олишда иштирок этади;

➤ автоматлаштирилган банк тизимида ахборотдан рухсатсиз фойдаланишга уринишлар бўлганлиги, унга бошқача шаклда аралашилганлиги аниқланганда ҳамда тизимнинг ишлаш қоидалари бузилганда мазкур тизимдаги ахборотни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини кўради;

➤ ахборотни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг ҳолати ва самарадорлигини таҳлил этади;

➤ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

“Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари электрон тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида” низомга биноан Тижорат банкларининг раҳбарлари, бош бухгалтери банк балансида ва электрон тўловлар тизими орқали ўтказилган тўлов ҳужжатларида акс этирилган маълумотларнинг бут сақланиши, шунингдек маълумотларнинг ўзгартиришсиз, тўғри узатилиши учун шахсан жавоб берадилар.

Тижорат банкларининг раҳбарлари электрон тўловларни тайёрловчи ходим (кейинги ўринларда масъул ходим) билан амалдаги меҳнат қонунчилигига мувофиқ тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида ёзма шартнома тузишлари лозим.

Масъул ходим тўлов тизимига киритаётган маълумотларнинг тўғри, аниқ ва қонуний киритганлиги учун жавобгардир.

Бир масъул ходим, бўлим бошликлари, бош бухгалтер ўринбосарларининг хоналарига ўрнатилган ишчи станцияларга кириш пароллар орқали амалга оширилиб, банк телекоммуникация тармоғида ишлаш ваколатига эга бўлган ходимларнинг ишчи станциялари мазкур тармоққа уланишга рухсат берувчи аппарат - дастурий қурилмалар билан жиҳозланиши лозим.

Бош банкларнинг Тўлов марказидаги компьютер ва серверларига банкнинг умумий локал тармоғига уланган ишчи станцияларнинг кириш (кўриш) имконияти бўлмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкларда электрон ахборотларни муҳофазалашни ташкил этиш тўғрисида ЙЎРИҚНОМА

Банк муассасаларида электрон тўлов тизими (кейинги ўринларда ЭТТ) орқали қабул қилинадиган ва узатиладиган ахборотлар билан ишлаш учун рухсат қуйидаги шахсларга берилади:

а) банк раҳбари билан амалдаги меҳнат шартномасига мувофиқ тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида ёзма шартнома тузилган ходимга;

б) бош бухгалтерга (бош бухгалтер бўлмаган ҳолларда, унинг ўринбосарига);

Ахборотдан ахборот мулкдорининг рухсатсиз фойдаланишга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

ТВга техник хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган шахслар ҳамда ТВдан фойдаланувчилар мазкур йўриқнома, техник воситаларни ишлатиш бўйича йўриқномалар, шунингдек, ахборотларни муҳофаза қилиш тартибини белгиловчи бошқа меъёрий ҳужжатларни ўрганиб чиққач, уларнинг билими текшириб кўрилгандан кейингина ишга қўйилади.

Банк сири маълумотлари ёзилган ташқи магнит ташувчиларни (дискеталар, СД дисклари, стриммер ленталари ва ҳоказоларни) сақлашга мўлжалланган хоналар эса махсус металл шкафлар ёки сейфлар билан жиҳозланган бўлиши керак.

13.4. “Банк хавфсизлиги Кенгаши тўғрисида”ги Тартибнинг мазмуни ва унинг амалиётда қўлланилиши.

“Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги низомга асосан “Корпоратив бошқарув” тушунчаси тижорат банки фаолиятини бошқаришда Кенгаш аъзолари ва бошқа раҳбар ходимлар томонидан амалга ошириладиган асосий фаолият ҳамда қоидалар мажмуаси тушунилади. Шу билан бирга корпоратив бошқарув концепцияси бизнес юритиш этикасининг андозалари ва акциядорларга бўлган муносабатларда масъулият ҳисси ҳамда банк фаолият кўрсатаётган жамият талабларини эътиборга олишни ўз ичига олади.

Кўпчилик тижорат корхоналарида Кенгаш аъзолари ва бошқа раҳбарларга корхонани бошқаришда бир қатор эркинликлар берилган. Бироқ, банклар фаолияти бошқа тижорат корхоналари фаолиятига нисбатан бирмунча фарқ қилади. Хусусан, тижорат корхоналар ўз маблағлари асосида операцияларни амалга оширса, тижорат банклари эса жалб қилинган маблағлар асосида операцияларни амалга оширади. Айниқса, банклар ўз фаолиятини амалга оширишда устав капиталидаги маблағлардан фойдаланган тақдирда ҳам ушбу фаолият давомида омонатчиларнинг маблағларини йўқотиши мумкин. Банкларнинг алоҳидалашган ролини ҳисобга олган ҳолда банкларда корпоратив бошқарувга алоҳида эътибор берилишини тақозо этади.

Банкларнинг асосий мақсади акциядорларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда амалдаги қонунчиликда рухсат этилган ҳолларда банк фаолияти унинг корпоратив фойдасини кўпайтиришга йўналтиришдан иборатдир.

Банклар ўзлари фаолият кўрсатаётган жамиятнинг молиявий эҳтиёжини қондириш каби кўшимча мажбуриятларга эга бўлишлари мумкин. Мазкур эҳтиёжларни қондириш давомида банклар ўзларининг хавфсиз ва ишончли фаолиятларига салбий таъсир этмайдиган фаолият, хусусан, жамиятнинг фаровон ҳаёти, гуманитар ва ҳайрия мақсадлари учун етарли даражада маблағлар ажратиши мумкин.

Банк Кенгаши раиси Кенгаш фаолиятини ташкил қилади, Кенгаш йиғилишини чақиради, унда раислик қилади, йиғилиш баённомасининг юритилишини таъминлайди ҳамда акциядорлар умумий йиғилишида раислик қилади. Бундан ташқари Банк Кенгаши раисининг унчалик эътиборли бўлмаган ролига қарамай, Кенгаш раиси банк фаолиятини юритишда ишончли шахслар олдида биринчи даражали масъулиятни ўз зиммасига олади. Ўз мажбуриятларини бажаришда Банк Кенгаши қуйидагиларни бажариши шарт:

- малакали банк бошқаруви аъзоларини ишга ёллаш ва уларни тасдиқлаш;
- бошқарув билан маслаҳатлашган ҳолда банкнинг узоқ ва қисқа муддатли бизнес-режасини белгилаш;

- банк мақсадларига эришиш ҳамда қонуний, хавфсиз ва самарали банк фаолиятини юритиш учун етарли сиёсатларни белгилаш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва банк сиёсатларига мувофиқ банк операциялари устидан амалга ошириладиган етарли назоратни амалга ошириш;
- банкнинг жорий фаолиятини кузатиш.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ банк Кенгаши ҳар чоракда банк Бошқаруви раиси ва ички аудит хизмати раҳбарининг ҳисоботларини тинглаб бориши шарт.

Шунингдек банк Кенгаши томонидан банк Бошқаруви, банкнинг юридик бўлинмаси бошлиғи, ички ва ташқи аудиторлар ҳамда банкнинг бошқа маслаҳатчилари билан учрашувлар ташкил этиб турилиши фойдалидир. Шу билан бирга Кенгаш аъзолари учун ўқув семинарларини ташкил этиш назарда тутилиши мақсадга мувофиқдир.

Банк Кенгаши банкнинг кундалик фаолияти малакали бошқарув аъзолари томонидан амалга ошириладиганлигини таъминлашда жавобгар ҳисобланади. Агарда, банк Кенгаши бошқарув аъзолари бирининг иш фаолиятидан қониқмаса, у ҳолда мазкур масала ечими билан ўзи шуғулланиши лозим бўлади. Шунингдек янги бошқарув аъзосини ёллаш зарурати туғиладиган бўлса, банк Кенгаши имконият даражасида тезроқ малакали раҳбар топиши лозим. Бошқарув аъзосига номзод бўлган шахс қобилиятли, тажрибали, катга обрўга эга бўлиши зарурий сифатлардан ҳисобланади.

Банк Кенгаши бошқарув фаолияти устидан назоратни амалга ошириш мақсадида исталган назоратни амалга ошириши мумкин.

Нazorat ҳар бир аниқ ҳолат миқёсига қараб ўзгаради. Банк Кенгаши бошқарув фаолияти устидан назоратнинг барча чораларини амалга ошириши лозим бўлиб, жумладан:

Банк Кенгаши банк фаолиятининг барча асосий турлари бўйича ҳамма ходимларга тушунарли бўлган ёзма равишдаги сиёсатни ишлаб чиқиши лозим. Кенгаш банк сиёсатларини иқтисодий шароитга банк ҳолатига ҳамда амалдаги қонун ва низомларга мувофиқлиги устидан назоратни амалга ошириши лозим. Банкларда маълум турдаги сиёсат бўлишлиги Марказий банкнинг низомлари ва бошқа қонунларга мувофиқ талаб қилинади. Бундай сиёсатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- актив ва пасивларни бошқариш (маблағларни бошқариш (маблағларни бошқариш бўйича қўмита ташкил этишни ўз ичига олади);
- кредит сиёсати (бу кредит ва кредитларни кўриб чиқиш ички жараёнини ўз ичига олади);
- кадрлар сиёсати (фаолиятни баҳолаш жараёни ва мукофотлар беришни аниқлашни ўз ичига олади);
- дивидендларни тўлаш сиёсати;
- инвестиция сиёсати;
- эмиссия сиёсати.

Шунингдек банк Кенгаши томонидан банк фаолиятига тегишли бўлган қуйидаги қўшимча сиёсатлар ишлаб чиқилиши лозим:

- ✓ фойдани режалаштириш ва бюджет;
- ✓ капитални режалаштириш;
- ✓ бухгалтерия ҳисобининг ички назорат тизими;
- ✓ амалдаги қоидаларга риоя этилиши бўйича назорат (банк дастурлари ва фаолиятини Марказий банк низомлари ва қоидаларига риоя этилиши);

- ✓ ички аудит дастури;
- ✓ ташқи аудит дастури;
- ✓ манфаатларнинг тўқнашуви;
- ✓ чет эл валютаси билан операциялар;
- ✓ этика қоидалари;
- ✓ маълумотларни электрон қайта ишлаш операциялари.

Ушбу сиёсатлар носоғлом ва хавфсиз бўлмаган амалиётга мувофиқ банкнинг бизнес режасида кўрсатилиши лозим. Сиёсат қонунчилик талаблари, шу жумладан, Марказий банк меъёрий ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлган асосий жараён ва ички назоратни ўз ичига олиши ҳамда банкни ташқи жиноятлар, ички қаллоблик ва суиистеъмолликлардан ҳимоя қилиши лозим.

Кенгаш банк бошқаруви томонидан банк фаолиятини назорат қилиш имкониятини берувчи асосий маълумотлар билан таъминлаш механизмини тасдиқлаши лозим. Кўпинча бундай механизм бошқарув томонидан Кенгашга бериладиган ҳисоботларни ўз ичига олади. Ҳисоботлар Кенгаш йиғилиши ўтказилишидан аввал берилиши лозим.

Банк Кенгаши амалдаги қонунчиликка мувофиқ маълум коэффициентларни доимий равишда кўриб чиқиши лозим. Қуйидагилар асосий назорат коэффициенти ҳисобланади: даромадларнинг активларга нисбати, фойданинг активларга нисбати, фойданинг устав капиталига нисбати, умумий фоиз маржаси, таснифланган ссудаларнинг умумий ссудалар ҳажмига нисбати, банк харажатларининг фоизларни тўлаш билан боғлиқ бўлмаган активларга нисбати, ҳисобдан чиқарилган кредитларнинг активларга нисбати ва бошқалар.

Кўпчилик банкларнинг Кенгашлари томонидан банк ва унинг акциядорлари манфаатлари учун фаолият кўрсатилаётган бўлса, айрим банк Кенгашларини аъзолари томонидан юклатилган вазифаларни тўлиқ бажара олмаслик натижасида банкнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин, хусусан, бундай ҳолатлар инспекция ҳисоботларида ўз аксини топади. Алоҳида ҳолатларда Марказий банк томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ бундай банкларнинг Кенгаши аъзоларига санкциялар қўллаши мумкин.

Банкларга алоқадор шахслар билан операцияларни имтиёзли ўтказиш натижасида банкка зарар етказилган ҳолатларда ушбу ҳолатга йўл қўйган Кенгаш аъзолари бевосита жавобгар ҳисобланади.

Назорат учун саволлар:

1. «Банк сири» тўғрисидаги қонуннинг мазмуни ва банк хавфсизлигини таъминлашдаги аҳамиятини тушунтиринг.
2. Банк сирини таъминловчи ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларни айтиб беринг.
3. «Банк хавфсизлиги тизими тўғрисида»ги Тартиб ва унинг мазмунини тушунтиринг.
4. «Банк хавфсизлиги Кенгаши тўғрисида»ги Тартибнинг мазмуни нима ва у амалиётда қандай қўлланилади?

14-МАВЗУ. БАНК СИРИНИ ҲИМОЯЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Режа:

14.1. Банк сирини ташкил қилувчи маълумотлар.

14.2. Банк сирини ташкил қилувчи маълумотларни ноқонуний олиш усуллари.

14.3. Банкнинг компьютер соҳаси билан боғлиқ маълумотларни олишга уринишда жиноий ҳаракатнинг ўзига хос томонлари.

Таянч иборалар:

Банк сири, банк сирини ташкил қилувчи маълумотлар, банк сирини олувчи шахслар, банк сирини ахборот тизими, зарар, риск, операция, банк амалиёти, бошқарув.

14.1. Банк сирини ташкил қилувчи маълумотлар.

Хусусий мулк, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг фаолияти ва ривожланиши тижорат банклари билан чамбарчас боғлиқ. Банкка оид маълумотларнинг сир сақланиши мазкур субъектларнинг манфаатларига хизмат қилувчи конституциявий кафолат ҳисобланади.

Банклар банк ҳисобварағи ва банк омонати, ҳисобварақ бўйича операциялар ҳамда миждоз ҳақидаги маълумотлар сир сақланишини кафолатлайди.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар фақат миждозларнинг ўзларига ёки уларнинг вакилларига берилиши мумкин. Давлат органларига ва уларнинг мансабдор шахсларига бундай маълумотлар қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда берилиши мумкин.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар банк томонидан ошкор қилинган тақдирда, ҳуқуқлари бузилган миждоз келтирилган зарарнинг ўрнини қоплашни банкдан талаб қилишга ҳақли.

Банк сирига оид миллий қонунчиликни яратиш ва уни такомиллаштиришга мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, Конституциямизда банк сирига оид қонунчиликнинг тамал тоши қўйилган бўлса, 1996 йил 25 апрелдаги «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонун билан мазкур норма кенг қамровда ҳуқуқий тартибга солинди. Мазкур норма 1997 йил 1 мартдан амалга кирган Фуқаролик кодексида ҳам назарда тутилди. 2003 йил 30 августда эса ушбу масала бўйича алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат — «Банк сири тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Конституциямизнинг 36-моддасида банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши, Фуқаролик кодексининг 786-моддасида банклар томонидан банк ҳисобварағи бўйича операциялар ҳамда миждоз ҳақидаги маълумотлар сир сақланиши кафолатланган. Ушбу кафолатлар миждозларнинг банкларга бўлган ишончини оширишга ҳамда банкларнинг барқарор ўсишига сабаб бўлди.

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Банк сири тўғрисида»ги қонун талабларига асосан банклар ўз миждозлари ва вакиллари операциялари, ҳисобварақлари ҳамда жамғармаларига доир маълумотларнинг сир сақланишини кафолатлайди.

«Банк сири тўғрисида»ги қонунда эса банк сирини ташкил этувчи маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этишнинг қатъий асослари ва шартлари белгилаб қўйилган. Мазкур қонуннинг 3-моддасида банк сирини ташкил этувчи маълумотлар доираси келтирилган бўлиб, унда банк сири сифатида нафақат миждозларга банк ҳисобварағи очиш орқали кўрсатилган хизматлар, балки ҳисобварақ

очмасдан кўрсатилган хизматлар (валюта айирбошлаш операциялари, коммунал тўловларни ўтказиш, халқаро пул ўтказмалари ва бошқалар) ҳам назарда тутилиши лозим. Яъни банк сири банк томонидан ўз мижозларига хизмат кўрсатиши билан боғлиқ қонун асосида муҳофаза қилиниши лозим бўлган маълумотлардир.

Таъкидлаш жоизки, ушбу қонуннинг 4-моддасига кўра банк, унинг мижози (вакили) ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкidan ташқари бошқа барча шахслар учинчи шахслар ҳисобланади. Қонуннинг 9-моддасига асосан банк сирини ташкил этувчи маълумотлар прокуратура, тергов ва суриштирув органларига мазкур банк мижозига (вакилига) нисбатан кўзғатилган жиноят иши мавжуд бўлган тақдирда, етказилган зарарнинг ундириб олинишини ёки унинг мол-мулки хатланишини таъминлаш мақсадида терговчи ёхуд суриштирувчининг асослантирилган қарорига биноан прокурор санкцияси билан тақдим этилади.

Амалиётда эса тергов ва суриштирув органларидан келаётган банк сирига оид маълумотларни бериш ҳақидаги сўровлар терговчи ёки тергов ва суриштирув органлари раҳбар ходимлари томонидан имзоланган оддий хат кўринишида берилаётганини учратиш мумкин. Бу ҳолатда банк мижозларининг қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида қонуннинг 9-моддасида кўрсатилган субъектлар томонидан банк сирига оид маълумотлар сўралганда, прокурор санкциясининг гербли муҳри билан тасдиқланган қарорнинг асл нусхаси ҳамда талаб қилинаётган банк сирига оид ҳужжатлар рўйхати, маълумотларнинг даврийлиги кўрсатилган сўров мавжуд бўлган тақдирда, тақдим этилишига аҳамият қаратиш лозим.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар қонуннинг 10-моддасига кўра судга унинг ёзма сўрови асосида, мазкур банк мижозига (вакилига) нисбатан суднинг иш юритувидаги ишлар бўйича тақдим этилади. Қонунга биноан суд ижрочисига банк сирини ташкил этувчи маълумотлар унинг ёзма сўрови асосида суднинг ундирувни мазкур банк мижозининг (вакилининг) мол-мулкига қаратиш ҳақидаги қонуний кучга кирган қарори бўлган тақдирда, тақдим этилади. Шунингдек, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг 21-моддасида суд ижрочиларининг кредит ташкилотлари билан ҳамкорлиги кўрсатилган бўлиб, суд ижрочисининг ундирувни муайян банк мижозининг (вакилининг) пул маблағлари ва ўзга мол-мулкига қаратиш ёки уларни хатлаш ҳақидаги суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида берган ёзма сўровига кўра банк сирини ташкил этувчи маълумотлар тақдим этилади.

14.2. Банк сирини ташкил қилувчи маълумотларни ноқонуний олиш усуллари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармонида асосан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш департаменти негизида Марказий банкнинг Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хизмати ташкил этилди.

Хизматнинг асосий вазифаси банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, молиявий хизматлар қулайлигини ошириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий саводхонлик даражасини ошириш ҳисобланади.

Бунда банк хизматлари деганда тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар тушунилади. Банк хизматлари истеъмолчилари деганда эса кредит ташкилотларидан банк хизматларини олмоқчи

бўлган, олаётган ёки олиб бўлган жисмоний шахслар (рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркорлар ҳам) ва юридик шахслар киради.

Хизмат ўз фаолияти давомида тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан ҳуқуқ бузилишлари ҳолатлари билан боғлиқ мурожаатларни кўриб чиқиб, мазкур ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини тиклаш бўйича ишлар олиб боради.

Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш ва кучайтириш мақсадида Жамоат қабулхоналарини ташкил этиш режалаштирилган. Мазкур Жамоат қабулхоналарига истеъмолчилар банк хизматлари соҳасидаги амалдаги қонунчилик нормалари юзасидан маслаҳат ва тушунтиришлар олиш мақсадида мурожаат этишлари мумкин.

Шунингдек, молиявий хизматларнинг оммабоплигини ошириш мақсадида, кредит ташкилотларига банк хизматлари истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоя этиш стандартларига нисбатан қўйиладиган минимал талабларни белгилаш, аҳолининг банк тизимида бўлган ишончини мустаҳкамлаш юзасидан молия-кредит тизимида тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш, банк хизматларини кўрсатиш маданиятини ошириш, мижозларнинг талабларини қондириш имконини берувчи инновацион банк хизматларини кўрсатиш кўзда тутилган.

Истеъмолчиларнинг банк филиаллари офисларига ҳеч қандай тўсиксиз кириши учун маъмурлар билан таъминланган мижозларни дастлаб қабул қилувчи ва ахборот-маслаҳат берувчи тизим ва шарт-шароитлар яратилади.

Шунингдек, истеъмолчиларнинг хизматлар бўйича ҳаққоний ва батафсил ахборот олишдаги ҳуқуқларини амалга ошириш мақсадида кредит муассасалари томонидан мижозларга кредит шартномаси тузилишидан олдин кредит (заём)нинг ҳақиқий қийматини билиш имконини берадиган “кредитнинг тўлиқ қиймати” тўғрисида ахборот тақдим этилишини таъминлаш чоралари кўрилади.

Жорий йилнинг март ойида Марказий банкнинг интернет-ресурсида (<http://www.cbu.uz>) Хизматнинг алоҳида бўлими очилади. Ушбу бўлимда банк хизматлари истеъмолчилари учун батафсил маълумотлар жойлаштириб борилади.

14.3. Банкнинг компьютер соҳаси билан боғлиқ маълумотларни олишга уринишда жиноий ҳаракатнинг ўзига хос томонлари.

Бугун банк сирига оид маълумотларни олиш ҳақидаги суд ижрочилари томонидан берилаётган сўровларда корхона, ташкилотларнинг номлари ёки фуқароларнинг исми, фамилияси кўрсатилган бўлиб, ундирувчи банк мижозининг (вакилининг) пул маблағлари ва ўзга мол-мулкига қаратиш ёки уларни хатлаш ҳақидаги қайси суднинг қарорига асослангани кўрсатилмасдан ёки суднинг қарори илова қилинмасдан талаб қилинмоқда.

Мижознинг ҳисобварақда турган пул маблағларини тасарруф қилиш ҳуқуқларини чеклашга йўл қўйилмайди, ҳисобварақда турган пул маблағларини хатлаш ёки қонунда назарда тутилган ҳолларда ҳисобварақ бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш ҳоллари бундан мустасно.

Банк ҳисобварағи шартномаси мижознинг аризасига мувофиқ исталган вақтда бекор қилинади.

Банкнинг талабига кўра банк ҳисобварағи шартномаси қуйидаги ҳолларда суд томонидан бекор қилиниши мумкин:

➤ мижознинг ҳисобварағида сақланаётган пул маблағлари суммаси банк қоидаларида ёки шартномада кўзда тутилган энг кам миқдордан оз бўлса, агар бундай сумма банк бу ҳақда огоҳлантирган кундан бошлаб бир ойда тикланмаса;

➤ агар шартномада бошқа муддат назарда тутилган бўлмаса, ушбу ҳисобварақ бўйича бир йил давомида операциялар қилинмаган бўлса.

Ҳисобварақдаги пул маблағларининг қолдиғи мижознинг тегишли ёзма аризаси олинганидан кейин кечи билан етти кун ичида мижозга берилади ёки унинг кўрсатмасига мувофиқ бошқа ҳисобвараққа ўтказилади.

Банк ҳисобварағи шартномасининг бекор қилиниши мижоз ҳисобварағини ёпиш учун асос бўлади.

Бу каби ҳолатларни бартараф этиш борасида Президентимизнинг 2007 йил 12 январдаги «Аҳолининг ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банк тизимига ишончини мустаҳкамлашга оид кейинги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан Бош прокуратурага банклар ва бошқа кредит ташкилотларининг фаолиятига аралашиш, шунингдек, улардан банк сирини ташкил этувчи маълумотларни беришни ҳуқуққа зид тарзда талаб қилиш каби ҳолларга йўл қўймаслик борасида «Банк сирини тўғрисида»ги қонуннинг ижроси устидан назоратни кучайтириш, ушбу қарор талабларини бузган айбдор мансабдор шахсларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш вазифалари юклатилган.

Суд ижрочиларидан келаётган сўровлар асосида банк сирига оид маълумотларни беришда суд ижрочисининг иш юритувида нафақат суднинг қонуний кучга кирган қарори, балки Жиноят-процессуал кодексининг 5391-моддасида, Хўжалик процессуал кодексининг 14-моддасида ва Фуқаролик процессуал кодексининг 16-моддасида кўрсатилган суд ҳужжатлари (ажрим ва бошқа суд ҳужжатлари) асосида иш юритилгани эътиборга олиниши лозим.

Солиқ идораларидан келаётган банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тақдим этиш ҳақидаги сўров хатларининг аксариятида Давлат солиқ қўмитаси томонидан келган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида шубҳали амалиёт қўлланилаётгани, мижозда қисқа муддатли текшириш ёки ҳужжатли тафтиш ўтказилаётгани асос қилиб кўрсатилмоқда. Қонуннинг 11-моддасига кўра банк сирини ташкил этувчи маълумотлар давлат солиқ хизмати органларига банк мижозига (вакилига) солиқ солиш масалаларига тааллуқли ҳолларда қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этилади. Ушбу ҳуқуқ нормасини қўллашда ортиқча талқин қилинмай, банк сирини ташкил этувчи маълумотларни солиқ идораларига фақат банк мижозларига солиқ солиш масалаларига тааллуқли ҳоллардагина тақдим этилишини назарда тутиш керак.

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 38-моддасида ҳисобварақлар ва омонатнинг эгалари вафот этганда, банк сирини ташкил этувчи маълумотлар, яъни ушбу ҳисобварақлар ҳамда омонатга доир маълумотномалар мерос ишларини юритаётган давлат нотариал идораларининг сўрови асосида берилиши кўрсатилган. Мижознинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворисларига, агар уларнинг ўзи ёки улар ваколат берган вакиллар қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос ҳуқуқини ёки ҳуқуқий ворисликни тасдиқловчи барча зарур ҳужжатларни тақдим этсалар, маълумотлар банк томонидан берилиши лозим.

Банклар ўз фаолияти хавфсизлигини таъминлаш, омонатларни, кредитлар ва бошқа инвестицияларнинг қайтарилишини кафолатлаш мақсадида банк сирига оид ўз мижозлари (вакиллари) тўғрисидаги маълумотларни қонунда белгиланган тартибда ва доирада ўзаро алмашиб туришлари ва бир-бирларига тақдим этишлари мумкин.

Шунингдек, банк сирини ташкил этувчи маълумотлар фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фондига, шунингдек, омонатчиларга пулларни қайтариш чора-тадбирларини кўриш учун агент банкларга тақдим этилади. Бошқа банкнинг миждози (вакили) тўғрисидаги маълумотларни олган банк бундай маълумотларни ошкор қилишга ва учинчи шахсларга тақдим этишга ҳақли эмас.

Шуни назарда тутиш керакки, банк банк сирига оид маълумотларни тақдим этишда қонунга мувофиқ фақат ўз миждозига (вакилига) доир банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тақдим этиши лозим, бунда миждознинг (вакилнинг) банкда сақланаётган ҳужжатларида бошқа шахслар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлса, бундай маълумотлар ҳам миждозга (вакилга) доир маълумотлар, деб ҳисобланади.

2016 йил 25 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун билан «Банк сирини тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритилди. Яъни Адлия вазирлиги нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги банк сирини ташкил этувчи маълумотларни, агар бу маълумотлар мазкур ташкилотлар фаолиятида қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан назорат қилиш соҳасида ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириши учун зарур бўлса, олишга ҳақли экани кўрсатилди.

«Банк сирини тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддасига кўра агар банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тақдим этиш тўғрисидаги талаб банк сирини ташкил этувчи қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса, банк бундай маълумотларни тақдим этишни рад қилиши шарт.

Шуни таъкидлаш лозимки, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек, уларнинг мансабдор шахслари қонун талабларига зид равишда банк сирини ташкил этувчи маълумотларни сўраш ва олишга ҳақли эмас.

Хулоса қилиб айтганда, банк сирига оид маълумотларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий ва процессуал тусдаги ҳаракатларни амалга ошириш миждозларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳуқуқий институтдир. Шу боис мазкур институт истиқболи юзасидан изланишлар давом эттирилиши керак.

Назорат учун саволлар:

- 1- Банк сирини ва унга оид маълумотлар
- 2- Банк сирини олувчи шахслар ва уларнинг мақсадлари
- 3- Банк сирини қандай ҳимоя қилинади?
- 4- Банк сирини олувчи шахслар ва уларни аниқлаш усуллари.
- 5- Банк сирини ҳимоялаш воситалари нималардан иборат?

15-МАВЗУ. БАНК ХАТАРЛАРИДАН ҲИМОЯЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Режа:

15.1 Банк хавфсизлигини ташкилий жиҳатдан таъминлаш усуллари

15.2 Банклар хавфсизлик хизмати

15.3 Банк хавфсизлигини муҳандис-техник воситалар ёрдамида таъминлаш

15.4 Банк хавфсизлигини инфорацион-аналитик усуллар билан таъминлаш

Таянч иборалар:

Банк хавфсизлиги, хавфсизлик хизмати, хавфсизлик муҳандислари ва хавфсизлик техник воситалари, хавфсизлик таҳлилий хизмати, шахсий хавфсизлик, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар хавфсизлиги, хавфсизлик воситаларидан фойдаланиш.

15.1. Банк хавфсизлигини ташкилий жиҳатдан таъминлаш усуллари

Молиявий сектор ахборот хавфсизлиги соҳасида энг илғорлаб кетганлардан ҳисобланади. Шу билан бирга, АТ-ресурсларни микёсли виртуализацияси, мобил алоқага киришнинг тарқалиб бориши, булутли АТ-инфратузилмасига ўтиш билан боғлиқ ахборот технологиялари соҳасидаги радикал ўзгаришлар молиявий бизнес иштирокчиларини, давлат ва хусусий тузилмалар билан бир қаторда алоҳида шахсларни ҳам янги технологиялардан ва ахборот хавфсизлиги (АХ) воситаларидан фойдаланишга мажбур қилади.

Молиявий тузилмаларнинг бевосита пул билан боғлиқ операцион фаолияти кибербузғунчилар учун айниқса жозибадор кўринади. АХ соҳасидаги мутахассислар масофаи банк хизматлари кўрсатишни ҳимоялашда аввалгидек катта муаммоларни кўрмоқдалар. Банк соҳасидаги муғомбирликлар, уларни катта талафотлар етказувчи фрод билан курашувчи қимматбаҳо тизимлардан фойдаланишга мажбур қилмоқда.

Пайдо бўлиш вақтидан банклар жиноий манфаат келтириб чиқарган. Бу манфаат нафақат кредит ташкилотларида нақд пул сақланиши билан, балки банкларда кўпчилик одамлар, компаниялар, ташкилотлар ва ҳатто бутун бошли давлатларнинг муҳим ва кўпинча махфий молиявий ва хўжалик фаолияти билан боғлиқ маълумотлар тўпланиши билан боғлиқ бўлган.

Бугунги кунда электрон тўловлар, пластик карталар, компьютер тармоқларининг кенг тарқалаганлиги натижасида ахборот ҳуружларнинг объектига айланмоқда. Пул ўғирлашга ҳар қандай шахс уриниб кўриши мумкин, бунинг учун Интернет тармоғига уланган компьютер бўлса бас. Бунда банк ичига жисмонан кириш ҳам шарт эмас, ундан минглаб километр узоқ бўлган масофадан ҳам “ишласа” бўлади.

Айнан мана шу муаммо ҳозирда энг долзарб ва энг кам ўрганилган ҳисобланади. Агар физик ва классик ахборот хавфсизлигини таъминлашда анчадан бери қўлланилаётган усуллар (ҳатто ривожланиш бу ерда ҳам бўлаётган бўлсада) ишлаб чиқилган бўлса, компьютер технологияларида шиддат билан содир бўлаётган радикал ўзгаришлар туфайли банк ахборотларига ишлов бериш автоматлаштирилган тизимининг хавфсизлиги услублари доимий янгиланиб боришни талаб этади. Амалиёт кўрсатиб турганидек, таркибида хато бўлмаган мураккаб компьютер тизимлари мавжуд эмас.

Йирик банк ахборотларига ишлов бериш автоматлаштирилган тизимларини яратиш ғояси доимий равишда ўзгариб туриши боис ахборот тизимларида топилган хатоликлар ва “туйнук”ларни тўғирлаш кўп вақтга етмайди, чунки янги компьютер тизими янги муаммолар ва янги хатоликларни туғдиради, хавфсизлик тизимини қайтадан шакллантиришга мажбур қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ва банкларда автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилиши керак. Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш хизмати: ахборотнинг сақланишини таъминлаш устидан назоратни ташкил этади; ахборотни муҳофаза қилиш масалаларида услубий ва амалий ёрдам кўрсатади; автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тизимини лойиҳалаш, синовдан ўтказиш ва қабул қилиб олишда иштирок этади; автоматлаштирилган банк тизимида ахборотдан рухсатсиз фойдаланишга уринишлар бўлганлиги, унга бошқача шаклда аралашилганлиги аниқланганда ҳамда тизимнинг ишлаш қоидалари бузилганда мазкур тизимдаги ахборотни муҳофаза қилиш чоратадбирларини кўради; ахборотни муҳофаза қилиш чоратадбирларининг ҳолати ва самарадорлигини таҳлил этади; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Фикримизча ҳар бир киши ўзининг банкка тақдим қиладиган шахсий маълумотларининг махфий бўлиб қолишига манфаатдор бўлади. Шу сабабли ва бу муаммони ўрганиш нафақат қизиқ, балки жуда фойдали ҳамдир.

15.2. Банклар хавфсизлик хизмати

Ҳар қандай банк жинояти ахборотнинг чиқиб кетишидан бошланади. Автоматлаштирилган банк тизимлари бундай оқиб кетишлар учун яхшигина канал бўлиб келган. Автоматлаштирилган банк тизимлари жорий қилина бошланганиданок улар жиноий ҳаракатлар объекти бўлган.

Шундай қилиб, 1995 йилнинг август ойида Буюк Британияда 24 ёшлик россиялик математик Владимир Левин ҳибсга олинди, у Петербургдаги ўз уй компютери ёрдамида йирик АҚШ банкларидан бири бўлган Citibank банк тизимига киришни уддалаган ва унинг ҳисоб рақамларидан катта миқдордаги пул маблағларини ечиб олишга уринган. Citibankнинг Москва шаҳридаги ваколатхонасининг маълумот беришича, шу пайтгача бу иш ҳеч кимни қўлидан келмаган. Citibankнинг хавфсизлик хизмати банкдан \$2,8 млн ўғирлашга уриниш бўлганлиги, бироқ назорат қилувчи тизимлар буни аниқлаб ҳисоб рақамларни ёпиб қўйганлигини маълум қилди. Натижада фақатгина \$400 минг ўғирланган.

АҚШда банк муассасаларининг компютер маълумотларидан ноқонуний фойдаланиш натижасида кўрган ҳар йиллик зарари экспертлар баҳолашига кўра \$0,3 дан \$5 млрдгача бўлган маблағни ташкил қилади.

Шу сабабли, банклар ахборот хавфсизлигининг стратегияси бошқа компанияларнинг ва ташкилотларнинг бундай стратегиясидан жудда катта фарқ қилади. Бу, авваламбор, хавфларнинг специфик характери ҳамда мижозлар учун қулай қилиш мақсадида ҳисоб рақамларга киришни енгил қилиб қўйишга мажбур бўлган банкларнинг ошқора фаолияти билан боғлиқ.

Оддий компания ўз ахборот хавфсизлигини потенциал хавфларнинг тор доирасидан келиб чиқиб барпо этади. Бундай маълумот фақат тор доирадаги

манфаатдор шахслар ва ташкилотларгагина қизиқ бўлиб, камдан-кам ҳолатларда ликвидли бўлади, яъни пул шаклига ўтказила олинади.

Банкнинг ахборот хавфсизлиги қуйидаги махсус омилларни ҳисобга олиши зарур:

— ҳақиқий пул маблағларини акс этувчи ва банк тизимларида сақланувчи ҳамда ишланувчи маълумот. Компьютер маълумотларига асосан тўловлар амалга оширилиши, кредитлар очилиши, катта миқдордаги маблағлар ҳисобдан-ҳисобга ўтказилиши мумкин. Ушбу маълумотлардан ноқонуний равишда фойдаланиш жиддий зарарларга олиб келиш мумкинлиги барчага аён. Бу хусусият банкларга (масалан, ички маълумоти жуда кам шахсларга қизиқ бўлган саноат компанияларидан фарқли равишда) тажовуз қилувчи жинойтчилар доирасини шиддат билан кенгайтиради.

— банк тизимларидаги маълумотлар кўп сонли одамлар ва ташкилотлар – мижозларнинг манфаатларини қамраб олади. Одатда, ушбу маълумотлар махфий бўлади ва банк ўз мижозлари олдида уларнинг талаб даражасидаги махфийликни таъминлаш учун жавобгар бўлади. Табиийки, мижозлар банк уларнинг манфаатларини муҳофазасини таъминлай олишидан хотири жам бўлишлари зарур, бунинг ўз банкидан кутишга ҳақли, акс ҳолатларда банк ёмон оқибатларга олиб келувчи ўз обрўини йўқотиш хавфига учрайди.

— банкнинг рақобатбардошлиги мижознинг банк билан ишлаши қанчалик қулайлиги, кўрсатилаётган хизматлар спектри қанчалик кенглиги, шу жумладан, узоқдан кира олиш билан боғлиқ хизматларнинг кўрсата олишига боғлиқ бўлади.

Шунинг учун мижоз ўз маблағларини тез қорлик билан ва кўп вақт талаб қиладиган процедураларсиз бошқариш имкониятига эга бўлиши зарур. Бироқ пулларга бундай

осонлик билан кириб бориш банк тизимларига жиноий йўл билан кириб келиш эҳтимолини кучайтиради.

— банкнинг ахборот хавфсизлиги (бошқа кўпчилик компаниялардан фарқли равишда) компьютер тизимларининг ишини ҳатто фавқулодда ҳолатларда ҳам юқори даражадаги ишончлилиқ билан таъминлаши зарур, чунки банк нафақат ўз маблағари, балки мижозлар пуллари учун ҳам жавобгар ҳисобланади.

Афсуски, бугунги кунда, юқори технологияларнинг ривожланиши билан, ҳатто махфий маълумотлардан фойдаланишга оид ишларни тартибга солиш бўйича ўта қатъий чоралар ҳам, уларни жисмоний каналлар орқали чиқиб кетишини тўса олмайди. Шунинг учун маълумотларни ҳимоялашнинг тизимли ёндашуви ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун банк томонидан фойдаланилаётган воситалар ва ҳаракатлар (ташкилий, жисмоний дастурий-техник) ўзаро боғлиқ, ўзаро тўлдирувчи ва ўзаро ҳаракатланувчи чораларнинг ягона комплекси сифатида кўрилишини талаб этади.

Ушбу комплекс нафақат маълумотларни ноқонуний киришдан сақлашга, бироқ маълумотларни тасодифий йўқ қилиш, ўзгартириш ёки ошқора қилишга ҳам йўналтирилган бўлиши зарур.

15.3. Банк хавфсизлигини муҳандис-техник воситалар ёрдамида таъминлаш

Банкларда маълумотларга ишлов бериш автоматлаштирилган тизимлар фаолиятини қасддан бузиш муаммоси ҳозирги вақтда энг долзарблардан ҳисобланади десак муболаға бўлмайди. Бу даъво ахборот инфратузилмаси жуда яхши ривожланган мамлакатларга нисбатан қўлланилиши адолатли бўлади, бу ҳақда қуйида келтириладиган рақамлар қатъийлик билан гувоҳлик беради.

Маълумки, 1992 йилда компьютер жиноятларидан кўрилган зарарлар \$555 млн, 930 иш йили ва 15,3 машина вақти-ни ташкил қилган. Бошқа маълумотларга кўра молиявий ташкилотларнинг зарари йилига \$173 млн дан \$41 млрдгачани ташкил қилади.

Ушбу мисолдан, ишлов бериш ва маълумотларни ҳимоялаш тизимлари ҳисоблаш тармоғига маълумотларни узатишнинг потенциал ишончсиз муҳитига бўлгандек анъанавий ёндашувни акс этиши тўғрисида хулоса қилса бўлади.

Дастурий-техник муҳитнинг хавфсизлигини таъминлашнинг бир нечта асосий усуллари мавжуд:

— пароллар ёрдамида идентификациялаш (аутентификациялаш) ва авторизациялаш.

— маълумот алмашиш махсус пртоколларида узатиладиган маълумотларнинг инкапсуляцияси. Бундай усуллардан фойдаланиш очик калитли шифрлаш алгоритмларига асосланган. Инициализация босқичида бир жуфт калит яратилади: очик ва ёпиқ. Очик калитли шифрлаш алгоритмларининг моҳияти шундаки, шифрлаш ва дешифрлаш амалиётлари ҳар хил калитлар билан амалга оширилади (очик ва ёпиқ калит билан).

— ахборот оқимларининг чекланиши. Бу, локал тармоқни ўзаро боғлиқ кичик тармоқларга ажратишга ва ушбу кичик тармоқлар орасида маълумот узатишни назорат қилишга ва чеклашга имкон берувчи ҳаммага маълум бўлган техник усуллар.

1) Firewalls (брандмауэрлар). Ушбу усул банкнинг локал тармоғи ва бошқа тармоқлар орасида махсус оралик серверлар яратилишини назарда тутаяди, улар ўзларидан ўтказадиган маълумотлар оқимини (тармоқ/транспорт даражалари трафиғи) инспекция қилади, таҳлил қилади ва филтрлайди. Бу корпоратив тармоқларга ташқаридан ноқонуний кириб келиш хавфини кескин пасайтиришга имкон беради, бироқ ушбу хавфни умуман бартараф қилмайди. Усулнинг энг тарқалган тури – бу маскаррад (masquerading) усули ҳисобланади, бунда локал тармоқдан чиқаётган бутун трафик firewall-сервер номидан юборилади ва шу вақт ёпиқ локал тармоқ деярли кўринмай қолади.

2) Proxy-servers. Ушбу усулда тармоқда маълумот узатиш қоидаларига қатъий чекланишлар киритилади: локал ва глобал тармоқлар орасидаги тармоқ/транспорт даражаларининг бутун трафиғи бутунлай тўхтатилади – маршрутизация мавжуд бўлмайди, локал тармоқдан глобал тармоққа мурожаатлар махсус оралик-серверлар орқали амалга оширилади.

— виртуал хусусий тармоқларни (VPN) яратиш маълумотнинг махфийлигини самарали таъминлашга, уни эшитишдан ва узатилишида шовқиндан ҳимоялашга имкон беради.

— ноқонуний киришларни аниқловчи ва заифликларни сканер қилувчи тизимлар тармоқ хавфсизлигининг кўшимча даражасини яратади.

Юқорида келтирилган усулларни сарҳисоб қилар эканмиз, таъкидлаб ўтиш жоизки, ахборот тизимларини ишлаб чиқиш параллел равишда маълумотларни узатиш ва ҳимоялаш технологияларини ишлаб чиқишни ҳам талаб этади.

Ушбу технологиялар тармоқни “ишончли”га айлантриб узатилаётган маълумотларни ҳимоясини таъминлаши зарур, бироқ ишончилилик замонавий босқичда жисмоний даражадаги эмас, балки мантикий (ахброт) даражадаги сифатида тушунилади.

ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВЛАРНИНГ ХАВФСИЗЛИГИ

Бугун банкларнинг аксарияти тўлов амалиётларини масофали амалга ошириш учун у ёки бу каналларга эга. “Тўловнома”ни модемли уланиш ёки ажратилган алоқа линиясидан фойдаланган ҳолда тўғридан-тўғри офисдан юбориш мумкин. Банк амалиётларини Интернет орқали амалга ошириш ҳақиқат бўлиб қолди – бунинг учун жаҳон глобал тармоғига уланган компьютер ва банкда рўйхатдан ўтган электрон рақамли имзонинг калити бўлса етарли бўлади.

Банк томонидан масофали хизмат кўрсатиш хусусий бизнеснинг самарадорлигини оширишга имкон беради. Бунда қуйидагилар таъминланади:

- вақтни иқтисод қилиш (банкка шахсан келмай туриб, тўловни ҳар қандай вақтда амалга ошириш мумкин);
- ишнинг қулайлиги (барча амалиётлар одатий иш ҳолатида шахсий компьютердан амалга оширилади);
- тўловларга ишлов беришнинг юқори тезлиги;
- ҳужжатга ишлов бериш жараёнида ҳужжат ҳолатини мониторинг қила олиш имкони;
- ҳисоб рақамларда пул маблағларининг ҳаракатлари ҳақида маълумотларни олиш.

Бироқ, очик-ойдин афзалликларга қарамасдан, электрон тўловлар унчалик танилмаган, чунки банк мижозларининг уларнинг ҳимояланганлигига ишончи тўлиқ комил эмас. Бу, аввалам бор, компьютер тармоқларини қандайдир ҳакер осонлик билан “бузиши” мумкин деган фикр билан боғлиқ. Ушбу миф инсоннинг онгида мустаҳкам ўрнашиб олган, навбатдаги веб-сайтларга уюштирилган ҳужумлар ҳақида ОАВларда мунтазам чоп этиб борилиши ушбу фикрни янада мустаҳкамлаб бормоқда.

Аммо замонлар ўзгариб боради ва электрон алоқа воситалари эртами-кечми бир ҳисоб рақамидан бошқасига нақдсиз пул маблағларини ўтказишни амалга оширмоқчи тўловчининг шахсий мавжудлигини ўрнини босади.

Электрон – рақамли имзо (ЭРИ) – хавфсизлик кафолати. Банк ва мижоз ўртасида тузилган намунавий шартномага мувофиқ электрон ҳужжат остида ваколатли шахсларнинг рўйхатга олинган электрон – рақамли имзоларининг мавжудлиги мижознинг ҳисоб рақамларида амалиётларни амалга ошириш учун етарли асос ҳисобланади.

Ҳар бир электрон рақамли имзо калити ваколатли шахснинг ўз қўли билан қўйилган имзонинг аналоги бўлиб ҳисобланади. Агар ташкилотда қоғоздаги “тўловномаларни” одатда бошлиқ ва бош ҳисобчи имзолашса, электрон тизимда ҳам шу тартибни сақлаб қолиш яхшироқ ҳисобланади ва уларга алоҳида электрон рақамли имзо калитларидан фойдаланиш тавсия қилинади.

ЭРИ калити икки қисмдан иборат бўлади – ёпиқ ва очик. Очик калит эгаси томонидан генерация қилинганидан сўнг тасдиқловчи марказга тақдим этилади, унинг вазифасини одатда банк бажаради.

Шундай қилиб, ЭРИ сертификати шаклланади, уни банк электрон тўловлар тизимларида рўйхатга олиш зарур бўлади.

ЭРИ ёпиқ калити (махфий калит) унинг эгаси томонидан ҳеч қандай ҳолатларда бошқа шахсларга берилиши керак эмас. Агар ушбу калит қисқа вақтга бўлса-да, бошқа шахсга берилган ёки бирор жойда қаровсиз қолдирилган бўлса, ушбу калитни ишончни йўқотган (яъни нусхалаш эҳтимоли ёки калитдан ноқонуний фойдаланиш назарда тутилади) ҳисобланади. Бошқа сўз билан айтилганда, калит эгаси бўлмаган шахс ташкилот раҳбарияти томонидан тасдиқланмаган электрон ҳужжатни имзолаш имконини қўлга киритади ва бу ҳужжатни банк ижрога қабул қилади ва тўғри қилган бўлади, чунки ЭРИ текшируви унинг ҳақиқийлигини кўрсатиб беради. Бундай ҳолатда барча жавобгарлик калит эгаси зиммасига юкланади. ЭРИ калити эгасининг ҳаракатлари пластик карталар йўқолганда амалга ошириладиган пайтдагидек бўлиши зарур: калит эгаси хизмат кўрсатувчи банкка калит “ишончни йўқотганлиги” йўқотилганлиги) тўғрисида ахборот бериши лозим. Шунда банк ўз тўлов тизимида ушбу ЭРИ нинг сертификатини блоклаб қўяди ва конунбузар ўзининг ноқонуний топилмасидан ойдалана олмайди.

Шундай қилиб, бизнесда электрон тўловларни қўллаш анъанавий хизмат кўрсатишга нисбатан катта афзалликларни тақдим қилади. ЭРИ калитларидан фойдаланиш ва уларни сақлаш бўйича тавсияларни мижоз ўз банкидан олиши мумкин ва унга риоя қилса тўловларнинг ишончилиги кафолатланади.

15.4.Банк хавфсизлигини информацион-аналитик усуллар билан таъминлаш

Хавфсизлик тизимларининг аксарияти жисмоний шахсларнинг шахсий маълумотларини йўқолишини олдини олиш мақсадида фойдаланувчидан ўз шахсини тасдиқлашни талаб қилади. Фойдаланувчини идентификацияси қуйидагилар асосида амалга оширилади:

- у муайян бир маълумотни (махфий код, пароль) билади;
- у муайян бир предметга эга (карточка, электрон калит, жетон);
- у шахсий хусусиятлар тўпламига эга (бармоқ излари, қўл панжаларининг шакли, овоз тембри, кўз сетчаткасининг сурати ва ҳ. к.);
- у махсус калит қаердалигини ва ундан қандай фойдаланишни билади.

Биринчи усул клавиатурада муайян кодли кетма-кетликни теришни талаб этади – шахсий идентификация рақамни (Personal identification number – PIN). Одатда ушбу кетма-кетлик фойдаланувчи транзакцияни амалга ошираётганда киритилиши лозим бўлган 4-8 рақамлардан иборат бўлади.

Иккинчи усул фойдаланувчи томонидан идентификациялашнинг муайян махсус элементларини тақдим қилинишини талаб этади – нусхаланмайдиган электрон қуролма, карточка ёки жетондан ўқиб олинadиган кодларни.

Учинчи усулда кириш вазифасини инсон шахсининг индивидуал ва физик хусусиятлари ўтайди. Ҳар қандай биометрик маҳсулотга таниб олишда қўлланиладиган тегишли тасвирлар ёки бошқа маълумотларни сақловчи катта ҳажмдаги маълумотлар базаси ҳамроҳлик қилади.

Тўртинчи усулда ускунанинг ёқилиши ёки коммутация қилинишининг алоҳида принципи тақлиф этади, бу унинг ишлашини таъминлайди (бу усулдан камдан-кам фойдаланилади).

Банк ишида иккинчи гуруҳдаги шахсни идентификациялаш воситалари кўпроқ тарқалган: аниқ бир предмет (карточка, электрон калит, жетон). Табиийки

бундай калитдан фойдаланиш биринчи гуруҳдаги идентификациялаш воситалари ва усуллари билан ҳамжиҳатликда амалга оширилади: маълумотдан фойдаланиш (махфий код, пароль).

Келинг банк ишида қўлланиладиган идентификациялаш воситаларини батафсил кўриб чиқамиз.

ПЛАСТИК КАРТАЛАР

Бугунги кунда дунёнинг турли давлатларида бир ярим миллиард трофида карточкалар фойдаланишга чиқарилган.

Улардан энг таниқли бўлганлари:

- Visa ва MasterCard кредит карточкалари;
- Eurocheque ва Postheque халқаро чекли кафолатлар;
- саёҳатлар ва кўнгилхушликларни тўлаш учун American Express ва Diners Club карточкалари.

МАГНИТ КАРТОЧКАЛАРИ

Банк ишида идентификациялаш воситалари сифатида магнит полосали пластик карточкалар анчадан бери танилган ва фойдаланиб келинмоқда (кўпчилик тизимлар оддий кредит карточкалардан фойдаланишга имкон беради). Маълумотни ўқиб олиш учун карточкани (магнит полоса томони билан) ридернинг (ўқиб олувчи) махсус туйнугидан ўтказиш зарур. Одатда ридерлар ташқи қурилма кўринишида ишланган бўлади ва ком-пьютернинг изчил ишлайдиган ёки универсал порти орқали уланади. Ридерлар, шунингдек клавиатура билан бирлаштирилган ҳолда ҳам ишлаб чиқарилади.

Бироқ ушбу карталардан фойдаланишнинг афзалликлари ва камчиликлари ҳам мавжуд.

Камчиликлар:

— магнит карточка қўл остидаги усукуна ёрдамида осонлик билан нусхаланиши мумкин;

— кирланиш, магнит қатламига ўтказилган кичик механик таъсир, картанинг электромагнит майдонларининг кучли манбалари ён-атрофида бўлиши картанинг ишдан чиқишига олиб келади.

Афзалликлар:

— бундай карталарни чиқаришга ва улар орқали хизмат кўрсатишга харажатлар унчалик катта бўлмайди;

— магнит пластик карталар индустрияси охириги ўн йиллар давомида ривожланиб келган ва ҳозирги кунга келиб карталарнинг 90% дан ортиғи — бу пластик карталардир;

— магнит карталарнинг қўлланиши фойдаланувчиларнинг катта миқдори ва карталарнинг тез алмашиб туриши билан ўзини оқлаган (масалан, меҳмонхона номерига кириш учун).

PROXIMITY-КАРТАЛАР

Умуман олганда — бу электрон жетонларни ривожлантириш ғояси ҳисобланади. Бу қурилма — ичида такрорланмас коди ёки радиоузаткичи бўлган контактсиз карточка (бироқ у брелок ёки браслет). Маълумотни ўқувчи ускуна доимий равишда электромагнит энергия тарқатувчи махсус антенна билан жиҳозланган. Карточка ушбу майдонга кирган заҳоти карточканинг чипига ишлов берилади ва карта ўқиб олувчи ускунага ўзининг такрорланмас кодини юборади.

СМАРТ-КАРТАЛАР

Магнит картадан фарқли равишда смарт-картада микропроцессор ва энергия узатиш ҳамда ўқувчи ускуна билан маълумот алмашиш учун контакт майдончалари мавжуд бўлади. Смарт-карта ҳимоянганликнинг юқори даражасига эга. Смарт-карталар технологияси йигирма йилдан бери мавжуд ва ривожланиб келмоқда, бироқ жуда ҳам кенг тарқалиши охирги бир неча йилларда рўй берди. Смарт-карта билан ишлаш учун компьютер махсус қурилма билан жиҳозланган бўлиши зарур — бу ички ёки ташқи картридер. Карталарнинг кўпчилиги аутентификациянинг турли хилини (алгоритмларни) кўзда тутди. Электрон таниб олиш жараёнида уч томон иштирок этади: карта фойдаланувчиси, карта, терминал қурилма (картани ўқиш қурилмаси).

ЭЛЕКТРОН ЖЕТОНЛАР

Ҳозирги кунда фойдаланувчилари ёки эгаларини идентификациясини талаб қилувчи турли тизимларда электрон жетонлардан кириш усули сифатида кенг фойдаланилмоқда. Бундай жетоннинг танилган намунаси — электрон “таблетка”. “Таблетка” зангламайдиган пўлатдан думалоқ корпусда ишланади ва ичида такрорланмас рақами бўлган чип ўрнатилган. Фойдаланувчининг аутентификацияси “таблетка”, одатда компьютернинг изчил ишлайдиган портига уланадиган махсус контакт қурилмага тегганидан сўнг амалга оширилади. Шундай қилиб, хонага киришга ва шунингдек компьютерда ишлашга рухсат бериш ҳамда ноқонуний фойдаланувчиларнинг компьютердаги ишини тўхтатиш мумкин.

Банк маълумотларини ҳимоя қилиш муаммоси, уни безъятибор қолдириш учун жуда жиддий ҳисобланади. Охирги вақтда баъзи банкларда махфийлик даражасининг бузилиши ҳолатлари кузатилмоқда. Бунга мисол қилиб турли тижорат компаниялари ва алоҳида шахслар ҳақи-даги маълумотларнинг компакт-дискларда эркин фойдаланишда пайдо бўлишини келтирса бўлади. Назарий жиҳатдан бизнинг мамлакатимизда банк маълумотларини ҳимоялашни таъминлаш учун қонунчилик базаси етарли, бироқ унинг амалда қўлланиши ҳали кўнгилдагидан анча йироқ. Ҳозирга қадар бирорта банк маълумотни тарқатгани учун ёки бирор бир компания махфий маълумотга эгалик қилишга урингани учун жазоланганлик ҳолатларини учратганимиз йўқ.

Банкдаги маълумотларни ҳимоялаш — бу комплекс масала бўлиб, фақат банк дастурлари доирасида ҳал бўлиши мумкин эмас. Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда, банк соҳасида ишлаётганда корпоратив ва тижорат маълумотлар ёпиқ ҳолда бўлишига ишонч ҳосил қилиш керак деган хулосага келса бўлади. Бироқ нафақат ҳужжатлар ва бошқа ишлаб чиқариш маълумотларини ҳимояси учун, балки тармоқ соғламалари ва компьютерда тармоқ фаолиятининг параметрлари учун ҳам қайғуриш зарур бўлади.

Банкда маълумотларни ҳимоялаш масаласи бошқа ташкилотларникидан кўра анча жиддий тарзда қўйилади. Ушбу масалани ҳал қилиш ўз ичига ҳимояни таъминловчи ташкилий, тизимли чора-тадбирларни қамраб олади.

Назорат учун саволлар:

- 6- Банк хавфсизлигини ташкилий жиҳатдан таъминлаш усуллари нималардан иборат?
- 7- Банклар хавфсизлик хизмати қандай ташкил этилади?
- 8- Банк хавфсизлигини муҳандис-техник воситалари нималардан иборат?
- 9- Банк хавфсизлигини информацион-аналитик усуллар билан таништиринг.

МАҚОЛАЛАР

CREDIT PORTFOLIO SECTOR CONCENTRATION AND ITS IMPLICATIONS FOR CAPITAL REQUIREMENTS

Libor Holub, Michal Nyklíček, Pavel Sedlář

- › Нақд пул ўтказмалари глобаллашув жараёнининг бир дебочаси бўлиб ҳисобланган. Нақд пуллар маълум бир тизим орқали кўпроқ ривожланган давлатлардан иқтисоди аста-секин ривожланиб келаётган давлатларга, маълум бир шахс номига жўнатилади.
- › Ҳозирги кунда пул ўтказмалари янги хизмат турларидан бири бўлишига қарамасдан, уларнинг салмоғи йилдан – йилга ортиб бориб, бу хизмат туридан фойдаланаётганлар сони тобора ортиб бормоқда.

› Мамлакатимизда 2002 йилда аниқ 3 та нақд пул ўтказмалари тизими амалиётга тадбиқ этилган эди. Улар АҚШнинг “WESTERN УНИОН”, “МОНЕЙГРАМ” ва Россиянинг “Бистрая почта” тизимларидир. Бу даврда ушбу нақд пул ўтказмаларининг деярли барчасида ўртача коммиссион баҳоси ўтказилаётган пул миқдорининг 10 фоизи атрофида бўлган. 2009-2010 йилларга келиб, республикамизда 20дан ортиқ нақд пул ўтказмалари тизими амал қилиб, уларнинг ўртача коммиссион баҳоси 2 фоиздан 4 фоизгачани ташкил қилди. Айрим банкларда фақат битта нақд пул ўтказмалари тизимидан фойдаланилса, айрим банкларда 5-6 хил ва ундан ортиқ нақд пул ўтказмалари тизими аҳолига таклиф қилинмоқда.



WESTERN УНИОН пул ўтказиш тизими орқали Ўзбекистон Республикасидан МДХ давлатларига ва бошқа давлатларга пул ўтказиш ўртача тарифлари (АҚШ долларларида)

Ўзбекистон Республикасидан МДХ давлатларига пул ўтказиш тарифлари			Ўзбекистон Республикасидан бошқа давлатларга пул ўтказиш тарифлари		
Ўтказиладиган сумма	Коммиссион миқдори	ҳақ	Ўтказиладиган сумма	Коммиссион миқдори	ҳақ
100.00 гача	6.00		50.00 гача	13.00	
100.01-200.00	9.00		50.01-100.00	15.00	
200.01-300.00	14.00		100.01-200.00	22.00	
300.01-400.00	19.00		200.01-300.00	29.00	
400.01-500.00	24.00		300.01-400.00	34.00	
500.01-750.00	29.00		400.01-500.00	40.00	
750.01-1000.00	37.00		500.01-750.00	45.00	
1000.01-1500.00	53.00		750.01-1000.00	50.00	
1500.01-2000.00	69.00		1000.01-1500.00	75.00	
2000.01-2500.00	89.00		1500.01-1750.00	80.00	
2500.01-3000.00	109.00		1750.01-2000.00	90.00	
3000.01-6500.00	129.00		2000.01-2500.00	110.00	
			2500.01-3000.00	120.00	
			3000.01-3500.00	140.00	

МОНЕЙГРАМ- пул ўтказиш тизими жаҳоннинг 170 дан ортиқ мамлакатларида фаолият юритади. Валюта ўтказмалари АҚШ доллари, Россия рубли ва Еврода амалга оширилади.

2003 йилнинг 15 апрел кунини Галла банк (ҳозирда Қишлоқ қурилиши банки) ва “МОНЕЙГРАМ ПАЙМЕНТ СИСТЕМ Инс” компанияси ўртасида халқаро пул ўтказмалари бўйича Келишув имзоланди. МОНЕЙГРАМ компанияси бу- “Тхомас Соок Групп Лтд” ва “МОНЕЙГРАМ ПАЙМЕНТ СИСТЕМ Инс” компанияларининг биргаликда ташкил етилган қўшма корхонаси бўлиб, ҳозирги кунда у ўзининг қўшма мамлакатларда жисмоний шахслар учун тез ривожланиб бораётган пул ўтказмалари тизими сифатида намоён бўлмоқда.

МОНЕЙГРАМ пул ўтказмалари тизимининг бир қатор авзалликлари мавжуд. Бу қўлайликлар қуйидагилар:

- Тезкорлик (операциялар тезкор амалга оширилади).
- Қўлайлик (тўловлар нақд пул берилиши билан амалга оширилади).
- Хизмат кўрсатиш шахобчалари тармоғининг кенлиги (дунёнинг 155 та мамлакатда 55000 дан ортиқ қўлай жойлашган хизмат кўрсатиш шахобчалари мавжуд).
- Қўлай ва рақобатбардош нархлар.
- Бепул маълумот бериш.

➤ **МОНЕЙГРАМ пул ўтказмалари тизими орқали пул юбориш тартиби.**

1. Тўловнинг белгиланган манзили каталогдан фойдаланган ҳолда текшириб қўрилади.
2. Пул маблағларини ўтказиш бланкиси тўлдирилади.
3. Мижоз ҳақидаги маълумотлар текширилади.
4. Мижоздан хизмат ҳаққи олинади.
5. Операцияларни қайта ишловчи Бош офис билан боғланилади.
6. Мижозга берилган махсус номер Бош офисдан қабул қилинади ва бланкага ёзиб қўйилади.

Мижозга махсус номер ёзилган бланканинг иккинчи нусхаси топширилади.

“АНЕЛИК”- пул ўтказмаси Россия рубли ва АҚШ долларида амалга оширилади. Дунёнинг 90 дан ортиқ мамлакатлари ўртасида ушбу тизим бўйича пул ўтказмалари 3 соатдан 24 соат оралиғида ўтказилади. “АНЕЛИК” бўйича ўтказилган пул маблағларининг 3% миқдорда кўрсатилган хизмати учун ҳақ олади. Бу ўтказмадан Савдогарбанк, Ҳамкорбанк, Ипак йўли банки каби тижорат банклари амалиётида фойдаланилади. “АНЕЛИК”- пул ўтказмаси жисмоний шахслардан юридик шахсларга пул ўтказмаларини ўтказишни таклиф етади. Бундай хизматларга тўловларни йиғиш, хизматлар ҳақини тўлаш, товар сотиб олиш, электрон ҳамёнларни тўлдириш ва бошқалар киради.

“АНЕЛИК”- пул ўтказмаси бўйича операцияга асос бўлиб барча пул ўтказмаларида бўлган каби пул ўтказиш учун берилган ариза ҳисобланади. Амалий ишчи пул жўнатувчининг аризада зарур ҳоллар учун ўз телефон рақамларини кўрсатиб ўтишини тавсия қилиши керак.

Пул ўтказмалари бозорининг етакчи иштирокчиларидан бири “Сонтаст” пул ўтказиш тизими бўлиб, у Россиянинг 1-ҳалқаро пул ўтказмаларини амалга ошириш тизимидир. У орқали мижозга ҳисобрақам очмай туриб АҚШ доллари, Евро ва Россия рублида пул ўтказмаларини амалга ошириш мумкин.

“Сонтаст” қуйидаги хизматларни таклиф этади:

- Жисмоний шахслардан юридик шахсларга пул ўтказмаларини ўтказиш. Бундай хизматларга тўловларни йиғиш, хизматлар ҳақини тўлаш, товар сотиб олиш, электрон ҳамёнларни тўлдириш ва бошқалар киради.
- Юридик шахслардан жисмоний шахсларга пул ўтказмаларини ўтказиш. Бундай хизматларга ютуқлар, гонорарлар, ҳамда электрон ҳамёнлардаги маблағларни тўлаш ва бошқалар киради.
- ▶ Пул ўтказмалари ва ўтказилган пул маблағларини қабул қилиб олишни амалга ошириш учун шахсни тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилиши лозим.

▶ “Золотая Корона” ҳисобрақам очмасдан туриб лаҳзалик манзилсиз пул ўтказмалари тизими. Ушбу тизим пул ўтказмалари бозорида 2003 йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда ва бир қатор жаҳон миқёсидаги ва маҳаллий пул ўтказмалари тизимлари билан ҳамкорлик туфайли дунёдаги 200 дан ортиқ мамлакатда жойлашган шахобчаларга эга. “Золотая Корона” пул ўтказмаси орқали пулларни Абхазия, Озарбайжон, Арманистон, Беларус, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Ўзбекистон, Украина, Туркия ва Хитой мамлакатларида жойлашган 34 000 дан ортиқ хизмат кўрсатиш шахобчаларидан олиш мумкин.

▶ “Золотая Корона” пул ўтказмаси орқали пул ўтказилганда қуйидагилар қафолатланади:

- ✓ ўтказмаларни пул ўтказиш шахобчалари орқали жўнатиш ва бериш тармоғи;
- ✓ ўтказиш тезлиги – уни у жўнатиладиган кейин қисқа вақт ичида олиш мумкинлиги;
- ✓ ўтказмани расмийлаштиришда фақат у ўтказиладиган мамлакат ва шахарни кўрсатиш зарур. Одувчининг ўзи учун энг қулай бўлган шахобчани унинг узи танлаши мумкин.

▶ Республикамиз тижорат банклари юқорида кўриб чиққан нақд пул ўтказмаларининг WESTERN УНИОН ва МОНЕИГРАМ, “СОНТАКТ”, “АНЕЛИК” дан ташқари жуда кўплаб турларини таклиф етмоқдалар. Уларга “МИГОМ”, “БЛИЗКО”, “ИНТЕРЕХПРЕСС”, “ТРАВЕЛЕХ”, “ЛЕАДЕР”, “Быстрая почта”, “Ўзбекистон экспресс”, “Азия экспресс” каби пул ўтказиш тизимларини киритиш мумкин.

▶ “МИГОМ”- нақд пул ўтказмаси асосан МДХ давлатлари ўртасида фаолият юритади. Ушбу тизим бўйича пул ўтказмалари 10-15 минут ичида ўз эгаларига етказилади. Бунда пул ўтказмаси суммасининг 2%и миқдоридан комиссия ҳақ олинади. “МИГОМ” нақд пул ўтказмаси тизими орқали Капитал банк, Ўзсаноатқурилишбанк ва Кредит - стандарт банклари аҳолига банк хизматларини кўрсатмоқдалар.

▶ “БЛИЗКО”- ушбу пул ўтказиш тизими 2006 йилда ишга туширилган бўлиб, ҳозирги кунда ундан Россия, Арманистон, Озарбайжон, Беларусия, Грузия, Молдова, Ўзбекистон, Қирғизистон, Украина, Тожикистон каби давлатлар кенг фойдаланмоқдалар. “БЛИЗКО” пул ўтказиш тизими бўйича АҚШ доллари, Евро ва Россия рублида пул ўтказмаларини амалга ошириш мумкин.

▶ “ИНТЕРЕХПРЕСС” жисмоний шахслар бўлган мижозларга ҳисобрақам очмай туриб пул маблағларини дунёнинг исталган мамлакатларига жўнатиш имкониятига эга бўлган ҳалқаро пул ўтказиш тизимидир. Ушбу тизим орқали пул ўтказмаларини манзилга етказиш 3-6 соат ичида таъминланади. “ИНТЕРЕХПРЕСС” бўйича ўтказмаларни АҚШ доллари, Евро ва Россия рублида пул ўтказмаларини амалга оширилади.

▶ “Быстрая почта”- пул ўтказмаси бўйича ўтказилган пул маблағлари бор-йўғи 20 минут ичида эгасига етказиб берилади. Бунда ўтказилган жўнатма миқдорининг 2% миқдоридан комиссия ҳақ тўланади. “Быстрая почта”- пул ўтказмаси бўйича пул ўтказмалари Россияда рубл, Россия, Ўзбекистон, Арманистон, Грузия Озарбайжон, Беларусия, Қозоғистон, Молдовия, Қирғизистон, Украина, Тожикистон қои давлатларда АҚШ доллари ва Еврода амалга оширилади.

▶ “Ўзбекистон экспресс”- Ўзбекистон ҳудудидаги тижорат банкларида ҳисобрақам очмасдан туриб, фақат миллий валютада пул ўтказмаларини республиканинг исталган жойига жўнатиш тизимидир. Нақд пул ўтказмалари 3 банк иш кунда ўз манзилга етказилиши таъминланади. “Ўзбекистон экспресс”- пул ўтказмаси бўйича ўтказиб бериладиган пул маблағларининг миқдорига қараб 0.5-4% миқдоридан комиссия ҳақ олинади.

Фанга доир видео маърузалар, видео роликлар

<http://study.com/academy/course/banking-related-services-guide.html>

<http://study.com/academy/lesson/banking-system-definition-types.html>

<http://study.com/academy/lesson/safeguards-controls-of-banking-activities.html>

<http://study.com/academy/lesson/the-renaissance-economy.html>

<http://study.com/academy/lesson/how-technology-makes-banking-more-efficient.html>

<http://study.com/academy/lesson/the-world-bank-imf-other-international-banking-organizations.html>

<http://study.com/academy/lesson/using-atms-mobile-online-banking-method-examples.html>

<http://study.com/academy/course/financial-banking-securities-law-guide.html>

ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ШАРҲИ

ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ШАРҲИ**1. Маъруза машғулотларнинг ташкил этишнинг асосий шакллари**

Маъруза машғулоти – ОЎЮда ўқитишни ташкил этишнинг етакчи шакли ҳисобланади, билимларни бирламчи эгаллашга йўналтирилган.

Маърузани асосий белгиланиши – ўқитишни назарий асосини таъминлаб бериш, ўқув фаолиятга ва аниқ ўқув фанга қизиқишни ривожлантириш, курсантларга ўқув курси устидан мустақил ишлаш учун ориентирларни шакллантириш.

Маъруза материалларининг мазмуни ва ҳажмига талаблар

Маъруза материалларининг мазмуни қуйидаги мезонларга жавоб бериши лозим:

- янгилик, илмийлик, асослилик ва ахборот учун белгиланганлик;
- аниқ, ишончли мисол, факт, асоснома ва илмий далилларнинг мавжудлиги;
- фактга асосланган (статистик ва в.х.) материалларни кўп эмаслиги.

Маъруза материалларининг ҳажми режалаштирилган мавзунини ёритиш учун етарли бўлиши керак.

Маърузалар турлари вауларга хос хусусиятлар

Ўқув машғулотнинг мақсади	Маъруза тури, унинг ўзига хос хусусиятлари
<i>Кириш маърузаси</i>	
Фан доирасида ўқув ахборотини ўзлаштириш бўйича талабалар ҳаракатининг йўналтирувчи асосини таъминлаш.	Таълим бериш тузилишида мотивацион босқич ҳисобланади. Унинг вазифаси – ўқув фани мазмуни, унинг ўқув жараёнидаги ўрни ва келгусидаги тезкор-хизмат фаолиятдаги аҳамияти тўғрисида дастлабки тасаввурларни бериш, талабаларни ишлаш тизимида йўналтириш, олдинда турган мустақил ишнинг услубиёти ва ташкиллаштирилиши билан таништириш, ҳисобот бериш вақти ва баҳолашни аниқлаштириш.
<i>Ахборотли маъруза</i>	
Ўқув мавзу бўйича тасаввурни шакллантириш	Бу анъанавий маъруза тури: маъруза режасига мувофиқ ўқув материални монологик тарзда изчилликда баён этиш.
<i>Муаммоли маъруза</i>	
Муаммони белгилаш ва уни ечимини топишни ташкиллаштириш/анъанавий ва замонавий нуқтаи назарларни жамлаш ва таҳлил қилиш ва в.х. орқали ўқув мавзуси бўйича тасаввурни/билимларни шакллантириш.	Янги билимлар савол/вазифа/вазиятларнинг муаммолиги орқали киритилади. Бу жараёнда талабаларнинг билиши ўқитувчи билан ҳамкорлигига ва диалогига асосланади, ҳамда изланувчилик фаолиятига яқинлашади.
<i>Кўргазма маъруза</i>	
ЎТВдан кенг фойдаланиш	Бундай маърузани ўқиш, кўриб чиқиладиган

Ўқув машғулотининг мақсади	Маъруза тури, унинг ўзига хос хусусиятлари
орқали ўқув мавзуси бўйича тасаввурни/билимларни шакллантириш.	кўргазмали материалларни очиб беришга ва қисқача шарҳлашга олиб келади.
Бинар маъруза	
Талабаларга мунозара маданиятини, муаммони ҳамкорликда ечишни намоиш этиш орқали ўқув мавзуси бўйича тасаввурни/билимларни шакллантириш.	Бундай маърузани ўқиш икки ўқитувчи/2-мактабнинг илмий вакиллари/олим ва амалиётчи/ўқитувчи ва талабаларнинг диалогини ўзида намоён этади.
Анжуман-маъруза	
Ўқув ахборотни излаш, танлаш ва баён этиш жараёнида талабаларнинг фаол иштирокларида ёритиб бериш орқали ўқув мавзуси бўйича тасаввурни/билимларни шакллантириш.	Олдиндан белгиланган муаммо ва уни ҳар томонлама ёритиб бериш назарда тутилган маърузалар тизими (5-10 дақ. давомийлигида) билан, илмий-амалий машғулоти кўринишида ўтказилади. Машғулоти якунида ўқитувчи мустақил иш ва сўзга чиқишларга якуни ясайди, ахборотни тўлдиради/аниқлик киритади, асосий хулосаларни ифода қилади.
Умумлаштирувчи маъруза	
Билимларни батафсил ёритиш ва аниқлаштиришларсиз тизимлаштириш.	Маърузада баён этилаётган назарий ҳолатларнинг негизини курснинг ёки катта бўлимларнинг илмий-тушунчали ва концептуал асоси ташкил этади.
Маслаҳатли-маъруза	
Билимларни чуқурлаштириш, тизимлаштириш.	Турлича сценарий бўйича ўтиши мумкин. 1. “Савол-жавоблар”- ўқитувчи бўлим ёки тўлиқ курс бўйича талабалар саволларига жавоб беради. 2. “Савол-жавоблар-мунозаралар”: ўқитувчи нафақат саволларга жавоб беради, балки жавобларни излашни ҳам ташкиллаштиради.
Якуний маъруза	
Билимларни батафсил ёритиш ва аниқлаштиришларсиз тизимлаштириш.	Курсни ўрганишни якунлайди, бутун давр мобайнида ўтилганларни умумлаштиради. Якуний маърузада ўқитувчи курснинг асосий ғояларини ажратади, келгусидаги тезкор-хизмат фаолиятда ва бошқа фанларни ўрганишда олган билимларни қандай қўллаш йўллари кўрсатади, фан бўйича якуний назорат хусусиятини тушунтиради, якуний назорат вариантларининг мураккаб саволларини тушунтиради.

2. Амалий машғулотларни ташкил этишнинг асосий шакллари

Амалий машғулоти:

- ўқувчиларни ўқитувчи билан ва ўзаро фаол суҳбатга киришишига йўналтирилган,

- назарий билимларни амалий фаолиятда амалга ошириш учун шароитни таъминловчи,
- олинган билимларни амалий фойдаланиш имкониятларини муҳокама қилишга мўлжалланган машғулотнинг ўқитиш шакли.

-

Амалий машғулотнинг мазмунига қўйиладиган талаблар

- муҳокамага мунозарали саволлар олиб чиқилади;
- муҳокама қилинувчи саволлар илм-фаннинг эришган замонавий ютуқлари томони билан кўриб чиқилади;
- назария ва амалиётни узвий бирлиги очиб берилади;
- муҳокама қилинувчи материалнинг талабаларнинг бўлғуси касбий фаолияти билан алоқаси таъминланади;
- кўриб чиқиладиган материал адабиётда мавжуд эмас ёки материал, қисман баён этилган.

Амалий машғулотлар турлари ва уларга хос хусусиятлари

Амалий машғулот тури	Амалий машғулот шакли, унинг ўзига хос хусусиятлари
Талабаларнинг назарий билимларини тизимлаштириш/ тузилмага келтириш/ мустаҳкамлаш/ кенгайтириш: - методологик нуқтаи назаридан энг муҳим ва ўзига хос фан мавзуларининг яхши ўрганиш. - тушуниш ва ўзлаштириш учун мураккаб бўлган мавзу саволларини батафсил ўрганиш. - касбий тайёргарлик сифатини аниқловчи, алоҳида асосий бўлган мавзуларни батафсил ўрганиш.	Кенг кўламли суҳбат. Ҳамма учун умумий бўлган тавсия этиладиган мажбурий ва қўшимча адабиётлар билан машғулотнинг ҳар бир режа саволларига талабаларни тайёргарлигини назарда тутди. Фаоллаштиришни барча воситаларини қўллаш билан: сўзга чиқувчига ва барча гуруҳга яхши ўйлаб тузилган аниқ ифодаланган саволлар, сўзга чиқувчи талабаларни кучли ва кучсиз томонларига талбалар диққатларини қарата олиш, талабалар диққатти ва қизиқишини, иш жараёнида очиб бериладиган, янги томонларга ўша вақтни ўзида ажратиб кўрсатиш ва бошқалар асосида кўпчилик талабаларни саволларни муҳокама қилишга жалб қилиш имконини беради. Кенг кўламли суҳбат баъзи саволлар бўйича алоҳида талабаларни аввалдан режалаштирилган қўшимча равишда сўзга чиқишларини истисно қилмайди, балки, тахмин қилади. Бироқ бундай маълумотлар муҳокама учун асос бўлмайди, балки муҳокама қилинган саволлар учун тўлдирувчи бўлади. Маъруза ва рефератлар муҳокамаси. Муҳокамага 12—15 дақиқа давомийлигидаги 2-3 маърузадан кўп бўлмаган маърузалар олиб чиқилади. Баъзида қўшимча маърузачи ва оппонентлар (муҳолифлар) белгиланади. Охириги чиқувчилар мазмунни қайтармаслик учун, маъруза матни билан танишадилар. Бироқ кўп ҳолларда, маърузачи ва оппонентлар, қўшимча маърузачилардан ташқари, ҳеч ким семинарга жиддий тайёрланмайди. Сўзга чиқувчиларни ўзлари ҳам фақат бир саволни

ўрганадилар. Шу билан бирга, одатий семинар ишига “қуруқ назариялик” элементини киритиб, бундай машғулотлар талабаларда баъзи қизиқишларни уйғотади. Талабаларни ҳар бирини қўшимча маърузачи ёки оппонент сифатида тайёрланиб келишга ўргатиш жуда муҳим ҳисобланади. Рефератли маърузаларни якуний семинарда, унинг асосий саволлари аввалдан муҳокама қилиб бўлинган, катта бир мавзу бўйича кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Пресс-конференция.

Қисқа сўзга чиқишдан сўнг биринчи савол бўйича маърузачига (агарда маърузалар бир қатор талабаларга берилган бўлса, ўқитувчининг ўзи улардан бирига сўз беради) сўз берилади. Шундан сўнг ҳар бир талаба маъруза мавзуси бўйича унга савол бериши лозим. Савол ва жавоблар семинарнинг марказий қисмини ташкил этади. Қанча кўп жиддий тайёргарлик кўрилса, саволлар шунчалик чуқур ва маҳоратли берилади. Саволларга аввал маърузачи жавоб беради, сўнгга у ёки бошқалар бўйича истаган бир талаба ўз фикрини билдириши мумкин. Бундай ҳолатларда қўшимча маърузачилар, агарда шундайлар белгиланган бўлса, фаол бўладилар. Ўқитувчи ҳар бир муҳокама қилинаётган савол бўйича, ёки семинар якунида ўз хулосасини қилади.

Ўзаро ўқиш.

Тушуниш ва ўзлаштириш учун энг кўп мураккабликдаги саволларни ўрганиш асосий мақсадга эга бўлган, семинар. Семинар мобайнида талабаларни ўзаро ўқишга йўналтириш муҳим ҳисобланади: ҳар кичик-гуруҳга мавзунинг бир саволи берилади, бу бўйича улар ишлайдилар ва бунга асос (эксперт варақлар – саволни ёритиш режаси, тайёрланган маълумотларни визуал тақдим этиш бўйича тавсиялар) берилади. Эксперт гуруҳларнинг иш натижалари тақдимотидан сўнг ўқитувчи хулосалар қилади.

Юмолоқ (ёзма /оғзаки) стол.

Ўтган мавзу бўйича билимларни чиқурлаштириш ва аниқлаштириш, бор билимларни сафарбар қилиш ва ҳар хил вазиятларда уларни қўллаш, ўз фикрларини қисқа ва асосланган ҳолда баён қилиш кўникмаларини ривожлантириш асосий мақсадга эга бўлган, семинар.

Ҳар хил сценарийлар бўйича ўтказилиши мумкин.

1. «Ёзма юмолоқ стол» - талабанинг саволи / ечими топилиши керак бўлган ғоя ёзилган варақ, доира бўйича узатилади ва ҳар бир иштирокчи ўз

<i>Илм-фаннингалоҳида хусусий муаммоларини чуқурроқ ишлаб чиқиш.</i>	мулоҳазаларини қўшади. 2. «Оғзаки юмолоқ стол» - ҳар бир талаба қўйилган саволнинг жавобига ўз қўшимчаларини киритади / олдинги иштирокчи томонидан таклиф қилинган ғояни қўллаб-қувватлайди ва ривожлантиради. Спецсеминар. Бакалавриятнинг 4 курсида, магистратурада ўтказилади. Илмий мавзу бўйича ёш тадқиқотчиларни мулоқат мактабини ифодалайди. Спецсеминар вақтида талабаларнинг гуруҳларда ишлашга ва уни баҳолашга, илмий тадқиқотлар усулларида фойдаланишга интилишлари катта рол ўйнайди. Спецсеминарнинг якуний машғулотида ўқитувчи, қоидага кўра, семинарларни ва талабаларнинг илмий ишларини муҳокама қилинган муаммоларни келгусида тадқиқотлар қилиш истиқболларини ва талабаларни уларда иштирок этиш имкониятини очиб умумлаштиради.
Махсус (касбий) ва умумқув кўникма ва амалий малакаларни шакллантириш: - амалий муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ечиш жараёнида ҳаракатлар алгоритминини аниқлаш билан боғлиқ эгаллаган назарий билимларни амалий қўллаш.	Таълимий ўйин. Ўқитиш самарадорлигини унинг иштирокчиларини нафақат билимларни олиш жараёнига фаол жалб қилиш, балки уларни (ҳозир ва шу ерда) фойдаланиш орқали оширишга имкон беради; ўзгарувчан вазиятларда ўзини тутиш тактика кўникмаларини шакллантиради; вырабатывает динамику ролевого поведения; амалиёт имитациясини ифодалайди; аниқ кўникма ва малакаларни шакллантиришга ва ишлаб беришга қаратилган. Семинар натижавийлигини унинг ташкилий-услубий таъминоти белгилайди: ўйиннинг технологик харитасини ишлаб чиқиш; ўйин атрибутларини ва материаллар пакетини: вазият баёни, иштирокчилар учун йўриқномалар, персонажлар таърифи (агар ўйин ролли ёки ишбилармон бўлса) ёки вазиятли кўрсатмалар (агар ўйин моделлаштирувчи бўлса) тайёрлаш. Амалий топшириқларни бажариш. Амалий топшириқларнинг кўпчилиги кичик гуруҳлар таркибида бажарилади ва қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: йўриқнома бериш → ўқув топшириқни бажариш бўйича йўриқнома билан танишиш → топшириқни бажариш → натижаларнинг оммавий тақдими → натижаларни умумлаштириш ва баҳолаш. Масалалар ечиш бўйича машқ. Якка тартибда амалга оширилади ва қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: йўриқнома бериш – масалани ечиш – натижаларни танлама тақдими -

	умумлаштириш. Муаммоли масалалар ва вазиятларни ечиш. Муаммоли масалалар ва вазиятларни ишлаб чиқиш жуда катта меҳнат талаб қилади. Лекин талабалар томонидан амалий касбий фаолиятдан олинган муаммоли масалаларни ечиш ва муаммоли вазиятларни кўриб таҳлил қилиш назарияни ҳақиқатий амалиёт билан боғлашга имкон беради. Бу ўқитишни фаоллаштиришга имкон беради, талабаларга ўрганилаётган материални амалий фойдасини тушунишга ёрдам беради. Таълим берувчи амалий муаммоли вазиятларни (кейсларни) ечиш. Кейс (муаммоли вазиятдан фарқли равишда) талабаларни муаммони ифодалаш, муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва баҳолаш, уни мақсадга мувофиқ ечим вариантларини кидиришга йўналтирувчи ташкилотлар, инсонлар гуруҳи ёки алоҳида индивидларни ҳаётининг муайян шароитларини ёзма равишда тақдим этилган баёнини ўз ичига олади. Кейсни ечиш жараёни қуйидаги босқичларини ўз ичига олиш муҳим: → муаммони яқка тартибда таҳлил қилиш ва ечиш, → яқка тартибда топилган ечимни биргаликда (кичик гуруҳларда) таҳлил қилиш, ўзаро мақбул ечим вариантини расмийлаштириш, → гуруҳ ишини тақдимоти, → муаммони ечиш усул ва воситаларининг энг мақбул вариантини жамоавий тарзда танлаш. Фиклаш жараёни, муаммоли вазиятни ечиш жараёнида пайдо бўлинган, мустақил топилган далиллар ориентирларни, касбий бойликларни топишга ва мустақкамлаштиришга, келгуси касбий фаолияти билан алоқани англашга кўмаклашади. Ўқув лойиҳаларнинг тақдимоти ва баҳоланиши Ушбу ўқув машғулоти тайёрлашда ўқитувчининг роли қуйидагилардан иборат: лойиҳа топшириғини ишлаб чиқиш; талабаларга маълумотларни излашда ёрдам бериш; ўзи ахборот манбаи бўлиши; бутун жараёни мувофиқлаштири; иштирокчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш; узлуксиз қайта алоқани амалга ошириш; маслаҳат бериш. Ушбу ўқув машғулотида гуруҳлар ўз фаолиятининг натижалари тўғрисида маъруза қилишади ва уни белгиланган шаклда тақдим этишади (лойиҳавий фаолиятнинг натижаларини, ҳамда лойиҳа махсулотини тасвирий ва оғзаки тақдимот кўринишида).
--	--

	Ўқитувчи гуруҳларнинг ўзаро баҳоланишини ташкиллаштиради ва лойиҳа иштирокчининг фаолиятини баҳолайди.
Талабаларни назарий ва амалий тайёргарлик даражасини назорат қилиш ва баҳолаш	Коллоквиум. Ўқитувчининг талабалар билан коллоквиумлари (суҳбатлашуви) одатда курснинг у ёки бу мавзуси бўйича билимларини аниқлаш, уни чуқурлаштириш мақсадида олиб боради. У кўпинча 1) дастурда кўзда тутилмаган, лекин талабаларда қизиқиш уйғотган кўшимча мавзулар бўйича; 2) фаннинг алоҳида мураккаб, лекин талабалар томонидан етарли даражада ўзлаштирилмаган мавзулари бўйича кўшимча дарслар мобайнида; 3) охириги семинар машғулотларида жавоб берамаган талабаларни бириш даражасини аниқлаш учун. Семинар-коллоквиум мобайнида маъруза, реферат ва бошқ. Ёзма ишлар текширилиши мумкин. Ёзма (назорат) иш. Талабалар назорат саволларига жавоб берадилар/тестларни ечадилар/ назорат топшириқларини бажарадилар. Уларнинг тўпламини тўғри тузиш муҳим ҳисобланади: улар режалаштирилаётган ўқув материални ўзлаштириш даражасига мос келишлиги керак ва уларни текширишни таъминлаши керак.

3. Маъруза ва амалий машғулотларда қўлланиладиган педагогик технологиялар

АҚЛИЙ ҲУЖУМ МЕТОДИ

Ақлий ҳужум (брейнстроминг-ақллар тўзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жамоавий юзага келтиришда қўлланиладиган метод.

❖Метод чэгараланган вақт оралиғи ичида аниқ муаммо (савол, масала)ни ечишнинг ноанъанавий йўллариини излаш бўйича ўқувчиларни ақлий фаолиятини йўналтиришга асосланган.

❖Ўқув машғулотигади ақлий ҳужум учун муаммони танлаш қуйидаги тамойиллар бўйича амалга оширилади:

- танланган муаммо назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиши ҳамда ўқувчиларда фаол қизиқиш уйғотиши керак;

- кўп ҳар хил маънодаги ечим вариантларига эга бўлиши керак.

Ўқитиш технологиясини ишлаб чиқишда ақлий ҳужум методи ўқув машғулотининг бир лавҳаси ёки бутун машғулотни ўтказиш асоси сифатида режалаштирилган бўлиши мумкин.

Ақлий ҳужум методининг технологик чизмаси 1-расмда келтирилган.



Ақлий хужум методининг технологик чизмаси

ИНСЕРТ ТЕХНИКАСИ

ИНСЕРТ (инглизча сўздан олинган бўлиб - **INSERT** – **I**nteraktive- интерфаол **N**oting – белгилаш **S**ystem - тизим **f**or-учун **E**ffective – самарали **R**eadings – ўқиш **a**nd- ва **T**hinking – фикрлаш деган маънони англатади).

1) Самарали ўқиш ва фикрлаш учун матнда белгилар қўйишнинг интерфаол тизими ҳисобланади.

Матнни белгилаш тизими:

(√) - менинг билганимни тасдиқловчи ахборот;

(+) –мен учун янги ахборот;

(–) - меннинг билганларимга, зид ахборот;

(?) - мени ўйлантириб қўйди. Бу бўйича менга қўшимча ахборот керак.

ПИНБОРД ТЕХНИКАСИ

Пинборд–(инглизчадан: *pin*- маҳкамлаш, *board* – ёзув тахтаси) – ўқувчиларни тизимли ва мантиқий фикр билдиришга ўргатадиган метод.

Пинборд техникаси:

1) муаммоли масалалар ва вазиятлар, ақлий хужум ва амалий ўқитиш методлари билан бирга жамоавий тарзда (гуруҳларда) муаммони ечиш вариантларини баҳолаш ҳамда улар ичидан энг яхшисини танлаш имконини беради;

2) ақлий хужум ва амалий ўқитиш методлари билан бирга жамоавий тарзда (гуруҳларда) тоифали шарҳ ўтказиш имконини беради.

Пинборд техникасининг технологик чизмаси

КЕЙС–СТАДИ МЕТОДИ

КЕЙС – (ингл. case – тўплам, аниқ вазият) – назарий билимларни амалий вазифаларни ечиш жараёнида қўллаш имконини берувчи *ўқитиш воситаси*.

Кейсда баён қилинган вазиятни ўрганиб ва таҳлил қилиб, ўқувчилар ўзининг келгусидаги касбий фаолиятида ўхшаш вазиятларда қўллаши мумкин бўлган тайёр ечимни олади.

Кейсда баён қилинган вазиятлар (касбий), амалий машғулотларда ечиладиган вазиятли масалалардан тубдан фарқ қилинади. Агар вазиятли масалаларда ҳар доим шарт (нима берилаган) ва талаб (нимани топиш керак) берилган бўлса, кейсда, қоидага кўра, бундай параметрлар мавжуд эмас.

Ўқувчига тақдим этилган ихтиёрий кейсда:

- кейснинг белгиланиши ва топширик/саволлар аниқ ифодаланган бўлиши керак;
- баён қилинган муаммоли вазиятни ечиш учун керакли ва етарли ҳажмда маълумотларни ўз ичига олиши керак
- кейсни ечиш учун *услубий кўрсатмалар* бўлиши керак.

Кейс–стади (ингл.case– тўплам, аниқ вазият, стади-ўқитиш)–амалий ўқитиш вазиятларметоди.

Кейс-стади - ўқитиш, ахборотлар, коммуникация ва бошқарувнинг қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва кейс-стадида баён қилинган амалий муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнида прогноз қилинадиган ўқув натижаларига кафолатли етишишни воситали тарзда таъминлайдиган бир тартибга келтирилган оптимал усуллари ва воситалари мажмуидан иборат бўлган ўқитиш технологиясидир.

Ушбу метод ўқувчиларни қуйидагиларга ундайди:

- муаммони шакллантиришга;
- амалий вазиятни таҳлил қилиш ва баҳолашга;
- муаммо ечимини энг мақбул вариантини танлашга.

Ўқув машғулотнинг ўқитиш технологиясини танлашни икки асосий далил белгилайди:

1. Кейснинг ҳажми (қисқа, ўртача миқдордаги, катта)
2. Ўқув топшириғини тақдим этиш усули:
 - саволли (саволлар кейсдан кейин келтирилади)
 - топшириқли (топшириқ кейс кириш қисмининг охирида келтирилади)

ЎҚУВ ЛОЙИХА МЕТОДИ

Ушбу методнинг моҳияти шундан иборатки, маълум муддат ичида (битта ўқув машғулот доирасидан 2-3 ой муддат ичида) таълим олувчи гуруҳли ёки якка тартибда берилган мавзу юзасидан лойиҳа топшириғини бажаради. Унинг вазифаси – муайян фойдаланувчига йўналтирилган янги маълумот олиш, белгиланган муддат ичида берилган у ёки бу муаммони илмий, техникавий ечимидан иборат.

Ўқув лойиҳаси тушунчаси:

- муайян истеъмолчига мўлжалланган, муаммоларни излаш, тадқиқ қилиш ва ечиш, натижани ноёб (моддий ёки интеллектуал) маҳсулот кўринишида расмийлаштиришга қаратилган. Талабларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил қилиш *усули*;

- назарий билимлар орқали амалий вазифаларни ечишга қаратилган ўқув *восита ва қуроллари*;

- ривожлантирувчи, таълим-тарбия ҳамда билимларни кенгайтириш, чуқурлаштириш ва малакаларни шакллантиришга қаратилган *дидактик восита*.

ГРАФИК ТАШКИЛ ЭТУВЧИЛАР

КЛАСТЕР (кластер-тутам, боғлам)-ахборот харитасини тузиш йўли- барча тузилманинг моҳиятини умумлаштириш ва аниқлаш учун қандайдир бирор асосий омил атрофида ғояларни йиғиш асосида аниқ бирор мазмунни келтириб чиқаради.

Билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига мавзу бўйича янги ўзаро боғланишли тасаввурларни эркин ва кенг жалб қилишда ёрдам беради.

Кластерни тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома

1. Катта қоғоз варағи марказида калит сўз ёки 1-2 сўздан иборат мавзу номини айлана ичига ёзинг.

2. Калит сўз билан бирлашдиган ён томонига кичкина ҳажмдаги айлана-“йўлдошча” ичига мавзу билан алоқадор сўз ёки сўз бирикмасини ёзинг. Уларни чизик билан “бош” сўзга боғланг.

3. Ушбу “йўлдошча”ларда “кичик йўлдошлар” ҳам бўлиши мумкин, улар ичига яна сўз ёки иборалар ёзиб ажратилган вақт тугагунга қадар ёки ғоялар тугамагунга қадар давом эттирилади.

«НИМА УЧУН?» СХЕМАСИ – муаммонинг дастлабки сабабини аниқлаш бўйича фикрлар занжири бўлиб, тизимли, ижодий, таҳлилий мушоҳада қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

«Нима учун?» схемасини тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома

Ўқув топширикда кўрсатилган муаммосабабини аниқлаш учун:


- 1) Муаммони ёзинг ва стрелка чизигини чиқариб «Нима учун?» сўроғини ёзинг.
- 2) Саволга жавоб ёзиб нима учун сўроғини такрор ёзиб бораверинг. Бу жараёни муаммонинг дастлабки сабаби аниқланмагунча давом эттиринг

«БАЛИҚ СКЕЛЕТИ» ЧИЗМАСИ – бир қатор муаммоларни тасвирлаш ва уни ечиш имконини беради. Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

“Балиқ скелети” схемасини тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома

Ўқув топширикда кўрсатилган муаммо майдонини тавсифлаш учун:

1. «Балиқ скелетини» чизинг:



2. «Суяк»нинг чап қисмида (ёки юқори суякда) муаммо ости муаммони ёзинг, ўнг қисмида (пастки суякда) – муаммо ости муаммони амалда мавжуд эканлигини тасдиқловчи далилларни ёзинг.

«ҚАНДАЙ?» ИЕРАРХИК ДИАГРАММАСИ - муаммо тўғрисида умумий тасаввурларни олишга, унинг ечимини топиш усул ва воситаларини топишга имкон берувчи мантикий саволлар занжиридан иборат.

Тизимли, ижодий, таҳлилий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиради.

«Қандай?» диаграммасини тузиш бўйича ўқув топшириғига

йўриқнома

«Қандай?» диаграммасини тузишдан аввал, сиз куйидагиларни билишингиз керак: кўп ҳолларда Сизга муаммолар ҳал этишда «Нима қилиш керак?» ҳақида ўйлашга ҳожат бўлмайди. Муаммо ечимини топиш учун асосан «Буни қандай қилиш керак?» кабилида бўлади. «Қандай?» - муаммони ҳал этишда асосий савол ҳисобланади.

1. Доира чизинг ва унинг ичига ечилиши лозим бўлган муаммони ёзинг.

2. Кетма-кет равишда «Қандай?» саволини кўйинг ва шу саволга жавоб беринг. Шу тартибда саволларни кетма-кет бериб бораверинг ва жавобларни ўйлаб ўтирмасдан, солиштирмасдан, баҳоламасдан, тез-тез ёзишда давом этинг.

Маслаҳат ва тавсиялар:

Янги ғояларни график кўринишда қайд этишни ўзингиз ҳал этинг: дарахт ёки каскад кўринишида, юқоридан пастга ёки чапдан ўнгга. Энг муҳими эсда тутинг: нисбатан кўп миқдордаги фойдали ғоялар ва муаммо ечимларини топишга имкон берадиган усул энг мақбул усул ҳисобланади.

Агарда сиз муаммони ечимини топиш учун тўғри саволлар берсангиз ва унинг ривожланиш йўналишини намоён бўлишида ишончни сақласангиз, диаграмма, сиз ҳар қандай муаммони амалий жиҳатдан ечимини топишингизни кафолатлайди.

«НИЛУФАР ГУЛИ» ЧИЗМАСИ - муаммони ҳал этиш воситаси. Ўзида нилуфар гули қиёфасини мужассам этган. Унинг асосини 9 та катта квадратлар ташкил этиб, уларнинг ҳар бири ўз навбатида тўққизта кичик квадратдан иборат.

Тизимли, ижодий, таҳлилий фикрлаш қўникмаларини шакллантиради.

«Нилуфар гули» схемасини тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома

Ўқув топшириқда кўрсатилган муаммони ҳал этиш воситаларини топиш учун:

1) Ўзида нилуфар гули қиёфасини мужассам этган схемани чизинг. Унинг асосини 9 та катта квадратлар ташкил этиб, уларнинг ҳар бири ўз навбатида тўққизта кичик квадратдан иборат;

		B			Z			C
					B	Z	C	
		D			D	A	F	
					G	H	Y	
		G				H		
							Y	

2) асосий муаммони марказий квадратнинг марказига ёзинг. Уни ҳал этиш ғояларини марказий квадрат атрофида жойлашган қолган саккизта квадратларга ёзинг;

3) ҳар бир ушбу саккизта ғояни марказий квадрат атрофида жойлашган саккизта катта квадрат марказига ўтказинг, бошқача айтганда, нилуфар гулидан унинг гул баргига ўтказинг. Шундай қилиб, улар ҳар бири, ўз навбатида, яна бир муаммо сифатида қаралади.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМГА ОИД ТОПШИРИҚЛАР

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМГА ОИД ТОПШИРИҚЛАР

1. “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” давлат дастуридан ўрин олган банк тизимидаги масалалар таҳлили ва уларнинг ижроси.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастуридан ўрин олган банк тизими олдидаги вазифалар хавфсизлигини таъминлашнинг устувор йўналишлар.

3. “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастуридан ўрин олган вазифаларни амалга оширишда тўлов тизими вазифалари

4. Инфляция жараёни ва тўлов тизимини бошқариш қонуниятлари.

5. Банклараро ҳисоб китоблар ва уларнинг ва тулов тизимидаги ўрни.

6. Банклараро муносабатларда ҳисоб-китоблар тизими

7. Ўзбекистон Республикасида банклараро муносабатларининг ташкил этилиши.

8. Вакиллик ҳисобрақамлари ва уларни очиш тартиби.

9. Вакиллик ҳисобрақамлари бўйича банклараро ҳисоб-китобларни ташкил этилиши.

10. Электрон тўлов тизими, унинг мазмуни ва тамойиллари.

11. Банк амалиетида банклараро ҳисоб китобларнинг асоси бўлган янги ҳисоб-китоб шакллари тадбиқ қилиш муаммолари.

12. Тўлов тизими ва халқаро ҳисоб-китоблардаги рискларни бошқариш усуллари.

13. Ўзбекистон Республикаси тўлов тизими ва унинг алоҳида бўғинларининг тавсифи ва ҳоказо.

14. Тўлов тизими орқали ўтадиган ҳисоб-китоблар хавфсизлигини таъминлаш масалалари.

15. Айрим тижорат банкларининг тўлов тизимлари

ГЛОССАРИЙЛАР

ГЛОССАРИЙЛАР

Атаманинг ўзбек тилида номланиши	Атаманинг инглиз тилида номланиши	Атаманинг рус тилида номланиши	Атаманинг маъноси
Пул муомаласи қонуни	Law of money circulation	Закон денежного обращения	бу-мамлакатда товар айирбошлаш учун хизмат қилувчи зарурий пул миқдорини белгиловчи, пул муомаласи ҳаракатини ўргатувчи ва барча пулларга таалукли қонундир.
Пул тизими	Monetary system	Денежная система	бу-давлат қонунлари асосида пул муомаласини ташкил қилиш шакли ҳисобланади.
Инфляция	Inflation	Инфляция	бу товар муомаласига нисбатан қоғоз пул массасининг ортиқчалигидир.
Монетар сиёсат	Monetary policy	Монетарная политика	бу-Макроиктисодий шароитларга таъсир кўрсатиш учун давлат томонидан ишлатиладиган инструмент.
Эмиссия-	Emission	Эмиссия	муомалага пул ёки қимматли қоғозларни чиқариш. Пул эмиссияси-бу муомаладаги пул массасини ортишига олиб келувчи пулларни чиқаришдир.
Пул массаси-	Money supply	Денежная масса	ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида товарлар ва хизматлар айланишини таъминлайдиган, хусусий шахслар, институционал мулкдорлар(корхоналар, бирламалар, ташкилотлар ва б.) ва давлат эгалик қиладиан нақд ва нақд пулсиз харид ҳамда тўлов воситалари мажмуидир.
Банк тизими -	Banking system	Банковская система	ягона маного эга эмас. Уни турли белгиларига қараб гуруҳлаш мумкин. Ўзбекистон Республикаси банк тизими икки поғонадан иборат. Биринчи поғона банки-Марказий банк, иккинчи поғона банклари тижорат банклари тизими.
Валюта операциялари	Currency operations	Валютные операции	чет эл валюталари ва валютавий қимматликларга мулк ҳуқуқини алмашиниши билан боғлиқ операциялари.
ЛИБОР	LIBOR	ЛИБОР	Лондондаги жаҳон ссуда капиталлари бозорида етакчи эркин алмашинадиган валюталар-АҚШ доллари, Германия маркаси, Япония иенаси, Буюк британия фунт стерлинги каби валюталардаги депозитларга тўланадиган фоиз ставкасидир.
Тўлов баланси	Payment balance	Платежный баланс	мамлакатнинг хорижий давлатлар билан бўладиган алоқалари натижасида юзага келадиган валюта тушумлари ва тўловларининг ҳақиқатдаги суммаси акс

			этирилади. Актив тўлов баланси - тўлов балансида тушумлар суммаси тўловлар суммасидан ортиқ бўлади.
Халқаро ҳисоб-китоблар	International settlements	Международные расёты	ташқи савдо, капиталлар ва кредитларнинг ҳаракати билан боғлиқ валютавий операциялар, валютада олди-сотди қилиш операциялари ва бошқа товарсиз ҳаракатдаги операциялар мажмуи тушунилади.
Ғоиз ставкаси	Interest rate	Процентная ставка	қарздор кишининг олган қарзи учун пул эгасига тўлайдиган тўловидир.
Банк активлари	Bank assets	Банковские активы	банк балансининг актив қисмида жойлашган моддаларининг сифат нуқтаи назаридан унинг умумий миқдоридаги улуши тушунилади.
Умумий заҳиралар	General reserves	Общие резервы	бундай заҳиралар кредит портфели учун ташкил этилади. Умумий заҳиралар кредит портфелига хос бўлган яширин таваккачиликдан ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилади. Улар одатда ссуда бўйича қарздорлик суммасига нисбатан ғоизда белгиланади.
Ностро ҳисобварағи	Nostro Account	Счета НОСТРО	бир банкнинг бошқа банкдаги ҳисобварағи.
Траст операциялари	Trust business	Трастовые операции	банк миждоз топшириғи билан маълум мулкни, пул, қимматли қоғозлар кўринишида сақлаш, ўтказиш ва бошқаришни ўз зиммасига олади.
Лизинг	Lleasing	Лизинг	томонлар ўртасидаги мулкый ва молиявий муносабатларни ташкил этувчи, асосий воситаларни узок муддатли ижара асосида сотилишидир.
Факторинг	Factoring	Факторинг	ҳисоб-китобларни ташкил этиш соҳасидаги янги хизмат тури бўлиб, миждознинг капитални кредитлаш билан шуғулланади.
Комиссион операциялар	Selling on commission	Комиссионные операций	банклар ўз маблағларини қўймасдан, ссуда бермасдан кўрсатиладиган, асосан тўлов топшириқномасини бажариш билан боғлиқ операциялар.
Депозит операциялари	Deposit operations	Депозитные операции	юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш билан боғлиқ операциялар.
Транзакцион депозитлар	Transactional deposits	Транзакционные депозиты	юридик шахсларнинг бўш пул маблағлари уларни маблағини талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит тури.
Банклараро кредит	The interbank	Межбанковский кредит	бошқа тижорат банкларидан олинган кредит.

	loan		
Вексел	Bill	Вексель	карз мажбурияти булиб, вексел берувчининг Ушбу векселини кўрсатилган муддатда такдим этганда, вексел ушловчига унинг номинал қийматини тўлаб бериш гувоҳини берувчи қимматли қоғозлар ва тўлов воситасидир.
Транзит комиссия битимлар	Transit and commission agreements	Транзитно-комиссионные соглашения	биржада иштирок этиш ҳукуқи берилган банкларнинг биржада иштирок этиш ҳукуқи берилмаган кредит институтлари номидан иштирок этиши.
Тўловга лаёқатлилиқ	Solvency	Платежеспособность	банк зарур муддатларда кредит-омонатчилар, банклар давлат олдидаги мажбуриятларини тўла суммада бажара олиш лаёқатини билдиради.
Ликвидлилиқ	Liquidity	Ликвидность	активларни пул маблағларига айлантиришнинг асосан амалга оширилишини, яъни банкнинг Марказий банк ёки вакил банклардаги нақд пул маблағларидан фойдаланиш ликвид активларни сотиш имконияти ва ҳоказоларни англатади.
Эмитент	Issuer	Эмитент	қимматли қоғозларни чиқарган ташкилот ҳисобланади.
Жамғармачи	Investor	Вкладчик	тижорат банкларига қўйилган пул маблағи жисмоний ва юридик шахслардир.
Риск	Risk	Риск	бу режалаштирилган вариантга нисбатан даромад ола олмаслик ёки зарар кўриш эҳтимоли.
Ноаниқлик	Uncertainty	Неопределенность	мўлжалланган лойиҳаларни, фаолиятни амалга ошириш шартлари ҳақида ҳамда улар билан боғлиқ бўлган харажатлар ва олинган натижадаги мавҳумийликдир.
Макро даражадаги иқтисодий риск	Macroeconomic risk	Макроэкономический риск	ташқи ва ички, олдиндан айтиб бўладиган ва айтиб бўлмайдиган мамлакат миқёсида юзага келувчи рисклар мажмуи ҳисобланади.
Мезо даражадаги иқтисодий риск	Risk at the meso level	Риск на мезо уровне	саноат, аграр ва хизмат кўрсатиш соҳаси юзага келиши мумкин бўлган рисклар мажмуи.
Микро даражадаги иқтисодий риск	The risk at the macro level	Риск на микроэкономическом уровне	саноат, фирманинг хўжалик фаолияти — тадбиркорлик ва инвестициялаш жараёнида юзага келувчи рисклар.
Кредит rischi	Credit risk	Кредитный риск	кредитларни қайтмаслиги натижасида зара кўриш хавфидир.
Ликвидлик rischi	Liquidity risk	Риск ликвидности	Тижорат банкларининг ликвидлигини пасайиши билан боғлиқ рисклардир.

Трансформация риски	Transformational risk	Трансформационный риск	банклар томонидан берилган кредитлар билан уларнинг манбаларининг муддати ўртасидаги номунофиқликнинг юзага келиши тушунилади.
Ҳисоб-китоб риски	Settlement risk	Расчетный риск	ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнида валюта курсларининг ўзгариши фоиз ставкаларининг ўзгариши билан боғлиқ.
Кредитга лаёқатлилиқ	Creditworthiness	Кредитоспособность	мижознинг банк ва банк кредиторлар олдида турган мажбуриятлари ни ўз вақтида қайтиришига тайёрлиги ва қодирлигидир.
Скоринг	Scoring	Скоринг	банк мијозларининг кредит тарихларига асосланган математик ёки статистик усул ҳисобланади.
Гаров	Collateral	Залог	кўчмас ва кўчар мулкларни кредит таъминоти сифатида қўйилиши.
Аккредитив	Accreditiv	Аккредитив	(лот. ассредо - ишонаман) – пул ҳисоб-китоб ҳужжати; банк мажбурияти. 1) томонлар ўртасида тузилган шартномага асосан амалга ошириладиган ҳисоб-китоб тури бўлиб, унга кўра қарз берувчи (кредитор) белгиланган муддатларда, келишилган шартлар асосида келишувда кўрсатилган банк орқали ўзига тегишли тўловларни олиб боради; 2) жамғарма банкининг аҳолига кўрсатиладиган хизмат турларидан бири; банк бўлимининг тегишли бир шахсга маълум миқдордаги сўмларга берадиган буйруғи, махсус бланк воситасида амалга оширилади.
Акцепт	Accept	Акцепт	(лат. ассептус – розилик берилган) – 1) пул, ҳисоб-китоб, товар ҳужжатларини ёки товар ҳақини тўлашга розилик бериш ёки тўлашга қафиллик; 2) таклиф этилган шартларда шартнома тузишга розилик. Акцепт етказиб берилган товарлар ички ва халқаро товар-пул муомаласида кўрсатиладиган хизмат учун ҳақ тўлаш шаклларида бири сифатида кенг қўлланилади; 3) вексель, чек ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар, шунингдек товар ҳужжатлари бўйича ҳисоб-китоб қилиш шакли.
Авизо	Advice	Авизо	(итал. ависо)- банк, тижорат амалиётида ҳисоб-китоб ҳаракатларининг бажарилганлиги тўғрисида расмий хабарнома. Бир контрагент томонидан иккинчисига жўнатилади. Авизо ёрдамида банклар ўз мијозларини ҳисоб

			варақалари бўйича кирим ва кредит қайдлари, ҳисоб варақасидаги қолдиқ маблағлар, пул ўтказмаларини тўлаш, чек талабномаси аккредитив очиш ва бошқа ҳаракатлар тўғрисида хабардор қилади. Товар жўнатувчи томонидан товарни қабул қилувчига товар жўнатилгани ҳақидаги хат ҳам авизо деб аталади.
Аудит	Audit	Аудит	хўжалик фаолиятини текшириш, тафтиш ва таҳлил қилиш.
Аудитор	Auditor	Аудитор	малака сертификатига эга бўлган жисмоний ёки юридик шахсдир
Бенефициар банк	beneficiary Bank	Банк бенефициар	бу тўлов операциясини якунловчи банк.
Давлат кредити-	State krediti	Государственный кредит	кредитнинг бу шаклининг асосий хусусияти кредит муносабатларида давлатнинг қатнашувидир. Давлат кредитида давлат бир томондан қарз берувчи ва иккинчи томондан қарз олувчи сифатида иштирок қилиши мумкин. Қарз берувчи вазифасини бажара туриб, давлат, давлат кредит институтлари, жумладан Марказий банк орқали иқтисоднинг ҳар хил соҳаларини кредитлашни ўз зимасига олади. Давлат кредитининг характерли хусусияти, давлат томонидан линган қарз маблағлари ишлаб чиқариш фондлари айланишида ёки моддий бойликлар яратишда иштирок қилмайди. Бу маблағлар давлат қарзларини қоплаш учун ишлатилади.
Овердрафт	Overdraft	Овердрафт	- контокоррент ҳисоб рақамининг махсус шакли ҳисобланади. Унинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, банк мижознинг асосий “талаб қилиб олинганча” депозит ҳисоб рақамида қисқа муддат мобайнида дебетли (қопланмаган) қолдиқ бўлишига рухсат беради. Овердрафт ҳисоб рақамидан фойдаланиш ҳуқуқи энг ишончли мижозларгагина берилади.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛЛАР ВА ИНТЕРНЕТ САЙТЛАР

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛЛАР ВА ИНТЕРНЕТ САЙТЛАР

Электрон журналлар

1. Articles. The role of the Central bank balance sheet in monetary policy.
2. Banking regulation. Its Purposes, Implementation and Effects. Fifth Edition. Kenneth Spong Division of Supervision and Risk Management. Federal Reserve Bank of Kansas City. 2000.
3. Gali, Jordi. Monetary Policy, Inflation, and the Business Cycle: An Introduction to the New Keynesian. Framework. Princeton, NJ: Princeton University Press, 2008.
4. International Banking and Liquidity Risk Transmission: Evidence from Germany. Cornelia Kerl, Cathérine Koch.
5. Introduction to banking. Barbara Casu Claudia Girardone Philip Molyneux. Pearson Education Limited. First published 2006.
6. Journal of Economic Behavior & Organization Vol. 61 (2006) 525–542 Systemic risk on the interbank market Giulia Ioria,*, Saqib Jafareya, Francisco G. Padillab
7. Lecture notes for money and banking. Matthew Chambers. 8/17/2005.
8. Lucas, Robert, and Thomas Sargent. Rational Expectations and Econometric Practice. Minneapolis:University of Minnesota Press, 1981.
9. Risk Management in Banking. Alina Mihaela Dima, Ivona Orzea. AcademyPublish.org – Risk Assessment and Management.
10. Scheffrin, Steven. Rational Expectations. New York: Cambridge University Press, 1996. Saylor URL: <http://www.saylor.org/books>. Creative Commons Attribution-Non Commercial-ShareAlike 3.0 License.
11. The Mystery of banking. Murray N. Rothbard. Second edition. Ludwig von Mises Institute Auburn, Alabama. Copyright © 2008 by the Ludwig von Mises Institute.
12. Арзуманян С.Ю. «Банковские риски» Учебное пособие./ - Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2007г. - 200 с
13. Уэрта де Сото Хесус. Деньги, банковский кредит и экономические циклы. Пер. с англ. – Челябинск: Социум, 2008. – 663 с.
14. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. Илмий-электрон журнал. www.iqtisodiyot.uz
15. Экономическое обозрение. www.cer.uz

Интернет сайтлар

1. www.study.com
2. www.cbu.uz.
3. www.bank.ru.
4. www.bankir.uz
5. www.free-management-ebooks.com

**И. Тоймухамедов.
У.Эльбусинова.**

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизими

Фани бўйича ўқув-услубий мажмуа

Маъруза машғулоти учун

Тошкент: Иқтисодиёт, 2018 йил, 181 бет.